



**ҒАФУР ГУЛОМ НОМИДАҒИ
АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ НАШРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1976**

УИФУН

АСАРЛАР

ОЛТИ ТОМЛИК

УЎҚУН

АСАРЛАР

УЧИНЧИ ТОМ

ПОЭМАЛАР

БАЛЛАДАЛАР

ПЬЕСАЛАР

Уз
У—30

Уйғун.


Асарлар. 6 томлик. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
3-т. Поэмалар, балладалар, пьесалар. 1976. 552 б.

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза мукофоти лауреати Уйғун «Асарлар»и
нашри давом этмоқда. Олти томликнинг 3-томига поэмалар, балладалар,
пьесалар киритилди.

Уйғун. Собрание сочинений. В 6-ти т. Т. 3. Поэмы, баллады,
пессы.

Уз2

У $\frac{70403-48}{352(06)}$ 112—76



ПОЭМА ВА БАЛЛАДАЛАР

МИРЗА ҲАМДАМ

I

Саратоннинг қайноқ кунлари,
Бурқирайди йўллардаги чанг.
Чанқов тушда йўлда бир йигит
Келар эди ёлғиз, хаёлчанг.

Пастдан тупроқ, тепадан қуёш
Ёндирадди бош-оёғини...
Усти боши чиппа тер бўлган,
Чанг босганди ҳамма ёғини.

Қадам ташлар ғариб йўловчи,
Манзил узоқ — йўлларда хатар.
Қора замон — раҳмсиз овчи,
У, домига тушган кабутар.

Қора замон уни ҳам бўғар,
Ҳам аврайди қуръон номидан.
Талпинади хаста кабутар,
Қутулай деб унинг домидан...

Йўл босади ғариб йўловчи,
Кўкрагига солинган боши.
Елкасида тўрва, қўлида таёқ,
Милтирайди кўзида ёши.

У келади дам олмай сира,
Йўлларида ҳисобсиз довон.

Турмуш довонидан оша-оша,
Тилим-тилим ёрилган товон...

Йўл-йўлакай ўйлайди Ҳамдам:
«Нима кўрди, бу ғариб бошим?
Ёшлигимдан бери бахт ахтариб,
Кўча-кўйда тўкилди ёшим...

Утиб кетди дод деб болалик,
Севинчлардан, роҳатдан узоқ.
Катта бўпман... юксалай десам,
Ёвлар кўйди йўлимга тузоқ...»

Мирза Ҳамдам, бир нафас бўлсин,
Қорнинг тўйиб овқат едингми?
Эшитганинг ҳақорат бўлди,
Шунча бахти қаро эдингми?!

Сен ишладинг кечаю кундуз,
Роҳатини кўрди бошқалар.
Ҳақ сўрасанг бошингда қамчи,
Хўжайинлар ит бўлиб талар...

Ҳасратинг кўп, ғинг деёлмайсан,
Ўткир қилич сенинг бўйнингда...
Шу ёшга кирибсан, эркалаб ёр,
Тўлганмайди, ҳали қўйнингда...

Ота ўлди. Она кўмилди,
Сингил қолди сочини юлиб.
Биласанми Ҳамдам, бахт деган нарса
Боққанмиди бир йўла кулиб?..

Дарбадарман кўча-кўйларда,
Йўл босаман, тугамайди йўл.
Тугамайди ғаму ғуссалар,
Кимга айтай, ҳасратларим мўл.

Укалар ҳам кетдилар тентиб,
Балки қайтиб кўра олмасман...
Тентиб юриб ўлиб кетарлар...
Балки мен ҳам тирик қолмасман...

Анча бўлди бу ҳодисага,
Ўтар эди ўн олтинчи йил.
Мирза Ҳамдам, жуда хор эдинг,
Ҳасрат билан тўла эди дил.

II

Энди тамом бошқасан. Ҳозир,
Қайғу нима билмайсан сира.
Ўтиб кетган қора замонлар,
Фақат қолган аччиқ хотира.

Ўтганларни унутолмайсан,
Хотирангнинг жилвалари кўп.
Ҳар хотира қулоқ сол дейди,
Олтин миянг жавоб берар:— хўп.

Ўтмишдаги азоб изларин,
Ҳамон сақлар қуралай кўзинг.
Эслай-эслай хотираларни,
Натижага келасан ўзинг:

— Ўтиб кетар экан барчаси,
Қолар экан ёлғиз хотира.
Ё йиғлатган, ё кулдирган он
Чиқмас экан хотирдан сира...

Ўтган ўтиб кетди. Майлига,
Келиб етган саодатли дам.
Тирик қолдинг, бахтинг бор экан,
Шунисига хурсанд бўл, Ҳамдам!

Ўлган бўлсанг ўша чоқларда,
Кетар эдинг ному нишонсиз.
Ўтар эдинг дунёдан шундай,
Якка кўйи, шарафсиз, шонсиз.

Шунисига хурсанд бўл, Ҳамдам!
Бахтиёр кунларга эришдинг.
Саодатли кишилар билан,
Бахт гулини бирга теришдинг.

Сен буюк, шарафли ўлканинг
Граждани бўлдинг, қандай бахт!
Барқ уради шарафинг, шонинг,
Кемтигинг йўқ — хоҳлаганинг нақд.

Ховли-жойинг, боғинг, гулзоринг,
Бола-чақанг, гўзал ёринг бор.
«Мен колхозда аъзоман» деган,
Жуда юксак ифтихоринг бор.

Энди сенинг кўкрагинг баланд,
Тубанларга эгилмас бошинг.
Дарбадар, йўлларни кезмайсан,
Кўча-кўйда тўкилмас ёшинг.

III

Ёз фаслининг илиқ бир туни,
Кўкда силжир ўн беш кунлик ой.
Чарақлайди сонсиз юлдузлар,
Жим оқади кумуш каби сой.

Тун ғоятда гўзал, шабада,
Ўзида йўқ қувониб ўйнар,
Гўзаларнинг баргидан ўпиб,
Чечакларга ишқини сўйлар...

Жўякларда жилдирайди сув,
Нур ичида ётар пахтазор.
Кумуш каби сувда ой нури,
Жилваланар, ярқирар, ёнар...

Кетмонига суяниб туриб,
Гўзаларга тикилар Ҳамдам.
Сув ичади гўзалар қониб,
Япроқларда ялтирар шабнам...

Шу он унинг кўнглидан ўтар,
Берилажак юз ўн центнер,
Ширин хаёл, табассум билан,
«Яхши бўлар бера олсам...» дер.

Ажаб эмас бермоқчи бўлса,
Гектаридан юз ўн центнер.
Гулламасдан қолган эмас ҳеч,
Ҳамдамжоннинг қўли теккан ер.

Яхши кўрар пахтазорини,
Кўп вақтини ўтказар шунда,
Колхозига, ғўзаларига,
Битмайдиган севги бор унда.

Ғўза, унинг яхши кўргани,
Ғўза, унинг севинчи, ори.
Ғўза, унинг юрак шеъридир.
Ғўза, унинг давлати, бори.

Бутун ҳунарини, бутун меҳрини,
Бутун санъатини ғўзага берар.
Қайта-қайта ишлаб ерини,
Меҳнатини аямай тўкар.

Мирза Ҳамдам ҳар туп ғўзани,
Алоҳида парвариш қилар.
Ҳар бир кўсак унга таниш, у —
Сувнинг, ернинг «тилини» билар.

Уни ҳеч ким сўкмас ишла деб,
Уни ҳеч ким мажбур қилмайди.
Кеча-кундуз ишласа ҳам, у
Чарчашликни сира билмайди.

Ўз касбига санъат деб қараб,
Ҳавас билан, завқ билан ишлар.
Меҳнатини шараф деб билиб,
Кўнгил билан, шавқ билан ишлар.

У, қул эмас ёки мардикор,
У обрўлик, озод, ҳур киши.
У ижодчи, у бир санъаткор,
Қимматбаҳо санъатдир иши.

Кетмонига суяниб туриб,
Ғўзаларга тикилар Ҳамдам.

Сув ичади ғўзалар қониб,
Япроқларда ялтирар шабнам.

Қувонтирар ғўзанинг ранги,
Қувват берар қора кўзига.
Ишонмасдан бахтига гоҳи,
Ҳайрон бўлиб қарар ўзига.

Ким эди у, ким бўлди ҳозир?
Кимсан Мирза Ҳамдам... донги зўр,
Келажаги ойнадай равшан,
Энди ҳеч вақт бўлмаёжак хўр!

Миясида баҳор қушларидай,
Гала-гала севинчлар кезар.
Ширин хотиралар, шарафлар,
Хаёлини кулдиран, безар.

IV

Утган йили нималар бўлди?
Мажлисларда мақташди қат-қат.
Кўз-кўз қилди бутун дунёга,
Бошига кўтарди мамлакат.

Табрик келди Кавказ тоғидан,
Табрик келди Москва шаҳридан.
Табрик келди Сибирь ёғидан,
Табрик келди Нева наҳридан.

Суратини чизди рассомлар,
Унутилмас ҳодиса бўлди.
Мадҳиялар ёзди шоирлар,
Юраклари севинчга тўлди.

Барчанинг оғзида Мирза Ҳамдам,
Газетада мақташди минг бор.
Ажабо, шу қадар кўтарилдим,
Бир замонлар йиғлаган зор-зор?

Мукофот деб сигир бердилар,
Уй бердилар, мутлақо янги.

Шон бердилар, обрў бердилар,
Гул рангидай қизарди ранги.

Гўё у, дунёга янги келди,
Дунё унга байрам қиларди.
Шундай, у янгидан тугилди,
Бахт унинг бошини силарди.

V

Эсида бор катта мажлисдан
Қайтиб келиб, йиғлади уйда.
Бу, буюк шодликнинг изоҳи,
Ифодаси эди. Шу кўйда —

Ўйлаб кетди ўз ҳаётини,
Эсга тушди ўтган кунлари.
Эсга тушди ота-оналари,
Азоб чеккан қора тунлари...

Ҳозир улар бўлса қутларди,
Бу гўзал ҳаётга берилиб.
Афсус, улар ўлиб кетганлар,
Қачонлар тупроққа қорилиб...

Мирза Ҳамдам тушунолмади,
Тушимми бу? Унгимми?— дейди.
Терисига сигмай, мукофотга
Колхоз берган чопонни кийди.

— Морак бўлсин,— деди хотини,
— Қуллуқ,— деди илжайиб Ҳамдам.
Болаларнинг оғзи қулоғида...
Хотиридан чиқмас ўшал дам.

Ҳовлисида сигир маърайди,
Кассага қўйилди ақчаси.
Кўз олдига келар янги уй,
Томорқаси, гўзал боқчаси...

Тоза ҳайрон, ақли етмайди,
Шошиб-пишиб ҳадеб ўйлайди,

Боса олмай ҳаяжонини,
Хотинига қараб сўйлайди:

— «Нима қилдик ахир? Ниҳоят
Меҳнат қилдик, ерга тўқдик тер,
Чин кўнгилдан ишладик, бердик
Гектаридан олтмиш центнер.

Шу учун шу қадар ҳурматми?
Шу учун шу қадар мартаба?
Бу ҳурматга арзир жонингни
Фидо қилсанг миллион мартаба!

Бизнинг мамлакатда меҳнат шунча
Тақдирга сазовор эканми?
Ҳаёт шунча ширин, одам шунча азиз,
Шунчалар бахтиёр эканми?..»

Ҳаяжони зўр эди гоят,
Нега уни мажнун этмади?
Қандай чидаш берди юраги?
Нимага ёрилиб кетмади?

Завқ ва енгил табассум билан
Эслаб чиқди буларни Ҳамдам...
Осмонда ой. Сойда кумуш сув,
Юракка ишқ солувчи бир дам...

VI

Жўякларга кўз солиб чиқар,
Сув ичади гўзалар қониб.
Кўкда сонсиз-саноқсиз юлдуз,
Жимиллайди, чарақлар ёниб...

Уйга томон йўл олар секин
Пахталарни суғориб бўлиб.
Атрофига шўх назар ташлар,
Кўкка қарар ҳавасга тўлиб.

Назарида оппоқ ой гўё
Лўппи бўлиб очилган гўза.

Юлдузлар-чи, олтин кўсақлар...
Ел югурар Ҳамдамдан ўза.

Назарида ҳар нарса қувноқ,
Ҳар бир нарса кулиб тургандай,
Кенг дунёнинг барча севинчи
Атрофида кезиб юргандай...

1936 йил, 1 январь

1937 йил, сентябрь

ШОИР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Пушкинга

Босиб ётди Россия кўксин
Икки бошли бургут сояси.
Халқнинг қони билан бўялди
Подшонинг зинапояси.

Мудҳиш овоз таралиб ётди
Черковларнинг қўнғироғидан.
Қул мужикнинг қадди букилди
Зулмлардан, жафо тоғидан.

Бўлди чора сармоя: зўрлик,
Сургун, кишан, қилич, тилла, дор.
Тул хотинлар, етим гўдаклар
Уқубатдан йиғларди зор-зор.

Шунда унинг оташин шеъри
Қалтиратди чорнинг тахтини.
Умид билан ахтарди шоир
Сургунларда халқнинг бахтини.

Шоир ўз қалбига нур олди
Ҳақиқатнинг ҳур қуёшидан.
Шоир ўз шеърини суғорди
Қул мужикнинг тўккан ёшидан.

Шунинг учун юракка яқин,
Шунинг учун порлар умрбод.

Шуниги учун баҳосиз шеър,
Азал-абад этилажак ёд.

У, мислсиз буёқ шоирнинг
Нималар ўтмади бошидан.
Чил-чил бўлиб парчаланди дил,
Киборларнинг таъна тошидан.

Қалтиратди шоир қалбини:
Гул жанубда қуллар чеккан оҳ,
Оёғини кишан қийганлар,
Ҳарамларда ҳалок бўлган моҳ.
Фисқу фасод, гийбат, бўҳтон, фаҳш,
Қулоқларни қар қилган фиғон,
Қамчи товуши, кишан овози,
Дарё-дарё бўлиб оққан қон.
Қонли дорга осилган дўстлар,
Қўр жаҳолат, тубанлик, зулмат,
Қисилган дил, бўғилган рубоб,
Таҳқирланган номус, муҳаббат.

II

Гул жанубнинг ойдин кечаси,
Аста келди денгиз ёнига.
Қалбида ўч, ғазаб ва ҳасрат,
Ташна бўлиб кетган қонига.

Тун чиройли. Сайр этар шоир,
Қўзлар ўйчан, сочлар жингалак.
Шамсиядек турар бошида,
Юлдузлар-ла безалган фалак.

Унг қўлини қўйган кўксига,
Қараб турди тикка соҳилдан.
Шовилларди тубанда денгиз,
Мафтун этиб шоирни дилдан:

Қирғоқларга урилиб денгиз,
Ғазаб билан исён этарди. 3960
Тўқинларнинг кучли наъраси,
Юлдузларга қадар, этарди. . .

Денгиз дерди: — қирғоқ йиқилсин,
Тўлқинларим ўйнасин озод,
Кишанлардан холи ва масъуд
Замонларни айлар эди ёд.

Аммо ҳиссиз, раҳмсиз қирғоқ
Сақлар эди гўр хунуклигин.
Тўлқинларни босиб бағрига
Мағрур денгиз ингради секин.

Тўлқинларга кўз тиккан, сокит,
Асл мия хаёл билан банд.
Эшитганда денгиз наърасин,
Топди шоир, қалбига монанд.

У — денгизди. Қирғоқ — замона,
Қон ҳидига кўмилган тузум, —
Адолатсиз, шафқатсиз, ҳиссиз,
Кўз ёшига чўмилган тузум.

Қанот қоқди илҳом париси,
Денгиз каби чайқалди кўнгил.
Тўлқин каби ўйнади шеър,
Ғазабини ёзиб солди дил:
Ҳақоратга, зулмга, қонга,
Кишанларга, қамчига, дорга,
Бўхтонларга, фиқу фасодга,
Киборларга, олчоққа, чорга,
Замонага — қонли тузумга,
Зўрга қарши кўтарди исён,
Бу наъралар йиллардан оша,
Денгиз каби шовиллар ҳамон.

III

Ўз даврида ҳақоратланган,
Меҳру шафқат кўрмаган азал,
Энди топди ошносини,
Баҳоси йўқ у, олтин ғазал.

Санъатни чин севган ўлкада,
Туғилди у букун янгидан,

Тозаланди асл мисралар,
Замонанинг қора чангидан.

Бу туғилиш мангу туғилиш,
Энди унга ўлим йўқ сира.
Шоир битган гўзал шеърлар
Қаршисида қуёшлар хира.

Унинг шеъри мисоли олтин:
Очилади ўқиган сайин.
Унинг шеъри қиличдан ўткир,
Чақмоқдан тез, ипакдан майин.

Бу ижодга ўлим йўқ асло,
У яшайди моддадай мангу.
У олтиндир, ўқиган сайин
Очилади янгидан-янги.

Февраль, 1937 йил

ФАШИСТНИНГ УЛИГИ

Уқи тегиб ботир жангчининг,
Сўлақмондай бир фашист ўлди.
Тўпланишиб қолган-қутгани
Бу ўликни кўмакчи бўлди.

Гўристонга олиб бордилар,
Оёғидан судрашиб аранг.
Куйиб-пишиб ковадилар гўр,
Ер ёрилмас, ўлгудай заранг.
Шошиб-пишиб, ирим-сиримни
Бир амаллаб этдилар адо.
Бироқ қўяр-қўймас ўликни
Гўрдан чиқди чинқирган садо:
«— Йўқот! Бундан ҳазар қиламан!
Булғамасин бағримни, йўқот!
Бундай итга менда ўрин йўқ,
Йўқот нари! Жаҳаннамга от!»—
Деб, ўликни иргитди сиртга,
Ғазабларга тўлиб кетган гўр.
Бу ҳолатдан қўрққан фашистлар
Узларига келдилар базўр.

Чор-ночор ўликни яна
Оёғидан судраб кетдилар,
Гуллар билан қопланган, гўзал
Қир бағрига бориб етдилар.
Аммо сезиб шу он ўликни,

Ғазаб билан тилга кирди қир:
«— Оёқ босма, гўзал бағримга!
Йўқол, ҳамманг, қаро ерга кир!
Бу мурдорни олиб бор нари,
Мени бадбахт қилмасин, эвоҳ!
Бу касофат қўйилган ердан
Униб чиқмас умрбод гиёҳ!»—
Деди-да, қир қаттиқ тебранди,
Ларза тушди муттаҳамларга.
Лаънатланган бир гала фашист
Тажанг бўлиб, тўлиб ғамларга,
Ниманидир кенгаш қилдилар,
Чулдирлашиб, кўмиш бобида.
Сўнг кетдилар ўрмонга қараб,
Ҳаллослашиб ит азобида.

Етиб келиб ўрмон ичига,
Энди қадам қўйишган замон,
Фалокатли мурдани пайқаб,
Ғазаб билан бақирди ўрмон:
«— Йўқот буни, кўмилса агар
Оғочларим қуриб кетади.
Ўзи эмас, туки гушса ҳам
Тупроқларим чириб кетади!»—
Деб, ўрмон зўр оғочлар билан
Фашистларни савалай кетди.
Раббимсан, деб, қочганча улар
Тоғ бағрига бир замон етди.

Тоғ буларни кўрган ҳамона
Қалби чексиз ўч билан тўлиб,
Олов сочиб вулқонларидан,
Наъра тортди дарғазаб бўлиб:
«— Йўқот, буни олиб келишдан
Гул бағримни булғаш ғаразинг.
Еткизмасин кўксимга иллат
Бу қулғунанг, ифлос маразинг!»—
Деди-да, тоғ тубанга қарай
Думалатди минглаб тошини,
Эси чиқиб кетган фашистлар
Олиб қочди зўрға бошини.

Чулдирашиб, елка қиспишиб,
Бу ҳолатдан ҳайрон бўлдилар.
Сўлақмондай ўликни ҳарён
Судрай бериб чарчаб ўлдилар.
Бари тажанг, ўйлаб кетдилар
Шапкасини ерга қўйишиб.
Бир оз ўтмай ора бузилди,
Сўкишдилар роса тўйишиб.
Бири деди:—«кўп жонга тегди,
Бўлди энди ташлаб кетамиз!»
Бири деди: — «бу виждонсизлик
Фюрерга не жавоб этамиз?»
Энди навбат ёқа бўғишиб,
Муштлашишга етган чоғида,
Бири деди: — «шошманглар, ўлик
Тинч ётади сув қучоғида!»
Бу маслаҳат ҳаммага ёқди
Ора кириб бир оз жонига.
Энг охирги умид билан тез
Келишдилар дарё ёнига.
Ғазаб билан чайқалди дарё,
Қирғоқлардан тошиб чиқди сув:
«— Йўламасин ёнимга муртад,
Бор, тўлқиним, касофатни қув!
Йўқот нари, битган-тургани
Заҳар-заққум, келтирма зинҳор!
Ташласа, сўнг сувимдан ичиб,
Заҳарланар барча жонивор!»—
Деди-да, сув кўпириб, тошиб,
Фашистларга кўп даҳшат солди.
Улар, номард қочмаган дея
Тирақайлаб қочишиб қолди.

Ўлик эса ит ўлигидай
Қола берди бекафан, бегўр.
Қола берди қовжираб кунда,
Қола берди сасиб, бўлиб хўр.

Февраль, 1943 йил

ҚАСОС

I

Гўзал Украинада
Битта қишлоқ бор эди.
Бир ёни сой, бир ёни
Қалин ўрмонзор эди.

Сойда аста буралиб,
Кумуш сув оқар эди.
Ўрмоннинг соф ҳавоси
Кишига ёқар эди.

Бу ерларда ёз куни
Қушчалар сайрар эди.
Гул очилиб ҳар ёнида.
Болалар яйрар эди.

Бу қишлоқдан чегара
Кўриниб турар эди.
Даласида чўпонлар
Қўй боқиб юрар эди.

Қишлоқнинг бир четида
Колялар яшар эди,
Оиласи колхозда
Аъло ишлашар эди.

Коля синглиси билан
Мактабда ўқир эди.

Бўш бўлганда хивичдан
Саватча тўқир эди.

Урмонга кириб гоҳи
Капалак қувар эди.
Терласа, сойга тушиб
Юзини ювар эди.

Гоҳи қўлда саватча,
Маймунжон терар эди.
Севишиб, синглисига
Келтириб берар эди.

Утар эди соз кунлар
Хушчақчақ, ҳаловатда,
Утар эди ўқиш, иш,
Уйин, кулги, роҳатда.

II

Июннинг бир саҳари
Ухлар эди тинч қишлоқ.
Тўлган ойнинг нурига
Чўмиб ётарди ҳар ёқ.

Коля ширин уйқуда
Соз тушлар кўрар эди.
Тушида синглисини
Гулларга ўрар эди.

Бирдан жимлик бузилди,
Бошланди шовқин-сурон.
Кўк бағри гувилларди
Гўё эсарди бўрон.

Гўё гулдураб осмон,
Чақмоқлар чақар эди.
Кимдир ўрмон ичида
Эўр олов ёқар эди.

Чанг бурқираб, хоналар
Гурсиллаб йиқиларди.

Даҳшат ичра Колянинг
Нафаси текиларди.

Олов, тутун, чапг, фарёд,
Қоплаб олди ҳар ёқни.
Йиғи, қий-чув, тўполон
Босди бутун қишлоқни.

Тонг отиб, кейин билса,
Бошланган экан уруш.
Қонхўр, ёвуз фашистлар
Юртга қилибди юриш.

Қўқдан ёғдириб бомба
Самолётлар ўтибди.
Бир кечада қишлоқни
Вайрон қилиб кетибди.

Боғлар, уйлар ёнмоқда
Олов сочиб ҳар ёнга.
Ерда ётар ўликлар
Беланиб қора қонга.

Қўп ҳам ўтмай қишлоққа
Етиб келди касофат,
Етиб келди одамхўр,
Фашист деган фалокат.

Етиб келди аждаҳо,
Ҳар томонга ўт сочиб.
Етиб келди ялмоғиз
Қонли оғзини очиб.

Етиб келиб ёвузлар
Одамларни осдилар.
Гўдакларга раҳм этмай,
Кўкрагидан босдилар.

Қурбон, ўлжа ахтариб,
Ҳар томонни кездилар.
Қилич билан бош кесиб,
Танклар билан эздилар.

Буларнинг орасида
Бир офицер бор эди.
Бўйи новча, бадқовоқ,
Жуда ҳам хунхор эди.

Уша отди отасин,
Онасини остирди.
Сингласини тириклай,
Девдай танкда бостирди.

Буни кўриб Колянинг
Ақли учди бошидан.
Кўйлаклари ҳўл бўлди
Кўздан оққан ёшидан.

Новча фашист уни ҳам
Ўлдирай, деб отди ўқ.
Аммо нима бўлди-ю,
Отган ўқи теккан йўқ.

Фашист яна ўқ узди,
Белай, деб уни қонга.
Аммо Коля тутқизмай,
Қочиб кетди ўрмонга.

III

Шундай қилиб қишлоқни
Евлар хароб этишди.
Ўлжа, қурбон ахтариб,
Яна нари кетишди.

Қолди ерда ўликлар,
Топталган, янчилган гул.
Боғлар, уйлар ўрнида
Қолди тепа, қолди кул.

Энди куйган ўрмонда
Қушчалар сайрамасди.
Энди гуллар теришиб,
Болалар яйрамасди.

Сойнинг тиниқ сувлари
Қон қўшилиб, қизарди.
Бу манзара Колянинг
Юрагини эзарди...

Аста-аста ундаги
Қўрқув-даҳшат йўқолди.
Қўрқув ўрнини мардлик,
Ғазаб ва қасос олди.

У ўйлади: «Наҳотки,
Ота-онам ўлдилар?
Наҳотки, ёв дастидан
Чечакларим сўлдилар?»

Наҳотки, севган синглим
Мажақланди беомон?
Наҳотки, ёв беаёв
Отар, ёндираб ҳамон?»

Мен у новча фашистни
Ахтараман, топаман.
Уни етган еримда
Отаман ё чопаман».

Шу сўзларни айтди-ю.
Коля ўрнидан турди.
Бирор қурол топай деб,
Қишлоқ томон югурди.

Етиб келиб қишлоққа,
Ахтара кетди дарҳол.
Ва ниҳоят топилди,
Коля ахтарган қурол.

У бир ўлган фашистнинг
Тўппончасини олди.
Эҳтиёт билан уни
Аста қўйнига солди.

Новча фашистни излаб,
Ўтди куйган боғлардан.

Ўтди хароб қишлоқлар,
Ўрмонлар ва тоғлардан.

Тўхтамади, йўл босди,
Душманининг қасдида.
Ўқ солинган тўппонча
Тайёр эди дастида.

Ниҳоят бир ўрмонда
Новча фашист келди дуч.
Коля дарахт ортидан
Қўлларига йиғиб куч.

Пойлаб пешанасидан,
Унга қараб ўқ отди.
Новча фашист шу замон
Қора қонига ботди.

Коля деди: «Бу, синглим
Ва онамнинг қасоси.
Бу дўстларим, қушларим
Ва отамнинг қасоси!

Энди қолган ёвларни
Белагайман қонига».
Сўнгра Коля йўл олди,
Партизанлар ёнига.

1944 йил

ЕЛҒОНЧИНИНГ ЖАЗОСИ

(Халқ әртаги)

Қадим ұтган замонда,
Каттақұрғон томонда,
Бир очкўз бой бор әди,
Феъли жуда тор әди.
Елғончи ҳийлакор бой —
Доғули, хасис Холвой,
Ҳаммага бериб озор,
Кўпларни йиғлатиб зор,
Яшарди, тегиб жонга.
Ишонмасдан чўпонга,
Узи боқарди қўйни,
Кўп йўгон әди бўйни.
Қорни кажава каби.
Қалин ва тиртиқ лаби.
Носдан қорайган тиши.
Фитнаю иғво иши...

Бир кун тонгга яқинроқ,
Хавфсиз, жим әди ҳар ёқ.
Кўздан уйқу йўқолди,
Холвой зерикиб қолди.
Шунда ётиб ўйланди,
Уз-ўзича сўйланди:
Бекор ўтмасин дамлар,
Лақилласин одамлар.
Қизиқчилик қилайин,
Халойиқни билайин,
Келармикин чақирсам,

Ёлғондакам бақирсам.
 Бу фикр жуда ёқиб,
 Холвой атрофга боқиб:
 — «Дод, келинлар, келинлар!
 Югуринлар, елинглар!
 Қўйимга тегди бўри,
 Қўйнинг қуриди шўри!»—
 Деб, ёлғондан бақирди.
 Одамларни чақирди.
 Эшитиб унинг додин,
 Аччиқ-аччиқ фарёдин,
 Қишлоқдаги бор одам,
 Утказмайин сира дам,
 Уйқудан ирғиб турди,
 Ёрдам учун югурди.
 Қўлга таёқ олишиб,
 Чопиб, чарчаб-толишиб,
 Етиб келиб кўрсалар,
 Воқеани сўрсалар,
 Ҳаммаси бекор экан,
 Холвой ҳийлакор экан.
 Алданганларин билиб,
 Тоза ҳам алам қилиб,
 Одамлар хафа бўлди,
 Ҳамда ғазабга тўлди.
 Бойни роса сўкдилар,
 Обрўсини тўкдилар.
 Сўнг тарқалиб кетишди,
 Уйларига етишди.
 Яна бир кун кечаси,
 (Билмам ойнинг нечаси).
 Бўрилар увиллашди,
 Атрофдан чувиллашди.
 Итлар қўрқиб ҳурдилар,
 Қўйлар ҳуркиб турдилар.
 Аммо ҳаял ўтмасдан,
 Биқиниб келиб пастдан,
 Бўрилар ҳамла қилди,
 Холвой аҳволни билди:
 — «Дод, келинлар келинлар!
 Югуринлар, елинглар!
 Қўйимга тегди бўри.
 Қўйнинг қуриди шўри!»—

Деб дод солиб бақирди,
Одамларни чақирди.
Лекин энди бу сафар,
Ердам учун бир нафар
Одам бўлсин келмади,
Холвой сари елмади.
Шунда Холвой йиғлади,
Юрагини тиглади.
Деди: «Қолдим балога,
Кўп оғир можарога.
Ким бор? Ким? Бу офатга
Айтинг, бу касофатга
Қандай чора кўрилар?»
Аmmo ёвуз бўрилар,
Эркин сезиб ўзини,
Гоҳ қўйни, гоҳ қўзини
Бўғиб, тишлаб, қайриб,
Бошин тандан айириб,
Қирон сола кетдилар
Тоза расво этдилар.
Ҳатто бойнинг ўзини,
Бақрайтириб кўзини,
Еб қўйишга сал қолди.
Холвойга даҳшат солди,
Шундай қилиб шу кеча.
(Аниқ билмадим неча),
Қирилди бирталай қўй.
Бўриларга бўлди «тўй».
Ерда қолди қизил қон.
Қолди ёлғончи, нодон,
Ерга эгиб бошини,
Оқизиб кўз ёшини.

Одамлар бу аҳволни
Бойда юз берган ҳолни
Эртасига билдилар.
Унга таъна қилдилар:
— Зарарларинг кўп бўпти,
Ажаб бўпти, хўп бўпти!
Ёлғончига шу сазо,
Ишига лойиқ жазо!

1945 йил

ВАФО

I

Уфққа туташар гуруб оташи,
Салқин тушиб келар водий қўйнига.
Атир сочиб ҳар ён, гуллар шабнамдан
Марварид тақмоқчи нозик бўйнига.

Кўкда тентирайди бир тўп оқ булут,
Гўё кўлда сузар оққуш галаси.
Кўзни қамаштириб товланар аста,
Давлатманд колхознинг кўм-кўк даласи.

Қаёқдандир келар қўй маърашлари,
Тўзон кўтаради подалар йўлдан,
Толда чуғурлашар қушлар, ғағиллаб
Урдак овозлари юксалар кўлдан.

Тинмай қўшиқ айтиб сув оқар сойда,
Жимжит қулоқ солар қирғоқда толлар.
Одамлар бошига тушган фалокат,
Даҳшатдан беҳабар ўйнар шамоллар.

II

Шу июнь оқшоми қиз билан йигит,
Хайрлашди кумуш анҳор бўйида.
Ёвга қарши ғазаб, юртга муҳаббат
Яллигланар эди мардлар ўйида.

Эл бошига тушган зўр мусибатдан
Яхши огоҳ эди йигит ҳам, қиз ҳам.
Қиз зафар тилади йигитга, йигит
Жанг сари отланди ўтказмайин дам.

Ажралиш онининг оғир дардини
Яшироқ истарди биридан бири.
Аммо кўзлардаги ҳаяжонлардан
Бир-бирига аён юракнинг сири.

Йигитнинг юзида титрар табассум,
Куч билан босади ўзини ўзи.
Кечки булутларнинг олтин кўксига
Дам-бадам тикилар оташин кўзи.

Қалтироқ босади қизнинг танини,
Гўё олов бўлиб чиқар нафаси.
Ҳурккан кабутардай типирчилар қалб,
Шунча тор келдими кўкрак қафаси?

Сўнги бор тикилди кўзларга кўзлар,
Меҳру муҳаббатга, вафога тўлиб.
Йигит силар экан қизнинг сочини,
Қиз сўзга лаб очди бетоқат бўлиб:

— «Ҳар нарсадан олий юрт ва халқ бахти!
Бу бахтни душманга олдира кўрма!
Озодлигимизни, номусимизни
Евузлар қўлида қолдира кўрма!

Ҳар нарсадан тубан хоин ва қўрқоқ!
Жангларда ўлимдан қўрқма! Ботир бўл!
Шону шараф, зафар ҳамроҳинг бўлсин!
Ой бориб, омон кел! Яхши бор! Оқ йўл!»

Камол жавоб берар ҳаяжон билан:
«— Амин бўл, Ойжамол, улуғ Ватанга
Садоқатим беҳад, севгим беҳисоб,
Шу севги туфайли бораман жангга.

Бурчимни оқлайман шараф билан мен,
Биламан, хиёнат ўлимдан ёмон.

Мени кут, Ойжамол, душман устидан
Ғалаба қозониб қайтаман омон.

Амин бўл, юзингни қизартирмайман,
Ёринг хиёнаткор ё қўрқоқ эмас.
Ғақат бир илтимос: пахтазорларда
Бизнинг йўқлигимиз билинмаса бас».

«Кутамаман, унутма, бевафо бўлма,
Садоқатинг улуғ ишқимга асос!
Агар мен севгингга хиёнат қилсам,
Қора сочларимни сиртмоқ қилиб ос».

Камол ҳаяжонда ўт бўлиб, қизни
Қучоғига босди жавоб ўрнига.
(О, нега юракка туташар оташ?
Мардона кўзларга ёш келар нега?)

Узоқ ва оташин бўсадан кейин,
Камол хайрлашиб, аста йўл олди.
Ғунча дудоқларда ўша бўсанинг
Умр бўйи кетмас тотлари қолди.

Уфққа бош қўйди ҳорғин ва аста,
Йиғлаган кўзлардек қизариб қуёш.
Гул баргига тушган шабнамдай қизнинг
Юзларига томди икки қатра ёш...

III

Йиллар ўтиб кетди. Ва лекин қизнинг
Хаёлидан кетмас ўша шириң он.
Ғамон ларза солар унинг қалбига
Ўша хайрлашув, ўша ҳаяжон.

Кундан-кун ортади қизнинг севгиси,
Бир дақиқа бўлсин унутмас ёрни.
Эслайди ҳар нафас, кутади ҳар дам
Зориқиб кутгандай қушлар баҳорни.

Яхши кўрадики, шунча интизор,
Яхши кўрадики, ёнади шунча.

Яхши кўрадики, ҳар машаққатга
Бардош бера олди олтин тушунча.

Яхши кўрадики, ҳеч бир нарсани,
Ҳатто жонини ҳам аямас ундан.
Яхши кўрадики, кечаю кундуз
Меҳнатга берилиб кетиши шундан.

У ўйлар: «Дамларни бекор ўтказиб
Ҳаёт гарданига бўлмайн мосил.
Элнинг фойдаси-ку, ёрга мадад-ку,
Колхоз даласида кўпайса ҳосил...»

Қизнинг маҳорати, битмас ғайрати,
Меҳнати ҳайратга солар кишини:
Ёд этиб ёрининг талабини у
Икки-уч одамнинг қилар ишини.

IV

Ҳар кун қаршилайди уни шўх анҳор,
Кумуш тўлқинлардан кўрсатиб чирой.
Мана ўша сўнгги учрашган манзил,
Мана ўша қирғоқ, ўша сўлим жой.

Шу ерда ўпишди сўнгги бор, мана
Зумрад соҳил, оқ тош — тилсиз гувоҳлар.
Мана ўша бир туп кекса мажнунтол,
Анҳорга солланган паришон шоҳлар.

Улар ҳеч нарсадан беҳабар, ҳамон
Хушчақчақ сувлардам тинглар ҳикоя.
Яшириб тургандай, туюлар ёрни,
Мажнунтол қирғоққа ташлаган соя.

Чиндан ҳам бекиниб турган бўлса-чи,
Кекса мажнунтолнинг соясида у?..
Сойда ким шивирлар? Оҳ, хаёл! Хаёл!
Алдама! Ер бўлиб шивирлама сув!..

V

Ер кетгандан бери қанча вақт ўтди?
Бир йилми? Ўн йилми? Юз йилми? Қанча?
Нега имирсилаб чўзилар онлар?
Нега дамлар учмас қиз ўйлаганча?

Қачон келар экан висол кунлари?
Қачон қайтар экан булбули боққа?
Ғалаба тонгида олқишлаб ёрни,
Қачон босар экан иссиқ қучоққа?

Қиз ўйга чўмади сувга тикилиб,
О, яна тортади гирдобига ғам.
Ҳижрон азобидан сиқилар дили,
Яна гул юзига тушади шабнам.

VI

Ховлини қоплаган гулларнинг ҳиди,
Ой нури сочилган ипак гиламга.
Сўрида ўтириб қулоқ солар қиз
Сукунатга тўлган ўтгучи дамга.

Сукунат. Сир тўла жимлик. Барча ёқ
Уйқуда. Фақат қиз ухلامас танҳо.
Сукунат юклаган дамлар оқади.
Ростдан ҳам шу қадар жиммикан дунё?

Йўқ, унда фронтда тўплар товушидан
Ларзага келади ер билан осмон.
Қонли окопларда жангчилар бедор,
Уқ еган жонивордай тўлғанар жаҳон.

Бу ойдин кечанинг ҳар бир онда
Юзлаб дарё оқар ёвнинг қонидан,
Ватан саодати, халқ бахти учун
Минглар жудо бўлар азиз жонидан.

Йўқмикан уларнинг ичида ёри
Қонли жангда нобуд бўлмадимикан?
Улим саҳросида хазонга учраб,
Умрининг чечаги сўлмадимикан?

Наҳотки, кўк кийиб бўтадай бўзлаб,
Сочларини юлиб аза тутади?
Йўқ, йўқол, эй ваҳм, сирли сукунат,
У зўр умид билан ёрни кутади!

VII

Севгани барҳаёт. У балки ҳозир
Ғарбга қадам ташлар бардам ва мағрур
У балки шу тобда душманни қувлар,
Зулматни қувгандай тонг чоғида нур.

Балки, озов бўлган белорус қизи,
Раҳмат айтиб унга тутар гулдаста.
Балки, ўрмонзорда оғир жангдан сўнг,
Дам олар кўкатга ёнбошлаб аста.

Балки у ҳам ойга тикиб кўзини,
Пахтазорда қолган ёрини ўйлар,
Балки уйқудадир, тушига кирар
Ғалаба сўнггида бўлажак тўйлар.

Уй билан бўлди-ю, сезмай қолди қиз
Субҳидам елининг парвоз этганин.
Уй билан бўлди-ю, билмай қолди қиз
Утирган жойида мудраб кетганин.

Тушида ёр келар тулпор ўйнатиб,
Кўксиди ярқирар олтин юлдузи.
Отдан сакраб тушиб босар бағрига,
Мисдай қизиб кетар қизнинг гул юзи,

Ғапга лаб очолмас ҳаяжонидан,
Тиёлмас шодликдан оққан ёшини.
Сўнг чўчиб уйғонар, атрофга ҳайрон —
Кўз ташлар ёстиқдан олиб бошини.

Гулларни тебратиб гулшанда сабо,
Уфқни қошлайди тонгнинг кулгуси.
Гўё юз ювади нуроний гўзал,
Киштида солланар олтин сулгуси.

VIII

Тонгга боқиб қизнинг юксалар руҳи,
Қудрат олар тонгнинг ол байроғидан.
Ишонч, умид тўлар қора кўзига
Шубҳа, ғам йўқолар кўнгил боғидан.

Қиз шошиб жўнайди пахтазорига,
Юрак тўла умид, дил тўла армон.
Меҳнат қилиш керак чарчамай-тинмай,
Меҳнатдан топилар дардига дармон.

Меҳнат қилиш керак муқаддас меҳнат,
Ёрга мадад бўлур, дилга овунчоқ,
Балки ёри қайтар жангни тамомлаб
Кумуш пахталарга тўлганда қучоқ.

Дарёдай чайқалиб, юракка сизмай
Висол умидлари тўлқин уради.
Қиз субҳидамдан то оқшомга қадар
Пахтазорда тинмай ишлаб юради...

IX

Туннинг турқи хира. Ой ботди — сўнди
Кўкнинг айвонига ёқилган фонар.
Жангда донг чиқарган ботир Камолнинг
Уткир кўзларида сергаклик ёнар.

Урмон ичи тўлган оғир жимликка.
Ёнбошига ботар сойликнинг тоши.
Унинг кўзларига хунук кўринар
Куйган қарағайнинг сўппайган боши.

Адашган йўлчидай дайдиб юрган ел
Қонли майсаларнинг сочини тарар.
Бомбадан абжағи чиққан окоплар,
Упирилган гўрлардай бақрайиб қарар.

Камол кўз ташлайди чуқур жарликка.
Илондай буралиб сув оқар пастда.
Ҳадемай бошланар даҳшатли ҳужум,
Мана, тонг оқариб келмоқда аста.

Хужумга ўтади соҳибқиронлар,
Қиёмат солишиб ёвнинг бошига,
Чекилар қон қусиб фашизм — зулмат,
Бардош беролмайин эрк қуёшига.

Х

Кута бериб зафар айёмларини,
Тугайди йигитнинг сабру қарори.
Галаба чоғини ўйлаганида
Албатта ёдига тушади ёри.

Галаба юз берса, ҳижрон тугайди,
Шубҳасиз етишар ёрнинг васлига.
Ўтиб кетар қиргин, қонли тўполон,
Ҳар бир нарса қайтар яна аслига.

Қўлга кетмон олар қурол ўрнига,
Пахта ўстиради кенг даласида.
Қиргин, ҳалокатни унугади-ю,
Бола улғайтирар оиласида.

Уруш оловлари сўнади шаксиз,
Қон тўкиш ўрнига гул экар боққа.
Ёв вайрон айлаган қишлоқлар, уйлар,
Шаҳарлар қайтадан турар оёққа.

Ҳозир ёвни қириш эзгу зарурат,
Ҳозир ғазаб қуши этади парвоз.
Ҳозирча ҳисларнинг кучлиси қасос,
Қанча кўп йўқотса ёвни — шунча соз.

Қачон бошланади муқаддас ҳужум,
Сабр пиёласи тўлиб-тошди-ю!
Қачон ёвни қирар ғазаб оташи,
Қасос алангаси ҳаддан ошди-ю.

Шунда жанг қилади йигит беармон,
Ҳамла қилар ёвга ёзиб қулочин.
Ғазаб-ла ташланар душман устига,
Чумчуқ галасига теккандай лочин.

XI

Ҳадемай шиддатли тўплар товушидан
Тунги сукунатнинг чоки сўкилди.
Ерни остин-устин қилиб қўпориб,
Жаҳаннам ўтлари кўкдан тўкилди.

Ҳавони қоплади даҳшат, гулдурос,
Жондан кечиб мардлар тушади жангга.
Тикка борадилар ўлимга қарши,
Садоқат кўрсатиб азиз Ватанга.

Камол жанг қилади олдинги сафда,
Уни қўрқитолмас на ўқ, на ўлим.
Мард йигитга жангда тисарилиш йўқ
О, зафар илҳоми нақадар сўлим!

Ҳеч нарсани сезмас жанг қизиғида,
Олов бўлиб кетган, шер бўлиб кетган.
У билади минг йил қирғин бўлса ҳам
Фақатгина ўлар ажали етган.

«Менга ёндошолмас мутлақо ажал,
Ғалаба ва ҳаёт менинг қисматим.
Қўрқоқлик, хоинлик ботқоқларида
Булганмас ҳеч қачон шоним, исматим.

Мумкин эмас асло менинг ўлишим,
Ахир кутмоқда-ку умид билан ёр!»
Деди-ю, чайқалиб йиқилди бирдан,
Юзу кўзларини қоплади губор.

Қаради, бошини кўтариб зўрға,
Осмон гир айланар, кўз олди туман.
Тушими, ўнгими? Таажжуб! Нега
Оғир танасидан сизиб чиқар қон.

Наҳотки сўнги дам? Наҳотки ўлим
Илондек сирпаниб келди қошига.
«Йўқ, бу туш», деди-ю, ҳушидан кетди
Аста бош қўяркан сойнинг тошига...

ХII

Йигит госпиталда келди ҳушига,
Бир қўлдан ажрабди... Юз бермиш кулфат.
Бошини ўради оғир хаёллар...
У билан қайғу-ғам бўлмоқчи улфат.

Бориб-бориб яна ўнг қўл кетибди,
Ўзини яримта сезади Камол.
Узоқ қишлоғига олиб кетар ўй,
Яна кўз олдига келар Ойжамол.

Баъзан фикрлари қарама-қарши,
Баъзан юрагини шубҳа эзади.
Наҳот юз ўгирар Ойжамол ундан?
Шунда у ўзини ожиз сезади.

Балки борганида совуқ қаршилар,
Ҳолига ачиниб пича тўкар ёш.
Сўнг: «Тақдир шу экан, азизим энди
Бошқа ёр ахтар», деб айтар бағри тош.

Йўқ, бу мумкин эмас, бу бир хом хаёл!
Ёри албат кутар бўлиб интизор.
Бардош этолмаса машаққатларга,
Қандай қилиб одам бўла олур ёр?

Қандай қилиб ахир севганига ёр
Бера олур азоб устига азоб?
У қандай садоқат, у қандай севги,
Оғир синовларга беролмаса тоб?

Унутишлик учун севганмиди қиз,
Фалокат келганда йигит бошига?
Йўқ, вафо боғини тарк этмайди у,
Қойил қолар жаҳон қиз бардошига!

Борганда бағрига босиши аниқ,
Интизор кўзлари юлдуздай порлаб.
Унутишга мажбур этиб дардини,
Тасалли беради ҳаётга чорлаб.

Кўзлаб ўз жонининг ҳаловатини,
Қиз асло кетмайди ишқидан тониб.

Аммо йигит билар: кўриб ҳолини
Азоб чекар ёри ичидан ёниб.

Юзида кулару ичида йиглар,
Ачиниш азоби ҳижрондан оғир...
Шу сабаб азобдан қутқариб ёрни,
(Гарчи кул бўлса ҳам ўртаниб бағир),

Хат ёзди ҳолини англариб унга.
Сатрларга томди кўзининг ёши...
(Наҳотки ёридан бўлади маҳрум,
Наҳотки ботади севги қуёши?)

ХIII

КАМОЛНИНГ ХАТИ

Азизим, тирикман... Зафар байроғи
Сочмоқда қуёшдек бошимизга нур.
Ватан саодати, халқ садоқати,
Солмоқда дилларга бир дунё гурур.

Фахрлансам арзир, мен жангда қўрқоқ
Ё хоин бўлмадим жонимни сақлаб,
Лозим бўлди, бердим саломатликни
Жангда Ватанининг орини оқлаб.

Ишқим аввалгидай жўш урар... аммо,
Кечир, боролмайман энди ёнингга.
Кўнглинг ғаш бўлади мени кўрганда...
Азоб бергим келмас азиз жонингга.

Истамайман сени бахтсиз қилишни,
Мосил бўлиб, майиб ҳолимча, сенга.
Сен ҳаёт гаштини сур, ғамдан озод,
Сенинг саодатинг муддао менга.

ХIV

ЖАМОЛНИНГ ХАТИ

Бу аччиқ сўзларни ёзишда менга,
Қандай қилиб тилинг келишди, мардим?
Истадингми, куйиб кул бўлайину,
Кўкларга совурилсин бир ҳовуч гардим?

О, бу аччиқ сўзлар ишқимга бўҳтон!
Наҳот шу чоққача билмасанг мени?
Ҳижрон азобида қон тўкиб тўрт йил,
Шу умидлар билан кутдимми сени?

Омон қолганлигинг менинг толеим
Ўзга сўзларни қўй, ортиқча бари.
Ҳали гул ҳаётнинг қарзи бор бизда,
Ҳали тугамаган севги дафтари.

Сенсиз менга, жоним, саодат қайда?
Сен менинг ҳаётим, сен кўрар кўзим!..
Мабодо ажралган бўлсанг кўзингдан
Кўзингнинг ўрнига кўз бўлай ўзим.

Агар қўлсиз бўлсанг, ўзим қўл бўлай,
Қўлтиқтаёқ бўлай оёқсиз бўлсанг.
Аммо розимасман мусибатларга
Бардош беролмайин ғам билан сўлсанг!

Ишқинг ўзингдами? Виждонинг борми?
Биргами юрагинг, шарафинг, шонинг?
Халқнинг озодлиги, Ватан йўлида
Зое кетмадимми тўкилган қонинг?

Шу менга кифоя! Зориқтирмай кел,
Ҳамон ўша севги, ўша садоқат!
Майиб бўлсанг оғир... аммо не чора?
Ҳар машаққатга ҳам қиламиз тоқат!

Кел, менинг ҳаётим! Кел, менинг бахтим!
Кел тезроқ, этмайин кўз ёшимни сел!
Бутун дунё сени ташлаганда ҳам,
Ўзим ташламайман, ҳузуримга кел!

XV

Ўша тўрт йил аввал учрашган манзил,
Ўша гўзал қирғоқ, ўша сўлим жой.
Йигит билан қизни қаршилар анҳор,
Кумуш тўлқинлардан кўрсатиб чирой.

Ошиқлар сўзига қулоқ солади
Зумрад соҳил, оқ тош — тилсиз гувоҳлар,
Қулоқ солар бир туп кекса мажнунтол,
Анҳорга солланган паришон шоҳлар.

Ошиқлар бахтидан қирғоқда гуллар
Ўйноқи сувлардан тинглар ҳикоя.
Дўстларни бегона кўзлардан асраб,
Мажнунтол қирғоққа ташламиш соя...

Узоқ ва оташин бўсадан кейин,
Йигит тиёлмади севинч ёшини.
Қалбида қайғудан қолмади асар,
Фалакка етгандай сизди бошини.

Камол ўйнар экан, тўрт йил соғинган
Вафодор ёрининг гул ҳидли сочин,
Майиблиги сира билинмай қолди —
Синган қанотини тиклади лочин...

Нурга, гулга чўмиб кўринар ҳар ёқ,
Ҳаёт ишқи билан мавж урар олам.
Гўёки табиат қичқирар: «Яшаш
Завқига қониб қол, ғаниматдир дам!»

Табиат товушига эргашиб йигит,
Овози борича қичқирар баланд:
«Бўламиз доимо: муҳаббат, меҳнат,
Яшаш ва қурилиш завқи билан банд!»

Севги давом этар вафо боғида,
Гулларга кўмилмиш соҳил — сўлим жой.
Қўшиқ айтиб оқар завқи зўр анҳор,
Кумуш тўлқинлардан кўрсатиб чирой.

Апрель-июль, 1946 йил

ЧИЛДУХТАРОН¹

Мана, Чилдухтарон, ўша жаҳаннам,
Ўша машъум қудуқ, ўша қонли чоҳ.
Ғамгин ўтирибман, қулоқларимга
Эшитилган каби ҳамон йиғи, оҳ.

Чилдухтарон — қирқ қиз, қирқ соҳибжамол
Шу зиндонда этмиш умрини хазон.
Ҳамон кўрингандай қизариб кўзга
Зиндон деворига сингиб кетган қон.

Чилдухтарон қанча муштипарларга
Совуқ мазор бўлган, қора гўр бўлган.
Зулматда, қийноқда қон йиғлаб узоқ
Қанча маъсуманинг кўзи кўр бўлган.

Чилдухтарон — жирканч ва мудҳиш қудуқ.
Қирқлаб гулбаданни аждардай ютган.
Қанчалар азобда ақлдан озиб
Ҳаёт нашъасини тамом унутган.

Чилдухтарон — ўша қора мозийнинг
Энг қора варағи, энг қора боби.
Чилдухтарон — ўша ғамли ўтмишнинг
Ғожиага тўлган қонли китоби.

¹ Чилдухтарон — Бухоро аркидаги эски бир қудуқнинг номи. Ривоятларга кўра, амир Насрулло қирқ қизни жабрлаб, сўнг шу қудуққа ташлаган эмиш.

Гарчи бунда ҳозир сукунат ҳоким,
Утмишда қулоқлар кар бўлган доддан.
Хўрликка, зўрликка бардош беролмай,
Қанча бегуноҳлар кечган ҳаётдан.

О, бу ҳеч тенги йўқ зулм маскани,
Ҳар бир бурчагида даҳшатдан излар!
О, бунда бемаҳал оқариб сочлар,
Ёшлайин кампирга айланган қизлар!

Айби нима эди? Ким эди улар?
Айби гўзаллиги, ёшлигимиди?
Айби гул юзлиги, гунча лаблиги,
Сочи сунбул, қаламқошлигимиди?

Айби бахт, шодлик деб ёруғ дунёга
Келишларимиди? О, йўқ эди бахт!
У ёвуз замонда туғилганларга
Ёшликданоқ таҳдид қилар эди тахт!

Ҳа, ўша қонли тахт гулчеҳраларни
Эиндонда чиритган, хўрлаган, сўйган.
Ҳа, ўша разил тахт эрк деганларнинг
Тилини шарт кесган, кўзини ўйган.

Бошига тож кийган бир итваччанинг
Ҳирси учун қанча қиз ҳалок бўлмиш.
Бир дамлик кайфи деб зolim амирнинг
Қанча юлдуз сўнмиш, қанча гул сўлмиш!..

О, сиз волидаий муҳтарамаларим!
О, сиз жабрдийда опа-сингиллар!
Сизни унутмадик, унутмаймиз ҳам,
Хотирангиз билан тўлиқдир диллар.

Сизни унутмайди, асрлар оша
Қиссангизни ҳамон тинглар насллар.
Авлодлар эсидан чиқармас сизни
Номсиз қаҳрамонлар, мардлар, асллар!

Тирик бўлсангизу талаб қилсангиз,
Бўлмаган ишни ҳам бўлдиран эдим.
Дунёдаги барча шодликни тўплаб,
Ғамгин қалбингизга тўлдиран эдим.

О, тирик бўлса-ю, қўлимга тушса,
Золимни юз карра ўлдирар эдим.
У сассиқалафни ҳаёт боғидан
Юлиб ташлар эдим, сўлдирар эдим.

Аммо йўқ, золим ҳам, амир ҳам ўлган.
У, энди дунёни булғамас сира.
Чилдухтарон ҳам йўқ, қолди у чоҳдан,
Қайғули ҳикоя, аччиқ хотира...

Ғамгин ўтирардим ўтмишни ўйлаб,
Узоқ олиб кетди мени хаёлар...
Бирдан уйғонгандек бўлдим уйқудан:
Қўшиқ айтар эди қувноқ аёллар.

Гўзал Бухоронинг озод қизлари
Ишдан қайтишарди бахтиёр, хуррам.
Уларни кўрдиму замонга қайтдим,
Ва шу он кўнглимдан учиб кетди ғам.

Булар ўтмишдаги асираларнинг
Бахтиёр авлоди, бахтиёр насли.
Бизнинг замонамиз хотин-қизларнинг
Баҳор гулларидай очилган фасли.

Март, 59-йил, Бухоро
Май, 61-йил, Тошкент

ИШ АХТАРИШ ЖУДА ОҒИР ИШ

Гайд-паркнинг чекка жойида
Утирарди озгин бир одам.
Қадди букик тоғ босган каби,
Кўзида мунг, юзларида ғам.

Нега мунча изтиробда у?
Ё текканми яшаш жонига?
Қандай ташвиш азоблар экан
Оғу солиб унинг қонига?

Шовқинларни эшитмас, хомуш,
Бошда оғир, ниҳоясиз ўй.
Фожиадан дарак беради
Юпун кийим, заҳил ранги рўй...

Нарироқда унга тикилиб,
Ҳайрон бўлиб ўтирган бир чол,
Силжий-силжий, яқинроқ келиб,
Берди унга ачиниб савол:

— Хастамисан? Ё ишсизмисан?..
У, аввало ўйланди бирпас.
Сўнгра ғамгин истеҳзо билан
Жавоб берди истар-истамас:

— Ишсиз эмиш... Ҳа, ишсизман, рост!
Ҳа, ишсизлик жонга тегди хўп!

Ун ой бўлди ишдан дарак йўқ,
Ҳа, ишсизман... Аммо ишим кўп.

Кеча-кундуз заводма-завод,
Корхонама-корхона юриб,
Иш ахтариб сарсон бўламан,
Ҳа, ўзимни минг ёққа уриб,—

Иш ахтардим, иш топилмади.
Иш ахтардим тинмай ёзу қиш...
Кунлаб эмас, ҳафталаб, ойлаб
Иш ахтариш жуда оғир иш...

Бир бурда нон, бир тийин учун
Талабгорман ҳар қандай ишга!
Аммо иш йўқ... Кунлаб, ҳафталаб
Бир бурда нон тегмайди тишга.

Топганимни болаларимга
Едираман. Ушалар есин.
Олти жонман, энг кичкинаси
Эндигина таниган эсин.

Очлик нима, мендан сўра, чол!
Ҳеч нарса йўқ очликдан ёмон!
Очлик азобига чидашлик
Бу ҳам оғир «иш»дир, отахон!..

Арзимаган нафақа учун,
Куни билан навбат кутаман.
Тўғрироғи, садақа учун
Қон ютаман, зардоб ютаман!

Оёғимда оёқ қолмайди,
Тикка туриш кун бўйи қийин.
Минг тирилиб, минг бир ўламан
Текканича қўлга бир тийин.

Осон эмас ивиб ва музлаб
Қорда туриш, ёмғирда туриш,
Тиланчидай хўрланиб, йиғлаб...
Ишсизларга бу ҳам мушкул иш.

Олти жонни боқишим керак,
Жавобгарман олти одамга.
Тўйғизолмай гўдақларимни,
Қийналаман, ботаман ғамга.

Берсанг ейман, урсанг ўламан,
Дейди бари, нораства, саби...
Ёш кўринса бола кўзида
Парчаланур ота асаби.

Олти жонни бараварига
Кийинтириш, тўйғазиш, боқиш
Камбағалга ўлимдан оғир,
Ишсиз учун бу ҳам қийин иш...

Бир лаҳза ҳам ухлаёлмайман
Кечалари шуларни ўйлаб.
Баъзан ёмон ниятлар билан
Кезинаман Темзани бўйлаб.

Агар ёлғиз, сўққабош бўлсам,
Қўрқмас эдим асло ўлимдан.
Аммо йиғлаб норасталарим,
Ушлагандай бўлар қўлимдан...

Кеча-кундуз ўйлаганим ўй,
Уй миямни кемирмақдадир.
Бир-биридан даҳшатли ўйлар
Сиҳатимни емирмақдадир.

Ҳали ёшман, аммо ўй билан
Юзда ажин, сочларимда оқ.
Билсанг эди қандай оғир иш
Натijasиз ўйлар ўйламоқ!

Гоҳо ўйлаб, семиз лордларни
Битта-битта сўйсамми дейман.
Гоҳо туллак фабрикантларнинг
Қасрига ўт қўйсамми дейман.

Олтин эрур қадоқ қўлларим,
Иш бўлганда агар, бир ўзим,

Юз одамни тўйғизар эдим...
Иш ахтариб термулар кўзим.

Аmmo иш йўқ бизнинг ўлкада,
Шундай расво биздаги тузум.
Ишсизликдан қутулмоқ маҳол
Қуламаса капитализм!

Мана, ҳозир шаҳар паркида
Ўтирибман гўё олиб дам.
Ваҳоланки эртанги куннинг
Ғамини еб ўйлашда миям...

Ишсиз эмиш... ишсизда иш кўп,
Айтиб берай қайси бирини?
Англар фақат бошидан ўтган,
Ишсиз билар ишсиз сирини.

Ишлик тинар ишидан кейин,
Ишсизга-чи, бир дам тиниш йўқ.
Ҳа, дунёда ишсиз одамнинг
Ишидан ҳам оғирроқ иш йўқ!

Гайд-паркнинг шовқинига у
Қулоқ солиб жим қолди бир дам.
Қадди букик тоғ босган каби,
Кўзида мунг, юзларида ғам.

24 март, 1961 йил

БАҲС

Ҳали тонг отмаган, ҳамма уйқуда,
Чаманда мудрарди апрель гуллари.
Юлдуз кўзларини юммаган осмон,
Ҳали уйғонмаган боғ булбуллари.
Баҳор оғушида дам олар эди
Олтин чироқларга кўмилган шаҳар,
Хўрозлар қичқирмай, сайрамай қушлар,
Уфқ бўзармасдан, бошланмай саҳар,
Бирдан ҳамма ёқни даҳшатга солиб
Ер ларзага келди, машъум гувиллаб...
Гўё бир балони сезгандай бўлиб,
Буқалар бўкирди, итлар увиллаб.
Эшиклар гижирлаб, шифтлар қисирлаб,
Уйлар бориб келди беланчаксимон.
Ойналар шарақлаб, томлар тарақлаб,
Деворлар қулади кўтариб тўзон.
Одамлар даҳшатда, чуввос кўтариб,
Бош яланг, сарпойчанг кўчага чопди.
Эшиги очилмай баъзи уйларнинг,
Ичида одамлар қамалиб қопти...
Электр симлари узилиб кетиб,
Қоронғилик босди шаҳарни бирдан.
Шу дам ҳаёлимга минг хил уй келди,
Миям ёрилгундек машъум фикрдан:

— Нима бало бўлди? Нима ҳодиса?
Ёнғин бошландими? Сел югурдимми?
Шаҳарни учириб кетгудай бўлиб

Довул қўзғалдими? Бўрон юрдими?
Осмон қуладими? Ер ёрилдими?
Ёнартоғ чиқдими, сачратиб олов!
Ёки ёрилдими атом бомбаси?
Гўзал шаҳримизни босибдими ёв?
Зулмат қопладими ёруғ оламни?
Қиёмат қўпдими? Босдими вабо?
Ёки тугадими ердаги ҳаёт?
Охирзамон деган шумикан ва ё?

Гўё кушхонага борган ҳўкиздай
Мисли йўқ даҳшатдан қалтирайди ер.
Нега юрак ўйнар, ҳалқумим қуриб?
Нега пешанамни босар совуқ тер?!
!

Ҳа, азиз ўқувчим, бу даҳшатли он,
Бу машъум манзара неча-неча бор
Қаламга олинган, тасвир қилинган.
Аммо эсимизга тушар ҳар баҳор,
Ерга тўшалганда сабза гиламлар
Кўзни ўйнатганда апрель гуллари.
Эсимизга тушар ўша палла тонг,
Нола қилганида боғ булбуллари.
Эслаймиз тараса сунбуллар сочин
Баҳор қуёшининг олтин тароғи.
Беихтиёр ўша даҳшатни эсга
Солар календарнинг қора варағи...

Уша апрель тонги тошкентликларнинг
Хотираларидан чиқмас умрбод!
Ҳар апрель қулогим тагида янграр,
Ушанда даҳшатдан кўтарилган дод.
Кўз олдидан кетмас ўша паллада
Йиқилган деворлар, бурқираган чанг.
Хотиримдан чиқмас ўша онданоқ
Янги Тошкент учун бошланган зўр жанг!

Ҳамон икки наъра — мунозара, баҳс
Эшитилган каби бўлар қулоққа.
Зилзила эслатар харобаларни,
Тошкент имо қилар гуллаган боққа.

Зилзила сўзлайди:

Юз йилча куч тўплаб яширин, зимдан,
Яна пайдо бўлдим остингда, эй, Шош!
Қаҳримни сездингми? Аҳволинг қалай?
Бера оласанми зарбамга бардош?!
Уша зилзиламан, даҳшатли, хавфли,
Ерни чок-чокидан сўккан беомон!
Зарбимдан дарёлар тескари оқар,
Тоғлар букилади, тош бўлар талқон!
Мен, ўша, омонсиз, чорасиз бало,
Ерни остин-устин қилган забардаст!
Мен, ўша, шафқатни билмайдиган куч,
Шаҳар, қишлоқларни бузишда чапдаст!

Тошкент сўзлайди:

Биламан, вайсама, дағдаға қилма!
Мен, ўша қадимий, муҳташам Шошман!
Қариган, енгаман, деб ўйламагин,
Минг йил яшасам ҳам навқирон, ёшман!
Керилма, чиранма, ҳужумларинг пуч,
Зарбингга чидайман харсанг қоядек.
Йўқ сенда, зилзила, мени енгар куч,
Остимда қоласан кечки соядек!

Зилзила сўзлайди:

Шунча ҳам фаромушхотирмисан, а?
Ёдингдан чиқдимми аввалги зарбам?
Аммо бу галгиси тенги йўқ даҳлат!
Бир тотиб кўрасан бу зарбамни ҳам!
Илож тополмайсан менинг зарбамга!
Бу айтган гапларим эсингда турсин!
Чунонам урайки, абжағинг чиқиб,
Арвоҳинг фалакда чирқираб юрсин!
Остимга босаман тоғ бўлиб чиқиб,
Лава бўлиб чиқиб ютаман сени!
Ким шак келтиради қудратимга, ким?!
Жаҳаннам қаърида кутаман сени!

Тошкент сўзлайди:

Овора бўласан, кулги бўласан!
Кенг жаҳон олдида чиқар шарманданг!
Яширин, тўсатдан зарб бериб, номард,
Қилмоқчи бўлдингми мени ҳангу манг!
Уйқуда ётганда зимдан зарб берсам
Ғафлатда қолар, деб ўйладинг чоғи?
Янглишдинг, ҳушёрман, дадил турибман,
Хонадонларимнинг ўчмас чироғи!

Зилзила сўзлайди:

Бунча пурвиқорсан! Бунча мағрурсан!
Ғапимга ишонгинг келмади, чоғи!
Бундан юз йил аввал берган зарбамнинг
Ҳали ҳам турибди кўксингда доғи.
Бундан юз йил олдин зарб берганимда
Элик йил ўзингга келолмагансан!
Уйларингни тутдай тўқдим ўшанда,
Хуружимга илож қилолмагансан!
Ярим аср ерда хок бўлиб ётдинг,
Харобаларингдан юксаларди дод.
Менинг назаримда ўшандан бери
Осмонингда кезар нолаю фарёд.
Эндиги зарбамдан, аминман, сендан
Ному нишон қолмас! Йўқолар аслинг!
Энди хайр-маъзур, хариталардан
Ҳатто номингни ҳам тополмас наслинг!

Тошкент сўзлайди:

Оғзингга дард тегсин! Нафасинг ўчсин!
Жуда катта кетдинг, кекса жодугар!
Ҳа, сени эскидан биламан, сенинг
Қилмишинг ва турган-битганинг зарар!
Эсимдан чиққан йўқ, юз йил муқаддам,
Бошимга солганинг қора кун, даҳшат.
Ерни қалтиратди, элни йиғлатди
Ўшанда хуружинг келтирган ваҳшат!
Ўшанда қўрққаним, нолиганим рост,

Унда ёлғиз эдим, нотавон эдим.
 Хужумингга қарши чора тополмай
 Кўзи гирён эдим, бағри қон эдим.
 Ҳозир бошқа замон! Якка эмасман,
 Дўстларим жуда кўп, бахтимга ёрман!
 Ленин қуёшидан баҳраманд бўлиб
 Гуллаган бўстонман, сўлмас баҳорман!
 Гўзал Москванинг дўсти, иниси,
 Шарқнинг машъалиман, сўнмас қуёшман!
 Дўстлар даврасида қадрини топган
 Ҳамиша навқирон, ҳамиша ёшман!
 Юз йил ер остида мудраб ётиб, сен,
 Замондан орқада қолиб кетибсан.
 Утмишда устимдан ҳокимлигингни,
 Тушунмай, ҳозир ҳам даъво этибсан!
 Ҳа, кесилиб кетган сен кўрган толлар,
 Баҳодирлар яшар бизнинг замонда.
 Минг бало келса ҳам даф этиб, енгиб,
 Халқимиз яшайди омон-омонда.
 Келажакни равшан кўрсатиб турган
 Дўстлик машъали бор қўлларимизда.
 Ҳеч қандай таҳлика, ҳеч қандай офат
 Тўғон бўлолмайди йўлларимизда.
 Дўстлик анъанамиз, фазилатимиз,
 Дўстликда кучимиз, дўстликда иқбол.
 Бизни енгаман, деб овора бўлма,
 Айтган гапларимни яхши уқиб ол!

Э и л з и л а с ў з л а й д и:

Уйлама гапимга лаққа тушди, деб,
 Аҳду паймонимда маҳкам тураман!
 Бир зарбга чидасанг, минг зарб бераман,
 Остингдан ураман, даврон сураман!
 Беҳуда гап билан мени чалғитма,
 Мен ўз ниятимга, шаксиз, етаман,
 Кулингни кўкларга совуриб тамом,
 Сени хароб этиб, сўнгра кетаман!
 Ана, боқ, зарбимга бардош беролмай,
 Кекса деворларинг ёрилиб кетди.
 Мўрилларинг учиб, томларинг қулаб,
 Хок бўлиб тупроққа қорилиб кетди!

Кетма-кет зарб бериб, битта қолдирмай,
Кўҳна уйларингни бир-бир йиқаман!
Ҳали ҳам кучим кўп, ҳали ҳам зўрман,
Бу гал ҳам, шубҳасиз, ғолиб чиқаман!

Т о ш к е н т с ў з л а й д и:

Ҳа, нураган уйлар, эски деворлар,
Ногаҳон зарбингдан қулади, холос.
Янги уйларимга тишинг ўтмади,
Янги уйлар янги замонамга хос.
Сен агар бир уйни йиқсанг, ўрнига
Юз уй қад кўтарар, муҳташам, кўркам!
Минглаб янги шаҳар қуришга қодир,
Улуғ Октябрдан куч олган ўлкам.
Тузалиб кетади жароҳатларим,
Мен якка эмасман, дўстларим беҳад.
Гуллаб, бир ҳуснимга юз ҳусн қўшиб,
Дўстлар ёрдамида кўтараман қад!
Эшитяпсанми, кўп фурсат ўтмай,
Ердамга қўл чўзган дўстлар садосин?
Ҳадемай қурилиш шовқини қоғлар
Баҳодир ўлканинг арзу самосин.
Машина, самолёт, поездлар билан
Юк оқиб келмоқда — қурилиш юки.
Ғишт, цемент, мих, темир, асбоб-ускуна
Келмоқда пайдарпай! Бойси шуки:—
Дўстлар ташламайди дўстларни ҳеч вақт
Қора кун тушгудай бўлса бошига.
Бир имо, илтижо қилиндими, бас,
Дўстлар етиб келар дўстлар қошига!
Бу — дўстлик қонуни! Дўстлик бор экан
Бизни енголмайди ҳеч қандай офат!
Мақол бор: яхшидан яхшилик қолур,
Ёмондан касофат, дўстдан шарофат!
Биттадан ғишт қўйса, агар дўстларим,
Бир ойда бир бино муҳайё, тайёр!
Бир йилдан, уч йилдан кейин келиб кўр,
Менинг жамолимни, ёсуман, айёр!
О, ўшанда менинг ҳусну жамолим
Юз карра ошади, минг карра ошар.
Ҳашаматли уйлар, олий саройлар,
Боғларда бахтиёр одамлар яшар,

Гулларга кўмилган хиёбонларим,
Кенг кўчаларимдан ўтсанг ўшанда!
Мени соғ-саломат, навқирон, гўзал
Кўриб бўлар эдинг роса шарманда!
Уйинингни бас қил, остимдан келиб,
Кўп сузавермагил, мугузинг синар.
Аминман, зилзила, вақт ўтган сайин,
Дармонинг қурийди, хуружинг тинар.
Сўзимга киргину дағдагадан туш,
Қиличингни солгил қайта қинига.
Қулоқ солмаганни қаҳрамон халқим
Киргизиб қўяди чиққан инига!

З и л з и л а с ў з л а й д и:

Бу биринчи зарбам, бу ҳали ҳолва!
Даҳшатлироқлари кейин келади.
Менинг гапларимга кирмаганларнинг
Аҳволи жуда ҳам қийин бўлади.
Юз йил куч тўплашим беҳудамиди?
Ҳали отадиган ўқим беҳисоб!
Барибир пайингни қирқаман, Тошкент,
Менинг хуружимга беролмайсан тоб!

Т о ш к е н т с ў з л а й д и:

Кўп ўжар экансан, гапга кирмадинг,
Майли, беллашайлик, кучингни кўрсат!
Мен голиб чиқаман! Кўрасан! Қани,
Жангга киришайлик, ўтмасин фурсат!..

Бу баҳс, бу тўполон, бу шовқин-сурон
Ҳамон қулоғимнинг тагида янграр.
Кўз олдимдан кетмас ўша машъум тонг,
Ўтган бўлса ҳамки саноқсиз тонглар...
Ўша воқеага уч йилча бўлди.
Кўпдандир ҳал бўлган у тарихий баҳс.
Оро бермоқдадир янги Тошкентга
Ҳар бир ватаншарвар, ҳар ҳимматли шахс.
Тонгда кўчаларни кезиб юраман,
Янги биноларнинг ҳуснига боқиб,
Қурувчилар борар муқаддас ишга
Равон кўчалардан дарёдай оқиб.

Новча кранларнинг ажойиб рақси
Мафтун этар, узоқ қараб тураман.
Янги хиёбонлар, янги боғларни
Бирма-бир айланиб, кезиб юраман.
Ранг-баранг гулларнинг атрига тўйиб,
Фахр ила ўтаман Ленин паркидан.
Бахтиёр гўдаклар кулиб боқди
Чиройли уйларнинг шинам аркидан.
Уйлар қад кўтарар басма-бас ўйнаб,—
Қурилиш, қурилиш соғу сўлимда.
Москва, Киевдан, Ленинграддан
Келган қурувчилар учрар йўлимда.
Фрунзе, Ашхобод, Ереван, Боку,
Ригадан, Вильнюсдан келганлар ҳам бор.
Улар минг таъзим, минг-минглаб олқиш!
Улар ака-ука, иноқ дўстлар, ҳамкор!
Менга кўп ёқади сонсиз ҳавоза,
Улуғ қурилишнинг ўчмас шовқини.
Журъат ҳам зиёда, суръат ҳам катта,
Янги бир иншоот тайёр ҳар куни!
Юк машиналари учар пайдарпай,
Қурилиш саҳнидан кўтарилар чанг.
Мени бениҳоя хурсанд қилади
Янги Тошкент учун бўлаётган жанг!
Гўзал кварталлар оға-инидек,
Ёнма-ён турибди, тўкишиб савлат.
Уч йилда минг йилнинг ишини қилдик,
Бу катта жасорат, бу катта давлат!

Енгилган зилзила бошини эгиб,
Қиличини солди қайта қинига.
Қалтак еган итдай думини қисиб,
Қайта кириб кетди чиққан инига!

Тошкент енгиб чиқди тарихий баҳсда,
Энди бу ғалаба қуёшдай равшан.
Гулайвер, яшнайвер, яшайвер мудом,
Тошкент деб аталган муқаддас гулшан!

1966—1969

Х А Е Л Л А Р

1-ҚУҚОҚ

Қўқон дилбар шаҳар, файзи бўлакча,
Кўп ҳузур қиламан ҳар келганимда.
Бу ерда аҳли табъ беҳисоб — ҳар гал
Камида бир шоир бўлар ёнимда.

Ҳа, Қўқон шоирлар макони, кони!
Шундай деб айтишга қилолдим журъат.
Шу чаман раъноси эди Нодира,
Шу боғда сайраган Муқимий, Фурқат.

Шу боғда куйлаган Завқий завқ билан,
Шу боғда созланган Ҳамзанинг сози.
Илк бор Амин, Собир, Усмон, Темурнинг
Шу боғдан юксалган тотли овози...

Ҳа, жуда кўп шоир ўтган Қўқонда,
Шарт эмас барини санаб ўтишим.
Аммо бу шаҳарга келганда ҳар гал
Шоирларни эслаш одатий ишим.

Шеърий ўтмишимиз манбаларга бой,
Гўзал Қўқон эрур шулардан бири.
Шу ерда вояга етган шоирлар,
Шу ерда очилган шеърият сири.

Умрида неча бор шеърий чаманга
Хушхон булбулларни йўллаган бу боғ.
Меҳру шафқат билан тарбият қилиб,
Талай истеъдодни қўллаган бу боғ.

Илк бор илҳом солди яшнаган Қўқон
Амин Умарийнинг жўшқин дилига.
Мазмун бағишлади, олов бахш этди
Усмон Носирийнинг ширин тилига.

Шубҳасиз, шу боғнинг шарбатидандир
Собир ғазалига қотишган шира.
Қўқонга келганда, соҳиби қалам
Чархийни унутиб бўларми сира?

Бу ернинг чароғон кўчаларини
Неча бор айланган мавлоно Ғафур.
Шеърга ихлосманд бўлишганидан
Қўқонлик дўстларнинг юзида ғурур...

Бу сахий тупроққа устозларимиз
Эзгу шеърятнинг уруғин эккан.
Бу ерда жуда кўп муқаддас жой бор
Не-не азизларнинг қадами теккан.

Ана, Муқимийнинг машҳур ҳужраси.
Анови Нодира яшаган сарой.
Ана, шоир Фурқат кезган хиёбон.
Анов чойхонада Завқий ичган чой.

Ана, устоз Ҳамза ўйнаган саҳна.
Ана, Темур Фаттоҳ ўқиган мактаб.
Шоирлар шаҳари бўлган Қўқонни
Арзийди кўкларга кўтарсам мақтаб.

Фақат шугинами, дерсиз, Қўқоннинг
Шуҳрати, бойлиги, фазилатлари?
Йўқ, улар беҳисоб, бениҳоядир,
Олимлар тилидан айтилган бари.

Мен фақат беҳисоб фазилатларнинг
Жиндагинигина шеърга солдим.
Шоир бўлганимдан, кечиринг мени,
Шоирларнигина оғизга олдим.

II. ЧАРХИЙ

Муқимий ўрнида муқимдир Чархий.
Унга бу меросни бахш этган замон.

Устоз ҳурматини сақлаб ҳужрада
«Чирогини» ёқиб ўтирар ҳамон.

Ўзи озгингина, жуссаси кичик,
«Муқоваси» унча хушбичим эмас.
Агар учраб қолса унга дафъатан,
Танимаган одам шоир ҳам демас.

Аммо бу кичкина, озгин одамнинг
Ичи тўла шеър, ичи тўла дур!
Булбулга панд берур шеър айтганда,
Ширин ғазаллари эл аро машҳур.

Сеҳрлаб олгучи ўз шеъри билан
Нозик адоларнинг биридир Тархий.
Шакаргуфторларнинг шакаргуфтори,
Ғазалнинг устаси, «пири»дир Чархий.

У айтган ғазаллар мазмундор, ёниқ,
Дилнавоз, ёқимли, чуқур, мазали.
Бойси шу эрур, шоир Чархийнинг
Ҳофизлар тилидан тушмас ғазали.

Истараси иссиқ, суҳбати ширин,
Сертабассум, нозик, овози майин.
Муомала қилар одоб билан у
Камтарликни асло қанда қилмайин...

Муқимий ўрнида муқимдир Чархий,
Муқимий қалами моҳир қўлида.
Ғазалхон халқига хизмат қилгали
Туну кун машғулдир ижод йўлида.

III- МУҚИМИЙ

Хаёл олиб кетар мени узоққа,
Кўз олдимда ўтмиш жонланар яна.
Қулоққа ўтмишнинг овози келар...
Илтимос, жим бўлинг! Кўз солинг! Ана:

Ҳужрада шам ёнур мунғайиб, тутаб,
Шамдонга оқизиб қайноқ ёшини.

Оғир ўйга чўмган шоир Муқимий
Тиззасига қўйиб ғариб бошини.

Ўйлари қўргошин, ўйлари оғир,
Қалбини кемирар бир дунё алам.
Дардини айтмоқчи бўлади элга,
Ердамга келади сиёҳ ва қалам.

Гўё қон томади қалам учидан,
Қалам тўкиб солар бутун дардини.
Оқизиб кетгандай бўлади сиёҳ,
Шоир қалбидаги хўрлик гардини.

«Чархи кажрафторнинг шевасидан доғ»¹,
Муқимий даврида бўлмади шодон.
Уни хўрлар эди ҳар бир бетамиз,
Уни ранжитарди ҳар битта нодон.

Амалдорлар зулми жонига теккан.
Тинкани қуритган муллалар дўқи.
Бойлар, «чойфуруш»лар² озор беришган,
Бағрини қон қилган ҳақорат ўқи.

«Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим
эътибор³,
Шул эрур айбим Муқимий, мардуми
Фарғонаман».

Шоир ўй ўйлайди танҳо ўтириб,
Тагида кўрпача, ёнбошда болиш,
Юпатмоқчи бўлар ўзини ўзи:
«Яхши эмас асло тақдирдан нолиш!»

Аммо кўнгил қурғур юпанмас сира,
Кўзига ёш келур сўрамай-нетмай.
Кўнгли жуда ҳам ғаш, жуда ҳам хира,
Ғам эзар дилини ҳеч шафқат этмай.

Ўйглаб туриб кулган шоир Муқимий,
Юзида табассум, кўзларида ёш
Муҳаббат аҳлига кулиб қараса,
Золимга қарата отар эди тош.

Шоир қўлидаги ҳажвия тоши
Ёвузларга ўқдан, найзадан ёмон.
«Чойфуруш», «Авлиё»⁴, «Баччагар»⁵ларга
Шоир ҳажвияси бермаган омон.

Расо шиббалади «Танобчи»⁶ларни,
Лунжига туширди «Маскопчи бой»⁷нинг,
Умрбод кетмайди қораси, доғи
Амалдор юзига чаплаган лойнинг.

Шундай пайтда шоир енгил тортади,
Табассум югурар ғамгин юзига.
Рақиблар устидан кулган дамларда
Равшанроқ кўринар олам кўзига.

Ҳажвияга солар бутун нафратин,
Бутун ғазабини, бутун кучини.
Шармандаларини чиқариб, кулиб,
Разил одамлардан олар ўчини...

Атрофга кўз ташлар хаёл аралаш,
Атроф ғира-шира, ним қоронғилиқ.
Хужра совиб кетган, жунжийди шоир,
Фақатгина танча бир қадар илиқ.

Қозиққа илинган малла тўн, салла.
Декчада биқирлаб қайнайди шўрва.
Пойгакда ётибди бир боғ тараша.
Бир ёнда турибди бўшаган тўрва...

Ғарибона хужра, фақирона уй,
Нима қилсин шоир бори шу бўлса?
Ва лекин жаннатга айланар хужра
Аҳбоблар келишиб шодликка тўлса.

Нега улар бугун кечикди бунча?
Фурқат қайда қолди? Нисбатий қани?
Завқий, Фарзинча йўқ, созандалар йўқ,
Келишса қизирди суҳбат гулшани.

Ана, эшитилди оёқ товуши!
Ҳа, дўстлар келишди, ҳа, жамоат жам.

Ҳужрага киришар азиз меҳмонлар,
Аския айтишиб, кулишиб, хуррам.

Дўстлар қучоқлашар, кўришар, мамнун,
Мезбон дер:—«Марҳамат, қани ўтиринг!»
Меҳмонлар ўтирар давра олишиб.
Ҳужрада бошланар ажойиб гурунғ.

Созанда, шоирлар, аскиячилар
Суҳбатда қотишар навбат-банавбат.
Завқий кулдиради ҳажвия айтиб.
Янги ғазалини ўқийди Фурқат.

Суҳбатга қўшилар аскиячилар,
Айтишар, тортишар яккама-якка.
Даҳанаки жангдан ҳузур қилишар,
Қийқириқ, кулкилар етар фалакка.

Сўнг шоирлар кезар шеърӣ чаманни,
Бирма-бир туғилар ишқий ғазаллар.
Бу нозик адолар айтган ғазалда
Мукаммал васфини топар гўзаллар.

Мухаммас боғлашар, ғазал тўқишар,
Баҳри байт айтишар шакаргуфторлар.
Авжига чиқади мунозара, баҳс,
Сўнг ишга тушади танбур, дуторлар.

«Чоргоҳ»⁸ айтилади, «Шаҳноз»⁹ айтилар,
Ларзага келади мудраган само.
Ёқимли, оташин мусиқа янграр
Эзилган дилларга тўлдириб сафо.

Фарзинча олади қўлга созини,
Жон олғувчи фарёд юксалар создан.
Тўлғанишиб тинглар шинавандалар,
Руҳлар енгил тортар баланд парвоздан.

«Ол хабар»,¹⁰ «Ақлу ҳуш учди бошимдин»¹¹...
Ҳофизлар завқ билан айтишар ялла.
Шоир Муқимийни олқишлаб дўстлар
Мамнун тарқашади тун оққан палла...

Яна ёлғиз қолар шоир Муқимий.
Яна ҳужрасига сукунат чўкар.
Қамиш қаламини қўлига олиб
Дарду аламини қоғозга тўкар...

Яна ўй ўйлайди, ўйи узоқда,
Замон исканжаси босар кўксидан.
Орзулар кишанда, умид тузоқда,
Шоир замонидан жуда ўксиган...

Мавлоно, дам олинг, мен ҳам дам олай,
Тонг ёришиб қолди, чиқмоқда қуёш!
Муқимий боқади ўтган асрдан,
Юзларида ғусса, кўзларида ёш...

IV-НОДИРА

Саломат бормисиз, Нодира бегим?
Сизни йўқлаб келдим бошқа асрдан.
Нимагадир сизни кўргим келади,
Менга назар ташланг олий қасрдан.

Жуда интизорман назарингизга,
Мени қувонтирсин қуралай кўзлар.
Менинг юрагимга олов ташлаган
Ғазалингиздаги оташин сўзлар...

Мени бошлаб келди ҳузурингизга
Шеърят севгиси, ғазал севгиси.
Булбулни чаманга бошлаб келгандай
Ғунча табассуми, чечак кулгиси.

Бир кун боғингизда меҳмон бўлайин,
Шугина хоҳишим, шугина зорим.
Шеърингизни тинглаб ўз оғзингиздан
Пича ҳузур қилай, чиқсин хуморим.

Айтинг, жой қилишсин чаман саҳнига.
Айтинг, канизаклар яхши кутишсин.
Айтинг, созандалар соз чалиб берсин.
Айтинг, раққосалар ўйинга тушсин.

Базми жамшидингиз авжига чиқсин.
Ҳайрат бармоғини тишласин фалак.
Бир коса май тутинг ўз қўлингизда
Шеърят боғида етилган малак.

О, бекам, кечиринг, агар сўзларим
Малол келган бўлса қайтариб олай.
Майли, ўз асримга қайтайин, фақат,
Аввал ёнингизда бир нафас қолай.

Бир нафас термулай жамолингизга,
Ойдек юзингизга тўйиб бир нафас!
Аммо сиз дегандай бўласиз менга:
«Кенг дунё мен учун мисли тор қафас...»

Дарҳақиқат, нега кўзингизда ёш?
Дарҳақиқат, нега хафасиз, бекам?
Нега қалбингизда кезар изтироб?
Нега юзингизга соя солмиш ғам?

Қайси бир бераҳм, қайси бир жаллод
Ҳаловатингизни ўғирлаб олган?
Ёки «ичкари»нинг ҳақоратими
Гулдек қалбингизга изтироб солган?

Ким сизни ранжитди? Ким озор берди?
Ёки амир Умар хафа қилдими?
Ё севги боғини босдимиз хазон?
Бағрингизни ҳижрон тиги тилдими?

Ва ё юртга қўшин тортмоқчими ёв?
Юриш қилмоқчими қутурган хонлар?
Яна юрт бошига офат ёғилиб,
Яна оқмоқчими бегуноҳ қонлар?

Кимнинг ҳадди сизни хўрлашга?
Ё ғамнинг боиси халқ фарёдими?
Эзилган, хўрланган бенаволарнинг
Кўкни қалтиратган оҳи, додими?

Нега индамайсиз? Нимага жимсиз?
Нима учун жавоб бергингиз келмас?
Ёки индашга ҳам эрк бермайдими
Азиз жонингизга тор келган қафас?

Қўлда девонингиз, боядан бери
Боғда мутолаа қилиб юрибман.
Ёниқ ғазаллардан куйган дилингиз
Кўриниб турибди, кўриб турибман.

Сиёҳ билан эмас, гўё қон билан
Ёзилганга ўхшар шеърлар бутун.
Гўё қон тирқирар мухаммаслардан
Гўё ғазаллардан бурқирар тутун.

«Нодира, булбул каби то нола иншо айладим,
Навбахор ўтди, хазон ўлди гулистон оқибат»¹².

«Фалакдин ўтди фиғоним, қуёшга етди уним,
Ҳануз, Нодира, кам бўлмади бу оҳу наво»¹³.

«Гули савсан очилди, бенаволиқ қилма, э, булбул
Чаманда Нодира ашъори бирла нолаю зор эт»¹⁴.

Ахир, булар сизнинг фиғонингиз-ку!
Қандай сиғди дилга шунча кўп фиғон?
Қалбимга томгандай бўлади гўё,
Мисраларингиздан томчилаган қон...

Куйиб кул бўлмасин фалакда қуёш,
Оҳу нолаларни бир оз камайтинг!
Бу аччиқ, дил эзар нолаю зорнинг
Бойси нимада, ростини айтинг!

Ахир, ҳамма нарса қўлингизда-ку!
Қилолмадингизми балоларни даф?
Ўзингиз малика бўла туриб ҳам
Чора тополмабсиз дардга, қизиқ гап!

Ҳамма амрингизда, ҳамма бўйсунар,
Ҳаммага вожибдир сиз берган фармон.
Ҳамманинг умиди сиздадир, сиздан
Ўзгалар ахтарар дардига дармон.

Аmmo ҳамманинг ҳам дардидан кўпроқ
Ўзингизни эзиб, янчиб ётган дард.
Шодлик кафанидир ғусса чангидан
Гулдек қалбингизга қўнаётган гард.

Чўри аёлларнинг дардидир, балки,
Мушфиқ дилингизда қалашиб ётган.
Балки, катта, асрий фожиаларнинг
Давосиз дардидир сизни йиғлатган.

Балки даврингизда алангаланган
Зулмнинг учқуни тушгандир дилга.
Балки ғарибларнинг оҳу ноласи
Шеърингиз орқали киргандир тилга.

Ҳа, хоним, сиз умр сурган асрда
Амир Насруллолар ҳукмрон эди.
Авжига чиққанди ҳақорат, зулм,
Мазлум халқимизнинг бағри қон эди.

Сиз элга қанчалик яхшилиқ қилманг,
Мўлжалга етмасдан кетарди елга.
Сиз яшаган тузум, сиз яшаган давр
Мурувват кўргаза олмасди элга.

Сизнинг даврингизда халққа нисбатан
Адолат тангриси кўр эди, хоним.
Золимлар зулмига гирифтор бўлган
Халқнинг пешанаси шўр эди, хоним.

Даврингизда йўқсул, бенаволарга
Ўз уйи, ўз юрти гўр эди, хоним.
Сиз зулмни енгмоқ истагандирсиз,
Аммо зулм сиздан зўр эди, хоним.

Элга мурувватни раво кўрмасди
Сизни дорга осган шафқатсиз замон.
Балки ўзингиз ҳам сезарсиз буни,
Инсон учун қуллик ўлимдан ёмон!

Етим-есирларнинг аҳволига вой,
Юрт бўйлаб қашшоқлик, очлик кезарди.
Қишлоқлар харобу қулбалар вайрон,
«Ҳапалак»лар¹⁵ ғами дилни эзарди.

Эл қўрқар бекларнинг ҳар қадамидан
Бир бало, бир офат, фалокат сезиб.

Эл омонлик истаб, нажот ахтариб,
Дарбадар бўларди юртидан безиб.

Балки ўзингиз ҳам биларсиз бунини,
Айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмас.
Балки сиз бошқача фикрдадирсиз,
Айтган гапларимга кўнглингиз тўлмас.

Унда кўнглингизга олманг сўзимни,
Мен фақат дилдаги гапларни айтдим.
Сизни қон йиғлатган замонангиздан
Ўзимнинг бахтиёр асримга қайтдим.

Мени бунда баҳор, чаман кутади,
Мени бунда тинчлик, озодлик кутар.
Мени бунда меҳнат, ижод, шеъринат,
Ғалаба, тантана ва шодлик кутар.

Обод қишлоқларни айланиб юриб,
Хурсанд бўлганимдан бақиргим келур.
Бир нафас қайғудан озод бўлинг, деб,
Сизни ҳузуримга чақиргум келур.

Аммо келолмайсиз, афсус, минг афсус!
Лекин китобингиз тушмас қўлимдан.
Ғазалларингизни ўқишиб ўтар
Замонам қизлари соғу сўлимдан.

Булар набиралар, шеър ошиқлари,
Ғазалларингиздан жавоҳир излар.
Булар замонамнинг комилалари,
Нодирани даврон аталган қизлар...

V. ХОТИМА

Хаёл яна олиб кетмоқчи, аммо,
Жилловини тортдим эркига қўймай.
Энди сайр этаман атроф чаманни,
Боқаман бугуннинг ҳуснига тўймай.

Мени мафтун этар бугуннинг ҳусни,
Шараф, бахт кўзгуси аталган юртим...
Кундан-кун чиройи тўлишаётган
Шоирлар шаҳрини айланиб юрдим.

Фурқат кўчасини кездим қайтадан,
Муқимий боғида ўтирдим бир оз.
Муסיқа янграйди аллақайлардан,
Айтилар «Ол хабар», айтилар «Шаҳноз».

Ўтмишни ёдидан чиқармас халқим,
Шонли аждодларни унутмас сира.
Аждодларимизнинг олтин мероси
Замонлар зангидан бўлмагай хира.

Муҳаббатимизнинг рамзи эмасми
Аждодлар ёдига қўйилган ҳайкал?
Доно давлатимиз, ғамхўр халқимиз
Шеъримизга бермакда сайқал.

Тозалаб табаррук саҳифаларни
Ўтмиш асрларнинг қалин чангидан,
Мангу ҳаёт бердик, нодир асарлар
Худди туғилгандай бўлди янгидан.

Янгидан нур сочар гулшанимизга
Шеърят кўкида ёнган чироқлар.
Олимлар номида мактаб, музейлар.
Шоирлар номида кўчалар, боғлар.

Минг баҳор ҳуснини ўзида жамлаб
Маданиятимиз кўтармакда қад.
Мармар лавҳаларга ўйилган номлар
Сўнмас шонимизни эслатар абад.

Атир пуркагандай бўлар димоққа
Яқинлашиб қолган баҳорнинг ели.

Бошимда туғилар янги мисралар,
Юракни босади ҳаяжон сели.

Ҳа, тиним билмасин ҳаяжон сели,
Қалбим, илҳомимни босмасин мудроқ.
Бир нафас ҳам бекор ўтмасин умр,
Иш учун яралган истеъдод, идрок.

Январь, 1968 — февраль, 1969 й.
Қўқон — Тошкент

¹ — Фурқат ғазалдан. ² — Муқимий шеърининг номи. ³ — Муқимий ғазалдан. ^{4, 5, 6, 7} — Муқимий шеърларининг номи. ^{8, 9} — куйларнинг номи. ^{10, 11} — Муқимий шеърларининг номи. ^{12, 13, 14} — Нодира ғазалларидан. ¹⁵ — Хонлар давридаги бир қишлоқнинг номи.



ШЕЪРИЙ
ПЪЕСАЛАР

**АЛИШЕР
НАВОЙ¹**

БЕШ ПАРДА,
УН КУРИНИШЛИ ДРАМА

¹ Бу асар драматург Иззат Султонов билан биргаликда ёзилган.

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Навойй — буюк ўзбек шоири.
Жомий — улуг форс-тожик шоири.
Соҳибдоро — шоир.
Хондамир — муаррих.
Беҳвод — рассом.
Султонали — хаттот.
Абулмалиҳ — Навойнинг ошпази.
Гули — Навойнинг севгилиси.
Кулмуҳаммад — бастакор. Гулнинг отаси.
Хосият — Гулнинг онаси.
Қундуз — Гулнинг дугонаси.
Энага — Гулнинг энагаси.
Хусайн — шоҳ.
Маждиддин — вазир.
Музаффар }
Қутбиддин } — беклар.
Убайдулло }
Мансур — Музаффарнинг ўғли.
Биноий — шоир.
Абулвосе — латифачи.
Жалолидин — меъмор.
Турдибой — навкар.
Мўминмирзо — Хусайннинг набираси.
Мунажжим
Шайхулислом.
Чол.

Олимлар, шоирлар, беклар, амирлар, навкарлар,
мулозимлар, созандалар, халқ.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КУРИНИШ

Навойнинг Ҳирот ташқарисидаги боғи. Ўртада икки қаватли шийпон. Узоқда Ҳирот ва унинг қўрғони, қалъаси кўриниб туради. Шийпоннинг бир ёғи мрамар ҳовуз, атрофи гулзор. Нариди чўзилиб кетган мевали дарахтлар.

Тонг пайти Н а в о и й шийпонда ўтириб, шеър ёзиш билан машғул.

Н а в о и й

(ўқийди)

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт!
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт!
Ком талху бода заҳру ашк рангин бўлғонин...

Г у л и

(кириб, Навоийни тинглагач)

Лаъли ширин, лафзи рангин шўҳи худкомимга айт.

Н а в о и й

Кўзимнинг нури кел, тоза гулим кел!
Кўнгул боғида сайроқ булбулим кел!

Г у л и

Кўриб гулзор ичида сизни ёлғиз
Сўроқсиз, индамай, мен беҳаё қиз,
Кечиргайсиз, келишга журъат этдим.

Навой

Кўнгил армони кел! Мақсадга етдим.
Нечук безовтасан! Барвақт турибсан?
Малак янглиғ ўзинг танҳо юрибсан?

Гули

Саҳар чоғи туриб ширин ғазалдин,
Эшитмак одатим бўлган азалдин.

Навой

Қулоқ солдингми?

Гули

Ёлғиз мен эмас, гул,
Само, ер, коинот, афтода булбул —
Бутун жонлик ва жонсиз тинглади жим,
Ғазалдин бу каби завқ олмаган ким?
Ғазалким, сўзлагай меҳру вафодин.
Ғазалким, сўзлагай ишқдин, сафодин.
Ғазалдин бу каби шавқ олмаган ким?

Навой

Кўнгил илҳомчиси сенсан, азизим.
Буларнинг барчаси сенга отолғон.

Гули

Худо билсин, сўзингиз, балки ёлғон.

Навой

Нечук? Хўш?

Гули

Сўнги чоғда камнамосиз.
Ғариб бечора мен ер, сиз самосиз.

Навой

Ёнингда бўлмоқ орзум эртаю кеч,
Ғақат найлай, иложин топмадим ҳеч.
Ариқ қозмоқдамиз, чўлларда иш кўп,
Работу мадраса, йўлларда иш кўп.
Юмуш, дер, ердаги ҳар зарра тупроқ,
Юмуш, дер, боғдаги ҳар тоза япроқ.

Гули

Кимики бўлса инсон, бўлса одам,
Халойиқнинг ғамин ёйдур дамо-дам.

Навой

Вафодорим, шунинг-чун камнамоман.
Олур вақтимни бу ишлар тамоман.

Гули

Алишер! Чинданам шерсиз. Буюк шер!
Улуғ ишларни қилмоқ истаган эр,
Бўлур шердай жасур, қайтмас изидин,
Қилич келганда ҳам қайтмас сўзидин.
Ғақат кўпдур, эсиз, кўп душманингиз.

Навой

Енгур зулматни нур, албатта, шаксиз.

Гули

Бироқ ҳозирча зулматнинг кучи кўп,
Ғақиқат нурини сўндиргучи кўп.
Кеча кўрган эдим, мен бир ёмон туш
У тушни эсласам бошдан учар ҳуш...

Навой

Нечук туш?

Г у л и

Сўрманғиз.

На в о и й

Сўзла, азизим!

Г у л и

Тилим бормади ҳеч, қалбим тўла бим...
Ўтибсиз ерда сиз қўл-бўйни боғлиқ
Ва сизни қуршамини бир тўп пичоқлик.
Ўзиб мен сочларимни йиғлар эрдим.
Жафо тиғи-ла бағрим тиғлар эрдим.
Чўчиб уйғондиму билдим баногоҳ,
Туш эркан. Шу маҳалдин нолаю оҳ
Эзар бағримни қаттиқ, ўртанур дил,
Мисоли ўтга тушкан бир узиқ қил...

Навой Гулининг сўзларидан қаттиқ таъсирланади.
Аммо таъсирланганини яширишга тиршиб,
Гулини овута бошлайди.

На в о и й

Гулим, беҳудага безовта бўлма,
Ўзингни қийнама, ғамларга тўлма!
Дадил бўлсанг ваҳмининг ранги сўлғай,
Ишон, одатда тушнинг акси бўлғай.
Мени шерсиз дединг, ёвлар қуёндир.
Қуёнларнинг иши сенга аёндир.

Г у л и

Дуруст, шерсиз... фақат... занжирбанд шер...

На в о и й

(ғоят таъсирланиб, оғир)

Ажаб, занжирбанд шер, енгаман дер.

Г у л и

Эсиз, мен сизни ранжитдим...

Н а в о и й

Йўқ, асло!

Г у л и

Жаҳаннам ўтлари қаршимда пайдо,
Кўнгулда борини айдим, нечора.
Яширсам, айтмасам дил пора-пора...

Н а в о и й

Етар, бас! Чекма ғам! Кўнглингни шод эт!
Севишган, бахтиёр кунларни ёд эт!
Мени, девонани занжири банд қил.
Қаро зулфингни бўйнимга каманд қил.
Висол ошиқ учун кундур у, тонгги,
Жафокаш айрилиқ тундур қоронғи.

Г у л и

Мени тун қўйнида қолдирманг асло,
Ғами ҳижрон ила толдирманг асло.

Н а в о и й

Қилиб тўй, сўнг бўлурмиз бирга доим.
Сени кўп кўрмасин менга худойим.
Мени девона қилган нозанин ҳур,
Малак сиймо, париваш, кўзлари нур,
Юзи гул, лаъли хандон, тишлари дур,
Насиб этсин худойим менга...

Ташқаридан овоз: «Мансур!»

Н а в о и й

Биров келди чамамда.

Г у л и

Мен кетай...

Н а в о и й

Сабр.

Г у л и

Яна ҳижронга ташлаб қилмангиз жабр.

Н а в о и й

(*Ўзининг янги девонини Гулига тақдим этади*)

Уқирсен.

Г у л и

(*девонни олиб*)

Жон билан.

Н а в о и й

Янги битилган,
Сенинг ишқинг билан ўсган, етилган.

Гули кетади. Навоий Гулини кузатиб чиқади.
Абулмалиҳ кириб шийпонни йиғиштира бошлайди.

А б у л м а л и ҳ

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш.
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

М а н с у р киради.

М а н с у р

Қани, байтингни қўй! Туш пастга!

А б у л м а л и ҳ

Шюшма!

Қулоқ сол, бетамиз!

М а н с у р

Ҳаддингдан ошма!

А б у л м а л и ҳ

«Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш».

М а н с у р

Навойдан.

А б у л м а л и ҳ

Бали! Қандай бамаъни!

М а н с у р

Қафас зиндон эрур булбулга.

А б у л м а л и ҳ

Яъни —

Яшашдан юз аср олтин қафасда —
Яшаш афзал бир ой эркин нафасда!

М а н с у р

Бали! Калланг дуруст. Хўш, катта шийпон?

А б у л м а л и ҳ

Муҳайё!

М а н с у р

Соз.

А б у л м а л и х

Ҳали мудрар эди тонг,
Туриб мен ишга тушган чоғда... тайёр.

(Кетади.)

М а н с у р

Бало ошпаз, бало. Улгунча айёр.
Узи қулваччаю идроки юксак.
Шу важдин кўп яқин шоирга бу сак...
«Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш».
Қафасга тушмасин халқим, элим дер
Вазир, олим, буюк шоир Алишер.
Бу шернинг панжасига панжа урмоқ,
Уруш дулдулларин майдонга сурмоқ
Қийин иш... Беҳаё Маждиддин эрса,
Қулай пайт топсаю тез зарба берса.
Хаёл, муфсил хаёл... Мен истамайман
Ёвузнинг илкида ханжар бўлишни.
Илоҳим билмасин умри сўлишни,
Бу шеър даҳосига минг йил умр бер!
Бу элнинг фахридур, шоир Алишер.

Қўлида қоғоз ўқиб Н а в о и й киради.

Н а в о и й

Эшит, Мансур!

М а н с у р

Бутун жисмим қулоқдур.

Н а в о и й

Юракдан.

М а н с у р

Чунки у шеъри булоқдур.

Навой

(ўқийди)

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун, сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким, бошиндадур.

Жомий кириб мароқ билан Навойни тинглайди.

Жомий

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Ҳусн шоҳи, бу балоларким, кўзу қошиндадур.

Навой

Келинг, пирим! Келинг, мавлоно Жомий!

Жомий

Ажойиб бир ғазал, дилбар, тамоми
Сеҳрдур! Офарин!

Навой

Ортиқча мақташ.

Жомий

Гуҳардур ҳар сўзи, ҳар ҳарфи оташ,
Самимийдир сўзим.

Навой

Раҳмат.

Жомий

Ишингиз?

Навой

Ёмон эрмас, пирим, севган кишингиз
Мадад бермакдадур.

Жомий

Шоҳ?

Навой

Балли, ҳар он.

Жомий

Шаҳаншоҳ бир қадар ишратда.

Навой

Нуқсон.

Навой билан Жомий боғни айлангани чиқиб
кетадилар.

Мансур

Самимий икки дўст, бу икки доҳи,
Шеър осмонининг офтоби, моҳи.

Мажиддин билан Мунажжим киради.

Буюрсинлар.

Мажиддин

Қани, меҳмонларингиз?

Мансур

Келурлар.

(Шийпондан жой кўрсатиб.)

Марҳамат.

М а ж д и д д и н

Хўш?

М а н с у р

Дам олингиз.

М а ж д и д д и н

(Атрофни томоша қилиб.)

Бу бир жаннат... У ким?

М а н с у р

Мавлоно Жомий.

М а ж д и д д и н

Адоват, фитна, кин, найраиғга ҳомий.

М а н с у р

Амир!

М а ж д и д д и н

Оғзингни юм! Қўрқоқ!

М а н с у р

Амир!

М а ж д и д д и н

М а н с у р

Гуноҳим?!

М а ж д и д д и н

Ақли паст! Олтин, кумуш, пул
Ва мансаб берсаму ноз айласанг.

М а н с у р

Бас!

Ҳақорат қилмангиз!

М а ж д и д д и н

Сен мисли бир хас.
Кичик ел турса тез учгунг ҳавога.
Ишим тушмай қосин сен бедавога.

М а н с у р

Амир, шафқат қилинг, мен мубталога.

М а ж д и д д и н

Навойй билмасин. Қолгунг балога.
Қулоқ сол яхшилаб...

М а н с у р

Йўқ менда тоқат.
Улуғ шоир учун мендан садоқат —
Зарурдир. Мен уни устоз деганман.

М а ж д и д д и н

Дуруст, Мансур, дуруст, содиқ экансан.
Синаб кўрмоқчи бўлдим.

М у н а ж ж и м

Бали сизга!

М а ж д и д д и н

Қани бор, яхшилаб гул тер-чи, бизга!

М а н с у р таъзим билан чиқиб кетади.

Муғомбир, барибир тушгуси қўлга.

М у н а ж ж и м

Ҳали ёшдур, кейин киргуси йўлга.

Не гаплар бор?

М а ж д и д д и н

Қилич қўзғалди қиндан.
Муҳаммад Ёдгор пойлар биқиндан.

М у н а ж ж и м

Секин! Келмакдалар.

Н а в о и й билан Ж о м и й киради.

Н а в о и й

О... Марҳамат! Соз!

Ж о м и й

Салом, дўстлар!

М а ж д и д д и н

Салом, покиза устоз!

М у н а ж ж и м

*(кўтарилиб келаётган қуёшни ва
Жомий билан Навоийни кўрсатиб)*

Фалакнинг ҳалқумин соҳир сиқибдур:
Қарангиз, уч қуёш бирдан чиқибдур.

Ж о м и й

Мунажжимлик.

М а ж д и д д и н

(Навой билан Жомийни кўрсатиб)

Фақат анжумда кўзлар.

Н а в о и й

Латофатлик, нуқул дурдона сўзлар.

Меҳмонлар: Ҳиротнинг олимлари, шоирлари, Султон-али, Соҳибдоро, Хондамир, Беҳзод, Биноий ва Қулмуҳаммад бошлиқ созандалар кирадилар.

Н а в о и й

Азизлар, хуш келибсиз! Балли! Раҳмат!

Б и н о и й

Бўлинг хушвақт, чекманг зарра заҳмат.

С о ҳ и б д о р о

Қилиб оламшумул санъатни бунёд
Кетирмиш сизга туҳфа уста Беҳзод.

Беҳзод таъзим билан шоҳига ўралган расмни Навойга узатади. Навой расмни шийпоннинг устунига илади. Расмда чиройли боғ. Навой мрамар ҳовуз бўйида, қўлига вазирлик асосини ушлаб турибди: олдида олтин тўлдирилган кумуш товоқ атрофида очилган гуллар, шоҳида булбуллар. Ҳамма ҳайрат билан томоша қилади.

Б и н о и й

Бали! Юз офарин санъатга бундоқ!

С о ҳ и б д о р о

Бу санъат оламида гавҳарин тоқ!

М а ж д и д д и н

Бу ноёб шоҳ асар!

М у н а ж ж и м

Бу бир даҳодур!

Қ у л м у ҳ а м м а д

Бу ўлмас мўъжиза!

Х о н д а м и р

Умри бақодур.

Н а в о и й

Бу санъат шоҳининг бошига гултож.

Ж о м и й

Асрлар бўлмиш эрди бунга муҳтож.

Б и н о и й

Бу раягин лавҳани кўрган замони
Бўлу р минг қатла қул Беҳзодга Мони.

Ж о м и й

(сўз ўйини бошлайди)

Узуб бир гулни, хоҳлардимки, боқсам,
Бўлуб хурсанд ани чаккамга тоқсам.

Ҳамма мароқ билан жилмаяди.

М а ж д и д д и н

Агар қўл чўзсангиз гулларга бирдан
Учиб кетмасмикин қушлар чамандан?

Кулишади.

Б и н о и й

Пирим, қўлларни кўп қўзғатмасинлар:
Алишер жаҳл ила сўз қотмасинлар.

Кулки кучаяди.

Н а в о и й

Гўзал сўзлар учун, бу янглиғ дилдор,
Азизлар, шубҳасиз, арзийди минг бор.
Ташаккур билдириб наққошингизга,
Нисор этсам, бу зарни бошингизга!

С о ҳ и б д о р о

Кетирмиш ҳадяким, Султонали ҳам,
Бунингдек мўъжиза ғоят бўлура кам.

Султонали таъзим билан девонни Навойга узатади. Навой девонни
очади, ҳамма томоша қилади.

Қ у л м у ҳ а м м а д

Гўзал! Ғоят нафис!

М а ж д и д д и н

Минг бора яхши!

Х о н д а м и р

Ҳиди анбардин ўткур.

Н а в о и й

Турфа нақши
Музайян, жилвагар товус патидин.

М у н а ж ж и м

Аторуд дарс олур кўрса хатидин.

Ж о м и й

Ғазалларки демиш шоир Навоий
Муҳаббат аҳлининг тенгсиз давоийи.
Биной, сиз недирсиз?

Б и н о и й

Тўғри, ғоят
Гўзал равноқ, нафис, олий ниҳоят.
Эрур жон озуғи ҳар бир ғазал, соз.
Фақат тил туркидур, шу айби бор оз.

Н а в о и й

Тагин сиз эски баҳсни бошладингиз.

С о ҳ и б д о р о

Арога ноўрин гап ташладингиз.

Б и н о и й

Ҳақиқий шеър, фақат форсида бўлғай.

С о ҳ и б д о р о

Бу сўздан сўзламанг, жоним ўтанғай.

Б и н о и й

Нафисдур форси тил, турки қўполдур,
Лазиздур форси тил, турки тўполдур.

Н а в о и й

Емон тил, яхши тил йўқ, барча тил бир.
Улуглар олдида бу гап эмас сир.
Жаҳонга шоҳ асарлар тақдим эткан,
Бутун дунёга шуҳрат, донғи кетган.
Фақат форслар эмас, ҳиндлар, араблар,
Хитой, юнон, бўлаклар ҳам. Бу гаплар

Аёнду р кун каби. Биз сўзлаган тил
Шу тиллар сингари бойду р ва қобил...

Мулозимлар билан Мўминмирзо киради.

Мўмин

Салом!

Навой

Шаҳзода Мўминга саломлар!

Ҳамма шаҳзодага таъзим қилади.

Мўмин

Салом, эй муҳтарам ширин каломлар!

Жомий

Улуғ парвардигор бўлсин мадакдор.

Абулмалиҳ

(кириб)

Азизлар, марҳамат! Нонушта тайёр!

Жомий бошлиқ меҳмонлар чиқа бошлайдилар. Узоқдан чопиб келаётган отларнинг туёқ товуши эшитилади. Саҳнадан Навой, Мажиддин ва Мунажжимдан бўлак ҳамма чиқиб кетади. Навкар киради.

Навкар. Шаҳриёр замину замон, хусравий соҳибқирон, Абулғозий султон Ҳусайн Баҳодирхон ташриф буюрлар.

Навой. Ажабо! Шаҳаншоҳ Боғи жаҳонорода истироҳатга машғул эди. Кутилмаган бир фурсатда бунда келишларига не боис бўлди экан?

Мажиддин. Зиёфатингизга келган бўлишлари мумкин, амир.

Бир неча навкарлар билан ташвишли Ҳусайн Бойқаро кириб келади, ҳамма таъзим қилади.

Навоий. Шаҳаншоҳнинг бунда ташриф буюришларидин гоят хурсандмиз.

Ҳусайн. Миннатдорман, Алишер. Муҳим бир ҳодиса бизни бунда келишга мажбур этди.

Навоий. Улуғ мирзони не ҳодиса безовта қилди экан?

Ҳусайн. Пайтахтда исён!

Ҳамма ҳаяжонда.

Мунажжим. Исён?!

Навоий. Талаб ва мақсадлари?

Ҳусайн. Кечаги хирожни бекор қилишни талаб этар эмишлар.

Навоий. Яна қандай хирож?

Маждиддин. Жаноби амирнинг хабарлари йўқ, Ҳирот бекларининг илтимосларига биноан халқдан янги хирож олиш борасида кеча фармони олий берилган эди.

Навоий. Бу халққа жабр эмасми, шоҳим?

Ҳусайн. Алишер, ҳозир бундай мулоҳазаларнинг фурсати эмас. Мен бунда исёнга қарши чора кўриш бобида маслаҳатлашгани келдим. Муҳтарам амирлар, не тадбирни маслаҳат кўрасиз?

Маждиддин. Фикри ожизимча, тездан исёнчилар устига қўшин тортмоқ зарур.

Навоий. Менинчга, халқнинг ҳақли талабларига одилна қулоқ солмоқ лозим.

Ҳусайн (*асабийлашади, бир қарорга келолмай, Мунажжимга мурожаат қилади*). Хўш, самовий мавжудотлар нимани талқин этадилар?

Мунажжим. Бугун кечаси, бешинчи фалакда Ноҳид юлдузининг авзойи бузуқ кўринди. Самовий мавжудотлар қилич яланғочлаб қон тўкишни талқин этадилар, шоҳим.

Ҳусайн. Тангрим худди шу фикрни дилимга солиб турган эди. Мушкулимизни яна қилич ва қон ҳал этади. Мен у бебошларга Темур авлоди қиличининг қудратини яна бир бор кўрсатай!

Навоий. Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг шубҳали қуръаларига қараб эмас, балки ақл ва идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур.

Ҳусайн. Мамлакатимизнинг ақли ҳисобланмиш, соҳиб тадбир, доно Навоийнинг букун басит ва саёз мулоҳазалар юритишининг бойси не бўлса экан?

Навоий. Шоҳим, дўстлик ҳурмати, мамлакатимиз ва салтанатимизнинг осойишталигидан бўлак муддаом йўқдир.

Ҳусайн. Алишер, дўстлик ҳурмати, дейсиз... аммо дўстларимнинг дўстлари тахти бахтимга чанг солсалар, мен энди кимга ишонай?

Навоий. Аччиқ фикрларнинг очиқ айтилмоғи яхши.

Ҳусайн. Исёнчилар бошида меъмор Жалолоддин турган эмиш.

Навоий (ҳаяжонда). Уста Жалолоддин?

Мажиддин. Яқин дўстингиз, хунук бўлибди.

Навоий. Халқ ҳақсизликка қарши бош кўтарар экан, унга кимдур раҳнамо бўлиши муқаррар. Бас, Жалолоддин бўлмаса бошқа бир кишининг исёнга бош бўлиши эҳтимолдан холи эмасдур.

Ҳусайн (заҳарханда билан). Улуғ Навоийнинг самий маслаҳатлари учун гоят миннатдормиз... Амир Мажиддин, бекларга хабар қилинг, исёнчилар устига қўшин тортсинлар!

Мажиддин чиқа бошлайди.

Навоий. Сабр!

Мажиддин тўхтади.

Шоҳим, мамлакатимизнинг асл фарзандлари тарафидан яратилмиш муҳташам бинолар, шифохоналар, кутубхоналар кулпарча бўлсин учун яратилганмиди?

Ҳусайн. Мен учун тожи тахтни сақлаш ҳар нарсадан муҳим.

Навоий. Пойтахт тинчланмас экан, Ёдгорбек устидан галаба қозониш ва тожи тахтни сақлаш мушкул.

Мажиддин. Уринсиз хавф.

Кўчадан чопиб келаётган от туёқларининг овози эшиглади. Ҳамма ҳаяжон билан қулоқ солади. Шошилганича навакар киради ва ер ўпиб таъзим қилади.

Навакар. Ёдгорбек пойтахтга кирди ва Боғизоғон қалъасини ишғол этди.

Ҳусайн (ғазаб билан қилич сугуради). Нима? Қандай қилиб?

Навоий. Шоҳим, бундай мусибатларнинг чораси ҳаяжон ва ҳис билан топилмайди. Ҳар бир мушкулни ақл ва совуққонлилик ҳал қилади. (Пауза.) Ёдгорнинг пойтахтга тез ва ўнғай кирганлиги гоят таажжуб.

Х у с а й н. Дарвоқе?

М а ж д и д д и н. Ҳар ҳолда оғир мусибат юз бермиш. Халқ бир ёқдин, шаҳзода Ёдгор иккинчи ёқдин. Икки оловга қарши бирдан чора кўриш мушкул. Фикри ожизимча, ҳозир Ҳиротдан узоқроқ кетиб турмоқ, куч йиғиб, сўнг Ҳирот устига юриш қилмоқ лозим...

Х у с а й н. Фурсатни қўлдан бериш мумкин эмас!

М а ж д и д д и н. Бошқа чора йўқ.

Х у с а й н. Оғзингни юм, қўрқоқ! Чора топиш керак!
Чора топиш зарур!

Н а в о и й. Чора топилади, шоҳим.

Х у с а й н. Демак, Алишер, бизни фалокатлардан яна сиз қутқарасиз?

Н а в о и й. Юртни тинчитиш ва Ёдгор Муҳаммадни дафъ қилиш борасида бутун ихтиёрни менга топширсалар.

Х у с а й н. Менинг номимдан истаган чорани кўра олурсиз.

Н а в о и й. Халқ ҳузурида, шаҳаншоҳ бутун кучини юртни обод қилишга сарф этурлар дея, ваъда беришга ваколат сўрайман.

Х у с а й н. Хазинамдан ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда берман.

Н а в о и й. Менга бўлган ишончлари учун ғоят миннатдормен.

Х у с а й н. Оқ йўл, дўстим, тангри мададкор бўлсин!

Алишер чиқа бошлайди.

Алишер, ҳар эҳтимолга қарши навкарлардин кўпроқ олинг!

Н а в о и й. Ғамхўрликлари учун миннатдормен. (Кетади.)

Х у с а й н. Амир, бекларга хабар қилинг, қўшинни тайёр тутсунлар!

М а ж д и д д и н таъзим қилиб чиқиб кетади.

Яна ғавго, яна ташвиш. На уйқуда ҳаловат ва на турмушда роҳат. Тожи тахтни сақлаш нақадар мушкул.

М у н а ж ж и м. Бугун кечаси Ноҳиддан сўнг олтинчи фалакда Мушгарий юлдузи жилва кўргазди. Самовий мавжудотлар шаҳаншоҳнинг бахт ва саодатидин башорат бердилар.

Х у с а й н. Иншоолло, айтганинг келсин!

Ма ж д и д д и н (*кириб*). Буйруқлари бажарилди, Аммо Алишер навкарлардан ҳеч кимни олмай, фақат Абулмалиҳ билан жўнади.

Ҳ у с а й н. Таажжуб. Ҳатто исёнчи халқ олдиға ҳам ёлғиз ўзи боради.

Ма ж д и д д и н. Авом шоиримизни ҳурмат қилади, шоиримиз ҳам авомнинг тилини яхши биладилар.

Ҳ у с а й н. Кошки, бошқа амирлар ҳам авомнинг тилини билса! Кошки, ўзгаларни ғийбат қилувчилар ўз нуқсонларини ҳам билсалар! Доимо ҳовлиқасиз, хирож ҳақида ҳам ҳовлиқдингиз, бошимни айлантирдингиз... Мана, натижа!

Ма ж д и д д и н. Шоҳим мени афв қилсинлар, бундай бўлишини ўйламаган эдим... (*Пауза.*)

Ҳ у с а й н (*аста юриб шийпоннинг иккинчи қаватига чиқади*). Сира тинчимади бу Алишер. Мен уни вазир қилдим... бойликлар бердим... У эса, бойликларни ерга сочишни яхши кўрадиган бўлиб чиқди... Доимо сўзлагани ободонлик... Бу гаплар мени зериктирди. Мен чарчадим... Дунё бевафо, тожу тахт бебақо... Атрофимни шубҳалар, сирлар дунёси ўраб олгандай. Ким дўст, ким душман билиб бўлмайди. Юрак дардларини фақат май ва маҳбубларгина юпатади... У эса, май ва маҳбубнинг лаззатидан маҳрум. Шу ёшга келиб бирор гўзални севгани маълум эмас... У гоят қийматли, тадбиркор, мамлакат учун зарур одам. Зўр санъаткор. Аммо... Бир оз адашади.

Ма ж д и д д и н. У сизни ўзи чизиб қўйган чизикдан юргизмоқчи.

Ҳ у с а й н (*қўл силтаб Маждиддинни тўхтатади*). Нариги боғда юрган қиз ким?

Ма ж д и д д и н. Ҳарамбоп.

Ҳ у с а й н (*пастига тушади*). Сен тездан Ҳиротга жўна. Алишерга кўмак бер.

Ма ж д и д д и н. Шоҳимнинг буйруқлари дарҳол бажарилур.

Ш о ҳ кетади.

Шаҳзода Ёдгор қалъага кирди, марра бизники. Аммо Алишер бу гал ҳам шоҳға ўз сўзини ўтказиб кетди. Зарарсиз. Шу топда шаҳаншоҳ бизга шундай бир восита топиб бердиким, у билан Алишернинг бутун дунёсини ағдартўнтар қилиб юбормоқ мумкин.

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Ҳирот. Шоҳ саройи аркининг иккинчи қавати. Тўғрисида Ҳирот мадрасаларнинг нақшли гумбазлари эрталабки қуёш нурида ярқираб кўринмоқда. Эшиклар ёнида қуролли соқчилар. Орқадан, пастдан исёнчиларнинг шовқини эшитилади. Аркада Шайхулислом амир Музаффар, амир Қутбиддин, хўжа Убайдулло, яна бошқа беклар, амалдорлар.

Шайхулислом. Халойиқ, сабр қилинг! Сабрсизлик бандаи мўмин учун куфр. Тирикчилигингизни ташлаб исён қилиб юришдан не фойда?

Шовқин кучаяди.

Овозлар. Насиҳатни қўйинг! Сабрнинг ҳам чегараси бор-да!

Музаффар. Халойиқ, шошманг! Шаҳаншоҳдин фармон келсин, шунга қараб иш кўрайлик.

Овозлар. Шоҳ фармон ўрнига устимизга қўшин тортади. Очиқ жавоб беринг, хирожни бекор қиласизми, йўқми?

Музаффар. Халойиқ, ўзингиз ўйлаб кўринг, хазина бойиса ким бойийди? Мамлакат бойийди. Юрт обод бўлади!

Жалолиддин (халқ ичидан). Бекор гап! Солиқлар кўпайган сари, юрт хароб бўлмоқда. Хазинани бойитаман деб халқни гадо қилдингиз. Инсоф керак, амир, инсоф! Ушур, деб оласиз. Улоғ, деб оласиз. Мол пули, деб оласиз. Жон пули, деб оласиз. Қўш пули, деб оласиз. Миробона,

деб оласиз. Доруғона, деб оласиз. Бекларнинг ерига ишлатасиз. Буларнинг устига ой сайин янги хирож. Ахир инсоф борми?

Шайхулислом. Уста Жалолиддин, сиздек одамдин халқни тинчитиш ўрнига, галаёнга солиш лозимми?

Овозлар. Уста Жалолиддин тўғри айтади. Бир тўда аслодаларнинг кайфи сафоси учун, халқ хонавайрон бўлмоқда. Халқ оч! Яланғоч!

Музаффар. Халқ оч бўлса, худодин тиласин. Ёмон йўлдан қайтсин. Худо итоатлик бандасига беради. Бебошларга не берар эди?!

Халқда галаён авжига чиқади.

Овозлар. Ур ноинсофларни! Ур!

Аркка тош, калтак ёғилади. Беклар ичкарига қочадилар. Оломон аркка ҳужум қилади. Дарвозаларнинг тарақлагани, занжирларнинг шарақлагани, қилич ва калтак овозлари эшитилади. Унг томондаги эшикдан бир гала соқчи қиличлашганларича ичкарига чекиниб кирадилар. Аркдаги соқчилар қилич яланғочлаб уларга кўмаклашадилар. Соқчиларни қувиб Турдибой, унинг орқасидан бир тўда қуролланган оломон киради. Баъзиларида қилич, баъзиларида калтак. Турдибой гоят қаққон урушади. Соқчилар тоб беролмай чекина бошлайдилар. Шу пайтда Навоий киради. Енида қўрққан Абулмалиҳ.

Навоий. Тўхтанг! Бас қилинг!

Аркда жанг тўхтайтиди. Аммо орқада ҳамон шовқин. Жалолиддин кириб Навоийга таъзим қилади. Сўнг тез аркнинг чеккасига боради.

Жалолиддин. Оғайнилар, бас қилинг! Бас! Алишер Навоий келдилар!

Халқ жимийди. Навоий аркнинг олдига боради. Халқнинг жимиганини эшитиб, ичкаридан амирлар, беклар чиқади.

Навоий. Азиз фуқаро! Шаҳаншоҳдин фармон келтирдим. Биздан бемаслаҳат, Хирот беклари тарафидин ноҳақ солинган хирож бекор қилинди.

Чол. Бу хирож бекор қилинади-ю, орқасидан янги-си чиқади. Шоҳнинг фармонига ишонмаймиз. Одатда бундай фармонлар фуқарони алдаш учун чиқарилади.

Навоий. Халойиқ! Бу фармоннинг ростлигига мен кафилман.

Жалолиддин. Агар шоир Навоий кафил бўлса, инонмоқ керак!

Овозлар. Бизга ғамхўрлик қилган шоир Навоийнинг умри узоқ бўлсин! Омин!

Навоий. Азиз фуқаро! Бундан сўнг биз юртни обод қилиш билан шуғуланурмиз.

Чол. Шоир Навоийнинг самимий орзуларига инонурмиз. Аммо бу орзуларнинг рўёбга чиқишига имонимиз комил эмас. Сиз яккасиз. Сиз битта мадраса қурурсиз. Аммо ўзаро қиргинлар туфайли минглаб хоналар вайрон бўлур. Сиз битта ариқ чиқарурсиз, аммо сувсизлик балосидан юзлаб қишлоқ хароб бўлур. Бизнинг замонимизда юртни обод қилмоқ орзуси афсонадур. Бизга афсоналар тасалли беролмас. Халққа бўлаётган зулмлар камайтирилсин. Бузуқи амалдорлар жазолансин.

Навоий. Шаҳаншоҳнинг фармонларига мувофиқ халққа ноҳақ солиқ солган хўжа Музаффар, хўжа Қутбиддин, хўжа Убайдулло ўз жиноятлари учун зиндонга солинур.

Овозлар. Бу оз! Хусусан, хўжа Музаффар учун оз! У кўп бегуноҳларнинг ёстуғини қуритди! Эрларимизни зиндонда чиритди. Ҳиротда унинг қамчисини емаган одам йўқ. Қасос тилаймиз! Қасос! Музаффарга ўлим! Музаффарни қўлимизга топширинг, амир!

Навоий бундай талабни кутмаган эди, оғир вазиятга тушади.
Ҳамма ундан жавоб кутади. Оғир жимлик.

Навоий. Майли, халойиқ, сизнингча бўлсун!

Овозлар. Адолатингизга балли, амир! Мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсун! Музаффарни олиб чиқинг! Музаффарга ўлим!

Беклар таҳдиқада, Турдибой қилич яланғочлаб Музаффарга яқинлашади. Шайхулислом унинг йўлини тўсади.

Шайхулислом (*Ғазабли*). Амир Алишер, ўйлаб иш қилинг.

Навоий. Тақсир, халқнинг талаби ҳақ, деб ўйлайман.

Шайхулислом. Шаҳаншоҳдин беижозат бундай масъул ишларни қилишга қандай журъат этасиз?

Навоий. Шаҳаншоҳ Ҳиротда адолат ва осойишталик ўрнатиш учун менга ваколат бердилар.

Музаффар. Бу адолат эмас

Қутбиддин. Бу хиёнат.

Убайдулло. Бу жиноят!

Навоий. Мазлумнинг додига етиш ва золимни жазога мустаҳиқ қилишни адолат, дейдилар, азизлар.

Музаффар. Менинг аслзода эканимни унутманг, Алишер!

Навоий. Сиз умрингизда бирор савоб иш қилганмисиз?

Музаффар жим.

Бирор жойга ариқ чиқарганмисиз?

Чол. Йўқ. Аксинча ариқларни бузган.

Навоий. Бирор туп дарахт ўтқазганмисиз?

Турдибой. Асло! Аксинча минглаб дарахтни кесган.

Навоий. Бирор қудуқ ковлаганмисиз?

Чол. Йўқ. Мутлақо! Юзлаб қудуқни қуритган.

Навоий. Садқаи аслзода кетинг! Сиз аслзода эмасиз.

Чол. Рост айтасиз! Офарин!

Халқ. Музаффарни олиб чиқинглар!

Музаффар даҳшатда.

Музаффар (*Навоийнинг оёғига ташланиб*). Улуғ амир, адолат кўкининг офтоби, шафқат қилинг! Хато қилибман, кечиринг! Ўғлимнинг сизга қилган содиқ хизматлари ҳаққи, мени қутқаринг!

Навоий. Ҳукми халқ чиқарди. Халқ ҳукми — худо ҳукми!

Музаффар. Алишер, қўрқинг, сизни қон тутади.

Турдибой Музаффарни олиб чиқиб кетади.

Навоий (*қолган бекларга ишора қилиб*). Ясовулбоши, буларни тезда зиндонга элтинг.

Шайхулислом. Демак, жанобларининг ҳукми жиддий?

Навоий. Тақсир, салтанат ишларида ҳазил бўлмайди.

Убайдулло. Ҳукмингиздан норозимиз, амир!

Навкарлар бекларни олиб чиқиб кетади.

Шайхулислом. Мен шунчаки сиёсат деб ўйлаган эдим.

Навойй. Қалбакилик инсонни бекбурд қилади, тақсир.

Жалолиддин (кулиб). Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, амир, тақсиримнинг самимий мулоҳазаларидан ранжимасангиз ҳам бўлади. (*Шайхулисломга.*) Узр, тақсир.

Шайхулислом. Улуғ амир, бекзодаларни жазога мустаҳқиқ этиб, ғайри шаръий иш қилдингиз, янглишдингиз.

Навойй. Янглишган бўлсам, худо мени кечирар. Менингча, олтмиш йил қуруқ тоат-ибодат қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир.

Шайхулислом. Билмадим, шаҳаншоҳ, бундай ношаръий ишларга нечук розилик берди экан. (*Кетади.*)

Турдибой киради.

Навойй (*Шайхулисломнинг орқасидан қараб*). Шарият, адолат дейдилар. Аммо адолат ўрнатиш пайти келганда, золимларга ён босиб, шариятни ҳам, адолатни ҳам бузадилар.

Жалолиддин. Улуғ шайх Саъдий яхши айткан: илмига амал қилмайдиган муллодан, устига китоб ортилган эшак афзал. (*Куладилар.*)

Навойй. Жуда қаттиқ кетдингиз, уста Жалолиддин. Мен султонимизнинг ўнг қўл вазири бўлишим муносабати билан Шайхулисломимизнинг шаънларига айтилган бу сўзларингиз учун, сизнинг бошингизни олишим лозим.

Жалолиддин. Ҳали ҳам бошим улуғ шоиримизнинг ихтиёрларида.

Навойй. Раҳмат. Мен сизнинг шу садоқатингизга ишониб, сизга муҳим бир иш билан келдим.

Жалолиддин. Ҳар қандай муҳим ишлари бўлса ҳам тайёрмен.

Навойй маъноли қилиб Абулмалиҳга қарайди.

Абулмалиҳ. Қани, биродарлар, кимки халқ терисини шилган золимнинг териси қандай шилинишини томошо қиламан деса, тездан бозор майдонига борсин.

Халқ кулиб чиқиб кетади.

(Соқчиларга.) Оғайнилар, аввало бизни қўриқлашга ҳожат йўқ, мабодо қўриқламоқчи бўлсаларингиз, эшикка чиқиб, сиртдан қўриқланг.

Соқчилар чиқиб кетади.

Навоий. Бу кун тонг билан, Муҳаммад Ёдгор, тўсатдан Боғизоғон қалъасига кириб олибди.

Жалолиддин. У шуҳратпарастни қалъадан қувиб чиқармоқ лозим.

Навоий. Қалъани куч билан олиш қийин, бу ишда тадбир керак.

Жалолиддин. Мен қалъанинг қувурларини тузатганман. Қалъа ичига яширин кирадиган йўللарни яхши биламан.

Навоий. Жуда соз, ундай бўлса тўғри қалъага жўнаймиз. (Кулиб.) Сиз меъморсиз, мен шоир, жаноблари ошпаз. Қалъани паркор, қалам ёки капгир билан олиб бўлмаса керак. Бинобарин, ҳар эҳтимолга қарши битта қилич соҳиби ҳам керак.

Жалолиддин. Қилич соҳиби ҳам бор. (Арkning чеккасига боради.) Турдибой! Ҳо, Турдибой! Бу ёққа чиқинг!

Навоий. Бу қайси Турдибой? Ҳалиги донғи кетган жангчимми?

Жалолиддин. Ҳа, бутун насли жанг майдонида ўтган донгдор қиличбоз.

Турдибой кириб таъзим қилади.

Навоий (Турдибойга). Мен, гарчи, сизнинг бу кунга қадар кўрмаган бўлсам ҳам, донғингизни кўпдан эшитганман. Ҳали бу ерда қилган қиличбозлигингизни кўриб, ичимда усталигингизга таҳсинлар ўқидим. Бу санъатни кимдан ўргангансиз?

Турдибой (уялинқираб). Отамдан. Отам раҳматлик Мирзо Улуғбек ҳузурда хизмат қилиб, жанг майдонларида донг чиқарган экан. Мен султон Абусаид, сўнг султон Ҳусайн қўшинида навкарлик қилдим... (Фурурланиб.) Султон Ҳусайнни икки мартаба ўлимдан қутқарганман. Кейинги вақтларда қўшиндан бўшаб, тирикчилик-

ка киришиб кетдик. Тақсир, узр, фуқарочилик, адолатсизликка қарши яна тиг кўтаришга тўғри келди.

Навоий. Баракалло! Сиз биз билан муҳим бир ишга борасиз.

Турдубой. Тақсир, қилич билан битадиган иш бўлса, мени тўғри қиласиз, илинди қўйилмайди. Сизнинг қўлингизда қалам қандай ўйнаса, бизнинг қўлимизда ҳам қилич худди шундай ўйнайди. (Қилични ғилофидан суғуриб, тобини кўради.) Оғайни, яна сенга ишимиз тушадиган бўлди. (Қилични Навоийга узатиб.) Тақсир кўринг, қадимий қилич, отам раҳматлик берган. Отамга бобомдан мерос қолган экан.

Навоий (қилични кўриб). Неча-неча амирлар, беклар учун қон тўккан қилич. (Қилични Турдубойга бериб.) Маҳкам ушланг! Энди, сиз, бу табаррук қилич билан давлатимизни, салтанатимизни, мамлакатимизни ва унинг санъатини ҳимоя қилинг! Қани, дўстлар, кетдик!

Эшикка қараб йўл оладилар. Ҳовлиққанча Мансур киради.

Мансур (йиғлаб Навоийнинг оёғига ташланади). Улуғ амир, отамни қутқаринг! Сизга қилган ҳалоо хизматларим ҳаққи, мени етим қолдирманг.

Навоий (таъсирланиб, насиҳатомиз сўзлайди). Хизматларингдан миннатдорман, Мансур. Аммо не чора? Узингни маҳкам тут, мард бўл.

Мансурдан бўлак ҳамма чиқиб кетади. Маждиддин киради.

Маждиддин. Энди қалайсан, нодон.

Мансур (йиғлаб). Нима қилай, амир Алишердан илтимос қилсам... \

Маждиддин. Аҳмоқлигинг шуки, Алишердан илтимос қиласан.

Мансур. Бўлмаса, сиз кўмак беринг!

Маждиддин. Вақт ўтди. Отангни қутқаролмайсан. Аммо ҳақиқий фарзанд бўлсанг, отангнинг қасосини олишинг керак.

Мансур лол.

Парда.

УЧИНЧИ КУРИНИШ

Навойнинг ишоналаридан бири. Навоий иш билан машғул. Ёнида Турдибой ўтирибди. Пауза. Сўнг Навоий Турдибойга шеър ўқиб беради.

Навоий

Жаҳон, ганжигга шоҳ эрур аждаҳо —
Ки, ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.
Анинг коми бирлан тирилмак эрур
Маош айламак аждаҳо комида.

Яъни, шоҳ жаҳон бойлигини ўраб ётган аждаҳодурким, қаҳри келганда оғзидан ўтлар сочур. Подшонинг марҳаматидан баҳраманд бўлмоқ, аждарнинг оғзидан таом емак билан баробардур.

Турдибой. Бали! Жуда яхши айтибсиз. Аммо шаҳаншоҳ бу байтингизни ўқиса, дарғазаб бўлмайдимиз?

Навоий. Мен буни, бошқа золим шоҳлар тўғрисида ёздим. Бизнинг Мирзо эса мурувватли шоҳдур.

Турдибой. Афсуски, ҳозирга қадар мурувватини кўрмадик. Тақсир, фуқарога шоҳларсиз мурувват кўрғизишнинг йўли йўқми?

Навоий. Йўқ, албатта. Мамлакат бир боғ бўлса, шоҳ боғбондур. Боғ боғбонсиз хароб бўлур.

Турдибой. Боғбоннинг ҳам ҳар хили бўлади.

Навоий. Шубҳасиз, ёмони ҳам бўлади, яхшиси ҳам.

Турдибой. Менинчга, султон Ҳусайн яхши боғбонлардан эмас. Тақсир, наҳотки мамлакат учун Ҳусайн Бойқародан бўлак одилроқ, мурувватлироқ шоҳ топилмайди? Нима учун сиз уни яхши кўрасиз?

Навоий. Ҳозир барҳаёт бўлган Темур шаҳзодаларидан энг тадбиркори, энг қобили ва энг муносиб соҳиби тахт, шубҳасиз, Ҳусайн Бойқародур. Агар сиз билан биз мамлакатимиз ва давлатимизнинг манфаатларини кўзда тутар эканмиз, шаҳаншоҳга мадад бермоғимиз ва унинг хизматида бўлмоғимиз лозим. (Пауза.)

Турдибой. Тақсир, бошимга яна бир фикр келди, сўрасам айбга буюрмайсизми?

Навоий. Марҳамат.

Турдибой. Эсимни танибманки, кўрганим уруш, эшитганим жанг. Нега одамлар доим низо қиладилар?

Навоий. О, сиз жуда қийин савол бердингиз. Инсоният бу саволга неча-неча асрлардан буён жавоб беролмай келади. Мен сизга бир ҳикоя келтирай. Рум мамлакатада бир файласуф гадо, ўзининг чуқур мулоҳазалари билан шуҳрат қозонди. Унинг шуҳрати Искандар Зулқарнайн қулогига етди. Искандар гадони саройга келтирди. Гадо икки қўлига икки суякни ушлаб олиб, доим уларга тикилар эди. Искандар: «Бу суяклар нима?»— деб сўради. Гадонинг жавобидан маълум бўлдики, суякларнинг бири шоҳнинг ва яна бири гадонинг гўридан олинган экан. Искандар: «Буларни нечун кўтариб юрибсан?»— деди. Гадо: «Шоҳим, қаранг, буларнинг қайси бири шоҳники, қайси бири гадоники, билиб бўлмайди. Ўлганда-ку, иккиси ҳам бир экан, нечун тирикликда низо қиладилар?»— деди. Искандар жавоб айтолмади. Гадо қўйган бу сўроққа Искандар замонида ҳам, ундан сўнг ҳам ҳеч ким жавоб беролмади. Ҳар ким ўзича ҳал қилиб кўрди, аммо натижасиз бўлиб чиқди. Мен ҳам ақлим киргандан бери шу ҳақда ўйлайман.

Турдибой. Менинг фикримча, бу саволни сиз ҳал қиласиз. У кун, Шайхулислом билан беклар чулдирашиб, халқни ҳеч тинчитолмадилар. Сиз келдингизу низо тугади. Шу, нега ўзингиз шоҳ бўлиб қўя қолмайсиз?

Навоий кулади. Мансур кириб ерга ташланади, йиғлаб, Навоийнинг этагини ўпади.

Мансур

Пирим, афв айлангиз бахти қарони,
Ғарибу хаста дил мотамсарони.
Саховат важҳига Ҳотам эурсиз.
Отамнинг ўрнига отам эурсиз.

Навоий

Тур ўрнингдан, етар, ёшингни тий, арт,
Оғир дард, шубҳасиз, дардинг оғир дард.

Мансур

Даво истаб, пирим, келдим.

Навой

Не бирлан

Сенга ёрдам берай?

Мансур

Четламангиз, ман —

Қолай аввалгидек даргоҳингизда,
Бўлай аввалгидек фармонингизда.

Навой

Нечук? Мен ранжитиб эрдим сени?

Мансур

Ҳеч!

Унутдим, англадим, гар бўлса ҳам кеч —
Адолат олдида эгдим бошимни,
Ҳақиқат йўлида тўқдим ёшимни.

Навой

Бали, Мансур! Бали. Раҳмат, ташаккур.
Адолат кўкида мавж айлаган нур
Еритмиш ғам билан тўлган дилингни.
Ҳақиқат мадҳига бурмиш тилингни.
Унутма ҳеч қачон: офтоб мисоли,
Адолат барчадан афзал ва олий!
Ташаккур, розиман, қол, истасанг.

Мансур

Оҳ,

Саодат йўллади мен қулга оллоҳ!

Жалолиддин

(ташқаридан)

Турдибой!

Навой

Жалолиддин келди. Чақиринг, кирсин!

Турдибой билан Мансур чиқиб кетади. Жалолиддин
киради.

Навой

Келинг!

Жалолиддин

Раҳмат.

Навой

Қалай, пул олдингизми?
Работ, ҳаммом томон кўз солдингизми?

Жалолиддин

Битибдур беш работ ҳам учта ҳаммом.
Бир-икки ердаги ишлар чала, хом.
Бўлак ерларда кўп тўхталганим йўқ.
Саройга бордим, пул олганим йўқ.

Навой

Сабаб? Қандай қилиб?

Жалолиддин

Берганлари йўқ.
Шаҳаншоҳнинг, деди, олтин, зари йўқ.

Навой

Ким айтди? Қайси ит?

Жалолиддин

Мажиддин.

Навой

Аблаҳ!
Шаҳаншоҳ беҳабар!

Жалолиддин

Шундай демиш шоҳ.
Халқ оч, иш оғир, қўллаш керакдур.
Ариққа пул, озиқ йўллаш керакдур.
Тетик, зийрак, улуғ, доно, халойиқ,
Баҳо бергай билиб ҳар кимга лойиқ.
Шаҳаншоҳ алдару аммо, Алишер
Навой алдамас, бизларни ҳеч, дер.

Навой

Навой алдамас, дил пора-пора —
Тилинсун, барибир топқуси чора!

Жалолиддин

Муҳаммад Ёдгор не бўлди?

Навой

Сўнг бор
Сўроқ бергай бу кун... Иш катта. Маккор,
Яширмоқчи буюк бир сирни...

Жалолиддин

Яъни?

Навой

Сарой атрофидин бир тўп бемаъни
Амирлар у билан, фаҳмимча, зимдан
Алоқа боғлаган, тушкай изимдан
Дея безовтадур. Маждиддин айёр.

Жалолиддин

У ҳар қандай қабиҳ ишларга тайёр.

(*Ёнидан хат чиқариб, Навоийга беради.*)

Мана мен қўлга бир мактуб туширдим.
Муҳаммад Ёдгордан унга.

Навоий

(*хатни ўқиб*)

Аблаҳ!

Сир очилди! Бугун, қилғум хабар, шоҳ.
Совургай кулларин кўкларга, шаксиз!

Жалолиддин

Қолишни истамас Мирзо эшаксиз.

Парда.

ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Султон Ҳусайнинг ишратхонаси. Ғоят безакли бир уй. Май қуйилган олтин кўзалар, кумуш пиёлалар, ишрат асбоблари, нозу неъматлар муҳайё. Маждиддин билан Шайхулислом шахмат ўйнаш билан машғул. Мунажжим тамоша қилмоқда.

Шайхулислом. Хўш, сўнг нима бўлди?

Маждиддин. Бешини олдириб юбордим.

Шайхулислом. Сир ошкор бўлмадими?

Маждиддин. Одатда жонсиз бошлар сир айтишдан маҳрум бўлади, тақсир.

Шайхулислом. Бали!

Маждиддин дона суради. Шайхулислом жавоб қилади.

Кишт!

Мунажжим. Э, асб кетди, тақсир!

Шайхулислом. Э... Э... галат, филингизни кўрмабман. (*Қайтадан дона суради.*)

Маждиддин (*дона суриб*). Кишт!

Мунажжим. Мот!

Шайхулислом. Э... Э... ғалат... ғалат, сабр қилсинлар!

Мунажжим. Тақсиримнинг юлдузлари наҳс буржигак кирди.

Шайхулислом (жаҳли чиқади). Мавлоно, ҳамма нарсага ҳам юлдузми? (Маждиддинга.) Хўб, яхши, қайтадан.

Маждиддин. Қўйинг, тақсир, сатранж ҳам жонга тегди, ҳадеб қола берасиз.

Шайхулислом. Нимага ҳадеб қолаверар эканман! Нима, жанобларини қолдирмай юрганмидим!

Маждиддин. Ҳазил, тақсир, ҳазил...

Мунажжим (Шайхулисломга қадаҳ суниб). Мана, тақсир, жиндек нафасларини ростлаб олсинлар.

Шайхулислом (майни ичади). Ҳа, энди сатранж тахтасида дона суришга хийла устасизу аммо сиёсат тахтасида дона суриб доим адашасиз.

Маждиддин. Тақсир, ўйинда адашилади, яна тузатилади, унинг аҳамияти йўқ. Гап ўйиннинг оқибатида.

Шайхулислом. Ҳар нечук Алишерни мот қилиш мушкул кўринади.

Маждиддин. Ташвиш қилмасинлар, тақсир, бугун Алишерни, албатта, мот қиламиз.

Шайхулислом. Бу гапларни беш йилдан бери сўзлайсиз.

Маждиддин. Тақсир, ҳозир қўлимизда шундай ҳужжатлар борки, уларнинг қаршисида, Алишер аждаҳонинг домига тортилган жонивордек сеҳрланмай иложи йўқ.

Шайхулислом. Қандай ҳужжатлар?

Маждиддин. Мансур бу кун бир талай ҳужжат келтирди. Буларнинг ичида Алишернинг шаҳаншоҳга ва жанобларига қарши ёзилган кўп қабиҳ шеърлари бор.

Мунажжим. Баҳай!

Шайхулислом. Қани?

Маждиддин. Сабр қилсинлар, вақтида кўрасиз...

Шайхулислом. Булар билан бир иш чиқариб бўлармикан?

Маждиддин. Булар билан чиқмаса, бошқаси билан чиқади.

Шайхулислом. Хўш?

Маждиддин. Балхдан мактуб бор. Дарвиш Али салтанатга қарши бош кўтарибди.

Шайхулислом. Йўг-е!

Мунажжим. Ҳаққос рост. Ўтган кеча, бешинчи фалакда Ноҳид юлдузининг авзойи бузуқ эди.

Шайхулислом. Бу ишда Навоийнинг қўли йўқмикан?

Маждиддин. Бор деб ҳисоблаймиз-да, тақсир.

Шайхулислом. Бали! Ана энди Алишерга кишт берсангиз бўлади.

Маждиддин. Агар бу ҳодиса шаҳаншоҳга яхшилаб уқдирилса...

Шайхулислом. Иншоолло уқдира билурмиз...

Маждиддин. У ҳолда мот кишти бўлади.

Мунажжим. Бали!

Маждиддин. Фақат юра билиш лозим: муомала силлиқ бўлсун, сўзингиз ҳар қанча аччиқ бўлса, овозингиз шунча майин бўлсун, ғазабни табассум билан, ғаразни хушомад билан яширинг, ана шунда омадингиз келади.

Абулвосе киради.

Абулвосе. Мана, омадингиз келди, тақсир. Ассалому алайкум.

Маждиддин. Вааллайкум ассалом. Келинг, мавлоно Абулвосе.

Шайхулислом. Мавлоно кеч қолдилар. Латифаларингизга муштоқ бўлиб ўтирибмиз.

Абулвосе. Атрофингиз латифаларга тўлуғ бўлган чоғда, менинг латифаларимга муштоқ бўлиб ўтирганингиз қизиқ, тақсир.

Шайхулислом. Қизиқларнинг кўзига ҳамма нарса ҳам қизиқ бўлиб кўринади шекилли.

Абулвосе. Тақсирим каромат қилдилар, қизиқларнинг кўзига тақсиримнинг май ичиб ўтириши ҳам қизиқ кўринади.

Мунажжим. Бу май тақсиримнинг муборак соқоларида сузилган шаръий май! (Кулишади.)

Шайхулислом. Бу гапларни қўйинг. Мен ҳаммадан ҳам улуғ шоиримиз, амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари ҳақидаги латифаларингизни завқ билан тинглайман.

Абулвосе. Ҳо, тақсир, биз Алишердан куламит, Алишер биздан кулади, ким ҳақ, ким ноҳақ, тангрининг ўзи билади.

М а ж д и д д и н. Биз ҳақмиз. Бундан сўнг Алишер устидан кула берамиз.

А б у л в о с е. Кула-кула ўлмангиз. Очилмасдан сўлмангиз. Юрагингиз тор экан, ҳасадлари бор экан, қон ичишга зор экан, қилигингиз кор экан, ишингиз мурдор экан...

Ҳамма кулади.

М а ж д и д д и н. Э, бўлди, фолбинга ўхшаб жаврамай ўлинг, нима бало, мени кўчиришга келдингизми?

Кулки.

А б у л в о с е. Кўчир десангиз кўчиравераман, ранги рўйингизни ўчиравераман.

Кулки кучаяди. Ҳ у с а й н киради. Кулки тўхтади.
Ҳамма ўрндан туриб таъзим қилади.

Ҳ у с а й н. Ўҳў, базми жамшид қизиган экан-да, кулкиларингиз осмони фалакка кўтарилмоқда.

М а ж д и д д и н. Кулкимизнинг осмони фалакка кўтарилиб, қуёшнинг қулоғига етганидан гоят хурсандмиз. Мана, қуёш фалақдан ёнимизга тушдилар.

Ҳ у с а й н. Қуёшсиз ҳам базмларинг равшан кўринади.

М а ж д и д д и н. Қуёшнинг нурисиз базмимиз доим қоронғу...

А б у л в о с е. Бир ҳисобдан қоронғу бўлгани ҳам дуруст... Бўлмаса, қуёшнинг ёруғида иблислигимиз билиниб қолади.

Кулки, ўтирадилар.

М а ж д и д д и н. Шоҳим нима истайдилар?

Ҳ у с а й н (кулиб). Иблиснинг қўлидан бир пиёла шароб ичсам.

М а ж д и д д и н. Жоним билан шоҳим. (Май қуйиб.) Аммо қулларининг бир гуноҳини кечирсалар, сўнг қадаҳ сунсам.

Ҳ у с а й н. Қандай гуноҳ?

М а ж д и д д и н (қадаҳ суниб). Улуғ вазир Алишерга, ариқ ишлари учун, хазинадан ваъда қилинмиш тўрт туман оқчани, ул жаноб юбормиш кишига бермадим.

Ҳ у с а й н (жаҳли чиқади). Менинг фармонимни бузишга қандай журъат қилдинг!

Маждиддин. Шоҳим, Алишер ҳар хил иншоотлар деб хазинани адо қилди. Хазинада тўрт туман эмас, икки туман ҳам йўқ.

Хусайн. Бекор гап!

Маждиддин. Менинг Алишерга ҳеч қандай шахсий ғаразим йўқ... Аксинча, Алишернинг шеър бобидаги истеъдодига тан берамиз... Аммо биздек ожиз қуллари учун ҳар нарсадан азиз ва мўътабар сиз эурсиз.

Хусайн. Муддао нима? Хушомадларни эшита бериб қулоқларим қар бўлган! Нима демоқчисен?

Маждиддин. Алишер тахтингиз атрофида айланиб юрган заҳарли илон.

Хусайн. Иғво! Ҳасад! Алишер ҳеч қачон менинг забун бўлишимни истаган эмас. Мен Алишерсиз, тебраниб турган тахтимни идора қилолмайман.

Маждиддин. Шоҳим, агар тахтингизни тебратиб турган Алишернинг ўзи бўлса-чи?

Хусайн. Ҳасад! Иғво!

Маждиддин (шоҳга мактуб узатади). Мана, Балхдин мактуб бор.

Хусайн (хатни ўқиб). Дарвиш Али қўзғолон кўтарибди?

Маждиддин. Шоҳим, буни Навоий одамларининг сизга қарши очиқ бош кўтариши, деб англамоқ керак.

Шайхулислом. Бу ишда албатта, Навоийнинг қўли бор.

Хусайн. Наҳотки... (Пауза.) Бирор ҳужжат, далил борми?

Маждиддин. Хўш... Ҳозирча қўлимизда ҳужжат йўқ... Аммо тахмин шундай.

Хусайн. Тахминлар билан иш қилиб бўлмайди.

Маждиддин (ёнидан шеър чиқариб шоҳга беради). Мана бу шеърни ўқинг.

Хусайн (ўқийди. Ҳаяжонда).

«Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо —

Ки, ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.

Анинг коми бирлан тирилмак эрур

Маош айламак аждаҳо комида».

Алишер ҳаддан ошмоқда.

Шайхулислом. Мутлақо тўғри. Уни дарҳол жазога мустаҳиқ қилмоқ зарур.

Хусайн. Йўқ, бу мумкин эмас!

Маждиддин. Шоҳим, бўлмаса менда бошқа бир мулоҳаза бор.

Хусайн. Қандай?

Маждиддин. Дарвиш Али қўзғолонини бостиришга Алишернинг ўзини юборинг. Ё Алишер бу ишдан бўйин товлайди-ю, сиз унинг бу жинойтда қўли бор эканини аниқлайсиз, ё Алишер бориб фитнани бартараф қилади-ю, ташвишдан қутуласиз...

Хусайн (ўйланади). Бу маслаҳат чакки эмас. (Майичади.)

Мулозим киради.

✓ Мулозим (таъзим билан). Улуғ амир Низомиддин Алишер Навоий ташриф буюрдилар...

✓ Хусайн. Кирсин!

Мулозим чиқиб кетади. Утирганлар мажлисга интизом беришга тиришадилар. Алишер киради. Ҳамма уни қуюқ хушомад билан қарши олади.

✓ Хусайн. Марҳамат, Алишер!

Шайхулислом. Тақсирим бағоят яхши фурсатда йўқладилар.

Маждиддин. Қадамингизга ҳасанот.

Мунажжим. Бахт юлдузини кўришга муштоқ эдик.

Навоий. Илтифот ва марҳаматларингиз учун ғоят миннатдормен. (Утирадилар.)

Хусайн. Алишер, мен хазинанинг аҳволидан беҳабар сизга пул ваъда қилган эканмен.

Навоий. Мен шоҳимнинг ваъдалари чин ва мўътабар деб ишонган эдим.

Хусайн. Мавлоно Маждиддиннинг айтишига кўра, хазинада ақалли икки туман ҳам оқча қолмабдур.

Навоий. Мавлоно Маждиддин айтган бўлсалар ишонмоқ керак, чунки мавлоно ҳар нараедан хабардор.

Маждиддин. Шоҳим тўғри айтдилар... Хўш... Хазинанинг аҳволи оғир, харажатлар кўп.

Навоий. Сўзларингизга ишонмоқ керак.

Маждиддин (асабийлашади). У ҳолда кинояларингизнинг маъноси нима?

Навоий. Харажатларни очиқ билмоқ истаймен.

Маждиддин. Ҳаммаси аён, иншоотларга ва...

Навоий (сўзини бўлиб). Мавлоно, сиз ҳеч кимга аён бўлмаган харажатлар ҳақида сўзланг.

М а ж д и д д и н (*безовта, асабий*). Буича суриштириб қолдингиз? Ахир сиз шоҳимнинг хазинаси ҳақида сира гам емас эдингиз-ку?

Н а в о и й. Мен шоҳимнинг халқи ҳақида гам ейман.

Ш а й х у л и с л о м (*кесатиб*). Яъни авом ҳақида?

Н а в о и й. Ҳа, тақсир, авом ҳақида...

Ш а й х у л и с л о м. Осмон билан ерни фарқ қила би-
лиш даркор, Алишер!

Н а в о и й. Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақ-
моқ бўлишдан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғариб-
нинг қозонини қайнатмоқ афзалдур.

Ҳ у с а й н. Алишер, мен сизни дўст деб тушунар эдим.

Н а в о и й. Ҳали ҳам худди шундай, деб тушунинг.

Ҳ у с а й н. У ҳолда бу гапларингизни нима деб онгла-
моқ керак?

Н а в о и й. Сўзларим беғараз.

Ҳ у с а й н (*шеърни узатиб*). У ҳолда мана бу шеърин-
гизни нима деб тушунмоқ лозим?

Н а в о и й (*шеърни кўриб*). Мен буни золим шоҳлар
тўғрисида ёздим. Мен сизни мамлакатда адолат ўрнатади-
ган шоҳ деб тушунаман. Таажжуб.

Ҳ у с а й н. Таажжубланадиган ери йўқ.

Н а в о и й. Таажжубланадиган ери шундаки, мен бу
парчани бугун ёзиб эрдим, ҳали ҳеч ким кўрмасдин туриб
жанобингизнинг қўлларига тушиб қолибдур.

Утирганлар ноқулай вазиятда қолади.

Ш а й х у л и с л о м (*ноқулай жимликни бузиб*). Улуғ
амир бунга таажжубланмасалар ҳам бўлади. Дунёда бундан
зиёдароқ таажжуб қиладиган ҳодисалар бор.

Н а в о и й. Масалан?

Ш а й х у л и с л о м. Масалан, жанобларининг Дарвиш
Али билан муносабатлари қалай?

Н а в о и й. Нима бўлибди, бирор гап борми?

Ҳ у с а й н. Бирор гап борлигини ўзингиз билсангиз
керак?

Н а в о и й. Шубҳаларингиз ноўрин, шоҳим.

Ҳ у с а й н. Алишер, мен сизни бундай вазиятда би-
ринчи дафъа кўриб турибман. Муғамбирлик сизга яраш-
мас экан.

Н а в о и й. Шоҳим, мен ҳузурингизга ўринсиз таъналар
эшитгани келганим йўқ.

Хусайн. Балхдин чопар бор, инингиз Дарвиш Али салтанатга қарши бош кўтарибди.

Навоий (ҳаяжонда). Дарвиш Али бош кўтарибди?! Сабаб?!

Маждиддин. Сабабини сиз биласиз.

Навоий. Мен ҳали сизга ўхшаб фитначи бўлганим йўқ!

Маждиддин. Исёнчи билан тил бириктириб, салтанатга чанг солишнинг номини нима дейдилар?

Навоий. Шоҳим, ўлимдан хабарим бор, аммо бу гаплардин хабарим йўқ!

Хусайн. Улуғ амирнинг бу жавоблари бизни қаноатлантирмайди.

Навоий. Шоҳим мендан нима истайдилар?

Хусайн. Улуғ амирнинг кўнгли бизга рост бўлса, Дарвиш Али тўполонини бартараф қилиш ва фитначини тириклай тутиб бунда келтиришни ўзларига ҳавола қилсак.

Навоий бошини қўйи солиб жим қолади. Бошқалар диққат билан унга тикилади.

Навоий (бошини аста кўтариб). Яхши, шаҳаншоҳнинг фармонларини ижро этишга гайёремен.

Хусайн. Миннатдормен, Алишер! Балонинг олдини тезроқ олиш учун ҳозироқ йўлга тушишингизни илтимос қиламен. Дарвиш Алига уқдиринг, ёмон ниятларидин қайтсин, ҳузуримга келсин, саройда энг яқин аёнларимдин бўлиб хизмат қилғусидур. Оқ йўл!

Навоий. Шоҳим, бир илтимосим бор!

Хусайн. Марҳамат.

Навоий. Амир Маждиддин саройдан узоқлаштирилсин.

Ҳамма таажжубда.

Хусайн. Сабаб?

Навоий. Давлатимизни яқсон қилмоқчи бўлган хонга салтанат даргоҳида ўрин йўқ!

Маждиддин. Тўхмат!

Навоий. Тафтишлар шуни кўрсатдики, Ёдгорбек қўзғолонида бу одамнинг ҳам қўли бўлган.

Маждиддин. Бўхтон! Йғво!

Навоий. Тафтиш тамом бўлмагани ҳолда, Ёдгорнинг бошини олдириб юборишни нима деб фаҳмлаш керак?

Хусайн. Қачон? Ким олдириб юборди?

Навойй. Шу бугун, улуғ вазирагингиз!

Хусайн (даргазаб). Нечун?

Мажиддин (шошади). Ахир, шоҳим... маълум бўлган жиноятни ҳадеб текшираверишдан не фойда?

Навойй. Бу одам Ёдгорни хазинагингиздаги олтинлар билан таъмин қилиб турган.

Мажиддин. Тухмат! Қани далил!

Навойй (қўйнидан мактуб чиқариб, Хусайнга беради). Мана далил!

Мажиддин шошади. Хусайн қоғозга кўз югуртириб чиқиб, газабга келади. Қоғозни гижимлаб Мажиддиннинг юзига уради.

Хусайн. Хоин! Жосус! Бу муттаҳамнинг бошидин вазиралик кулоҳини олинг!

Мулозимлар Мажиддиннинг бошидан кулоҳини оладилар.

Навойй. Шоҳим, бошини кулоҳидин енгиллатдингиз, энди бўйинини бошидан енгиллатинг.

Хусайн. Жаллод!

Шайхулислом, Мунажжим шошиб чиқиб кетадилар.

Навойй. Хайр, шаҳаншоҳ, мен кетдим.

Хусайн. Оқ йўл!

Навойй кетади. Жаллод киради.

Мажиддин (қаттиқ ҳаяжонда). Шоҳим, бу ҳужжат қалбаки ҳужжат! Мени ноҳақ ўлдириб, сўнг пушаймон бўласиз.

Хусайн. Сени шу чоққача ўлдирмаганимга пушаймонмен.

Мажиддин. Мени ўлдиришдан аввал тожи тахтингизнинг душмани ким эканини аниқ билиб олинг.

Хусайн. Аниқ билдим, тожи тахтимнинг душмани сен экансан.

Мажиддин. Тожи тахтингизнинг душмани ким эканини, Дарвиш Али кўзғолонининг қандай ҳал қилиниши кўрсатиб берур. Шоҳим, Дарвиш Али кўзғолони бартараф қилингунча сабр этинг.

Хусайн. Иблис, яна ҳийлага кўчмакчисен.

М а ж д и д д и н. Агар ҳийла қилсам каломулло урсун!
Ҳ у с а й н (*чўчиб тисарилади*). Каломулло урсун?

М а ж д и д д и н. Қасамёд қиламен, ёлгон айтсам каломулло урсун! Алишер ўз жиноятларини яшириш учун, мени қурбон қилмоқчи. Муҳлат беринг. Алишернинг жиноятларини исбот қиламен, сизни ҳалокатдан қутқарамен. Хазинангизни бойитамен, ҳарамингизни ҳурлар билан тўлдирамен, сўнгра майли, бошимни кесинг, амрингизга мунтазирмен. (*Бош эгади.*)

Ҳ у с а й н (*чуқур ўйга чўмади. Ерда гижимланиб ётган қоғозни олади, оғир сўрайди*). Бу қалбаки ҳужжат, деб ўйлайсанми?

М а ж д и д д и н. Каломулло урсун, қалбаки ҳужжат!

Ҳ у с а й н (*ўйланади. Узун пауза. Сўнг бир қарорга келгандек бўлади.*) Кулоҳингни кий.

Ш о ҳ ўйлаганича чиқиб кетади.
Маждиддин кулоҳини кияди.

П а р д а.

УЧИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Қулмуҳаммаднинг ҳовлиси. Гули супада ўтириб, Павой тақдим қилган девонни мутолаа қилмоқда.

Г у л и

(ўқийди)

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур,
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор.
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким, бошиндадур.
Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

(Девонни бағрига босади.)

Ғазал эрмас бу бир меҳри гиёдур.
Мунаввар айлаган дилни зиёдур.
Ғазал ҳам шунчалар ширин бўлурму?
Вафо нури билан лим-лим тўлурму?

Қ у н д у з киради.

Қ у н д у з

Вафо нури билан тўлсун дилингиз...

Г у л и

Келинг. Оҳ, шунчалар ширин тилингиз...

Қ у н д у з

Навоийданми?

Г у л и

Ҳа, менга битибдур.

Қ у н д у з

Мусаффо ишқини изҳор этибдур.

Г у л и

Бу ишқ бахт йўлида сўнмовчи машғал,
Бу ишқ бирлан бўлур ҳар мушкулим ҳал.

Қ у н д у з

Навоийдек кишининг ёри бўлмоқ,
Шеър даҳосининг дилдори бўлмоқ —
Саодатдур буюк. Сиз бахтиёрсиз...

Г у л и

Фақат гул бўлмас эркан, асти хорсиз:
Бу олтин севгининг ҳижрони аччиқ.

Қ у н д у з

Жудолик чоғининг ҳар они аччиқ,
Бироқ дил мулкининг гулзоридур ишқ.

Г у л и

Гоҳ ошиқ қалбининг озоридур ишқ.

Қ у н д у з

Ҳаёт иқбол, севинчнинг ёридур ишқ.

Г у л и

Гаҳи ғам-қайғунинг бозоридур ишқ.

Қ у н д у з

Эрур севги кўнгул мулкида бир шоҳ.

Г у л и

Узи ҳам ўлдирур, ҳам тиргизур гоҳ —
Кўнгулни гул этар, гоҳ пора-пора.
Узи ҳам дард берур, ҳам дардга чора...
У кун гулзор аро ушлаб қўлимдин,
Деди, айлаб халос ҳижрон, ўлимдин:
«Қилиб тўй, сўнг бўлурмиз, бирга доим,
Сени кўп кўрмасин менга худойим...»

Қ у н д у з

Демак тўй тез.

Г у л и

Яқин кунларда.

Қ у н д у з

Оҳ, соз.

Г у л и

Саодат қушлари бошимда парвоз.

Ғамгин ҳолда Қ у л м у ҳ а м м а д киради.

Отажон, не хабарлар бор?

Қ у л м у ҳ а м м а д. Э... Сўрама қизим. Дунёнинг иш-
лари курсин.

Г у л и. Яна не бало юзланди?

Қ у л м у ҳ а м м а д. Балхда Дарвиш Али бош кўта-
рибди. (Ҳаяжон.)

Г у л и (қаттиқ ҳаяжонда). Ё раббий! Алишер қаерда?

Қ у л м у ҳ а м м а д. Исёни бостириш ва Дарвиш Али-
ни тириклай тутиб келтириш учун шаҳаншоҳ уни кеча
кечқурун саройдан тўғри Балхга жўнатибди.

Г у л и. Акани укага қарши йўллаш, аканинг қўли
билан укани банд этиш, иблиснинг ҳам ақлига келмайдиган
иш.

Қ у л м у ҳ а м м а д. Яқин кунларда машъум ҳодиса-
лар юз берадиганга ўхшайди. Бугун тонг билан Жалолид-
динни ҳибсга олибдилар.

Гули. Ё раббий! Бу ёмон фол... (Ийғлайди.)

Қулмуҳаммад. Йиғлама, қизим, Алишерга ҳеч нарса бўлмайди. Алишернинг орқасида бутун халқ турибди.

Ташқаридан овоз. Устоз бормилар?

Қулмуҳаммад. Биров келди, сизлар боққа чиқинглар, қизлар. (Чиқиб кетади.)

Гули. Ё раббий, ким бўлса экан?

Боққа чиқиб кетадилар.

Қулмуҳаммад. Маждиддинни бошлаб киради.

Қулмуҳаммад (таъзим билан жой кўрсатади). Қани, амир, марҳамат.

Маждиддин (ўтиради). Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. (Фотиҳа ўқийдилар.)

Қулмуҳаммад. Хуш келибсиз, амир?

Маждиддин. Хурсанд бўл, Қулмуҳаммад, бошинга бахт қуши қўнди.

Қулмуҳаммад (хавотирда). Иншоолло, айтганингиз келсин, амир.

Гули билан Қундуз ҳаяжон ичида қулоқ соладилар.

Маждиддин. Шаҳаншоҳ сени падар, қизингни малика қилмоқчи.

Гули. Оҳ... (Қундузнинг кўксига бошини қўяди.)

Қулмуҳаммад (зўр ҳаяжонда). Шаҳаншоҳнинг бизга бўлган илтифотлари учун миннатдормиз... Аммо... аммо қиз унашилиб қўйилган.

Маждиддин. Алишерга, шундайми? Бу гапдан шаҳаншоҳнинг хабарлари бор.

Қулмуҳаммад. У ҳолда нечук бу жафо?

Маждиддин. Муҳаббат, қизингга бўлган муҳаббат.

Қулмуҳаммад. Шаҳаншоҳ қизимни олгунча бошимни олсалар, зўр шафқат қилган бўлур эдилар.

Гули ҳаяжонда қулоқ солади.

Маждиддин. Шаҳаншоҳнинг талабини рад қилсанг, бошинг кетиши турган гап. Сенинг бошинг кетса майлига-ю, аммо Алишернинг боши кетмасун.

Қулмуҳаммад. Сабаб?

Маждиддин. Шоҳ қизингнинг васлига етиш йўли-

да нимаики кўндаланг келса, ўртадин шартта олиб ташлаш-га қатъий қарор берган. Ҳозир пайт нозик. Дарвиш Али қўзғолони муносабати билан шаҳаншоҳнинг Навоийга қарши газаби кучайган. Шундай бир пайтда Навоийни кўндаланг қилиб, шоҳнинг талабини рад этишинг, ёниб турган ўтга ёғ қуйиш билан баробар бўлур. Шаҳаншоҳга баҳона топиб берасан, Навоий ҳалок бўлур. Қизингнинг ҳарамга бориши муқаррар. У ҳолда Навоийни ҳалок қилиб, сўнг бориши мақбулми ё ҳалок қилмасдан бориши мақбулми? Қизингнинг ақли бўлса улуғ шоир Навоийнинг ҳалокатига йўл қўймас. Сен, биз, қизинг майли ҳалок бўлайлик, аммо буюк Навоий ҳалок бўлмасун! Гап шунда!..

Қ у л м у ҳ а м м а д. Бошимизга оғир савдо солиб қўй-дингиз, амир.

М а ж д и д д и н. Ҳе... тақдир экан Қулмуҳаммад, тақ-дир, қандай қилайлик. Менга қолса шундай бўлсин дебман-ми? Ҳа.. Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўр. (Сукунат.)

Қ у л м у ҳ а м м а д. Ўйлашиб кўрамиз, амир.

М а ж д и д д и н (қўзғалади). Ҳа, жавоби бу кун оқ-шомдан кеч қолмасун.

Қ у л м у ҳ а м м а д. Яхши, амир. (Чиқадилар.)

Ешларини арта-арта қизлар ва йиғлаб она чиқади.
Гули онасининг бағрига ташланади.

Г у л и

Нечун туғдинг мени, бахти қарони?
Балога мубтало, мотамсарони?
Мурувват билмаган кунлар учунми?
Жафокаш, бераҳм тунлар учунми?

Х о с и я т

Онанг ўлсун болам, қандай қилай мен,
Туғибменки сени, бахтинг тилаймен.

Қ у л м у ҳ а м м а д киради.

Г у л и

Унут, бахт сўзини оғзингга олма!
Хаёл у биз учун, қўй, доғда қолма!

Фирибгар, бевафо бир қуш эрур бахт,
Қўнар жойи анинг қон сачраган тахт.
Хароб ўл золим, эй, бахтингга лаънат!
Зулм шоҳи разил тахтингга лаънат!

Қ у л м у ҳ а м м а д

Тилингга берма эрк.

Г у л и

Кессин тилимни!

Х о с и я т

Қизим, кул қилмагин ожиз дилимни.

Г у л и

Агар истар эса бошимни олсун.
Танамни бурдалаб ўтларга солсун.
Бу бирлан марҳамат қилгай менга шоҳ.
Халос этгай мени кулфатдан... Эвоҳ,
Тариқи зулм ила кин бунча бўлгай,
Жафо қилмоққа оийн бунча бўлгай.

Қ у н д у з

Киши гар кўксини юз пора қилсун,
Фалакнинг зулмига не чора қилсун?

Қ у л м у ҳ а м м а д

Қизим, тақдир экан, тақдирга тан бер.
Итоат қилмаган охирда ғам ер.

Г у л и

Фалак... тақдир... Қазо... Оҳ қандайин ном,
Заҳар-заққум қуйиб ич, деб тутар жом.
Фалакнинг ҳар иши зулм ила найранг.
Еруғ оламни у, қилмиш менга танг.

Саодат боғини зулм этди барбод
Фалакнинг жавридин, озоридин дод!..

Қ у л м у ҳ а м м а д

Қизим, ундай эса йўқ, деб жавоб бер.

Г у л и

Йўқ асло! Бўлмасин қурбон Алишер!
Қўйинг, эл булбули боз сайрасун боз!
Қўйинг, юрт бахтини мадҳ айлаган соз —
Вақтсиз синмасун. Шоҳона ижод
Тугалмай қолмасун... Мен қайда? Ҳайҳот...
Мен оддий бир киши, у элга бошдур.
Агар мен шам эсам, у бир қуёшдур.
Анинг-чун майлига қурбон бўлай мен,
Бало шамширига қалқон бўлай мен.

Х о с и я т

Қизим, жоним болам, қўрқитма зинҳор.

Г у л и

Нетай, шум толеим гар айласа хор.

(Жимлик, йиғлайди. Сўнг секин.)

Жавоб айтинг бориб, мен, майли рози...
Мусаффо севгининг оҳ... синди сози...

Қулмуҳаммад чиқа бошлайди.

Фақат шартим: бир ой ёндашмасин шоҳ!
Бир ой муҳлат сўранг!.. Бахтим қаро... Оҳ!..

Қ у л м у ҳ а м м а д чиқиб кетади.

Х о с и я т

Онанг ўлсун, болам, юргунча мундоғ,
Сени ҳам қўйнида кўргунча мундоғ.

Г у л и

Нетай, гам аждари бахтим ютибдур,
Қуёшимнинг юзин зулат тутибдур.
Не бўлғай эрди чархи зулам пеша,
Мени ундан жудо қилмай ҳамиша,
Юрар чоғида йўлдош бўлсам эрди,
Турар чоғида қўлдош бўлсам эрди,
Фақат, ҳайҳот, қани ул севгили ёр?
Балолар домига бўлдим гирифтор.
Бу қандай ҳол эрур, ҳайҳот, ҳайҳот!
Нетар жонимни олсанг, эй ажал, бот!

П а р л а.

ОЛТИНЧИ КҰРИНИШ

Навоийнинг ҳовлиси. Мансур китоб муталаасига машғул.

Мансур. Бир ўлимнинг азоби мени телба қилаёзди. Алишер, энди сен, бу ҳисобсиз азобларни қандай кўгара оласен? Миянг пўлатдин, асабларинг темирдин бўлса ҳам, бу оғир мусибатларга бардош беролмас. Мағрур Алишернинг сувдан чиқариб ташланган балиқдай жонсарақ, уни бузилган қушдай безовта бўлиши, қасос билан тўлган юрагимга тасалли беради.

Мабюс ҳолда Абулмалиҳ киради.

Абулмалиҳ. Кетганига бу кун расо бир ой бўлди. Нега бунча ҳаяллади экан?

Мансур. Улуғ одамнинг иши ҳам улуғ, бирор муҳим иш чиқиб ушланиб қолгандур-да.

Абулмалиҳ. Охири бахайр бўлсун. Бу ҳаяллаш бежиз эмас.

Мансур. Ҳа, яна ёмон туш-муш кўрдингми?

Абулмалиҳ. Туш-муш-ку кўрганим йўғ-а... Аммо юрагимда аллақандай кўрқинчли шубҳалар бор.

Мансур. Чунки фикринг бузуқ, хаёлинг эгри. Шунинг учун ҳамма нарса сенга шубҳалик бўлиб кўринади.

Абулмалиҳ. Бўлмаса нима учун бу воқеаларнинг ҳаммаси Алишер кетгандан сўнг юз берди?

Мансур. Тақдир, Абулмалиҳ, тақдир!

Абулмалиҳ. Э... ўша тақдир... Тақдир! Бу тақдир эмас, хиёнат!

Мансур. Тилинг жуда узун, қулвачча, қисқартириб қўямасинлар, деб қўрқаман.

Абулмалиҳ. Ҳақ сўз учун тилимни кесадиган бўлсалар, кеса берсинлар, беквачча!

Мансур. Чакки қиласен, дўстим, кейин дунёга келганингга пушаймон бўласен.

Абулмалиҳ. Э, дунёга келганимга кўндан пушаймонмен. Бу нима ахир, дунёми ё кушхонами?

Мансур. Ошингни пиширсанг-чи! Дунё тўғрисида қайғуришни сенга ким қўйибди? Дунё тўғрисида қайғурадиганлар бор.

Абулмалиҳ. Дунё тўғрисида қайғурадиганлар хўроз уриштириш, олтин қадаҳларда май ичиш билан овора.

Мансур. Борди-ю, сен шоҳ бўлиб қолсанг, нима қилар эдинг?

Абулмалиҳ. Муттаҳам бекларни қиличдан ўтказардим... Бемаъни урушларни тўхтатардим, юртни обод қилардим, Алишерга мадад берардим.

Мансур. Уҳу! Даҳмазанг катта-ю! Бироқ сенга ўхшаш таги наслардан подшо чиқмайди-да.

Абулмалиҳ. Подшолик бошингда қолсун! Подшо бўлай деб, кўзим учиб тургани йўқ! Подшо бўлиб халқнинг уволига қолишга кимнинг тоқати бор экан? Гапнинг сирасини айтаман-да, аслзода.

Мансур. Хўп, бўлди, Абулмалиҳ пошшо, ётайлик, тун оғиб қолди.

Эшик тақиллайди.

Абулмалиҳ. Келди. (Эшикни очади.)

Соҳибдоро киради.

Соҳибдоро. Бугун ҳам келмадимми?

Абулмалиҳ. Йўқ. Мавлоно, шу чоққача ухламаб-сиз?

Соҳибдоро. Ташвиш зўр бўлса, уйқу қочади.

Абулмалиҳ. Бирор машъум ҳодиса юз бермасмикан?

Соҳибдоро. Бу кечаю кундузда ҳар бир машъум ҳодисанинг юз бериши мумкин. Бало бир келгандан сўнг, устма-уст кела беради.

Эшик тақиллайди.

Абулмалиҳ. Келди чоғи. (Эшикни очади.)

Жомий киради.

Жомий. Келмадими?

Соҳибдоро. Йўқ, тақсир.

Жомий. Ё раббий! Соҳибдоро, ахир бундин ортиқ кутиш мумкин эмас. Тездан Алишер олдига жўнанг, уни воқеалардин огоҳ қилинг.

Соҳибдоро. Пирим, мени ўлимга йўлланг борай, аммо бу огир мусибатлар ҳақида хабар етказиб, Алишерга озор бериш вазифасини менга юкламанг.

Жомий. Биладан, азизим, бу вазифа ўлимдан ҳам огир, аммо не чора? Бориб шоирни эҳтиёт қилиш керак, унга бирор шикаст етмасин.

Огир жимлик. Жимлик Алишернинг хурсанд бир ҳолда кириб келиши билан бузилади. Унинг ёнида бошдан-оёқ қуроланган Турдибой.

Навоий. Салом, дўстлар!

Жомий. Алишер!

Навоий. Салом, устод!

Абулмалиҳ. Пирим! (Кўришадилар.)

Жомий ёшини артади. Фотиҳа ўқилади.

Навоий. Азизлар, сизларни соғинтириб қўйганим учун узр сўраймен! Аммо айб менда эмас. Шаҳаншоҳ орқамдан мактуб қўндириб, Балхда узоқроқ туриб адолат ўрнатишимни, сўнг мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам ўтиб келмоғимни илтимос қилган эдилар. Балхдин Машҳадга, ундин бўлак шаҳарларга ўтдим. Қишлоқларда бўлдим. О, қандай меҳнатсевар халқимиз бор. Фақат йўлларда кўзга ташланувчи қавжираган далалар, қақраган қишлоқлар кўнгуларни ғамгин қилади... Қишлоқ аҳлларига ариқлар чиқариб, халқни сувга маъмур қилмоқчи бўлганимизни айтдим. Кўзлари севинч ёшларига тўлди, ҳаққимга дуо қилдилар. Пирим, шу соф кўз ёшлар ҳурмати, ариқ қазиш ишларини кучайтирамиз. Ҳозир барча имконият мавжуд. Мамлакат тинчиди, шоҳни зулм йўлига бошламоқчи бўлган фитначи ўргимчак янчилди. (Ҳамма жим.) Нечун жимсиз? Ташвишли кўринасиз?

На в о и й. Гулиға бўлган муҳаббатим, халқимга бўлган муҳаббатимнинг бир учқунидир. Сиз халқ бошига не кулфатлар солмадингиз? Сиз мажиддинларнинг сўзига кириб мамлакатда адолат эмас, зулмни кучайтирдингиз. Давлатимизни ҳалокат соҳилига келтирдингиз. Мавлоно Хондамир, бизнинг дарду қайғуларимизни неча асрлар кейинги наслларга элтувчи табаррук саҳифаларга рақам қилингким, Мўминмирзонинг ўлими теурийлар хонадонинг инқирозидан нишонадур. Ўз қўли билан ўз набирасини ўлдирган, кеча-кундуз кайфу сафодин бош кўтармаган, тўйда ҳам, азада ҳам тўхтовсиз ичадиган Хусайн Бойқаро салтанатимизни ҳалокатдан сақлаб қолишга қодир эмас!

Х у с а й н. Дўстим, сиз яна кайфу сафони тилга олдингиз. Сиз дунё лаззатларидин воз кечиб нима орттирдингиз?

На в о и й. Икки буюк дарё бўйидаги халқимни якқалам қилдим. Тилимизни таҳқир ва ҳақорат ботқоғидин шеърят осмонига кўтардим. Мен умримга ачинмаймен. Аммо сизга сарф қилган меҳнатларимнинг зое кетганига ачинамен. Мен янглишибмен. Мен писта пўчоғидин кема қилмоқчи бўлубмен. Мен ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен мамлакатда зулм оловларини сўндириб, адолат машъалини ёқмоқчи бўлдим, аммо зулм мендин зўрлик қилди. Мен салтанатимизни мустақамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди.

Х у с а й н. Дўстим, ёшлигимизни замон олиб кетди. Саройга қайтинг, фоний дунёнинг орзу-ҳавасларидин воз кечиб, қолган умримизни хилватда ва фароғатда ўтказайлик. Тахт бебақо, дунё бевафо.

На в о и й. Ноумид шайтон. Мен ҳали умидларимдин воз кечганим йўқ. Биз етолмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин. Қачонлардур адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дулёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар орасида низо йўқолмоғи даркор. Аммо қачон? Бу савол ҳамон жавобсиз қолди. Лекин инсоният бу жумбоқни ахир ҳал қилур. Чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритувчи тафаккур машъали бор. Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан лаббай, деб жавоб берурмен. Мен кетдим!

Х у с а й н. Қаёққа?

На в о и й. Ижодимга. Халқимга! (Кета бошлайди.)

Х у с а й н. Алишер, қайтинг! Ҳузуримда қолинг!
На в о и й. Хатоларни кўпайтириш, гуноҳларни ортти-
риш учунми? Хайр, шаҳаншоҳ!

Йўлида давом этади. Ҳамма бош эгиб, турган жойида қотиб
қолади. Ташқаридан Навойни олқишлаган халқнинг овозлари
эшитилади.

Х а л қ (ташқаридан). Улуғ Навойга шарафлар бўл-
сун! Шоир Навойнинг умри боқий бўлсун!

П а р д а

1941 й

АСРЛАР¹

БЕШ ПАРДАЛИ ШЕЪРИЙ ДРАМА

¹ Бу асарга Тўхтасин Жалилов ва Холхўжа Тўхтасиновлар музика ёзган.

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Анвар — инженер, Бош тўғон қурилишининг бошлиғи.

Мунаввар — гидротехник.

Заславский Николай Павлович — бош инженер.

Уста } сепоячилар

Саркор } сепоячилар

Саодат — Бригадир.

Турсун }
Адол }
Хосият } Қурувчилар.
Собир }
Қодир. }

Шерали — бригадир.

Мардон — бахши.

Вакил — Марказкомнинг вакили.

Мухторов — қурилиш бошлиғи.

Маруся — Деррикда ишловчи қиз.

Доктор

Хамшира.

Ширин.

Фарҳод.

Маҳинбону.

Фарёд.

Вазир.

Хисров.

Соқчи.

Мулозим.

Канизак.

Инженерлар, бошлиқлар, қурувчилар,
шаҳзодалар, лашкарбошилар, соқчилар,
мулозимлар, канизаклар, раққосалар,
созандалар, халқ.

БИРИНЧИ ПАРДА

Сирдарё қиргоғи. Тўғрида Фарҳод тоғи, узоқдан Ширинсой, ундан нари «Қасри Ширин»нинг харобалари, ундан нари ясов тортиб юксалган тоғлар силсиласи кўринади. 1943 йилнинг қаҳратон қиши. Бекободнинг машҳур шамоли забтига олган, қор тўзонларини кўкка созуриб ўйнайди. Пастда, чуқурликда Сирдарё оқмоқда. Саҳна бўш. Ваҳший табиат ва унинг ёввойи шовқинларидан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳамма ёқни бўрон ва дарё шовқини қоплаб олган. Асабий ва кескин музика пайдо бўлади ва табиатнинг шовқинига қўшилиб янграйди. Бир оздан сўнг, узоқдан табиат шовқинини босиб, хор садоси эшитилади. Хор аста-секин кучая боради, яқинлашади ва барала эшитила бошлайди. Саҳнадан ясов тортиб, аскарчасига саф-саф бўлиб, қўлларидан байроқлар, доҳийларнинг расмлари, кетмон, бел, кирка, замбил ва бошқа иш қуроallarини кўтарган қ у р у в ч и л а р ўта бошлайди.

Х о р

Чорлади Ватан, йўллади Ватан,
Келдик ўлканинг ботир эрлари.
Меҳнатимиздан гулга кўмилгай
Бахтли ўлканинг шонли ерлари.

Аҳдимиз улуғ, ғайратимиз зўр,
Биз замонанинг марди, шерлари.
Меҳнатимиздан нурга чўмилгай
Голиб ўлканинг шонли ерлари.

Ватан буюрди: нурга нур қўшинг,
Ленин орзусин келтиринг бажо,
Кўрсатинг жаҳонларга мўъжиза,
Сир қучоғидин чақнасин зиё.

Ватан буйруғин келтириб бажо
Ёвни эткумиз ер билан яксон.
Улкани нурга, гулга кўмамиз,
Бўлсин аҳдимиз дунёга достон.

Халқ ўтиб кетади. Хор узоқлаша бориб, аста тинади. Сўнг
тўда-тўда бўлиб ва якка-якка орқада қолганлар ўта бошлайди.
Шамол, қор тўзони юришга имкон бермайди. Мун а в в а р киради. У
чарчаган, огир юради. Соё томондан А н в а р чиқади. Мунаввар
тойиб кетади. Анвар уни суяб қолади.

А н в а р

Кечирасиз.

М у н а в в а р

(лоқайд)

Раҳмат.

А н в а р

(пасти кўрсатиб)

Қаранг, жаҳаннам.

М у н а в в а р

Жаҳаннам ҳам кўринмайди кўзимга.

А н в а р

Бошингизга бирор кулфат тушдими?

М у н а в в а р

Икки акам қурбон бўлди.

(Йиғлайди.)

А н в а р

Йиғламанг!

Ҳамминг ҳам бошида бор бу савдо.

Йиғи ҳеч вақт дардга даво бўлмас.

Сизу бизга йиғи эмас, душмандан
Қасос олиш муносибдир.

М у н а в в а р

(йиғидан тўхтайти)

Шубҳасиз.

Шунинг учун мени жангга юборинг,
Қиличимни белаи душман қонига,
Деб, илтижо қилсам, жангга юбормай,
Мени бунда йўладилар.

А н в а р

Жуда соз.

Бу ерда ҳам улуг жанг бор, жабҳа бор.
Фарҳод ГЭСни қуриб юртга нур берсак,
Бу ҳам ёвга зарба бўлур омонсиз.

М у н а в в а р

Шундай... Узр, мен инженер Анварни,
Қайдан топсам бўлар экан?

А н в а р

(кулади)

У киши

Янглишмасам, қаршингизда турибди.

М у н а в в а р

Вой, сизмисиз?

А н в а р

Худди ўзи.

М у н а в в а р

Бўлмаса,

(Енидан қоғоз чиқариб, Анварга беради.)

Мени сизга юбордилар.

Анвар

(хатни ўқийди)

Кўп яхши.

Гидротехник, Мунаввархон... Жуда соз.

Дарё томондан бир гала инженер, техниклар билан
Заславский чиқади.

Заславский. Анвар, қаёққа кетиб қолдинг? (Мунавварни кўриб.) А... бу ёқда оҳанрабо бор экан-да.

Инженерлар кулишади. Мунаввар ноқулай вазиятда.

Зарарсиз... зарарсиз... (Инженерларга.) Сизлар штабга бора туринглар. Ҳа... ҳалиги нуқсонлар назарга олинсин. Проектлар тузатилсин!

Инженерлар кетишади.

Танишингизми?

Анвар. Ҳозир танишдик. Танишинглар. Бу киши Фарҳод ГЭС қурилишининг бош инженери Николай Павлович Заславский. Бу киши гидротехник Мунаввархон...

Мунаввар (Заславскийга қўл беради). Холдорова.

Заславский (ҳазиллашади). Бу ерда иш оғир бўлади-ку?

Мунаввар (кулади). Зарарсиз... Шимолий Тошкент каналида ишлаб, оғирчиликларга ўрганиб қолганман.

Заславский. О... Демак, сиз, ҳали ҳеч қандай оғирчиликни кўрмапсиз. Шимолий Тошкент канали билан Фарҳод ГЭСни тенглаштириб бўладими? Пашшани филга тенглаштиргандай гап. Ҳатто, Катта Фарғона каналини ҳам Фарҳодга тенглаштириб бўлмайди. Бундай қурилиш ҳали Ўзбекистонда бўлган эмас. Биз тарихда биринчи марта Сирдарёни бўғмоқчимиз. Ўзбекистон Днепро ГЭСини қурмоқчимиз. Бу гоят катта ва мураккаб қурилиш. Бу қурилиш биздан зўр куч ва катта техника талаб қилади. Ҳолбуки, куч ҳам, техника ҳам урушда. (Пастга, дарёга

тикилиб.) Оғир бўлади. Дарёнинг суръатига қаранг, худди отилган ўққа ўхшайди. Ҳа, жуда оғир бўлади, деярлик қўл билан бўғишга тўғри келади. Лекин бўғамиз! (Мунавварга.) Нима дедингиз?

Мунаввар. Албатта бўғамиз.

Заславский. Худди мана шу ердан бўғамиз. Бош тўғон шу ерга қурилади. (Анварга.) Ҳа, ўртоқ инженер, ишнинг энг оғири сенинг участкагда бўлади. Зарарсиз, кўз қўрқоқ, қўл ботир, дадил бўл! Журъатли бўл, бўлажак бош инженер! (Анвар билан Мунавварни қўлтиқлайди.) Қани, дўстлар, кетдик!

Кетишади. Уста билан Саркор киради.

Саркор. Уста, мени қаёққа олиб келдингиз, асти! Бу ерлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ерлар-ку?

Уста. Ҳа, йўлга чиққанда «Қасри Ширин»ни мўлжаллаганмидилар?

Саркор. Э, бунақалигини билсам келмас эдим. Бай, бай, совуғини қаранг-а! Шу ёшга келиб бунақанги совуқни кўрган эмасман.

Уста. Сизни ҳеч ким зўрлагани йўқ. Колхоз мажлисида мен ҳам бораман, деб талабгор бўлиб чиққан ўзингиз.

Саркор. Э, ўша куни мажлисга кечикиброқ келиб қолган эканман. Ҳамма гап ўтиб, сўз ким талабгорга келиб турган экан, илгари «кимда-ким, жангдаги йигитларга мадад бермоқчи бўлса, Фарҳод қурилишига борсин!» деган сўз қулоғимга чалиниб қолган эди. Раис ким талабгор деганда, урушда қон кечиб юрган яккаю ягона фарзандим Солижон кўзимга кўриниб кетдию мен талабгор, деб юбордим.

Уста. Энди пушаймонмисиз?

Саркор. Пушаймонликка пушаймон эмасману, лекин... ахир, бу атрофда бирор бошпана йўғми, пича нафасимизни ростлаб олсак?

Уста. Бор. Нарёғлар шаҳар бўлиб кетган. Бу чойхона дейсизми, бу ошхона дейсизми, бу магазин дейсизми, ҳаммаси муҳайё...

Саркор. Э, бўлмаса тезроқ ўша ёққа ўтайлик!

Уста. Утамиз, шошилманг. Аввал бу жойларни бир таниб қўйинг. Мана бу, рўпарангиздаги Фарҳодтоғ.

Саркор. Ҳо, ўша қадимий эртактаги Фарҳод тоғими?

Уста. Худди ўзи. Анави Ширинсой. Ҳо, узоқда кўринган «Қасри Ширин»нинг харобаси.

Саркор (ҳайратда). Таажжуб!

Уста. Ана, энди пастга қаранг!

Саркор (пастга қараб чўчийди, тисарилади). Вой-вой, оёгингни остида жаҳаннам бор демабсиз-да, Уста! Оз бўлмаса, паққос тушиб кетай деган эканман-а!

Уста (ғурур билан). Сирдарё!

Саркор. Бай, бай, таажжуб... Лекин илгари дуруст-роқ тушунмаган эканман...

Уста. Бу ерда тушунмайдиган ҳеч нарса йўқ. (Сирдарёга имо қилиб.) Дарёни бўғамизу электрстанса қура-миз.

Саркор (таажжубда). Дарёни бўғамиз? Шу Сирдарёни-я?

Уста. Ҳа.

Саркор. Бўғиб бўлмайди. Ўтмиш замонларда ҳам не-не паҳлавонлар ҳамла қилиб бўғолмаган. Қанча-қанча хонлар ҳаракат қилиб эпллмаган. Оқ пошшо ҳам бир сира уриниб кўрган, аммо уддасидан чиқолмаган.

Уста. Балли-ей, дидингизга! Бизни бориб-бориб ўшаларга тенг қилдингизми? Биз киму улар ким? Унта оқ пошшо, юзта хон, мингта паҳлавон, битта забардаст колхозчининг олдидан ўтавермайдими! Бўғамиз дедик, бўғамиз!

Саркор. Бзовта аждардек буралиб, ғазабланган арслондек сапчиб оқишини қаранг! Қандай қилиб бўғасиз?

Уста. Аскарчасига ишлаймиз, бўғамиз. Москвадан турли-туман машина келади, ишга соламиз, бўғамиз.

Саркор. Ҳеч ақлим олмаётибди.

Уста. Халқнинг кучига ишонасизми?

Саркор. Ишонаман.

Уста. Партияга ишонасизми?

Саркор. Албатта ишонаман.

Уста. Ундай бўлса дарёни бўғишимизга ҳам ишонаверинг!

Кетишади. Бир гала қизлар билан Саодат киради.

Хосият. Ҳой қизлар, Собиржон қани?

Қизлар тўхтаб атрофга қарайдилар.

Саодат. Ҳа-я, йўқ, қаерда қолди экан? Сойдан ўтганда бормиди?

Турсун (кулади). Ҳали бутун бошлик бир одам йўқолиб, нах товонига қолиб юрмайлик.

Адол. Ё шамол учириб кетдимикан?

Қизлар кулишади.

Нега куласиз? Ҳазили йўқ, шамолни қаранг, учирса учириб кетгундек.

Хосият. Ваҳима қилманг, Адолхон! Агар шамол учирса бизни учириб кетарди, у йигит-ку!

Турсун. Садқаи йигит кетсин, ўша... бўш... латта!

Адол. Ўзини ҳам келгиси йўқ эди, Саодатхон бор учун келди-да!

Саодат (кулади). Ҳо, қизи тушмагурлар-э... Ҳазилни қўйинг. Адолхон! У ёқ-бу ёқни қаранглар, топинглар. Адашиб кетгандир.

Адол. Қаёқдан топамиз? Уни топамиз, деб ўзимиз адашиб кетсак нима бўлади?

Хосият. Бўлмаса келинлар, шаттан туриб бараварига чақирамиз.

Адол. Бўпти, келинлар!

Қизлар (баравар чақаришади). Собиржон, ҳой, Собиржон! Собиржон, ҳой, Собиржон!

Собир (узоқдан). Ҳов, дод... ўлдим...

Адол. Ана, айтмадимми. Овози сойдан келяпти. Қани, юринглар!

Адол бошлиқ бирикки қиз кетади.

Турсун (кулади). Ошиқи беқароримни шамол учириб кетди, деб юрагингиз така-пукадир, Саодатхон.

Саодат (кулади). Ўлдими, бутун бошлиқ одамни шамол учириб... Адашган.

Қизлар кулишиб, ҳамма ёғи қорга беланган Собирни олиб келишади.

Хосият. Мана, қанотли Фарҳодни тутиб келдик.

Кулишади.

Саодат. Кулманглар. (Собиржонга.) Қаёқда қолдингиз?

С о б и р (тараддуддан сўнг). Шамол учириб кетди.

Қизлар қотади.

Мен бир ўлимдан қолдиму булар яланг кулади.
С а о д а т (кулдидан аранг тўхтайдди). Кулманглар, кулманглар дейман, қизлар! (Ўзи кулиб юборади.)

Қизлар кулишади.

Бас! Қандай қилиб учириб кетди?

С о б и р. Сойнинг лабига энди оёқ қўйган эдим, шамол юлди-кетди. Сойга қараб ғилдирадим. Қўрққанимдан тилим калимага келмай қолди, сизларни чақиролмадим. Хайрият бориб белимдан бир тошга илиниб қолдим, бўлмаса пастга тушиб кетиб чил-чил бўлар эканман.

С а о д а т (кулади). Бундан кейин эҳтиёт бўлинг, яна тўловингизга қолиб юрмайлик.

С о б и р. Бундан кейин ёнингиздан бир қадам ҳам жилмайман.

Т у р с у н. Бўйнингизга арқон солиб, Саодатхонга боғлаб қўйайликми?

Қизлар кулади.

С а о д а т (кулдидан зўрға тўхтаб). Мен, алланималарга ўхшаб, бировнинг орқасидан эргашиб юрадиган одамларни ёмон кўраман.

С о б и р. Нима деб атасангиз атанг, аммо сизга эргашмай иложим йўқ.

С а о д а т. Бу ерга ишлагани келдингизми ё менга эргашиб юрганими?

С о б и р. Эргашиб юриб ишлагани, ишлаб юриб эргашгани...

Т у р с у н. Аммо, Собиржон, сизга тилдан берган!

Қизлар кулишади. Қодир киради.

Қ о д и р. Опалар, Фарҳод шу ерми?

С о б и р. Ҳа, бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Қ о д и р. Ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

С о б и р. Фарҳодга ишлагани келганман.

Қ о д и р. Мен ҳам.

С о б и р. Сен ҳам? Ёшинг нечада?

Қ о д и р. Ун тўртда.

С о б и р. Ука, ҳали ёшлик қиласан. Уйга бору дадангни айтиб юбор. Бу ердаги ишлар даданг боп ишлар.

Қ о д и р. Дадам урушда бўлса-чи?

С о б и р (*ноқулай вазиятга тушади*). Шундайми? Барибир, ука, уйингга қайт, жабр бўлади. Бу ерда нима ҳам қилардинг?

Қ о д и р. Кейин биласиз, амаки. (*Кетади.*)

Елкасида кирка, бошида сувсар телпак, кўкраги очиқ, бўронни писанд қилмай, дадил, тикка босиб, хиргойи қилиб Ш е р а л и киради.

Ш е р а л и

(*дарё томонга қараб*)

Қўлга олдим олмос теша,
Ғолиб келдим мен ҳамиша,
Ҳо, сувлари зумрад шиша,
Йўл бер, Сирдарё, йўл бер!

Тошлар талқон зарбимдан,
Ерлар ларзон забтимдан,
Тоғлар ўйнар кафтимда,
Йўл бер, Сирдарё, йўл бер!

Наъра тортсам, қилсам хитоб,
Ғайратимга беролмай тоб,
Қучоғингдан чиқар офтоб,
Йўл бер, Сирдарё, йўл бер.

Т у р с у н. Камол топинг!

Ш е р а л и

Салом бердик, шакар қизлар, ой қизлар.

Қ и з л а р

(*таъзим билан*)

Салом.

Саодат

Салом, арслонкелват йигитга.
Узларини қаерлардан сўраймиз?

Шерали

Олтин кўлнинг арслониман, шериман.

Турсун

Номингиз ким, яхши йигит?

Шерали

(Қизлар ҳайратда)

Шерали!

Саодат

Олтинкўллик донг чиқарган пахтакор,
Шералими?

Шерали

Худди ўзи, ўргулсин.

Саодат

Бир кўришга хумор эдим, мен сизни.

Шерали

(кўл чўзади)

Кўришайлик!

Кўришадилар.

Номлари ким?

Саодат

Саодат.

Ш е р а л и

Чинободлик Саодатми?

С а о д а т

(кулади)

Топдингиз.

Ш е р а л и

Мен ҳам кўпдан донг чиқарган теримчи,
Саодатни бир кўришга зор эдим.

С о б и р

(кета бошлайди)

Булбулим учди кўлимдан қайга, меҳмонлар
бугун,
Булбулимни йўқотиб кўнглим паришондир
бугун.

(Кетади.)

Ш е р а л и

Беадаблик қилдим чоғи, жўрангиз —
Фигон чекди рашк ўтида ўртаниб.

С а о д а т

Ҳар йиғлоқнинг рашки билан ишим йўқ.
Ҳали бирор кўнгли берган кишим йўқ.
Биз бу ерга ёр ахтариб келмадик,
Фарҳод ГЭСнинг чирогини ёққали,
Мирзачўлга гул таққали келганмиз.

Шу пайт Фарҳод тоғида Мардон пайдо бўлади. Унинг соқоллари оппоқ, кўрниши нуруний, бўрон унинг оқ соқолини юлқиб ўйнайди.
У ҳайкалдек қотиб туриб, пастдагиларга сўзлайди.

М а р д о н

Хўш келибсиз, янги авлод, зўр авлод.
Очилмаган улуғ сирлар, тилсимлар,
Хазиналар, дафиналар, бойликлар —
Минг йиллардан бери сизни кутарди!
Хуш келибсиз, улуғ авлод, зўр насл.

Қ и з л а р

Бу ким? Дарвиш! Ё тирилган Фарҳодми?
Ё хаёлми, кўзимизни алдаган?

М а р д о н

Ва на Фарҳод, ва на хаёл. Бахшиман.
Минг йилларнинг орзуси бор бошимда.
Юз йилларнинг қиссаси бор қалбимда.

С а о д а т

Фарҳод билан маликаи Шириннинг
Қиссасини биласизми?

М а р д о н

Биламан.

Қ и з л а р

Сўзлаб беринг!

М а р д о н

Вақти келар сўзларман.

Узоқдан хор садоси эшитилади. Ҳамма қулоқ солади.

Халқ келмоқда Фарҳод ГЭСни қурғали,
Қандай мағрур, маҳобатли наъраси!
Бу халқ жангда ёвни талқон қилган халқ,
Мўъжизалар яратган халқ меҳнатда.
Бу халқ улуғ дохий Ленин қўлидан
Озодликнинг шаробини ичган халқ.

Хор кучаяди. Яқинлашади. Саҳнадан яна саф-саф бўлиб
қурувчилар ўтади.

Х о р

Чорлади Ватан, йўлади Ватан,
Келдик ўлканинг ботир эрлари.
Меҳнатимиздан гулга кўмилгай
Бахтли ўлканинг шонли ерлари.

Аҳдимиз улуғ, ғайратимиз зўр,
Биз замонанинг марди, шерлари.
Меҳнатимиздан нурга чўмилгай,
Ғолиб ўлканинг шонли ерлари.

Саҳнадагилар ҳам хорга қўшилади. Ҳамма ўтиб кетади. Хор аста-секин узоқлаша бориб сўнади. Чироқ ўчиб ёнади. Уша ер, фақат орадан икки кун ўтган. Фарҳод тоғининг ён бағрида штаб бошлиқлари, қурилиш раҳбарлари, Анвар, Мунавварлар турибди. Пастда ишга шайланиб саф-саф бўлиб, буйруқ кутиб халқ турибди. Бўрон авжида. Бўрон товушини босиб дикторнинг овози эшитилади.

Д и к т о р. Қаҳрамон ўзбек халқи! Сен беқасам тўнинг-ни жомакорга алмаштириб, улуғ курашга киришдинг. Сен кекса Сирдарёнинг жигилдонидан бўғиб, минг йиллик ётоғидан турғизмоқчисан. Уни қўлтиқлаб, ўзинг хоҳлаган йўлдан етакламоқчисан. Унга «сен энди совет юртига тўла хизматкор бўл!» деган буйруқни бермоқчи бўлдинг. Улуғ Ватан олдидаги ўз виждоний вазифангни бажариш учун шонли меҳнат байроғини баланд кўтар! Большевик камарини яна маҳкам боғла! (*Овози тинади, тантанали жимлик.*)

С а о д а т. Ўртоқ инженер, хотин-қизлардан айрим бригада тузиш мумкинми?

А н в а р. Албатта, мумкин.

С а о д а т. Бўлмаса, кечирасизлар, сизлардан берухсат (*қизларни кўрсатиб*) биз хотин-қизлардан бир бригада туздик. Ҳаммамизнинг ҳам урушда биттадан, иккитадан кишимиз бор. Биз фронтчасига ишлаб, жангда юрган ака-укаларимизга ёрдам беришга қарор қилдик.

А н в а р. Жуда соз. Табрик қиламиз.

Қарсак чалади, ҳамма унга эргашади. Мунаввар ёнидан блокнот чиқариб ёза боради.

С а о д а т. Ундан кейин Шерали акамлар, яланг пол-вонлар йиғилишиб гвардиячи бригада тузибдилар, деб

эшитдик. Биз ўша полвонлар бригадасини ижтимоий мусобақага чақирамиз.(Қарсақлар.)

Овозлар. Балли! Яшанглар! Барака топинглар!

Шерали (ҳазиллашиб). Синглим, ўйлаб гапиряпсизми?

Саодат (жиддий). Бўлмасам-чи!

Шерали. Биз билан беллашиш қийину.

Турсун. Бунча кериласиз, полвон, мақтанма ғоз ҳунаринг оз, деган мақолни эшитганмисиз?

Қизлар кулади.

Шерали. Яхши қиз, ўйламай сўзлаган оғримай ўлар, деган мақол ҳам бор-а?

Йигитлар кулади.

Анвар. Ҳазилни бас қилайлик, хўш, нима дейсиз, Шерали?

Шерали. Тайёрмиз, шартларини айтсинлар.

Саодат. Кундалик топшириқни беш юз процентдан қилиб бажариш!

Шерали. Қабул қиламиз.

Қарсақ.

Уста. Саркор, биз ҳам битта-яримтани мусобақага чақирмаймизми?

Саркор. Мен сизни мўлжаллаб турипман, уста.

Уста. Чакки қиласиз, Саркор, букиб қўяман.

Саркор. Эй майли, букилсам сиздан букилай, Уста. (Анварга.) Ўғлим, мен ҳам манави қўшним, уста Жалолни мусобақага чақираман.

Анвар. Шартингиз?

Саркор. Қанчадан бўлсин, Уста?

Уста. Чақирган сиз, сиз биласиз-да!

Саркор (ўйлаб). Юз эликка!

Уста. Ҳимматингизни паст қилманг. Икки юзга!

Саркор. Майли, ёзилсин!

Ҳамма кулиб, уларни маъқуллайди.

Қодир. Мумкинми, ўртоқ инженер.

Анвар. Марҳамат.

Қодир. Мен (қўли билан Собирни кўрсатиб.) Ҳованови амакимни мусобақага чақираман.

С о б и р (безовта). Кимни? Меними? Йўқ, йўқ... Тўғри келмайди.

А н в а р. Нега?

С о б и р. Э, ахир, тенг-теги билан-да. Мен шу бола билан мусобақа ўйнайманми?

Қ о д и р. Аввал мени ютинг, кейин чиранинг, амаки.

Халқ чапак чалиб юборади.

О в о з л а р. Тўғри! Қандингни ур! Боплади!

С о б и р (тутақиб). Хўп, шартингни айт!

Қ о д и р. Кундалик топшириқни уч юз процентдан бажариш ва қурилиш охирига қадар иккита янги ҳунар ўрганиш.

С о б и р. Хўп, топшириқни ошириб бажаришни қабул қиламан. Яна иккита янги ҳунар деганинг нима деганинг?

Қ о д и р. Кейин биласиз.

С о б и р (бўғилиб). Э, мен бу болани кейин биласиздан чиқиб қолдим!

Қ о д и р. Дангал жавоб беринг, шартларимни қабул қиласизми, йўқми?

А н в а р (кулиб). Ҳа, дангал жавоб беринг.

С о б и р (зарда билан). Хўп, қабул қилдим!

Қарсак. Мухторов, Заславский билан бирга Марказкомнинг вакили киради. Улар тоғнинг ён бағрига чиқадилар.

Мухторов. Ўртоқлар! Бугун 1943 йил 10 февраль, ўзбек халқининг тарихида шарафли кунлардан биридир. Бугун Фарҳод қурилишида иш бошланади, Ҳозир ўн уч километр трасса бўйлаб, олти миш етти минг азамат қўлларига қуроallarини олиб, буйруқ кутиб турибди. Иш бошланиш олдидан ота икки оғиз сўз сўзламоқчи.

Қарсак.

В а к и л.

Ўртоқлар, сиз кўп бахтиёр кишиларсиз. Сиз шонли

Ва тарихий вазифани шараф билан ўтайсиз.

Меҳнатингиз соясида икки буюк муаммо—

Ҳал бўлади: бири — ташна Мирзачўлга сув бериш, Иккинчиси Фарҳод ГЭСнинг чироғини ёндириш.

Ширин орзу қилганидек, чўлни бўстон этамиз
Ва Фарҳоднинг нури билан ёритамиз саҳнини.
Бу мўъжиза. Бу минг йиллик афсонанинг ниҳоят
Ҳақиқатга айланиши! Бу минг йиллаб халқимиз
Орзу қилиб етолмаган эзгу ният, саодат.
Бу янгидан юзлаб қишлоқ, минглаб чаман, минглаб
боғ,

Яна миллион-миллион тонна пахта, ғалла демакдир.
Бу заводлар томирига янги қувват, янги қон,
Колхозларга минглаб янги машиналар демакдир.
Биродарлар! Ватанимиз яна кўпроқ гулласин,
Яна ҳам зўр, қудратлироқ бўлсин Совет давлати.
Жондан азиз юртимизда битта ҳам ёв қолмасин.
Зафар билан қайтиб келсин жангда юрган ботирлар,
Деган одам кеча-кундуз аямасин кучини!
Шонли меҳнат жабҳасида қозонилган ҳар ютуқ,
Жангда юрган ботирларга мадад бўлур, куч булур,
Ҳар бир кетмон тупроғингиз ёв қабрига тортилган
Тупроқ бўлур. Ғалабанинг соатлари яқиндир!

Қарсақлар.

М у х т о р о в (соатига қараб). Ўртоқлар, тайёрланинг!
Ҳозир сигнал берилади.

Тантанали жимлик, бир оздан сўнг узоқдан тўп отилганга ўхшаш
маҳобатли портлаш товуши эшитилади. Бу иш бошлашга сигнал.
Сўнг бараварига карнай-сурнай, ноғора овозлари эшитилади.

Қани, азаматлар, ишга!

Ҳамма саф-саф бўлиб бориб ишга тушади.
Шовқин, музика.

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

Дарё ёқаси. Ойдин кеча. Маҳобатли Сирдарё ойдинда ярқираб оқмоқда. Баҳор. Лола вақти. Узоқда Бош тўғон қурилишининг панорамаси кўринади. Проектор ва ҳаракатдаги машиналарнинг чироқлари ялтирайди. Машина ва экскаваторларнинг товуши ва онда-сонда ишга ундаган бақриқлар, қўшиқлар, кулгилар эшитилади. Тунги смена ишда. Фарҳод тоғи хийла кичрайиб қолган. М у н а в в а р қирғоқдаги катта тошда ўтириб дарёни томоша қилмоқда. Қўлида гулдаста.

М у н а в в а р

Дарёдан оқиб келодур шода-шода марварид
Сарф этиб озода меҳнат марварид қилдим харид,
Марваридларни сочармиз Мирзачўлнинг боғига,
Янги жаннатлар қуармиз дарёнинг ҳар ёғига.
Халқ учун хизматда бўлдик, бизга зўр бахтдир агар
Шонли тарих номимизни ёзса Фарҳод тоғига.

Гул ушлаб А н в а р киради. Мунаввар қўзғалмоқчи бўлади.

А н в а р

Қўзғалма ҳеч! Ўтиришинг чиройлик,
Худди Ширин ўтиргандай қирғоқда.

М у н а в в а р

Назаримда Ширин анча ўтирди.
Аммо Фарҳод ҳаял қилди.

Анвар

Беш минут
Шунча узоқ туюлдими Ширинга?

Мунаввар

Бундан кейин Ширин учун Фарҳодсиз
Утган ҳар бир минут йилдек туюлар.

Анвар

Кечир, пича ҳаялладим гул териб.

(Мунавварга гул беради.)

Мунаввар

Рости билан, Ширин балки шу ерда,
Менга ўхшаб Фарҳодини кутгандир.
Аммо шўрлик муродига етолмай
Фарёд чекиб, лахта қонлар ютгандир.
Қулоқ солсам худди дарё бағридан
Эшитилган каби Шириннинг доди...
Қаранг, дарё кўз ёшига ўхшайди.
Дарҳақиқат, бу сув эмас, бу минглаб
Асрларнинг оқиб келган кўз ёши.

Анвар

Сув эмас, рост, эриб оққан марварид.
Сув эмас, рост, сир сақлаган хазина,
Қўйни тўла сонсиз бойлик, қудрат, нур!

Мунаввар

Рост, сув эмас, минг йилларким сир тўла
Хазиналар сақлаб келган аждарҳо.
Аждарҳоким, минглаб насл уриниб,
Бир дона дур ололмаган оғзидан.

Анвар

Энди эса «аждар» бизга бўйсунар!

(Қурилиш панорамасига қараб.)

Қара, қандай ажойиб бир манзара!
Бу ер бино бўлиб бундай чиройга
Эга бўлган эмас сира... Кечаги —
Кўҳна қиргоқ, ёввойи ер йўқ энди.
Қара, Фарҳод тешасига чап бериб,
Ушалмаган ўжар тошлар, ўжар тоғ
Зарбимиздан кун тигига дуч келган,
Муз сингари аста эриб бормоқда
Халқимизнинг қудратига қойил бўл!

(Дарё бўйлаб нари кетишади.)

Гул териб, қандайдир бир ашулани гинғиллаб Саркор киради.
Узоқлашиб кетаётган Анвар билан Мунавварга ҳавас билан тики-
лади ва ниманидир маъқуллаб бош ирғайди.

Саркор (гинғиллаб). Жонона ўзинг ёлғиз...

Уста киради.

Уста. Янгилик!

Саркор. Қанақа янгилик, Уста?

Уста (кулади). Етмишга кирган чолнинг оғзидан
«жонона» сўзи чиқса янгилик бўлмайдими?

Саркор. Э... бу шунчаки ашула...

Уста. Ухламай, бу ерларда нима қилиб юрибсиз, ёш-
ларни ҳуркитиб, Саркор?

Саркор. Гул териб юрибман...

Уста. Яна янгилик!

Саркор. Нега, энди, бугун ҳамма нарса сизга янги-
лик бўлиб кўринаверади, Уста? Таажжубланманг, ёшлик-
нинг қазосини адо қилмоқчиман...

Уста (ўйчан). Ҳа... ёшлик... қазо бўлган ёшлик...

Саркор. Уста, бир оз шошилиброқ дунёга келиб қол-
ган эканмиз, айти яшайдиган вақтда қариб қолдик. Ҳе,
дариг...

Уста. Меҳнатга зўр беринг, одамни меҳнат ёшарти-
ради. (Қурилиш манзарасига қарайди.)

Саркор. Ҳай, ҳай! Бу манзарани, бу дабдабани
Сукрот ҳаким келиб кўрса қанг-манг бўлиб қолади-я! Рост-
дан шу ишларни ўзимиз қилдикми, Уста!

Уста (мағрур). Бўлмаса-чи!

Саркор. Ўйлаб қарасам, жуда зўр эканмиз, Уста.

Уста. Ўша зўрлигимиздан-да, фашистни букиб қўйдик.

Саркор. Э, фашистни қўя тулинг, бўганича бўп қолди. (Қурилишни кўрсатиб.) Мана буни айтинг! Лекин шу ишни ўйлаб чиқарган донишманднинг отасига минг раҳмат! (Пауза.) Уста, эшитувдингизми, иш бошланишдан аввал баъзи одамлар шубҳа қилган эканлар. Бўмаган гап, дарёни бўғиб бўмайди, деб сасишган экан.

Уста. Янглишмасам, бу гапларни ўзларидан эшитувдим шекилли.

Саркор. Э, мени қўя тулинг, мен тушунмасликдан айтган эдим. Мен, тушуниб туриб шубҳа қилганларни айтаётиман.

Уста. Улар тушуниб тушунмаганлар.

Саркор. Бу илмоқдор гапингизни нима деб тушунсак бўлади?

Уста. Бу гапимнинг маъноси шуки, улар ўқиган, тушунган, аммо халқнинг қудратига тушунмаган одамлар. Улар ўйлайдики, биз ўша, қиссайи Фарҳоду Ширин замонасидаги кўҳна халқмиз. Аммо номаъқул ўйлайдилар. Биз ҳозир у халқ эмасмиз! Дуруст, аввал ҳам ўзбак эдик, ҳозир ҳам ўзбакмиз. Лекин у ўзбак билан бу ўзбакнинг фарқи катта! Илгариги ўзбак бўстонлар яратиб чўлда қолган, боғ ўстириб мевасиз қолган, экин экиб оч қолган, пахта экиб яланғоч қолган, елкасида хонлар, амирларнинг қамчиси ўйнаган, бахти қора ва хор ўзбак эди. Ҳозирги ўзбак қулликдан қутулган, бахтини топган, йўлини таниган, манглайини Ленин силаган ўзбак! Ҳозирги ўзбак улуғ Ленин партиясининг парваришида, буюк рус халқининг қанотида вояга етган, Катта Фарғона каналидай дарё қазиб дунёга донги кетган ўзбак. Бугина эмас, Саркор, кечаги, урушдан аввалги ўзбак билан бугунги ўзбакнинг ҳам фарқи бор. Кечаги ўзбак билан бугунги ўзбакнинг фарқини билмоқчи бўлганлар Фарҳод қурилишини келиб кўрсин! Буни фаҳмига етмаганлар, халқимизнинг қудратини тушунмаганлар, ҳеч нарсага тушунмаганлардир. Аммо бахтимиздан бўлиб, бунақа тентаклар оз.

Саркор. Шундай Уста, шундай... Энди ўша шубҳагўйлар бу ерни келиб кўрсалар нима дейишар эканлар? Бу иншоотларни кўриб шармандан шармисор бўлмасмикинлар?

Уста. Ҳали шарманда бўлишларига пича вақт бор. Ҳали дарёни бўққанзимизча йўқ. Оғир бўлинг. Белни яна ҳам маҳкамроқ боғланг. Ишнинг йўғонлари энди келади, Саркор.

Саркор. Айтгандек, битта янгилик эсдан чиқибди. Ҳали, ишдан кейин, шундай ёнбошлаган эдим, кўзим пича илиниб кетибди. Бир маҳал уйғониб қарасам, жаноблари ухлаб ётган эканлар. Фурсатни ганимат билдиму бориб эртанги ишнинг чорагини жамғариб келдим.

Уста. Э, ҳали шунақа бўлдими? Бўлмаса бизда ҳам битта янгилик бор: ўша, жанобларининг кўзлари пича илиниб кетган вақтда, каминалари бориб эртанги ишнинг ярмини бажариб келган эдилар. Кейин, туриб кетганингиздан ҳам хабардор эдим.

Саркор. Шунақами?! Оббо, сиз-е! Бўш келмадингиз бўш келмадингиз-да, Уста!

Уста. Қани, бўлмаса юринг, фурсат ганимат, навбатимиз кемаса ҳам жиндак ишлайлик. Ойдинда сайр этиш, гул териш ёшларнинг иши. Уларга халал бермайлик.

Кетишади.

Ашула айтиб Саодат киради. Қўлларинда гул, бошида гулдан чамбарак.

Саодат

Ўртади қалбимни ҳижрон, келмади ёр, келмади,
Йўлида кўзлар нигорон, келмади ёр, келмади,
Васл умиди бирла ёлғиз дилрабо гул мавсуми.
Тўти янглиғ бўлди нолон, келмади ёр, келмади,
Менга берган ваъдаси ёлғонмиди, айтинг, нега,
Лоладек дил бўлди сўзон, келмади ёр, келмади?

Шерали

(киради)

Келди ёринг, бўлма нолон, севдигим, жоним менинг,
Бўлдим ишқингга сазовор, йўқдир армоним менинг.

Саодат

Йўлларингга интизор бўлдим, соғиндим, қайдасан.
Кел, ҳаётим, кел, қувончим, шавкатим, шоним менинг.

Ш е р а л и

Очилибсан лоладек, бошингда гулдин чамбарак,
Қўлларингда даста-даста гул, гулистоним менинг.

С а о д а т

Балки келмас эрди булбул гул бўлиб очилмасам.
Этмаса ром гунча янглиғ лаъли хандоним менинг.

И к к а л а с и

Дилда ишқинг сўнмас асло бевафолик айласам,
Майли, тупроққа тўкилсин бир қошиқ қоним менинг.

С а о д а т. Бунча интизор қилмасангиз? Нима, қўли-
нгиздан байроқни олиб қўйиб гуноҳкор бўлдикми?

Ш е р а л и. Узр, бир оз иш бор эди, тутилиб қолдим.

С а о д а т. Энди ҳар қанча уринманг, барибир байроқ-
ни қайтиб ололмайсиз.

Ш е р а л и. Кеча бизда эди, бугун сизда. Қандингизни
уринг, тан бердик. Аммо лекин бир ҳамла қилсак, эртага
яна ўзимизда-да, ўргилсин!

С а о д а т. Олиб бўпсиз!

Кулади. Шералига гул иргитиб қочади. Шерали орқасидан қувади.
Ҳаял ўтмай шовқин-сурон билан бир-бирини қувлаб, гул отиб
ўйнаб қизлар киради.

Т у р с у н. Бўлди, бўлди! Тавба қилдим.

А д о л. Яна айтасизми? А? Айтасизми?

Т у р с у н. Йўқ! Йўқ! Ҳой қизлар, мен бундан кейин
Адолхон Собиржонни яхши кўриб қолибди, деб айтмай-
ман.

Қизлар кулади. Адол Турсунни қаттиқроқ буйдалайди.

А д о л. Янами? А? Янами?

Т у р с у н (кулгидан тўхтаб). Айтмайман! Бўлди! Бўл-
ди! Ҳой, шошманг! Ҳой, қизлар, менга қаранглар, Собир-
жон тўғрисидаги янги гапни эшитдиларингми?

Қизлар ўйин-кулгидан тўхтаб, Турсуннинг атрофига
тўпланадилар.

Х о с и я т. Яна нима бўлипти? Ё яна шамол учириб
кетибдими?

Қизлар кулади.

Турсун. Йўқ, ундан ҳам қизиқ. Бугун овқат вақтида, Собиржон землянкага боришдан эринибди-ю, бирор пана жой топиб мизгиб олмоқчи бўлипти. У ёқни қарабди, бу ёқни қарабди, пана жой топилмапти. Бир маҳал қараса, нарироқда, ҳалиги полвон машинанинг катта темир яшиги бор-ку?

Хосият. Ҳа, ҳа!

Турсун. Ўша турган экан. Собиржон, Маруся овқат қилгани кетди, у келгунча яшикка тушиб мизгиб олай, ҳеч ким халал бермайди, дебдию секин яшикка тушибди. Буни Қодиржон кўриб турган экан. Бир қизиқ қилай дебдию бориб машинанинг мурватини бурабди. Яшик осмонга кўтарилиб кетибди. Қодиржон яшикни осмонга кўтариб қўйибдию ўзи қочибди. Собиржоннинг ўтакаси ёрилибди. Дунёни дуд кўчириб, дод солибди. Ҳамма тўпланибди. Собиржоннинг аҳволига роса кулишибди. Собиржон шу аҳволда, худди қафасга солинган маймундек, то Маруся келгунча осмонда, яшикда ўтирибди.

Қизлар қотиб кулишади.

Адол. Бояги шовқин, кулги ўшанга экан-да?

Турсун. Ҳа. (узоққа қараб). Ана ўзи ҳам келяпти. Ёнида Маруся.

Хосият. Энди Марусянинг бошини айлантириб юрганга ўхшайди.

Турсун. Айлантириб бўпти. Петька шофер кўрса кўзини мошдек очиб қўяди. Ҳай, тўғри шу ёққа қараб келишяпти, келинлар, келинлар, бекинайлик. Нима деб гаплашишар эканлар.

Қизлар тошларнинг орқасига бекинишади. Собир билан Маруся киради.

Собир. Хўп, дея қолинг энди.

Маруся (кулиб). Хўп демасам-чи?

Собир. Фарҳоддан кетаман.

Маруся. Менга нима, кетсангиз кетаверинг.

Собир. Йўқ, сиз ҳазиллашманг! Ахир қачонгача бу кичкина митти мени ютиб кетаверади. Биламан, боя мени темир яшик билан осмонга кўтариб шарманда қилган ҳам ўша!

Маруся кулади.

Кулманг! Унга ўргатдингизми, менга ҳам ўргатинг.
Маруся. Хўп, бўлмаса эртага келинг, ўргатай. Ҳо-
зирча хайр. (Кета бошлайди.)

Собир. А... қаёққа? Мен кузатиб қўяй...

Маруся (кулиб). Ҳожати йўқ, кузатиб қўядиган ки-
шим бор. (Кетади.)

Собир. Барака топкур, жуда яхши қизу фақат Петь-
каси борлиги ёмон-да.

Қизлар кулишиб, бекинган ерларидан чиқишади.

Оҳо! Жамийй пари-пайкарлар шу ерда экан-да. Бай-бай,
одамнинг кўзи қамашади-я!

Турсун. Хомтама бўлманг, ҳаммамизнинг ҳам Петь-
камиз бор!

Кулишади.

Саодат. Табрик қиламиз, бугун темир яшиқда катат-
са қилибсиз, деб эшитдик.

Кулги.

Турсун. Ҳа, ердан қиз топилмагандан кейин, осмон-
га чиқиб фариштага уйланмоқчи бўлганлар.

Кулги.

Собир. Ҳа, агар битта-яримталаринг кўнгил берма-
саларинг, осмонга учиб кетишим аниқ.

Қодир (киради). Биздан ҳам ола кетинг, амаки!

Собир. Мана, кулгига сабаб бўлган митти. Ҳай, нега
сен мен билан жуда ҳазилкаш бўлиб қолдинг? Муддаонг
нима?

Қодир (кулиб). Кейин биласиз.

Собир. Қоч-е! Яна бир мартаба ҳазиллашсанг иш
ёмон бўлади.

Турсун. Учиб кетадилар, айрилиб қоламиз.

Кулги кучаяди. Саодат билан Шерали киради.

Шерали. Ким у, учиб кетадиган? Биздан фаришта-
ларга салом айтинг.

Кулги. Анвар билан Мунаввар киради.

Анвар. Тун оғиб қолди, ухламайсизларми?
Шерали. Шу ойдинда ухлаб бўладими, ўртоқ инженер. Бугун ухлаш йўқ.

Анвар. Куни билан қаттиқ ишладиларинг, ахир дам-пам олиш ҳам керак-да.

Саодат. Уйин-кулги дам эмасми?

Анвар (кулиб). Бўлмаса дурустроқ уйин қилайлик.

Шерали. Бўпти. Концерт қиламиз.

Анвар. Бўлмаса, кечани Собиржон бошқарсин, ишга мазаси йўқ бўлса ҳам гапга чечан.

Қизлар кулади.

Овозлар. Бўпти! Бўпти!

Собир (жиддий қиёфа билан). Бўлмаса қани, ўтиринглар.

Ҳамма ўтиради. Аста-секин йигитлар, қизлар тўплана бошлайдилар. Буларнинг ичида ҳар хил миллатдан бор.

Фарҳод ГЭС, Бош тўғон қурилишида ишлайдиган қаҳрамон ёш ҳаваскорларнинг ўзаро концертини очиқ деб, эълон қиламан.

Кулги.

Сўралади, халақит берилмасин! Навбатдаги номерамизда... Нимадан бошлаймиз?

Овозлар. Лапар! Ашула! Уйин!

Собир. Хўп, сўровларингга биноан, ҳаммаси ҳам бўлади. Орамизда руслар, украинлар, тожиклар, татарлар ҳам бор. Бинобарин концертимиз ранг-баранг бўлади.

Шерали. Э, гапни чўзмай бошланг, гапдон!

Собир. Хўп, навбатдаги номерамизда Шерали полвон бригадаси билан Саодатхон бригадаси ўртасида лапар! Сўраймиз.

Чапак. Қизлар, йигитлар лапар бошлайди.

Йигитлар

Лапарнинг аввал боши, мармар тоши,
Чит рўмолни ҳўл қилган кўзнинг ёши,
Биздайин фарҳодларни шайдо қилган
Шу турган ширинларнинг қалам қоши.

Қизлар

Юрт учун фидо бўлур азиз бошлар,
Мардларнинг панжасида синар тошлар,
Севгидан сўз очдингиз «чу» деганда,
Ижозат бердимикан, қаламқошлар?

Йигитлар

Парвона бизлар соғу сўлингизда,
Жонимиз фидо бўлсин йўлингизда,
Ихтиёр: хоҳи койинг, хоҳи суйинг,
Қизларжон, тақдиримиз қўлингизда.

Қизлар

Мақол бор: тома-тома кўл бўлади.
Бўстонлар сувсиз қолса чўл бўлади.
Унутманг, лафзингизда турмасангиз,
Кўксингиз кўз ёшидан ҳўл бўлади.

Йигитлар

Розимисиз, умрбод вафо қилсак?
Ўлдинг, сизга зарра жафо қилсак!
Дунёда қолмас асло армонимиз,
Сиз билан Фарҳод ГЭСда сафо қилсак!

Қизлар

Ўзимиз гул терамиз ўзимизга,
Яхшилаб қулоқ солинг сўзимизга,
Байроқни қўлингиздан олиб қўйдик,
Энди қандай қарайсиз кўзимизга?

Қийқириқ. Чапак. Қулги.

С о б и р. Навбатдаги номерамизда, украинча ўйин.

Қизлар, йигитлар украинча ўйин ўйнайдилар.

Навбатдаги номерамизда тожикча ашула.

Тожикча ашула айтилади.

Навбатдаги номерамизда татарча ўйин.

Татарча ўйин ўйналади.

Навбатдаги номерамизда Маруся бошлиқ русча ўйин.

Русча ўйин ўйналади.

Навбатдаги номерамизда умумий ялла «Давримиз».

Х о р

Ишқи озод, толеи ёр, меҳнати шон давримиз,
Доҳимиз Ленин туфайли бўлди шодон давримиз.

Айладик тоғларни талқон, дарёларни пойибанд,
Янги жаннатлар қуармиз берса фармон давримиз.

Зарбимиздан бўлди ҳал, асрий муаммолар бутун,
Бир умрга айлади мушкулни осон давримиз.

Кимки душман бўлса бизга бўлғуси ер бирла тенг,
Этди ғолиб наслимизни шоду хандон давримиз.

М а р д о н киради. Ҳамма уни шовқин билан ўраб олади.

Ш е р а л и. Қани, ота, «Фарҳоду Ширин» қиссасини
сўзлаб беринг. Хонаси! Айтиб беринг! Сўраймиз.

М а р д о н. Хўп, бўлмаса айтиб берай. (Қирғоқдаги
катта тошга ўтиради.)

Қолганлар чолнинг атрофига жойлашадилар. Мардон оғир сўз
бошлайди.

Қадим ўтган замонда, Мирзачўл томонда, Сирдарёнинг
бўйида, Фарҳодтоғдан қуйида, маликаи Ширин отлиқ бир
қиз подшо яшарди...

Чи ро қ аста-секин хиралашиб бориб сўнади.

П а р д а

УЧИНЧИ ПАРДА

Биз узоқ афсонавий ўтмишнинг қучоғига кетамиз. Шириннинг ёзлик қасри, баланд айвон. Узоқда худди аввалги пардадагидек Сирдарё, Фарҳод тоғи, Ширинсой, ундан нари тоғлар силсиласи кўринади. Узоқларга тикилиб заррин тўшакда ётган Шириннинг юзида ғамгинлик ва паришонлик. Уни овутиш тилагида ҳарир кийимлар кийган раққосалар майин рақс қиладилар. Аммо рақслар маликани юпата олмайди. Ширин қўли билан ишора қилади, раққосалар таъзим билан чиқадилар. Рубобчи қизлар киради. Нозик музыка садоси юксалади. Аммо бу ҳам Ширинни юпата олмайди. Ширин қўл силтайди. Рубобчи қизлар таъзим қилиб чиқадилар. Маҳинбону киради.

Маҳинбону

Қандай дард бор юрагингда, маликам?
Нима қилсак кўнглинг ором топади?

Ширин

Менга тинчлик, хилват керак, аммажон.

Маҳинбону

Шаҳзодалар кутиб қолди, жавоб айт.

Ширин

Қайдан келса шунда кетсин ҳаммаси.

Маҳинбону

Қачонгача давом этар танҳолик?
Ҳар боққа бир боғбон керак.

Ширин

Аммажон,

Мен боғ эмас, менга боғбон керакмас.
Қалбимдаги ёр дардимас, юрт дарди.

Ташқаридан шовқин эшитилади.

Фарёд

(ташқаридан)

Қўйиб юбор, маликага арзим бор!

Соқчи

(ташқаридан)

Маликанинг иши бўлмас гадо-да
Орқангга қайт!

Фарёд

Йўл бер!

Соқчи

Йўқол!

Фарёд

Ҳайдама!

Мен халқнинг вакилиман!

Маҳинбону

Йўл қўйма!

Маликага тинчлик керак.

Ш и р и н

Йўл беринг!

Майли кирсин, арзи бўлса сўзласин!

- Фарёд киради. Усти юпун. Офтобда куйган бадани қора, қотма. Соқоли оқ. Юзида алам ва изтироб. Унинг орқасидан қуроли соқчилар киради.

Ф а р ё д

Фуқаронгман кийимимдан ор қилма,
Оч арвоҳ деб, ҳайдамагил саройдан.

Ш и р и н

Сўзла, бобо, менга қандай арзинг бор?

Ф а р ё д

(атрофга оч назар ташлаб)

Мана бизнинг меҳнатимиз, теримиз,
Саройингда зийнат бўлиб турибди.
Бу олтинлар, бу забаржад, кумушлар,
Бу лаълилар, бу жавҳарлар, ёқутлар,
Бу гиламлар, бу шоҳилар, атласлар,
Саройингнинг барча ҳусни, безаги,
Дабдабаси, ҳашамати, барчаси
Меҳнатимиз, кучимизнинг маҳсули!

М а ҳ и н б о н у

(даргазаб)

Довдирамай арзингни айт! Номинг ким?!

Ф а р ё д

Номим Фарёд, тилим аччиқ, феълим тез.
Одил бўлсанг сўзларимга чидайсан!

Ш и р и н

Сўзлай бергил, нима бўлса дилингда.

Ф а р ё д

Бу безаклар парда бўлмиш кўзингга,
Бехабарсан фуқаронинг ҳолидан.
Сенинг нозу неъматларинг беҳисоб,
Элнинг эса ейиш учун нони йўқ.
Сен саройда гулгун шароб ичасан,
Ташналикдан қон ютади фуқаро.
Шоҳи, атлас товланади эгнингда,
Халқинг эса, юпун, гадо, яланғоч.
Қулоғингда ялтирайди инжулар,
Халқнинг эса кипригида ўйнар ёш.

Ш и р и н

(бетоқат)

Бўлди, бас қил! Юрагимга солма ўти

Ф а р ё д

Қачонгача бу уқубат, бу азоб?
Қачонгача гадо бўлиб яшаймиз?
Жондан бездик, тоқатимиз бўлди тоқ.
Қачонгача кўксимизни босар ғам?
Қачонгача дарё бўлур ёшимиз?
Агар сенга юрт, халқ керак бўлмаса,
Тириклайин Мирзаҷўлга кўмиб қўй!

Ш и р и н

Етар, бобо, бас қил энди сўзингни!

Ф а р ё д

Биламиз сен оқиласан, фазлинг зўр,
Фаросатинг ҳар нарсага етади.
Аммо элга нима фойда ақлингдан,
Фаросатинг, идрокингдан, фазлингдан,
Етолмасанг, агар унинг додига,
Мушкулини осон қила олмасанг!

Ш и р и н

Халқимга айт, бисотимда неки бор,
Келиб олсин, элга очиқ хазинам.

М а ҳ и н б о н у

Эсингни йиғ, ўйлаб сўзла, маликам!

Ш и р и н

Қарорим шу!

М а ҳ и н б о н у

Кулки бўлма оламга!
Сўзла, қачон ва қайси шоҳ мулкини
Ўз қўли-ла ғорат қилган вақти бор?

Ш и р и н

Нега керак менга бойлик, хазина
Ярамаса элнинг қора кунига?

Ф а р ё д

Керак эмас элга сенинг хазиранг,
Бойлигинг ҳам, хазиранг ҳам ўзингга.

Ш и р и н

(ҳайрон)

Сабаб?..

Ф а р ё д

Қўлдан берган билан қуш тўймас.
Неча кунга етар берган эҳсонинг?
Беш кун ермиз, ўн кун ермиз, кейин-чи?
Яна ўша оғир ҳаёт, оч турмуш.

Ш и р и н

У ҳолда айт, талаби не халқимнинг?

Ф а р ё д

Обиҳаёт!

Обиҳаёт!

М а ҳ и н б о н у

Афсона!

Имкони йўқ, тадбири йўқ бир талаб.

Ф а р ё д

Сувсизликдан хароб бўлди қишлоқлар,
Сувсизликдан қуриб кетди ўтлоқлар.
Сувсизликдан юртга офат келмоқда,
Қум босмоқда далаларни, боғларни,
Сув бер бизга, келса агар қўлингдан,
Адлинг бўлса элни сувга сероб қил.

М а ҳ и н б о н у

Қаршингдаги мироб эмас, малика!

Ф а р ё д

Маликадан мироб афзал, халқ учун,
Мирзачўлга мироб керак, шоҳ эмас!

Соқчилар қилич суғурадилар. Маҳинбону ғазабда.

М а ҳ и н б о н у

Тилингни тий!

Ш и р и н

Тегманг! Чолнинг сўзи ҳақ!
Қиличларни қинга солинг, йўқолинг!

Соқчилар чиқадилар.

Оғир савдо солиб қўйдинг бошимга.

Ф а р ё д

Сеникидан енгил эмас, халқники.

Ш и р и н

Обиҳаёт! Обиҳаёт қайда у,—
Халқимизнинг ширин орзу, хаёли?!
Азиз бобо, модомики сен мендан —
Талаб қилдинг имкони йўқ нарсани,
Энди ўзинг тадбирини айтиб бер!

Ф а р ё д

Сирдарёдан Мирзачўлга сув чиқар!

М а ҳ и н б о н у

Афсонароқ талабидан тадбири.

Ш и р и н

Бўлармикан?

Ф а р ё д

Уриниб кўр, маликам.
Ишни бошла, хизматингга халқ тайёр!

Ширин ўйга толади. Оғир жимлик. Ташқаридан халқнинг говури эшитилади.

Эшигинг халқ тўпланиб турибди,
Нима дейсан? Халққа чиқиб нима дей?

Ш и р и н

Майли, чиқиб халқимга айт, унадим.

Ф а р ё д чиқиб кетади.

Хабар қилсин, меҳмонларга, кирсинлар,
Мен кийиниб ёнларига чиқаман.

Чиқиб кетади. Чироқ ўчади. Қоронгиликда Мардоннинг овози эшитилади. У ҳикоясини давом эттиради.

Мардон. Маликаи Шириннинг овозаси етти иқлимга кетди. Маликанинг ҳуснини эшитиб туш-тушдан ошиқлар кела бошлади. Лекин малика ҳеч бирини қабул қилмади, назарга илмади. Кунлардан бир кун...

Чироқ ёнади. Аввалги саҳна, базм қизиган. Шаҳзодалар давра олиб ўтирибдилар. Буларнинг ичида Фарҳод ҳам бор. Мулозимлар хизматда. Май, музика, рақс. Мулозим киради, ўйин тўхтайтиди.

Мулозим. Маликаи Ширин ташриф буюрурлар.

Меҳмонларда жонланиш. Бир ёнида Маҳинбону, бир ёнида вазир, Ширин киради. Ҳамма таъзим билан уларни қарши олади. Ширин, Маҳинбону сўнг бошқалар жой-жойларига ўтирадилар.

Маҳинбону. Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар.
Меҳмонлар. Хушвақт бўлинг, малика.

Вазир

Қулоқ солинг, маликанинг ишқида,
Ором билмай, узоқ-яқин ерлардан,
Тоғлар ошиб, дарё кечиб, чўп босиб,
Бунда келган шаҳзодалар, ошиқлар.
Маликанинг сизга битта шарт бор:
Кимки агар маликанинг васлига
Эришмоқчи бўлса, айлаб жасорат,
Мирзачўлга сув чиқарсин дарёдан.

Шаҳзодалар ичида ғовур-ғувур бошланади: «Оғир шарт!», «Қийин иш! Хаёл! Афсона!» каби сўзлар эшитилади. Аммо ҳеч ким журъат қилиб очиқ жавоб беролмайди. Оғир жимлик. Сўнг Фарҳод ўрнидан туради.

Фарҳод

Қабул қилдим маликанинг шартини.

Ширин Фарҳодни энди кўради; у қаттиқ ҳаяжонда.

Ширин

Ё раббий!

Ш а ҳ з о д а л а р

Биз ҳам шартни бажаришга тайёрмиз.

В а з и р

Ундай бўлса рухсат сизга, меҳмонлар,
Синаб кўрсин ўз бахтини ҳар ошиқ.

Ҳамма кўзгалади, Ширин билан Фарҳоддан бўлак ҳамма чиқиб
кетади.

Ф а р ҳ о д

Бир боқиб ақлимни олдинг, бир боқиб ҳолим хароб.

Ш и р и н

Бир кўриб ошуфта бўлдим, бир кўриб бағрим кабоб.

Ф а р ҳ о д

Хаста мен ишқингда дилбар, айла дардимга даво,
Уртама ҳижрон ўтида, берма жонимга азоб.

Ш и р и н

Сенсиз олам менга зиндон, сенсиз офатдир ҳаёт,
Менга сенсиз гул оловдир, заҳри қотилдир шароб.

Ф а р ҳ о д

Дарёни занжири банд, чўлларни бўстон айлагум,
Беҳисоб тилсимлар очгум йўлласанг, қилсанг итоб.

Ш и р и н

Чўлни гул қил, сендан ўзга илтимосим йўқ менинг,
Халқ учун чўлларни обод айласак бўлгай савоб.

И к к а л а с и

Бир боқиб ақлимни олдинг, бир боқиб ҳолим хароб.
Уртама ҳижрон ўтида, берма жонимга азоб.

Ш и р и н

Хуш келибсиз, бунда мардим, султоним.
Пойи қадамингга садқадир жоним.
Бир кўриб ишқингга тутилдим, сўзла,
Номинг ким? Қайдансан, азиз меҳмоним?

Ф а р ҳ о д

Отим Фарҳод, зотим кунчиқар ёқдан,
Васлинг умидида келдим йироқдан.
Мендай ошиқингга шафқат қила кўр,
Қалбим ўртанмасин аччиқ фироқдан.

Ш и р и н

Элга аён бўлди, ўртада шарт бор.
Инсонманми этсам шартимни инкор?
Ўзга бажармасин, сен бажар шартни,
Агар қилмай десанг ишқимизни хор.

Ф а р ҳ о д

Лафзидан қайтганни инсон демасмен,
Шартни бажармасам Фарҳод эмасмен.
Яхши қол ҳозирча, хайр, маликам.
Шартни бажармасдан бунда кемасмен.

Ф а р ҳ о д чиқиб кетади. Чироқ сўнади. Мардоннинг овози эшитилади.

М а р д о н. Ошиқлар ишга тушади, аммо ҳеч ким дарёдан сув чиқаролмади. Обиҳаёт ишқида халқ неча йил тер тўкди, жафо чекди, аммо обиҳаётдан дарак бўлмади.

Чироқ ёнади. Уша саҳна, фақат орадан беш-олти йил ўтган. Ш и р и н ғамгин ва паришон ҳолда ўтирибди. Канизаклар ғамгин хор бошлайди.

Х о р

Ғам билан дил пора-пора бўлди ғамхор бўлмади,
Қайғу саҳросида қолдик, бахтимиз ёр бўлмади.

Севги осмонида жавлон этмади сайёрамиз,
Ер висоли субҳи содиқдек намудор бўлмади.

Ёшимиз кўл бўлди, аммо, топмадик обиҳаёт.
Орзумиз ярқираб оққучи анҳор бўлмади.

Барча меҳнат елга учди, топмадик дардга даво,
Чўл гулистон, дашту саҳро саҳни гулзор бўлмади.

Хор тугайди. Ширин ишора қилади, канизаклар чиқиб
кетадилар. Маҳинбону киради.

Маҳинбону

Беш йил бўлди ҳамон йўқдир натижа,
Кўринмайди уқубатнинг охири.
Маълум бўлди фойда бермас ишимиз,
Энди бас қил, ишни тўхтат, маликам.

Ширин

Иш тўхтаса бирга тўхтар нафасим,
Ҳаёт йўқдир обиҳаёт бўлмаса.

Маҳинбону

Азоб берма ўзингга ҳам, халққа ҳам.

Ширин

Сув бўлмаса роҳат қайда халқ учун?
Сув бўлмаса хароб бўлур юртимиз.
Сув бўлмаса барбод бўлур давлатим.

Мулозим кириб таъзим қилади.

Мулозим

Фарёд келди.

Ширин

Кирсин.

М у л о з и м

Ҳозир, маликам.

Чиқиб кетади. Фарёд киради.

Ш и р и н

Ҳорма, бобо!

Ф а р ё д

Бор бўл, бекам.

Ш и р и н

Не хабар?

Ф а р ё д

Ҳар галгидан ачиқроқдир хабарим,
Битта қолмай, кечиб сенинг васлингдан,
Шаҳзодалар ташлаб кетди ариқни.
Фақатгина Фарҳод қолди кетмаган.
Халқ ичида очлик, касал бошланди.

Ш и р и н

Нималарни эшитаман, ё раббий!

Ф а р ё д

Фалокатнинг олдини ол, маликам.

Ш и р и н

Бериб бўлдим, хазинада борини,
Бисотимда ҳеч бир нарса қолмади.

Ф а р ё д

Ундай бўлса дардга даво йўқ экан.

Ш и р и н

Қандай даҳшат! Қандай офат, худойим!

М а ҳ и н б о н у

Айт-чи, Фарёд, бу уриниш, бу ишдан —
Чиқармикан, бир натижа?

Ф а р ё д

(оғир хўрсинади.)

Маликам,
Туман босди гидрокимни, бу ишга —
Етмай қолди, энди менинг ақлим ҳам.

Ш и р и н

(изтиробда)

Бу қандай ҳол?! Мен шўрликни эзмаган
Қийнамаган энди сен ҳам бормидинг?!

Ф а р ё д

(ғамгин)

Тақдир экан, энди қандай қилайлик,
Кўп уриндик, натижаси бўлмади.
Тоғни талқон қиламиз деб лоф урган
Шаҳзодалар чидолмасдан қочдилар.
Тархонларинг, амирларинг, бекларинг
Элни талаш, эзиш билан овора.
Нима қилсин бечора халқ? Қўлида
Қуроли йўқ, усти юпун, қорни оч.
Етмагандай бу жафолар, бу дардлар
Елкасини ўйса беклар қамчиси?!
Боёнларинг қонни сўрса зулукдай,
Нима қилсин жафокаш халқ, шўрлик халқ?
Қайга борсин? Кимга айтсин додини?!
Юрт ишқида, обиҳаёт ишқида
Беш йил жафо, заҳмат чекди ботир халқ.
Беш йил тинмай ариқ қазди, тер тўкди.
Аммо энди кўзи етмай бу ишдан —

Бир натижа чиқишига, оҳиста
Ишни ташлаб обиҳаёт ахтариб,
Нон ахтариб, бахт ахтариб, бахтсиз халқ,
Мирзачўлдан кўчиб кета бошлади.

Ш и р и н

Қандай даҳшат! Бундан кўра худойим,
Ола қолсанг бўлмасмиди жонимни?!

Йиғлайди. Ҳовлиқиб в а з и р киради.

В а з и р

Бир хушхабар олиб келдим, маликам!

М а ҳ и н б о н у

Қандай хабар? Сўзла тезроқ! Тез сўзла!

В а з и р

Хисров отлиқ бир сеҳргар келибди.
Сирдарёдан Мирзачўлга бир кунда
Сув чиқариб бераман деб турибди.
Фақат дейди, розимикан малика?
Ўз шартида турганмикан ҳали ҳам?
Агар чўлга сув чиқарсам, ўша кун —
Никоҳимда бўлармикан?

Ш и р и н

(даҳшатда)

Е раббий!

В а з и р

Рози бўлса зудлик билан билдирсин,
Шу кечаёқ сув чиқарай, деб айтди.

М а ҳ и н б о н у

Рози бўлгил!

В а з и р

Рози бўлинг, маликам!

Ш и р и н

Бахти қаро, толеи шум эканман,
Бу хабарни агар Фарҳод эшитса,
Шу ондаёқ жудо бўлур жонидан.
Эй худойим, менга берган озоринг,
Ситамларинг, жафоларинг озмиди?

Ф а р ё д

Тақдирингга тан бер энди, маликам,
Бебурд бўлма, лафзингда тур, рози бўл.

Ширин жавоб бермай йиғлайди.

Қуллаар, очлар, яланғочлар ҳурмати,
Обиҳаёт ишқида жон берганлар,
Бахти қаро бенаволар ҳурмати,
Юрт ҳурмати, халқ ҳурмати рози бўл!

Ш и р и н

Рози бўлдим, тақдир экан не чора?
Майлига мен бахтсиз бўлай ва локин,
Халқим, наслим бахтли бўлсин умрбод.
Мен розиман, чиқиб айтинг Хисровга.
Уз сеҳрини, қудратини кўрсатсин.

Ҳамма чиқиб кетади. Ширин ғамгин куйлайди.

Мен каби оламда ҳеч ҳоли паришон бормикин?
Толеи шум, улфати ғам, бағри бирён бормикин?
Зулмати ҳижронда қолган, кўзи гирён бормикин?
Айрилиб иқболидин чоки гирибон бормикин?
Мен каби бир булбули шўрида нолон бормикин?
Севги саҳросида Ширин бир самандар воладир,
Ҳажрида куйган кўнгил монанд ўтлуғ лоладир,
Эгди ғам қаддимни, дўстлар, кўзда ашким жоладир,

Кўшиди дард дардимга ҳижрон, кори борим ноладир,
Маслаҳат бер, э табиб, дардимга дармон бормикин?

Ёндириб ўтларда бемор айлади даврон мени,
Зулм ила ҳаддин зиёд хор айлади даврон мени,
Ҳасрату кулфатлара ёр айлади даврон мени,
Бир сиқим тупроққа ҳам зор айлади даврон мени,
Давр зулмидин халос ўлмакка имкон бормикин?

Чироқ ўчади. Яна Мардоннинг овози эшитилади.

Мардон. Маккор Хисров ҳийла билан Шириннинг
васлига эришмоқчи бўлди. Фарҳодни Шириндан, Ширин-
ни Фарҳоддан жудо қилмоқчи бўлди. Чорасиз қолган Ши-
рин Хисровнинг шартларига кўнди ва ўзини кўр тақдир-
нинг хоҳишига ҳавола қилди.

Чироқ ёнади. Уша саҳна. Ойдин кеча. Узоқда ярқираб Сирдарё-
дан чўлга қараб сув оқмоқда. Канизаклар билан ўралган Ширин
сувни томоша қилмоқда. Орқадан, пастдан халқнинг товуши
эшитилади.

Овозлар. Обиҳаёт! Обиҳаёт! Ушалган орзу! Орзу-
мизни рўёбга чиқарган маликаи Шириннинг умрлари бо-
қий бўлсин! Омин!

Халқ Ширинга қараб гулдасталар иргитади. Шириннинг бошига
гул ёғилади. Ширин халққа таъзим қилади.

Ташналарни сувга сероб қилган маликаи Шириннинг
давлати бундан ҳам зиёда, мартабаси бундан ҳам баланд
бўлсин, омин.

Халқ тарқала бошлайди, шовқин аста-секин босилади.

Ширин

Сирдарёдан Мирзачўлга сув чиқди,
Шарафига катта базм бошлансин.

Канизаклар таъзим билан чиқадилар. Ширин узоқдаги сувга
тикилиб.

Мана халқнинг жилва қилган орзуси,
Мана ўша обиҳаёт! Эзгу сув!

Энди сувга сероб бўлур ташналар,
Энди гулга бурканади Мирзачўл,
Энди қочар ўлкамиздан муҳтожлик.
Энди кулар халқимизнинг толеи.
Фақат афсус бу толени бахш этган,
Хисров отлиқ келгинди бир жодугар!..
Наҳотки мен энди унинг амрига,
Фармонига бўйсунамен? Наҳотки,
Висолимдан баҳра олур бегона?
О... Не учун бу шарафга, бу бахтга —
Шўрлик Фарҳод бўлолмади муяссар?
О, сеҳргар, о касофат ойдин тун
Жудо қилдинг мени азиз Фарҳоддан.
Энди мени ҳаётдан ҳам жудо қил!

Маҳинбону киради. Унинг орқасидан созандалар, раққосалар, канизаклар кириб жойлаша бошлайди. Мулозимлар май, нози неъматлар таший бошлайди.

Маҳинбону

Сув туфайли ҳар гўшада, ҳар уйда,—
Тўй бошланди. Шодлик сиғмас ҳеч ерга.
Севинч ёши ўйнар халқнинг кўзида.

Ширин

Жуда яхши... Жуда яхши, аммажон.

Маҳинбону

Нима бўлди, сенга азиз, маликам,
Гул юзингга ғам булути чўкибди?

Ширин

Бир оз тобим қочди чоғи... зарарсиз.
Сиз базмни бошлай беринг... Мен бир оз,
Дам олайн. Сўнг албатта чиқаман.

Ширин кетади. Вазир бошлиқ меҳмонлар киради. Буларнинг орасида ўз лашкарбошилари билан Хисров ҳам бор. Ҳамма ўтиради.

Маҳинбону. Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Хисров Хушвақт бўлинг, малика! (Утирганлар ичидан Ширинни ахтариб.)

Назаримда малика йўқ бу ерда,
Еки мендан ор қилдими?

Маҳинбону

Мутлақол
Кийинмоқда, бир оз туриб чиқади.

Хисров

Пардоз-андоз, ясан-тусан, истиғно,
Буларсиз ҳам шайдосимиз Шириннинг.

(Кулади.)

Маҳинбону

Сабр қилинг!

Хисров

(дағал)

Бесабрман, малика!

Ёки Ширин, мени кутиб, тўшакда —
Етганмикан? Кира қолай ёнига?

Хисров ва унинг аёнлари кулади. Сарой аҳли дилгир. Маҳинбону
газабда.

Маҳинбону

Бу ишингиз бўлармикан одобдан?

Хисров

Хайр майли, тезроқ чиқсин! Қани май!
Қани бошланг базмингизни, малика!

Маҳинбону ишора қилади. Базм бошланади. Май, музика. Кани-
заклар гамгин хор айтишади.

Х о р

Ошиқ аҳли бевафолар дастидан хор бўлмасин,
Бир табассум, бир боқиш, бир бўсага зор бўлмасин.

Булбули шўрида афгон чекмасин гул ҳажрида,
Дил қуши ғам домига ҳаргез гирифтор бўлмасин.

Севги бозорида маъсум, лола юзлар ҳуснига
Бевафо, золим, ситамгарлар харидор бўлмасин.

Бода тут, соқи, лабо-лаб, айшу ишрат чоғидир,
Ҳасрату кулфат, надоматдан дил афгор бўлмасин.

Хор тугайди. Рақс бошланади. Баэм авжига чиққанда ичкаридан
бир к а н и з а к югуриб чиқади. У даҳшатда.

К а н и з а к. Маликам! Маликам! Маликам Ширин за-
ҳар ичди!

Ҳаммада ҳаяжон, даҳшат.

Ма ҳ и н б о н у. Ё раббий, бу қандай даҳшат!

Ма ҳ и н б о н у. бир неча к а н и з а к ичкарига қараб чопади.
Ташқаридан чопиб м у л о з и м киради.

М у л о з и м. Қани малика? Қани малика?

В а з и р. Не хабар? Сўзла!

М у л о з и м. Маликанинг тўйларини эшитиб, Фарҳод
ўз тешаси билан ўзини чопиб ўлдирди.

Даҳшат, саросима кучаяди.

В а з и р. Ўлим устига ўлим! Даҳшат устига даҳшат!

Ташқаридан Фарёднинг овози эшитилади.

Ф а р ё д. Маликам! Маликам! Хиёнат! Хиёнат!

Ф а р ё д киради. Орқасидан қуроланган халқ, Хисров саросимада.
Фарёд Хисровни кўриб.

Хиёнаткор! Келгинди ит! Лўттибоз!
Тутинг буни, қўлларини боғлангиз!

Хисров ва унинг шериклари қилич суғуради, Шириннинг навкарлари ҳам қилич яланғочлайдилар. Қисқа, аммо шиддатли жанг бўлади. Хисровнинг шериклари ўлади. Хисровни боғлайдилар. Маҳинбону киради. У даҳшатда.

Қани бекам? Қани Ширин? Қайда у?

Даҳшатли жимлик. Ҳамма Маҳинбонудан жавоб кутади.

Маҳинбону

Ширин ўлди, бизни етим қолдириб.

Маҳинбону йиғлайди, қизлар унга эргашади.

Фарёд

Мирзачўлим гулга тўлсин, яшнасин,
Сувга сероб бўлсин халқим умрбод,
Деб воз кечди ҳаётидан малика!
Аммо, афсус, қурбон бўлди беҳуда.
Кутилмаган бир фожиа юз берди.
Бу фожиа, бу ўлимнинг боиси,
Мана бу ит! Мана бу паст жодугар.
Барчамизга панд берибди бу маккор.

(Узоқни кўрсатиб.)

У кўринган дарё эмас, сув эмас,
Бу айёрнинг ерга ёйган бўйраси!
Бу бўйралар ойдин тунда ярқираб,—
Кўринмоқда кўзимизга сув бўлиб.

Ҳамма даҳшат билан узоқдаги сувга қарайди, сув йўқолади.

Маҳинбону

Қандай даҳшат, қандай даҳшат, ё раббий!
Алданибмиз жодугарнинг макрига.
Олиб чиқиб дорга осинг, бу итни!

Навкарлар Хисровни олиб чиқиб кетадилар. Мунгли музика садоси юксалади. Музика фонида Фарёднинг аламли монологи эшитилади.

Ф а р ё д

Бахт изладик, бахтсизликка йўлиқдик,
Тўй истадик, содир бўлди фожиа.
Шодлик дедик, кўксимизни босди ғам.
Ҳаёт дедик, ўлим бўғди томоқдан.
Обиҳаёт сароб бўлди биз учун,
Барча умид хароб бўлди биз учун.
Кўп уриндик, ҳал бўлмади муаммо,
Кўп уриндик, жумбоқ қолди ечилмай.
Жавоб беринг қайси насл, қай замон.
Ҳал қилади асрларнинг жумбоғин?
Жавоб бер, эй, замин, замон, қаерда?
Қайдан оқар обиҳаёт чашмаси?

Фарёд ўз монологини сўзлар экан, чироқ аста хиралашиб бориб сўнади. Фарёднинг сўнги сўзлари қоронғиликда янграйди. Фарёднинг овози тўхтар-тўхтамас, Мардоннинг овози эшитилади.

М а р д о н

Кекса Фарёд бахт изласанг бунда кел!
Гул истасанг, нур истасанг бунда кел!
Асрларнинг чўққисидан ошиб ўт,
Бу ёққа кел, обиҳаёт истасанг,
Бизда оқар обиҳаёт чашмаси!
Мана, бизмиз қудратли халқ, зўр авлод,
Асрларнинг жумбоғини ҳал қилган.
Мана, бизмиз ерни сувга мўл қилган,
Гулзор этган саҳроларни, чўлларни.
Мана, бизмиз ГЭСлар қуриб, оламга —
Нурдан либос кийинтирган ғолиблар.
Бунда келинг, бенаволар, ғариблар,
Бунда келинг толеи шум, ташналар.
Бунда келинг, қуллар, очлар, гадолар,
Обиҳаёт, нажот бунда, бахт бунда!

П а р д а

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Бош тўғон. 1944 йилнинг январ. Ҳамма ёқ қор. Совуқ. Бўрон. Олдинги планда штаб жойлашган чодир. Ичида стол-стуллар. Темир печка. Чодирнинг чап томонида ташқарига, ўнг томонида медпунктга кирадиган эшик. Орқа планда жуда кичрайиб қолган Фарҳод тоғи. Унинг орқасидан дарё ва дарёга ташланаётган тошларнинг товушлари, буйруқлар, бақириқлар, экскаваторлар, юк машиналарининг шовқини ва ҳар замонда узоқдан тош кўпорган поргашлар эшитилиб туради. Саҳнанинг бир чеккасидан тинмай турнақатор бўлиб у ёқдан-бу ёққа замбил, тош кўтарган қурувчилар ўтиб турадилар. Улар бир ичи қирғоққа туташган понтон кўприкка ўтиб юкларини пастга, дарёга ағдарадилар, сўнг яна қайтадилар. Чодирда доктор, ҳамшира, Мардон, Қодир. Мардон чой ичмоқда. Ҳамшира Қодирнинг қўлини боғламоқда.

Овозлар. Чаққон-чаққон! Эҳтиёт бўл! Ағдар! Кўзингга қара! Тез-тез! Ҳа, баракалла! Бўш келма! Яша!

Қодир (хаёлчан). «Фарҳод-Ширин» қиссасини айтиб берганингизда баҳор эди, ҳозир эса қиш. Орадан саккиз ой ўтди. Аммо ҳамон ўша қисса ёдимда. Қаёққа бормай, қаёққа қарамай кўз олдимда Ширин пайдо бўлади. Мана ҳозир ҳам дарё бўғаётганларни томоша қилиб чодирнинг орқасида тургандай... Фарҳод-чи? Фарёд-чи? Хаёлимда тургани турган. Ҳатто кечалари тушимга киради. Фарёд чолнинг фарёди қулоғимдан сира кетмайди. Дарё шовқини ҳам, бўрон товуши ҳам худди Фарёднинг фарёдига ўхшаб эшитилади... Жуда таъсирли ҳикоя сўзлаб бердингиз.

Мардон. Ҳа... Жуда таъсирли ҳикоя: Фарёд дарёни ким бўғади, деб савол қилди. Биз жавоб бермоқдамиз.

Ҳамшира (Қодирнинг қўлини боғлаб бўлади). Мана бўлди.

Доктор. Энди бир-икки кун ишга чиқмайсиз.

Қодир (ирғиб ўрнидан туради). Бир-икки кун ишга чиқмайсиз? Ишнинг энг қизиғи бошланганда-я, дарёни бўғиш вақтида-я?

Қўлга уҳлаб Собиржон киради ва печканинг ёнига ўтиради.

Доктор. Ярангиз зўриқиб кетади, майиб бўлиб қоласиз.

Қодир. Э, шу маҳалда ишга ярамайдиган қўлни кесиб ташламайманми!

Тез кетади. Доктор орқасидан бақриб қолади.

Доктор. Ҳо, касал! Ҳо, Қодиржон! Шошма! (Кулади.) О... Чатоғ-эй!

Мардон. Олов, олов... (Собирга.) Ҳали ҳам ютолмадингизми?

Собир. Ютолмадим. Мен энди битта ҳунарга эга бўлдим, у эса уч ҳунар ўрганиб олди. Ҳозир бурилшик... тош қўпорувчи. Дарёга ташланаётган тошларни шулар қўпориб беради. (Кулиб.) Лекин яхши бола. Ўзим ҳам қойилман.

Мардон (дарёга ишора кулиб). Иш қалай?

Собир. Ҳали-вери бўй берадиган сиёқи йўқ. Бу дарё жуда тошхўр чиқиб қолди. Назаримда мана шу беш кечаю беш кундузда бешта тоғни ағдаргандирмиз. Йўқ, биқ этмайди. Ютгани ютган, оқизгани оқизган. Ҳозир темирдан қилинган чорпоялар ташланмоқчи. Эҳтимол дарё темирга бўй берад.

Чап томондан бир неча инженерлар билан Заславский киради. Орқа томондан Анвар чиқади.

Заславский, Хўш, чорпоялар тайёрми?

Анвар. Тайёр, Николай Павлович, сизни кутиб турибмиз.

Заславский. Жуда соз.

Елкасида катта харсанг кўтариб, хиргойи қилиб Шерали киради.

Шерали

Қўлга олдим олмос теша,
Ғолиб бўлдим мен ҳамиша,

Ҳо, сувлари зумрад шиша,
Йўл бер, Сирдарё, йўл бер!

Ҳамма мароқ билан унга қарайди.

Анвар (*кулади*). Доим шу... Ялла қилгани қилган. На чарчашни биледи ва на уйқуни. Беш кечаю беш кундуз сурункасига ишлаб ётибди.

Заславский. Ҳақиқий Фарҳод!

Шерали елкасидаги тошни дарёга ағдариб қайтади.

Шерали!

Шерали. Лаббай! (*Келади.*) Салом, ўртоқ инженер!

Заславский. Салом, салом! Ҳорманг, полвон!

Шерали. Бор бўлинг, ота!

Заславский (*ҳазиллашади*). Бу, ҳали ҳам дарёни бўғолмапсиз-ку, қандай бўлди?

Шерали. Ҳа... Жиндак қиёнқилиқ қилиб турибди.

Шералиниқидан кичкина бўлмаган тошни елкалаб Саодат киради. Ҳамма ҳайрат билан унга қарайди.

Заславский (*Саодатга имо қилиб*). Сендан қолишмайди-ку!

Шерали. Ҳа, онаси адашиб қиз туғиб қўйган. Аслида йигит.

Саодат (*елкасидаги тошни дарёга ағдаради. Орқасидан замбилда тош кўтариб келаётган Адол билан Хосиятга*). Чаққон-чаққон, бунча имиллайсизлар!

Қизлар юришни тезлайдилар, деярли чопадилар.

Заславский. Ҳо, ўртоқ бригадир, одамларни бунча шоширасиз?

Саодат. Э, келинг, ўртоқ инженер! (*Ёнига келиб.*) Агар тош дарёга устма-уст тушиб турмаса, фойдаси йўқ. Тошни дўл қилиб ёғдириб, дарёнинг тинкасини қуритиш керак.

Заславский (*Саодатнинг чарчаган қиёфасига қараб*). Дарё ўзингизни тинкангизни қуритиб қўйибди-ку.

Саодат (*қаддини тиклайди*). Қуритиб бўпти!

Заславский. Беш кечаю беш кундуздан бери на ухлармишсиз, на дам олармишсиз. Бу қандай бўлди?

Саодат (кулади). Дарёни бўғайлик, кейин биратўла дам оламиз.

Заславский. Қани, бўлмаса юринглар.

Ҳамма пастга тушиб кетади.

Собир. Юринг ота, дарёга темир ташланмоқчи. То-моша қилайлик.

Мардон билан Собир чодирдан чиқиб қирғоққа келади ва пастга қараб томоша қила бошлайдилар.

Саркор билан Уста киради. Улар ҳам қирғоқдан пастга тикиладилар.

Саркор. Ҳой, аттанг, сепоя бўлармиди!

Уста. Унашмаса нима қиласиз?

Сарвар (ўтиб кетаётган Мунавварни тўхтатади). Қизим. (Қўйнидан хат чиқариб.) Мана, бу хатни ўқиб бер-чи, уйдан келибди.

Мунаввар (хатни очиб ўқийди). «Ул Фарҳодда ишлаётган дадасига. Зудлик билан қайтинг. Солижон тўғрисида...» (Ўқишдан тўхтайдди.)

Саркор (ҳаяжонда). Солижон тўғрисида? Нима депти Солижон тўғрисида? Солижонга нима бўпти? Ўқи, қизим! Ўқи!

Мунаввар (тутилиб). Солижон тўғрисида қора... йўқ... Солижон тўғрисида...

Саркор. Қора хат келибдимми?

Мунаввар йиғлаб юборади. Саркор даҳшатда. У жавдираб Устага, Мардонга қарайди.

Энди қандоқ қилдим! Ишонган боғим, суянган тоғим ўша эди-ку! Энди қандоқ қилдим, Уста!

Уста (ҳаяжонда). Сабр қилинг... Сабр қилинг...

Мардон. Тақдир... Пешанада бори шу экан-да, Саркор!

Устага «олиб кетинг», деб имо қилади.

Уста. Қани юринг. (Саркорни суяб олиб кетади.)

Саркор. Ёлғиз фарзанд эди-я! Энди нима қилдим, Уста!

Кетадилар. Мунаввар ёшини артиб, пастга тушиб кетади. Пастда шовқин кўтарилади.

О в о з л а р. Ҳа, қани! Ҳа, кўтаринглар! Ҳа, ҳа! Авай-
ланглар! Секин-секин! Эҳтиёт бўлинглар! Қани, қани! Ҳа,
ҳа! Хўп, хўп!

Дарёга ташланган оғир нарсанинг овози эшитилади. Пауза.

Буни ҳам ташланглар! Қани, ҳа! Ҳа! Ҳа! Қани, хўп!

Яна дарёга ташланган оғир нарсаларнинг овози эшитилади.
Пауза.

Ташланглар! Иккаласини бараварига ташланглар!
Ҳа, ҳа.

М у х т о р о в билан в а к и л киради. Қирғоқдан пастга қарашади.

Ҳа, қани! Баравар! Хўп!

Яна дарёга ташланган оғир нарсаларнинг овози эшитилади. Жим-
лик. Қовоғи солиқ З а с л а в с к и й, А н в а р, М у н а в в а р, сўнг
бошқалар чиқишади.

В а к и л. Ҳорманглар!
З а с л а в с к и й. Бор бўлинг!

Кўришадилар.

В а к и л. Бўлмадими?

З а с л а в с к и й. Бўлади... Оқизиб кетди.

А н в а р. Чирпирак қилиб юборди.

З а с л а в с к и й. Икки тонна энгиллик қилди.

А н в а р. Камида беш-олти тонна бўлиши керак.

М у н а в в а р. Подъёмний машина керак.

М у х т о р о в. Шу топда темирни, подъёмний машина-
ни қаердан оламиз?

З а с л а в к и й. Ҳамма бало шунда: уруш...

М у х т о р о в. Сепоядан бир иш чиқмасмикан?

А н в а р. Темир кор қилмадию ёғоч кор қиладими?

В а к и л (Анварга). Чолларни чақириб келинг-чи, бир
маслаҳатлашиб кўрайлик.

А н в а р кетади.

М у х т о р о в. Қани, ичкарига кирайлик!

Ҳ а м м а ичкарига киради.

Вакил. Наҳотки бўғолмаймиз?
Заславский. Бўғишга-ку, бўғамиз-а!

Вакил. Қачон?

Мухторов. План бўйича муддат йигирма кун. Ҳозир фақат беш кун ўтди.

Вакил. Ахир, бутун мамлакатнинг кўзи сизда. Кечаси Москвадан яна звонить қилишди, дарёни қачон бўғасиз, деб сўрашди. Нима деймиз? Бўғолмаётибмиз, қўлимиздан келмай ётибди, бизга темир, подъяёмный машина юборинг деймизми? Ҳолбуки, ҳар бир нарса, темир фронт учун зарур!

Жимлик. Анвар, Уста, Саркор киришади.

Келинлар! Бардаммисизлар!

Уста. Шукур, ўзингиз бардаммисиз, ота.

Вакил (Саркорнинг аҳволини сезиб). Сизга нима бўлди, Саркор? Тобингиз қочдими ё чарчадингизми?

Саркор (йўғлаган товуш билан). Уғлим... яккаю ягона фарзандим... урушда ҳалок бўлибди.

Огир жимлик.

Вакил (ўйлангандан сўнг). Аниқ хабар келдими?

Саркор (жавдираб). Кампир хатида ёзибди.

Вакил. Балки янглишдир... Урушда бундай ҳодисалар кўп бўлади... Анигини биламиз.

Саркор (суюниб). Илоё айтганингиз келсин. Янглишмикин-а, Уста?

Уста. Ажаб эмас.

Саркор (болалардек суюнади). Янглиш! Рост, янглиш бўлиши керак! Ахир, яккаю ягона фарзандим-а. Яқиндагина ўзидан хат келган эди. Янглиш!

Вакил. Мана, дарёни тезроқ бўғиб, Фарҳод ГЭСни қуриб олайлик, уруш ҳам тугаб, болалар ҳам келиб қолади.

Саркор. Илоҳим айтганингиз келсин, ота! Қани, Уста, юринг, дарёни тезроқ бўғайлик! (Шошиб эшикка йўл олади.)

Вакил. Шошманг, Саркор.

Саркор тўхтайти.

Сизлар билан пича маслаҳат бор. Дарё тошга ҳам, гемирга ҳам бўй бермай турибди.

Уста. Ёғочга бўй беради. Тош, темир силлиқ, тўхтамайди. Ёғоч ғадир-будир, юмшоқ, чип ушлайди. Норинни ҳам Кампирровотни ҳам, Қорадарёни ҳам сепоя билан бўққанмиз.

Заславсий. Бу тўғри... Лекин сепоя Сирга енгиллик қилади.

Вакил. Оғир қилиб бўлмайдими?

Уста. Нега бўлмасин, бўлади. Фақат кўпроқ ёғоч керак.

Вакил (жонланиб). Ҳар қанча ёғоч бўлса топамиз. Сепояларни гайёрлаш учун неча кун керак?

Уста (ўзича хомчўт қилиб). Ўн икки... ўн икки... йигирма тўрт... Олти... жамулжам ўттиз... Беш-олти кун керак.

Вакил. Жуда соз! (Мухторовга.) Буларни алоҳида парвариш қилинг.

Мухторов. Нима керак бўлса ҳаммасини муҳайё қиламиз.

Вакил (Заславскийга). Сиз нима дейсиз, Николай Павлович?

Заславский (кулади). Бу чоллардан кўн гап чиқади.

Вакил (кулади). Буларнинг бошида минг йилларнинг тажрибаси бор. (Чолларнинг елкасига қоқади.) Булар халқ инженерлари. Хўп, бўлмаса бир ҳафта ичида дарёни тамом бўғамиз, деб Москвага хабар қиламиз. Уялтириб қўймайсизларми?

Уста. Уялтирмаймиз. Хабар қилаверинг! Қани кетдик, Саркор.

Чиқиб кетишади.

Вакил (хурсанд). Ажойиб одамлар. Олтин одамлар. (Уялтириб.) Аммо Саркорга жабр бўлибди, чакки бўлибди. Чолни овутиш керак... Ҳозирча ўғлим тирик деб, ўйласин. Кейин кўникар.

Орқада шовқин кучаяди. Чироқ ўчиб ёнади. Орадан беш-олти кун ўтган. Одамлар ҳамон турнақатор бўлиб дарёга тош ташиш билан овора, шовқин-сурон авжида. Бўрон кучида. Чодирда Мунаввар, доктор, ҳамшира. Мунаввар ниманидир ёзиб ўтирибди.

Доктор. Ҳозирга қадар дарёга қанча тош ташланди, дедингиз?

Мунаввар. 15 минг кубометр.
Доктор. Оҳо!.. 15 минг кубометр тош ҳазилакам гап эмас, уйсангиз тоғ пайдо бўлади.

Заславский киради.

Заславский. Хўш, келишмадимми?

Мунаввар. Ҳозир келиб қолишади.

Заславский (ҳазиллашиб). Хўш, қалай, Фарҳод ГЭС Шимолий Тошкент каналича бор эканми?

Мунаввар (кулиб). Ҳа, ҳали ҳам ўша гап эсингиздами? Сўраманг. Бу янги бир дунё экан.

Заславский. Шундай, шундай, бу янги бир дунё... Янги бир дунёнинг яратилиши...

Анвар, Уста, Саркор, Шерали, Саодат киради.

Анвар. Мана, келишди.

Заславский. Жуда соз. Сепоялар тайёрми?

Уста. Тайёр.

Саркор. Жуда катта сепоялар қилдик, ўртоқ инженер. Дунё бино бўлиб бунақанги сепоя қилинган эмас. Бўйи ўн икки, ўн уч метрдан бўлди. Худди дорбозларнинг доридек келади. Оғирлиги (Анварга) қанча дедингиз?

Анвар. Бир ярим тонна, икки тонна.

Заславский. Жуда соз. Хўш, сепояларни қандай қилиб ўрнатмоқчисиз?

Анвар. Усталар билан маслаҳатлашиб, шундай қарорга келдик. Саркор бошлиқ бир бригада ўнг қирғоқдан, Уста бошлиқ иккинчи бригада сўл қирғоқдан қўйиб келади. Дарёнинг ўртасига бориб, икки бригада учрашади. Сепояларни икки қатор қўймоқчи бўлдик. Ҳар қатори ўн икки сепоядан, жами йигирма тўрт сепоя, қолганлари запас, ҳар аҳтимолга қарши.

Заславский (хурсанд). Жуда соз. Демак, ҳаммаси жойида.

Анвар. Фақат бригадалар масаласи бир оз чатоқ бўлиб турибди. (Чолларни кўрсатиб.) Усталарнинг фикрига кўра, сепоя ўрнатишга фақат бақувват йигитлар керак.

Саодат. Нима, биз йигитлардан кам иш қилаётибмизми? Йигитлар ер қазиса, ер қазиб ётибмиз, тош кўтарса тош кўтараётибмиз. Бизни қачонгача камситасизлар?

Уста. Қизим, сизларни ҳеч ким камситаётгани йўқ... Илоё барака топинглар, ҳеч кимдан кам иш қилаётганла-

ринг йўқ. Аммо бу иш сизларга тўғри келмайди: сувга тушишга тўғри келади. Кун совуқ. Дарё тез.

Саодат. Майли, нима бўлса бўлар.

Шерали. Саодатхон...

Саодат (*Шералининг сўзини бўлиб*). Ҳамма гапирса ҳам сиз гапирманг! Сизча биз четда қолсак, Сирдарёни бўққан биз — йигитлар, деб дунёга жар солсангиз, шундайми?

Шерали (*кулиб*). Шундай, ўргулсин.

Саодат (*тутақиб*). Бекоргинани айтибсиз! (*Заславскийга.*) Ўртоқ инженер, агар мумкин бўлса, бу ишга битта ҳам эркак аралашмасин, биз ўзимиз, аёллар, бўғамиз!

Саодатдан бўлак ҳамма кулади. Саодат газабда.

Шерали (*ҳазилли давом эттиради*). Сиз — қизлар Маликаи Ширин бўлиб амр этинглар, биз — йигитлар Фарҳод бўлиб дарёни бўғайлик. Буйруқ сиздан, иш биздан. Меҳнатни биз қилайлик, роҳатни сиз. Машаққат бизники бўлсин, шуҳрат сизники!

Кулги.

Саодат. Биз малика эмасмиз, саройда ўтириб амр берадиган. Биз колхозчилармиз, дарёни жиловлайдиган. Гап битта: йигитлар сувга кирса сувга кирамиз, ўтга кирса ўтга!

Анвар (*кулади*). Мана, гап шу. Йигитлар шохида ўйнаса, булар баргида ўйнамоқчи.

Заславский (*кулади*). Хайр, нима ҳам дедик, майли иштирок қилсинлар.

Саодат (*хурсанд*). Яшанг, ўртоқ инженер. (*Эшикка қараб чопади.*)

Заславский. Ҳой, ҳой! Шошманг, гап бор!

Саодат тўхтайд.

Спирт ичганмисиз?

Саодат (*чўчиб*). Йўғ-э! Худо сақласин, бола бўлиб оғзимга олган эмасман.

Заславский. Бўлмаса, юз грамм спирт ичиб туришга тўғри келади.

Саодат. Қўйинг-э, бир грамм ҳам ичмайман.

Заславский. Бўлмаса, сепояда ишламайсиз.

Саодат (*ҳайвон*). Нега?

Заславский. Спирт ичмасдан туриб, сувга тушиб бўлмайди. Совуқ кесиб юборади.

Саодат. Ҳазиллашаётибсиз.

Заславский. Ҳазили йўқ.

Саодат (ўйланиб). Бўлмаса, қизлардан бир сўрай.

Шерали. Ҳали, йигитлар сувга кирса сувга, ўтга кирса ўтга кирмоқчи эдингиз-ку, ўргулсин.

Саодат (қочиримга жаҳли чиқиб). Бўпти, ичамиз! (Чиқиб кетади.)

Заславский. Шерали полвон, сиздан сўраб ўтирмасак ҳам бўлар ёки сиз ҳам оғзингизга олмаганмисиз?

Шерали. Йўғ-э, нега. Ҳар ўлтиришда бир литр, икки литрдан ароқни отиб, шамолди калла қилиб юрган болалармиз.

Кулишади.

Заславский (чолларга). Хўш, сизлар-чи?

Саркор (чўчиб). Йўғ-э, йўғ-э! Биз ароқсиз ҳам сувга тушаверамиз. Урганиб қолганмиз. Нима дедингиз, Уста?

Уста. Энди, бу киши, шу ёшга келиб оғзига олган банда эмас. Бу кишига ҳар ярим соатда бир пиёла, бир пиёла эритилган қўй ёғи шимиртирилиб турилса кифоя: бизга эса, ўша «мўйсафид» тузук.

Саркор (ҳайрон). Уста?!

Уста. Қани кетдик.

Ҳамма ташқарига чиқа бошлайди.

Саркор (Мунавварга). Қизим, у кунги хатимизга ҳали жавоб келгани йўқми?

Мунаввар. Йўқ, ҳали тез келмайди. Фронт узоқ. Хотиржам бўлинг, ўғлингиз тирик!

Саркор. Илоё айтганинг келсин, қизим. Мен ҳам тирик деб юрибман. Ахир, биттаю битта фарзанди-да. (Чиқиб кетади.)

Мунаввар (орқасидан қараб). Бечора чол.. Ҳа хонавайрон бўлгур Гитлер, қанча одамни мотамсаро қилмади!

Нарсаларини йиғиштириб ташқарига чиқади. Қирғоқда одам тўпланади. Орқада шовқин кучаяди.

О в о з л а р. Қани, ҳа! Тортинглар! Ҳа, қани! Кўтар!
Ҳа, қани! Эҳтиёт бўлинглар! Қани, туш! Сувга туш! Ҳа-
зир бўл! Қани, ҳа! Ҳа, ҳа!

Дарёга тушган оғир нарсанинг товуши эшитилади.

Бас! Маҳкам ушланглар! Кетди! Торт! Ушла! Қоч! Қо-
чинглар! Қўйиб юбор! Олиб кетди!

Пастда — орқада шовқин зўраяди. Қирғоқдагилар ҳаяжонда.

Бирга оқди! Ким экан, у! Саодат!

Ҳамма пастга қараб чопади. Орқада шов-шув кучаяди. Бир оздан
сўнг ҳушсиз Саодатни кўтариб Шерали киради. Ҳар иккаласи
ҳам ҳўл. Орқада ҳаяжонли халқ.

А н в а р (халққа). Қайтинглар! Иш тўхтамасин!

Халқ қайтади. Шерали Саодатни чодирга олиб киради. Ор-
қасидан Анвар, Мунаввар киради.

Доктор (иккинчи хонани кўрсатиб). Бу ёққа олиб
киринг!

Шерали Саодатни ичкарига қўйиб чиқади. Мунаввар,
доктор ичкарига кириб кетади. Анвар билан Шерали ҳаяжон
билан натижани кутади.

Доктор (ичкаридан). Тирик!

Ҳамма енгил тортади.

(Ҳамширага.) Тез ечинтиринг, бошқа кийим кийгинг,
массаж қилинг. Спирт билан.

Доктор, Мунаввар қайтиб чиқади, ҳамшира чиқиб яшикдаги
спиртни олиб бир идишга қўяди, қолган спиртни столда қолдириб
кириб кетади.

А н в а р. Бирор ери майиб бўлмадимикан?

Доктор. Ҳозир ҳушсиз, айтиш қийин. Ҳушига кел-
син, биламиз. Тош-пошга урилган бўлса керак. Чаккаси
ёрилибди.

А н в а р. Упкаси шамолламаса яхши эди.

Доктор (Шералига кўзи тушиб). Э! Тез ечинг! Ку-
руқ кийим кийинг! Шамоллаб қоласиз!

Шерали. Мени қўя беринг, доктор. Мени жин ҳам урмайди. *(Ичкарига ишора қилиб.)* Унга эҳтиёт бўлинг. *(Столдаги спиртни пиёлага қуюди.)*

Доктор. Нима қилмоқчисиз? Ичманг, тоза спирт! Ендириб юборади!

Шерали. Ендириб бўпти. *(Ичади.)*

Анвар. Шерали! Нима қилдингиз!

Шерали. Ташвиш тортманг. *(Устини кўрсатиб.)* Хўлман, ёнмайман. Агар жуда ёндирадиган бўлса бориб яна дарёга тушаману ўчиради! Мен энди бу дарёдан астойдил хафа бўлдим. Дарё менинг газабимни қўзғатиб қўйди. Энди ўзидан кўрсин! Ё бўғаман, ё бўғиламан! *(Қуйлайди.)*

Шер эмасман бўйнингга занжир солмасам!

Ғолиб бўлиб майдонда танҳо қолмасам.

Бўйсун энди амримга, э телба дарё,

Тинчимасман бағрингдан зиё олмасам.

Сув бер, чўллар сувингга токай интизор,

Бўлгил энди биз билан ҳар ишда ҳамкор.

Сув бер, нур бер, Сирдарё, фармонимиз шу,

Минг йилларнинг орзуси бўлсин барқарор.

Толе мени соҳиби фармон айлади,

Йўллардаги мушкулни осон айлади,

Таслим бўлура амримга дарёлар, чўллар,

Бахтим мени ғолиби даврон айлади.

(Тез чиқиб кетади.)

Саодат *(ичкаридан)*. Шерали! Шерали! Қани Шерали?

Мунаввар *(ичкарига киради)*. Тинчланинг! Тинчланинг, Саодатхон. Шерали дарё бўғаётибди.

Саодат. Хайрият, оқиб кетмаяпти. Хайрият, тирик экан.

Ҳамшира. Яна ҳушидан кетди.

Анвар. Яхши қаранг, доктор! *(Чиқиб кетади.)*

Орқада шовқин зўраяди.

Овозлар. Қани, ҳа! Тортинглар! Кўтаринглар! Ҳа, Шерали, ҳазир бўл!

Ш е р а л и (орқадан). Қани сувга туш. Собиржон, туш!
Жонингни олмайди. Оқсанг мен бор. Ташла!

Сувга ташланган оғир нарсанинг овози эшитилади.

О в о з л а р. Ушла! Маҳкам тут! Бўш келма, Шерали!
Ҳа, баракалла! Юборманглар! Тўхтади! Урра! Тўхтади.
Тош бос! Шох бос! Тез, тез! Юборма, Шерали! Қандингни
ур, Шерали! Бопладинглар! Иккинчисини ташланглар, қа-
ни! Ҳа! Хўп!

Сувга тушган сепоянинг овози эшитилади. Шовқин, қийқириқ.
Бўрон, қор.

П а р д а

БЕШИНЧИ ПАРДА

Фарҳод ГЭС. Тўғрида маҳобатли ГЭС биноси. Бир чеккада минбар. Ҳамма ёқ байрамчасига безатилган. Озода. Чиройли. ГЭС битиб ишга тушиш муносабати билан тантанали маросим бўлмоқчи. У ёқдан-бу ёққа ясанган ва хурсанд қурувчилар ўтиб туради. Атрофдан кулги, қўшиқлар эшитилади. Заславский ва Анвар мароқ билан қулоқ солмоқда.

Анвар. Халқ хурсанд.

Заславский. Ўз меҳнатининг натижасини кўргандан кейин, албатта хурсанд бўлади-да. Хўш, Аму қурилишига борасанми?

Анвар. Албатта. (Кулиб.) Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дейдилар... Катта ишларга ўрганиб қолдик.

ГЭС тарафдан Қодир чиқиб келади.

Заславский. Хўш, ўртоқ техник, ишлар қалай?

Қодир. Жойида, Николай Павлович.

Заславский. Ўқишга қачон жўнайдиغان бўлдинг?

Қодир (кулиб). Фарҳод ГЭСнинг чирогини ёқаману жўнайман. Фақат отам бечора ранжийдиганга ўхшайди.

Заславский (таажжубда). Отанг фронтда ўлган эмасмиди?

Қодир (хўрсиниб). Ҳа... Ўшандан кейин Саркор билан ота-бола тутинганмиз.

Собир киради.

Собир. Николай Павлович, бу, Амударёда ҳам ГЭС қурилади, деб эшитдим. Биз чеккада қолмайлик. Энди ҳар

қанақа иш бўлса ҳам қотириб ташлай берамиз. Узингизга аён, мана Фарҳод ГЭСда ишлаб 72 хил ҳунарга эга бўлди. Деррикчилик дейсизми, экскаваторчилик дейсизми, бурилшиқлик дейсизми, ҳаммасини ҳам қилаверамиз.

Кулишади.

З а с л а в с к и й. Фарҳод ГЭС мактабида етишган ҳунармандларни чеккада қолдириб бўладими? Энди қаерда катта қурилиш бўлса ўша ерда сизлар.

Кулади.

С о б и р. Яшанг, ота. Қани, Қодиржон, ҳалиги ишимиз чала қолмасин.

Кетишади. Узоқдан Шералининг ашуласи эшитилади. Заславский билан Анвар кулиб, қулоқ солади.

Ш е р а л и

Саодат бирла ҳамдамман, ажойиб боғу роғим бор.
Мунаввар этгучи оламини Фарҳоддек чароғим бор.
Кел эй, Фарҳод, кел, эй Ширин, менинг-ла сайри
гулзор эт.

Эрам боғидан афзал янги бўстон, янги боғим бор.
Келинг, обиҳаёт ишқида юрган ташналар бунда,
Менинг обиҳаётим, кавсарим, шарбат булоғим бор,
Саодат бирла ҳамдамман севинчим сифмас оламга,
На тилда оҳу фарёдим, на дилда зарра доғим бор.

З а с л а в с к и й. Ҳа, полвон, тўйдан олдин тўй қилиб юборибсизми?

Ш е р а л и. Э-ҳа, салом алайкум, Николай Павлович... Узр, жиндак отилди. (Кулиб.) Айбдор ўзингиз, дарё бўғишда мени ароққа ўргатиб қўйган ўзингиз... Хотирингиздами? Ҳа... ҳа! Ҳазил... Зигирча ҳам кўнглингизга олмаг... Мана, Анваржон гувоҳ, мен унақа кўп ичадиган йигитлардан эмасман. Ойда-йилда бир жиндак-жиндак... бир литр, икки литр... Тўғри, бугун бир оз ичилди... Аммо лекин боиси бор... келингиз ҳалигидай... кўзи ёриди...

Заславский билан Анвар хурсанд.

Заславский. Шундайми, табрик қиламиз!

Анвар. Табрик қиламиз.

Шерали (таъзим қилиб). Қуллуқ-қуллуқ!

Заславский. Уғилми, қизми?

Шерали. Уғилми, қизми деманг, Фарҳодми, Ширинми денг.

Заславский (кулиб). Хўш, Фарҳодми, Ширинми?

Шерали. Ширин.

Заславский (кулиб). Сизда Ширин, сизда Фарҳод, демак, қуда бўлар экансизлар-да!

Кулишади.

Шерали. Биринчи фарзанд — биринчи бахт. Хафа бўлмайсиз, биринчи бахтнинг соғлиғига жиндак отилди.

Заславский. Бундай бахт учун ҳар қанча отилса ҳам арзийди.

Кулишади.

Анвар. Саодатхон ўзлари дурустми?

Шерали. Раҳмат, дуруст. (Ҳаёлчан.) Шу, Николай Павлович, кечадан бери калламдан бир ўй сира кетмайди... Ширин билан Фарҳод дарёни бўғмоқчи бўлдилар... Аммо ўзлари бўғилдилар... Дунё юзидан йўқ бўлиб кетдилар. Биз-чи? Ҳам дарёни бўғдик, ҳам униб-ўсдик, кўпайдик... Фарҳод ГЭСда юзлаб Ширин, юзлаб Фарҳод туғилди... Ҳазили йўқ... Фарҳод билан Шириндан жаҳонга ёдгор бўлиб фақат афсона қолди. Биздан эса, насларга ёдгор бўлиб (ГЭСни кўрсатиб.) мана шу ҳақиқат қолади... Айтинг-чи, Николай Павлович, устоз, хурсанд бўлса, чирансак, ғурурлансак ҳақимиз борми?

Заславский. Минг мартаба!

Шерали. Биласизми, нима учун Фарҳоду Ширин замонасида халқнинг орзуси рўёбга чиқмади? Мен ўйлаб-ўйлаб топдим. Бу вақтда Совет давлати йўқ эди... Ленин партияси йўқ эди!

Заславский билан Анвар завқланиб кулишади.

Йўқ, аниқ гап.

Заславский. Шундай...

Шерали. Ҳа, балли, устоз. Энди, бўлмаса, узр, мен яна Саодатхондан бир хабар олай.

Заславский. Хўп.
Шерали (ашула айтиб кетади).

Саодат бирла ҳамдамман, кўнгилда йўқдир армоним,
На тилда оҳу афғоним, на дилда зарра доғим бор.

Қодир киради.

Қодир. Сизларни чақиришаётибди.

Заславский билан Анвар кетади. Уста билан Саркор киради. Ясанишган.

(Кета туриб Саркорга.) Нариги беқасамни кийсангиз бўлмасмиди?

Саркор. Шу ҳам бўлади, ўғлим, жуда ясанвормайлик.

Қодир. Бугун ҳар қанча ясансак ҳам арзийди, тўйимиз, ота.

Саркор (кулиб). Хўп, ўғлим, хўп, кияман.

Қодир кетади.

Барака топгур ўз ўғлимдан ҳам яхши, меҳрибон... Солижоннинг йўқлигини сира билдирмай қўйди... Фақат икки кундан бери Тошкентга кетаман, деганини эшитиб пича ичим ғаш.

Уста. Нега ғаш бўласиз, урушга борармиди, борса ўқишга боради-да... Майли ўқисин. Мулла бўлсин. Бундан кейин ўқимаган кишининг иши чатоқ.

Саркор. Шундай, шундай...

Уста. Хўш, уни-буни қўйинг, гап тайёрми?

Саркор. Қанақа гап?

Уста. Э, ҳали сизга ҳеч нарса дейишгани йўқми?

Саркор. Йўқ, нима эди?

Уста. Сиз, бугун, манави минбардан халққа ваъз айтасиз.

Саркор (чўчиб). Қаёқдаги ваҳма гапларни айтиб, одамни қўрқитманг, Уста.

Уста. Қачондан бери қўрқоқ бўлиб қолдингиз? Шундай азим дарёни бўғишдан қўрқмаган одам, минбарда туриб тўрт оғиз сўз айтишдан қўрқадими?

Саркор. Яна ўнта дарёни бўғ десалар бўғаман, лекин гап жўнидан ҳеч иложи йўқ.

Уста кулади. Вакил, Заславский, Анвар, Мухторов
ва меҳмонлар киради.

Вакил (чолларга). Энди ҳорманглар, ҳа, баракалла!
Қани, юринглар. Минбарга!

Саркор (саросимада). Биз чиқмасак.

Вакил. Э, бу қанақа бўлди? Тўйбоши сизлар. Юрт
улуғлари сизлар, юринглар!

Саркор (жавдираб). Уста...

Уста. Юринг!

Ҳамма бориб минбарга чиқади. Саҳнага ясанган халқ,
меҳмонлар тўпланади.

Мухторов (митингни очади). Уртоқлар! Фарҳод
ГЭСни ишга тушириш муносабати билан чақирилган танта-
нали халқ митингини очиқ деб эълон қиламан. (Қарсак.)
Уртоқлар, сиз билан биз, партиямизнинг раҳбарлигида,
уруш қийинчиликларига қарамай, кекса Сирдарё қирғоқла-
рида қаҳрамонларча ишладик, тер тўкдик ва шараф билан
халқимизнинг орзусини рўёбга чиқардик, улуғ Партиянинг
топширигини бажардик. (Қарсак.) Фарҳод ГЭС тайёр.
Бугун Фарҳод ГЭС ишга тушади. Бугун Фарҳод биринчи
бор мамлакатга ток беради. (Қарсак.) Сўз отага.

Вакил

Биродарлар, минг йилларнинг муаммоси ҳал бўлди.
Наслларнинг талабига жавоб бердик муносиб.
Мана, бугун тайёр бўлди, ишга тушар Фарҳод ГЭС,
Мана, бугун нур сочади Ўзбекистон қуёши.
Бу иншоот халқимизнинг ифтихори, ғурури,
Маҳорати, жасорати, шижоати, қудрати.
Бу шонли халқ меҳнатининг мангу ўлмас ҳайкали
Ўзбек халқи учун Фарҳод синов эди улуғвор.
Бу синовдан аъло ўтиб, қойил қилди халқимиз.
Бу биз учун фақатгина патир хамир учидан.
Сувга, нурга улуғ юриш мана энди бошланур,
Олдимизда Қорадарё, Норин, Аму, Зарафшон,
Яна қанча улуғ ишлар навбат кутиб турибди,
Ҳали биздан қанча-қанча саҳро чўллар сувталаб.
Юртимизнинг нурга бўлган эҳтиёжи ҳали кўп.
Ҳали қанча бойликлар бор, ер остига яширинган.
Ҳали қанча очилмаган тилсимлар бор тоғларда.

Электрик қувватидан очилади тилсимлар.
Нурга бўлган улуғ юриш мана энди бошланур:
Ўзбек халқи маҳкам боғла яна меҳнат камарин!
Яна улуғ ғалабалар сари бардам олға бос!
Ҳар бир ишда, илҳомчимиз партияга минг раҳмат!
Бизни қўллаб-қўлтиқлаган рус халқига минг раҳмат!

Қарсақ, сўнг тантанали жимлик. Ҳамманинг кўзи ГЭСда. Бир оздан сўнг ялт-ялт этиб нур ёнади. Ҳамма ёқни нур қоплайди. ГЭС тепасида Лениннинг нурдан қилинган сурати пайдо бўлади. Қарсақ, шодисена. Сўнгра тўй-ўйин бошланади. Қизлар шўх «Обиҳаёт» ялласини бошлайди.

Қ и з л а р

Кўрсатиб ўз аҳдида қаттиқ сабот,
Охирида топди эл обиҳаёт.

Обиҳаёт, қатраси гавҳарга тенг,
Жилваю жавлонидин эл кўнгли шод.

Сув келади сойга тўлиб, тўлғаниб,
Сув эмас у ташнага қанду новвот.

Айлагали бошдин-оёқ чўлни гул
Мавж уриб оқиб келур обиҳаёт.

Дарёни забт этди бугун шонли халқ,
Кўрсатиб ўз аҳдида қаттиқ сабот.

Йигитлар айтган «Ўйнасин» ялласи остида қизлар ўйинга тушади.

Й и г и т л а р

Очилиб, гул-гул ёниб зулфи паришон ўйнасин,
Ишва бирлан силкиниб товус хиромон ўйнасин.

Ҳар тарафга тарқатиб гулзорда гуллар атрини.
Юзлари гул, тишлари дур, лаъли хандон ўйнасин.

Чулғаниб белларга заррин кокили мастонавор,
Қадди барно тўлғаниб мисли Зарафшон ўйнасин.

Дилни ўтларга ёқиб, серноз ила қийғоч боқиб,
Хуштабассум, хуштакаллум, офатижон ўйнасин.

Юз латофат бирла ошиқларга санъат боғидан
Лутфи эҳсон айлабон ул моҳитобон ўйнасин.

Қарсақлар остида ялла ва ўйин тугайди. Сўнг йигитлар, қизлар
Фарҳод ГЭСга бағишланган «Кокилинг» ашуласини ижро этишади.

Й и г и т л а р , қ и з л а р

Ўлкани бошдан-оёқ айлар мунаввар кокилинг,
Хуснига қўшгай ҳуснлар нур сочиб зар кокилинг.

Нурга чўмгай шаҳру қишлоқ, нурга чўмгай боғу роғ
Ҳар томонга тарқалиб кетганда пар-пар кокилинг.

Беҳисоб тилсимлар очгай тоғу саҳро қўйнидан,
Кекса чўллар кўксини қилгай, муаттар кокилинг.

Сендадур инсонни мафтун айлаган қудрат ва нур.
Шубҳасиз, юзлаб қуёшга арзигай ҳар кокилинг.

Ўйин-тантананинг охири умумий хор билан тугайди.

Х о р

Ўлкамизни сар-басар озод гулистон айладик,
Халқимизни ноzi неъматга фаровон айладик.
Наслимизни мангу голиб, марду майдон айладик,
Жангда душман бахтини ер бирла яксон айладик.
Шонли меҳнат жабҳасида жаҳду жавлон айладик.
Кимки душман бўлса бизга ғарқ бўлур қон, ёшига.
Барча қойил, наслимизнинг зарбига, бардошига.
Шонли тарих номимизни ёзди Фарҳод тошига,
Нур сочар Ленин қуёши халқимизнинг бошига,
Кулди иқбол, ҳур Ватанни нурли бўстон айладик.

П а р д а

1947 й.

**ОЛТИН
КЎЛ¹**

ТУРТ ПАРДАЛИ
МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ

(Қайтадан ишланган сўнги варианты)

¹ Бу асарнинг музикасини композитор Манас Левиев ёзган.

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Тешабой — колхоз раиси.

Ҳамдам — колхоз партия ташкилотининг секретари.

Тоштемир — бригадир.

Турсунали — аввал звеновой, сўнг оддий колхозчи, раиснинг ўғли.

Шоҳиста — Турсуналининг севгилиси.

Каромат — комсорг, биринчи звено аъзоларидан, раиснинг қизи.

Ғанижон

Жамол } — биринчи звено аъзолари:

Қобил

Қамбар — иккинчи звенода звено бошлиғи.

Сарви — иккинчи звено аъзоларидан.

Ошпаз.

Воқеа Фарғона колхозларидан бирода бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Фаргона водийсининг хушманзара жойларидан бири. «Олтин кўл» колхозининг истироҳат боғи жойлашган ер. Уртада, атрофи мажнун-толлар, мевали дарахтлар билан ўралган ҳовуз. Ҳар томонга чўзилиб кетган, қум сепилган шинам йўллар. Ҳовуз бўйларида, йўл ёқаларида скамейкалар. Узоқда ҳашаматли клуб биноси кўринади. Орқада, этаги қорли тоғларга туташгундек, поёнсиз пахта далалари. Эрта баҳор. Ерлар кўкара, дарахтлар уйғона бошлаган. Урик, шафтолилар ғарқ гуллаган. Ойдин кеча. Боғ ой нурига ва ҳисобсиз электр чироқларининг олтин шуълаларига кўмилиб ётибди.

Клубда 8 Март байрамига бағишланган кеча ўтказилмоқда. Парда очилганда, ясанган колхозчилар тўда-тўда бўлиб, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турадилар. Қизлар, йигитларнинг чаккаларида, қўлларида гул.

Х о р я н г р а й д и.

Х о р

Зафарнинг ол байроғи бизнинг қўлда,
Гул унар меҳнат билан саҳро, чўлда.
Фаровон ҳаётимиз, кўнглимиз чоғ,
Шод ўтар кунларимиз «Олтин кўл»да.

Хилма-хил нозу неъмат боғимизда,
Беҳисоб молу дунё тоғимизда.
Яллалар кўкка учар пахтазордан,
Қувониб завққа тўлган чоғимизда.

«Олтин кўл» оқ олтиннинг кони эрур,
Оқ олтин Ўзбекистон шони эрур.

Яшнаган гўзал Ватан, озод ўлка,
Эркесвар халқимизнинг жони эрур.

Хор аста-секин рақс куйи билан алмашади. Қизлар, йигитлар ўйинга тушиб кетадилар. Кексалар давра олиб қарсак чалади. «Баракалла!», «Яшанглар», «Кам бўлманглар», деган овозлар эшитилиб туради. Музыка аста тинади.

Т о ш т е м и р. Ҳа, баракалла, камол топинглар! Қани, энди ҳамма клубга!

О в о з л а р. Ҳали вақт бор! Боғни сайр этамиз.

К о л х о з ч и л а р ш о в қ и н, кулги билан ҳар томонга тарқаладилар.

Т о ш т е м и р. Кечикманглар! (Кетади.)

Узоқдан кулги, ашула овозлари эшитилиб туради. Бир оздан сўнг, ёнма-ён қадам ташлаб. Қ о б и л билан Ж а м о л киради.

Ж а м о л (куюниб гапни давом эттиради). Мени адо қиладиган бўлди бу бола... Ишга бўйни ёр бермайди. Саёқ... Уйинқароқ...

Қ о б и л. Ичади...

Ж а м о л. Ичади! Мана, бугун Саккизинчи март. Улуг айём, байрам... ҳамма ўйин-кулги билан овора, у эса яна ичиб олибди! Уҳ... Қонимга ташна қилиб юборди.

Қ о б и л. Қўй, ҳадеб ташвиш қилаверма! (Скамейкани кўрсатиб.) Ўтир, пича дам олайлик, боғни роса айландик!

Ўтиришади.

Ж а м о л. Нима қилишимни билмайман... бошим қотди.

Қ о б и л. Тезроқ бошини иккита қилиб қўйиш керак... Уйландими, қуйилиб қолади.

Ж а м о л. Бу ёғи ҳам чатоқ-да! Бу Кароматдан бўлагини хоҳламайди. Каромат эса уни яқинига йўлатмайди...

Қ о б и л. Кароматхоннинг ҳам Ғанижонга кўнгли бор, деб эшитувдим-ку?

Ж а м о л. Бор-йўғини аниқ билиб бўлмайди. Гоҳ қарасанг туппа-тузук ийиб қолади... Гоҳ қарасанг яна айниб қолади. У айнигандан кейин Ғанижон аламига чидамай ўлардек ичади. Бу ичгандан кейин у тўнини тамом тескари кийиб олади... Нима эканини билиб бўлмайди.

Қ о б и л. Ҳе, болалар, болалар, муҳаббатнинг маъноси-га тушунишмайди-да!.. Йўқ, ундоқ десам баъзилари туппа-

тузук. Чунончи, зеҳн солиб юраман-да! Чекка-чеккага бориб шивир-шивир қилиб, пиқир-пиқир кулишади... Ширин-ширин гаплардан гаплашади шекиллик-да...

Ж а м о л (ҳазиллашади). Ҳавасингиз келадигандир?

Қ о б и л. Оҳ, келганда қандоқ!

Ж а м о л. Афсуски, ёшингиз ўтиб қолган...

Қ о б и л. Муҳаббат барчага баравар... Чунончи, ёшни ҳам, қарини ҳам баравар шайдо қилади.

Ж а м о л (кулади). Шунақа деб ўзингизни ўзингиз овутасиз-да.

Қ о б и л. Йўқ, гапимнинг тагида гап бор. Шу бир фикр, чунончи, жуда кўпдан бери бошимда айланиб юради... Айтсам майлими?

Ж а м о л. Аввал айтиб қаранг-чи, эшитса бўладиган гапми, ё йўқми...

Қ о б и л. Ўзингдан ўтар гап йўқ, чунончи... хўш... мен бўйдоқ, сен есир...

Ж а м о л (ўрнидан сапчиб туради). Ҳай, ҳай, у ёғини айтмай қўя қолинг.

Қ о б и л. Ҳа, мунча сапчидинг, аввал гапни охиригача эшит...

Ж а м о л. Йўқ, қўйинг, гапингиз эшитадиган гап эмас...

Қ о б и л. Ҳа, нима, дунёдан тоқ ўтиб кетаверамизми?

Ж а м о л. Уйлангингиз келса уйланаверинг, мени аралаштириб нима қиласиз?!

Қ о б и л. Сендан бўлагига хушим йўқ-да... Кўзимнинг тагига олиб юрганим сен...

Ж а м о л. Вой, кўзингиз бор бўлсин... Мен сизни жуда содда, меҳнатдан бўлак ҳеч нарсани ўйламайдиган одам деб юрсам, бўлак нағмангиз ҳам борга ўхшаб қолди-ю!

Қ о б и л. Ўйлаб кўр, Жамол, ҳали ёшсан...

Ж а м о л. Бўлди, бўлди, шу гап шу ерда қолсин! Бу гапларни битта-яримта эшита кўрмасин-а, нах бошимиз маломатдан чиқмай қолади-я! (Елпиниб.) Во-е, оловим чиқиб кетди-я... (Кета бошлайди.)

Қ о б и л (ўрнидан туради). Шошма, гап бор.

Ж а м о л. Йўқ, йўқ, гап тамом!

Ҳ а м д а м киради, буларни кўриб, тўхтайтиди.

Ҳ а м д а м. Ия, ошиқ-маъшуқларга ўхшаб, хилватда нима қилиб юрибсизлар?

Ж а м о л (чўчиб). Вой шўрим!

Қобил. Йўғ-е, йўғ-е! Келинг, Ҳамдамжон. Ҳа, шундай, чунончи, боғни сайр қилиб юриб эдим... Жамол йўлиқиб қолди. Звенонинг ишларидан гаплаша кетдик.

Жамол (кулади). Вой товба, тилнинг суяги йўқ деганлари рост.

Ҳамдам (скамейкага ўтиради). Сизларни мажлисга соламан.

Жамол (қўрқади). Айтмадимми! Айб, манави кл-шида!

Қобил (қўрқади). Ортиқча ҳеч нарса деганим йўғу...

Ҳамдам. Сизларки, шундай қилиб юрганларингдан кейин, ёшлардан хафа бўлмасак ҳам бўлади.

Жамол (Қобилга). Ана! Энди нима бўлди, Мажнун!..

Қобил (хижолатда, рўмолчаси билан терини артади). Энди, баъзан-баъзан, ҳаммадан ҳам ўтар экан-да. Чунончи, вос-вос... Бир сафар гуноҳимиздан ўтинг... Мажлисга солманг.

Ҳамдам. Айниқса сиздан хафа бўлдим, Қобил ака...

Қобил. Вос-вос дедим-ку...

Ҳамдам. Эски тажрибакорсиз, ишнинг пасти баландини биласиз... Наҳотки, ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб турмадингиз?

Қобил (безовта). Гап ўзи нима тўғрисида, ўртоқ партком?

Ҳамдам. Боя раис билан далани айланиб чиқдик. Ҳамма звенонинг ерида бўлдик. Ишингизнинг мазаси йўқ-ку, Қобил ака?

Қобил (ўзига келиб, хурсанд). Э, хайрият.

Ҳамдам. Ия, нимага хурсанд бўласиз? Хафа бўладиган гап-ку?

Қобил (беихтиёр кулади). Мен бошқа гапдан ҳадиксираб туриб эдим...

Ҳамдам. Ҳадиксирайдиган бошқа гап ҳам борми?

Қобил (шошади). Йўқ, йўқ... Ҳалиги, чунончи... Жамол, ўтирсанг-чи!

Жамол (хурсанд). Ҳа, гўрга-я...

Қобил. Дардимизни парткомга айтиб олайлик!

Утирадилар.

Рост айтасиз, Ҳамдамжон, бу йил звеномизнинг иши сушт.

Ҳамдам. Утган йилги ютуқ хийла бошларингизни айлантириб қўйганга ўхшайди...

Қобил. Гап бизда эмас, зеновойда... Тез бўла қолсин, тезроқ рапорт бера қолайлик деб, торт-торт қилади-ю, ишнинг сифати билан иши йўқ...

Ҳамдам. Ешингиз улуг, насиҳат қилсангиз бўлмай-дими?

Қобил. Насиҳатимизга қулоқ солармиди? Бола хийла шициниб қолган.

Жамол. Пасти баландига қарамай роса мақтадиларинг, осмонга чиқариб қўйдиларинг. Энди тушолмай гаранг!

Ҳамдам. Ҳа, мақтовини бир оз ошириб юбордик шекилли...

Яқинлашиб келаётган Турсуналининг хиргойиси эшитилади.

Турсун

Боғимга келгил аста,
Гул берай даста-даста.
Жонгинам, беҳабарсан
Ишқингда бўлдим хаста...

(Киради.)

Ҳамдам. Ҳа, дўст!

Турсун (ширакайф). Э, салом алайкум... Жамоат жам-ку? (Кулади.) Яна мажлис-пажлис қилиб ўтирганларинг йўқми? Еки Қобил акам билан Жамол опам устимдан арз қилишяптими?

Ҳамдам. Арз қилса қилмаса, бари бир ишларинг яхши эмас. Ўзим кўриб келдим.

Турсун. Шу, подадан олдин чанг чиқарилмаса-да!

Ҳамдам. Бу нима деганинг, иним?

Турсун. Ҳозирча жilовимни қўйиб берсаларинг! Ҳисоб-китобни кузга бориб қилсак!

Қобил. Кузнинг ҳисобини баҳордан бошлаш керак, зеновой!

Турсун. Кўп ташвиш торта берманг, оқсоқол, ни-майки жавоб бўлса ўзим бераман!

Қобил. Эвенонинг ишига ёлғиз сен эмас, ҳаммамиз ҳам жавобгармиз!

Турсун. Жон акалар, ҳеч бўлмаса шу бугун тинч қўйинглар! Ахир байрам куни жиндак айш қилайлик! Ҳамдам ака, узр, жиндак ишим бор! Бировни қидириб юрибман...

(Яна хиргойи қилиб, нари кетади.)

Ғоз учирдим қўлингдан,
Кўз олмайман йўлингдан.
Бир пиёла чой ичсам,
Жоним, гулдай қўлингдан...
Дод-ей, қўлингдан.

Қобил. Ана гап шу! Сиз эса биздан гина қиласиз.
Звеномизга кўз тегди. Бу бундоқ, Ғанижон ундоқ...

Жамол (ўрнидан туради). Уҳҳ... юрагим сиқилиб
кетди... Мен клуб томонга борай...

Қобил. Шошма, бирга борамиз.

Жамол (чўчийди). Йўқ, йўқ, сиз баҳузур ўтира бе-
ринг, Ҳамдамжон ёлғиз қолмасин. (Кетади.)

Қобил. Ишонинг, ишонманг баъзан, чапақай жаҳлим
чиқиб, шартта бошқа звенога ўтиб кетсаммикан, деб қўя-
ман! Рост-да! Жонга тегди!

Ҳамдам (кулади). Чапақай жаҳлга йўл қўйманг!
Ишнинг оғирига сиз билан биз тушмасак ким тушади?

Атрофини бир гала қиз ўрагани ҳолда, раис киради.

У хурсанд. Ҳамдамни кўриб, тўхтади.

Тешабой. Қани, қизлар, бора туринглар, мен ҳозир
бораман.

Қизлар (чувиллашиб, раиснинг қўлидан тортишади).
Йўқ, биз билан юрасиз! Юрасиз!

Тешабой. Ҳозир, дедим-ку, ҳозир!

Қизлар (кулишади). Бўлмаса битта ашула айтиб бе-
расиз, кейин кетамиз!

Тешабой. Ашула? Мен ашлуачи эмасман-ку, қиз-
ларим!

Қизлар. Бўлмаса ўйнаб берасиз!

Ҳамдам (кулади). Ҳа, бўш келманглар!

Қизлар (чувиллашади). Ўйнаб берасиз! Ўйнанг!
Айтинг!

Тешабой (кулади). Раисликдан бошқасини билмай-
ман-ку!

Кулги.

Қизлар (уфори ашула бошлайди).

Раис ака, ўйнайсиз!
Ўинамасангиз қўймаймиз!
Сўзга қулоқ солмасдан,
Нега бизни қийнайсиз?
Ўйнайсиз! Ўйнайсиз!
Ўинамасангиз қўймаймиз!

Қизлар ўйин-кулги билан узоқлашадилар.

Т е ш а б о й. Олов! Олов! Зап қизларим бор-да. Умрингдан барака топкурлар! Хўш, Ҳамдамжон, оқсоқолга айтдингизми?

Ҳ а м д а м. Ҳ а.

Т е ш а б о й. Бу ёғи неча пулдан тушди, оқсоқол! Сизларга ишониб ваъдани катта бериб юборган эдик-ку!

Қ о б и л. Ўзингиздан ўтар гап йўқ, раис, бир-икки одам билан иш битмайди. Юк баравар кўтарилмаса бўлмайди.

Т е ш а б о й. Кимга шама қилаётибсиз?

Ҳ а м д а м. Қобил акам Турсунжондан хафа.

Т е ш а б о й. Мен сиздан хафаман! Звенонинг оқсоқоли сиз! Кузда жавобни сиздан оламиз! Ҳадеб Турсундан нолий бериш яхши эмас, у ҳали ёш! Нуқсонни бўлса тузатинг, йўлга солинг.

Қ о б и л. Ўзларинг йўлга солмасаларинг, биз удда қилолмадик.

Т е ш а б о й. Ҳали сиздан эшитган жавобимиз шу бўлдими, оқсоқол?

Қ о б и л. Энди, раис, хафа бўлмайсиз, бола деганни бунчалик эрка қилиб қўйиш ярамайди-да!

Т е ш а б о й (кулади). Ҳа, яккаю ягона ўғил, пича эркалик қилса қилибди-да. Ҳадемай қуйилиб қолади! Нима дедингиз, Ҳамдамжон?

Ҳ а м д а м. Кейин бош бермай кетмаса деб қўрқаман.

Т е ш а б о й. Қўрқманг, ҳали билагимизда куч кўп, қайтариб оламиз!

Ҳ а м д а м. Чуқурроқ ўйлаш керак, кейин доғда қолиб юрмайлик.

Т е ш а б о й (кулади). Хўп, ўйлаймиз...

Т о ш т е м и р киради.

Т о ш т е м и р. Ия, клубга бормайсизларми! Мажлисни қачон бошлаймиз?

Тешабой. Юринглар, одамлар ҳам тўпланиб қол-
гандир.

Кетишади. Саҳна бир оз бўш. Сўнг Шоҳиста билан Сарви
киради.

Шоҳиста. Шу ерда пича дам олайлик, ўртоқжон,
боғни роса айландик-ку!

Сарви. Дам олмоқчимисиз ё жазманингизни кутмоқ-
чимисиз?

Шоҳиста (кулади). Ҳам ундоқ, ҳам бундоқ!

Иккаласи кулишиб, бир-бирлари билан қучоқлашадилар.

Шоҳиста қўшиқ бошлайди.

Кўргим келиб хўп соғиндим,
Интизорман йўлларингга.
Кел, ўргулай, чиқиб пешвоз,
Гул тутқизай қўлларингга!
Кел, бу боққа!

Сарви

Кел, биз ёққа!

Сарви, Шоҳиста

Гўзал ёрим,
Вафодорим.

Шоҳиста

Сенсан шоним.

Шоҳиста, Сарви

Сени севдим
Йўқ армоним.

Сарви

Кўнглим гул-гул очилади
Сени кўрсам навбахорим.

Давронимиз шонли даврон,
Шод ўйна, кул, бахтиёрим

Ш о ҳ и с т а

Кел, бу боққа!

С а р в и

Кел, биз ёққа!

Ш о ҳ и с т а, С а р в и

Гўзал ёрим,
Вафодорим.

Ш о ҳ и с т а

Сенсан жоним.

С а р в и

Сенсан шоним.

Ш о ҳ и с т а, С а р в и

Сени севдим,
Иўқ армоним.

С а р в и

(Шоҳистани қучоқлайди)

Жазманингиз келармикан,
Ургулай, Шоҳистахон?

Ш о ҳ и с т а

(куйлайди)

Шубҳа қилманг, ўртоқжон,
Келади ёрим, келади.
Айлаб дилимни шодон,
Келади ёрим, келади.

Ишқин этиб намоён,
Келади ёрим, келади.
Қилиб юзимни хандон,
Келади ёрим, келади.

С а р в и

(ҳазиллашади)

Ким билади сўнги чоғда
Кўтарилиб димоғи,
Писанд қилмас бўлиб қолган
Унча-мунча кишини.

Ш о ҳ и с т а

Унчаликмас, кўп оширманг.

С а р в и

(ҳазилни давом этказади)

Ҳа, у киши донғи кетган,
Колхоздаги энг илғор
Звенонинг бошлиқлари!
Мақтовлардан, чамамда,
Боши пича айланиброқ
Қолди... Бай-бай юрганда
Савлатидан от ҳурқади,
Товус бўлар шарманда...

Сарви Турсуннинг юришини қилиб кўрсатади. Шоҳиста қотиб кулади. Шу топда Турсун кириб қолади, ҳайрон бўлиб Сарвини томоша қилади. Сарви Турсунни кўриб қочиб кетади.

Ш о ҳ и с т а (кулишда давом этади). Шошманг! Кароматни топинг! Вой, Сарвиси тушмагур-ей, ичагимни узди-я. (Узини кулгидан зўрға тияди.)

Турсун елкасини қисади.

Т у р с у н

Товба, қизиқ! Қачон кўрсанг
Кулишгани кулишган!
Ҳиринг-ҳиринг, қиқир-қиқир...
Худди биров қитиқлаб
Турган каби атайлаб.

Ш о ҳ и с т а

(кулади)

Хурсандмиз-да, куламмиз!

Т у р с у н

Кутдингизми?

Ш о ҳ и с т а

Ҳа.

Т у р с у н

Ургулсин!

Ш о ҳ и с т а

Ҳазиллашманг.

Т у р с у н

(қучоқламоқчи бўлади)

Айлансин!

Ш о ҳ и с т а

(унамайди)

Яхши эмас, биров кўрса,
айб бўлади.

Т у р с у н

Тўйгача
қўлимни ҳам ушлатмайман,
дейсиз, чоғи?

Ш о ҳ и с т а

Албатта.

Т у р с у н

Бу ситам-ку! Бу жафо-ку!

Ш о ҳ и с т а

(нов қилиб, ҳазиллашади)

Чидаганга чиқарган.

Т у р с у н

(ҳазиллашади)

Балки бўлак бўз болага...

Ш о ҳ и с т а

Бундай гапни гапирманг.

(Куйлайди.)

Олтин кўлнинг созиман,
Кўлдан учган розиман.
Бевафолик қилгунча,
Ўлганимга розиман.

Т у р с у н

Қуралайдир кўзингиз,
Ширин-шакар сўзингиз.
Юз ноз ила кўнглимга,
Шубҳа солган ўзингиз.

Шоҳиста

Қалдирғоч қора бўлур,
Қаноти ола бўлур.
Ешликда берган кўнгул,
Айрилмас бало бўлур.

Турсун

Боғим бору боғим бор,
Боғимда анорим бор.
Армони йўқ йигитман,
Лафзи ҳалол ёрим бор.

Шоҳиста

Душман дили қон бўлсин,
Чўллар гулистон бўлсин.
Ерга хиёнат қилсам,
Еш умрим хазон бўлсин.

Турсун

Хўш, қанақа топшириқ бор,
Мен кечаси районга
Кетмоқчиман...

Шоҳиста

Ишни ташлаб?

Турсун

Иш қочмайди..

Шоҳиста

Яхшимас.

Турсун

Ташвиш қилманг бу сафар ҳам,
Қойил қилиб ташлаймиз.

Ш о ҳ и с т а

Кеча ишга кеч чиқдингиз,
Бугун район кетсангиз,
Қандай қилиб «бу сафар ҳам
Қойил қилиб» ташлайсиз?!

Т у р с у н

Назаримда, ўтган йили,
Бу гиналар йўқ эди...

Ш о ҳ и с т а

Аммо бу йил дилимизга
Ташвиш солиб
қўйдингиз.

Т у р с у н

Ташвиш қилманг, планимиз
юз бўлади
бу йил ҳам.

Ш о ҳ и с т а

(ялинади)

Борманг...

Т у р с у н

Энди, иложи йўқ,
Ғанижонга сўз бердим.

Ш о ҳ и с т а

Яна Ғани!.. Ғани сизни
Ёмон йўлга бошлайди.

Т у р с у н

Нега энди ёмон йўлга
Бошлар экан Ғанижон?

Ғанижондек мард йигит кам,
Кўнгли тоза, хушчақчақ!

Ш о ҳ и с т а

Уйинқароқ, ишбузуқи,
Танбал, шуми мардлиги?

Т у р с у н

(кулади)

Ана холос! Ундоқ эмас!
Бечорани койиманг!

Ш о ҳ и с т а

Кўп ёқламанг дўстингизни,
Ишга касал, ошга соғ!

Т у р с у н

(кулади)

Оббо, сиз-ей! Оббо, сиз-ей!

Ш о ҳ и с т а

Узоқлашинг Ғанидан!
Бир кун эмас, бир кун сизни,
Қизартириб қўяди.

Т у р с у н

Зарари йўқ, қизартирса
Мени қизартиради.

Ш о ҳ и с т а

Агар сизни қизартирса,
Биз ҳам қизармаймизми?
Ялинаман... доғ туширманг
Звенонинг шаънига!

Т у р с у н

Аммо лекин, Шоҳистахон,
Ваҳма бўлиб қолибсиз.

Ш о ҳ и с т а

Ваҳма эмас... Мана Қамбар...

Т у р с у н

(жаҳл билан Шоҳистанинг сўзини бўлади)

Яна Қамбар! Э, товба!
Нима учун Қамбар дейсиз
Икки гапнинг бирида?

Ш о ҳ и с т а

Чунки Қамбар бу йил ишга
Жуда қаттиқ киришди.
Эвеноси эртаю кеч,
Тер тўкади далада.

Т у р с у н

(киноя билан)
Шу холосми?

Ш о ҳ и с т а

Яна шубҳа...
Яна пичинг... яна рашк.

Т у р с у н

Қандай қилай номи сира
Тилингиздан тушмаса!

Ш о ҳ и с т а

Ужар бўлманг, гапга тўғри
Тушунишни ўрганинг.

Қ а м б а р киради.

Қ а м б а р

Салом, дўстлар.

Ш о ҳ и с т а

Салом.

Т у р с у н

(ёқтирмай)

Салом...

Қ а м б а р

(Шоҳистага)

Байрамингиз муборак!

Ш о ҳ и с т а

Раҳмат....

Т у р с у н

(бетоқат, пичинг билан)

Бошқа гапинг йўқми?

Қ а м б а р

Бор!

Т у р с у н

Марҳамат!

Қ а м б а р

Гап шуки.

Бу йил яна иккаламиз
Мусобақа боғласак!

Т у р с у н

(мағрур кулади)

Бу ҳавасни унут!

Қ а м б а р

Нега?

Т у р с у н

Қолоқларга тобим йўқ!

Қ а м б а р

Ундай дема...

Т у р с у н

Бултур вит, деб,

Чиқиб кетдинг ўртадан...

Менга ҳали ёнбоши ер

Искамаган йигитлар,

Мардлар керак!

Ш о ҳ и с т а

(ҳайрон)

Бу қандай гап?

Т у р с у н

Сиз жим туринг!

Ш о ҳ и с т а

Нимага?

Қ а м б а р

Қайта беллаш, қайта синаш.

Бултур армонда қолдим.

Т у р с у н

Бир мақол бор, йиқилганлар
Тўймас эмиш курашга!

(Кулади.)

Ш о ҳ и с т а

Мусобақа қимор эмас,
Ишимизнинг усули.
Чақирдими, қабул қилинг!

Т у р с у н

(ғазаблана бошлайди)

Сиз жим туринг, дедим-ку!

Ш о ҳ и с т а

Хўш, нимага?

Т у р с у н

Звеновой —
Мен бўламан, жонидан!..

Қ а м б а р

Бу гапларинг чакки, дўстим..

Т у р с у н

Бошқа гапинг йўқмиди?

Қ а м б а р

Йўқ!

Т у р с у н

Бўлмаса йўлдан қолма!

С а р в и киради. У хафа. Афтидан, нарироқда туриб можаронинг
эшитган.

С а р в и

Кечирасиз, Шоҳистахон,
Сизни кутиб турибман.

Ш о ҳ и с т а

Жуда яхши қилибсиз.

С а р в и

Нега ҳадеб иккалангиз
Чўқилаша берасиз?

Қ а м б а р

(кулиб, киноя қилади)

Жуда қалин дўстмиз-да!

Т у р с у н

Киноянгни холангга қил!

Ш о ҳ и с т а

Бу қандай гап, Турсунжон?

С а р в и

(безовталанади)

Кетамизми, Шоҳистахон?
Қамбар ака биз билан
Борасизми? Юра қолинг!

Қ а м б а р

Ҳа, бораман. Узим ҳам
Сизни истаб юрган эдим.

(Турсунга)

Хайр, дўстим!

Т у р с у н

(йўл кўрсатади)

Катта йўл!

Қ а м б а р

(Турсунга теккизиб гапиреди)

Кечирасиз, Шоҳистахон.
Беадабчилик учун!

Қ а м б а р билан С а р в и чиқиб кетади. Шоҳиста хафа.

Ш о ҳ и с т а

Бу қанақа муомала!

Т у р с у н

Сизга тегиб кетдимиз?

Ш о ҳ и с т а

Кўп ҳовлиқманг, унинг кўнгли
Сарвихонда.

Т у р с у н

(киноя қилади)

Шундайми?

Ш о ҳ и с т а

(хуноб бўлади)

Ахир, нега ишонмайсиз?

Т у р с у н. Яна тагин бола баҳонаю дийдор ганимат бў-
либ юрмасин?

Ш о ҳ и с т а. Бу нима деганингиз?

Т у р с у н. Яъни кўзи дугонамиздаю кўнгли сизда бў-
либ юрмасин?

Шоҳиста
(бўғилади)

Уят!

Турсун
Уят?

Шоҳиста
(йиғлайди)

Одам деган
Андишалик бўлади...

(Хафа ҳолда кетмоқчи бўлади.)

Турсун

(Шоҳистанинг йўлини тўсиб, гапни ҳазилга
айлантиради)

Аравакаш товба қилди!
Қутулдимми, ўргулсин?

Шоҳиста жавоб бермайди. Ташқаридан Ғанининг хиргойиси эшитилади. Ҳар иккаласи ҳам ашулага қулоқ солади.

Ғани

(ташқаридан)

Ҳо, ўзим ҳар жойдаман,
кўнглим сендадир...

Ғани киради. Турсунали билан Шоҳистани кўриб, ашуласини
тўхтатади.

Ялписига салом бердик!
Байрамингиз муборак!

Шоҳиста алик олмайди.

Турсун

Шоҳистахон хафалар.

Ғ а н и

Менданми?

Т у р с у н

Йўқ, мендан хафа.

Ғ а н и

Ҳа, хайрият...

Т у р с у н

Тушманг Районга
дейди...

Ғ а н и

Ия, ана!

Т у р с у н

Сен тушунтир!

Ғ а н и

Турсунжон,
Сизга пича совға-салом
Олиб келиш пайида.

Ш о ҳ и с т а

(жаҳл билан)

Нима-нима?

Ғ а н и

Шоҳи кўйлак,
Шамшод тароқ, шол рўмол,
Олтин узук, олтин соат,
Пошнаси тор ботинка...

Ш о ҳ и с т а

Ҳожати йўқ, керак бўлса,
Узим сотиб оламан.

(*Жаҳл билан кетади.*)

Ғ а н и

Ноз ўзгача-ю, ситам бўлакча!

Т у р с у н

Менга қара... Ке, бормайлик.
Чатоқ бўлиб юрмасин.

Ғ а н и

Э, балли-е, юрагингга,
Бир дўқ билан бўшашса!..

Т у р с у н

Сал кейинроқ...

Ғ а н и

Лафзинг борми?

Т у р с у н

Лафзим бор-а. Лекин шу...

Ғ а н и

Лафзи ҳалол, йигит десам
Бибурд чиқиб қолдинг-ку!

Т у р с у н

Сўзларини эшитмадинг.

Ғ а н и

Парво қилма сўзига!
Қиз бўлдими ноз қилади.

Т у р с у н

Нима деса, ноз дегин?

Ғ а н и

Бўлмаса-чи! Менга қара,
Совгаларни олдими,
Битта ишқи юз бўлади.
Ишонавер сўзимга!
Мен қизларнинг қилиғини
Ед биламан!

Т у р с у н

Борди-ю,
Агар чатоқ бўлиб қолса...

Ғ а н и

(ҳазиллашади)

Бўлиши ҳам мумкин.

Т у р с у н

(чўчийди)

А?

Очиқроқ айт, бир гап борми?

Ғ а н и

(ҳазилни давом эттиради)

Гап кўп, дўстим... Жазманинг
Қамбар билан иноқ эмиш...

Т у р с у н

(ҳаяжонда)

Йўғ-ел

Ғ а н и

Ҳа! Ҳа! Қиз қўлдан
Кетди деявер!

Т у р с у н

Ҳазиллашма!

Ғ а н и

Ҳазили йўқ, оғайни.

Т у р с у н

(бўшашади)

Бўлса бордир... сўзларидан
Сезиб эдим ўзим ҳам...

Ғ а н и

(кулиб, Турсунни қучоқлайди)

Ҳазил! Ҳазил! Кўп бўшашма!
Ҳазиллашдим, биродар...

Т у р с у н

Йўқ, ростдан ҳам мендан пича
Совиганга ўхшайди...
Қамбар, дейди ҳар гапида...
Э, мен ўша Қамбарни
Мулла қилиб, товбасига
Таянтириб қўймасам!..

Ғ а н и

Хўш, гапир-чи, Кароматга
Айтолдингми дардимни?

Т у р с у н

Узинг гаплаш!

Ғ а н и

Йўлатмайди.

Т у р с у н

Уриниб кўр!

Ғ а н и

Кўрганман!

Т у р с у н

(кулади)

Ҳозиргина мен қизларнинг
Қилиғини ёд биламан,
Ундоғ-бундоғ дединг-ку!

Ғ а н и

У бир гап-да! Кароматга
Сира сўзим ўтмади.
Эҳ, аттанг, мен ғарибга
Асло шафқат қилмади.
Юрагимни очиб айтсам
Назарига илмади.
Ана энди ишқ ўтида
Кабоб бўлиб юрагим
Қуядиган бўлди, дўстим.

Т у р с у н

(кулади)

Пича сув сеп, алангаси
Пасаяди...

Ғ а н и

Куласан!

Т у р с у н

Қандоқ қилай ўзимники
Сеникидан кам эмас!

Ғ а н и

Биз куямиз, биз ёнамиз,
Қизлар эса ғам емас!
Дод десанг ҳам, вой десанг ҳам,
Кўнгил учун гинг демас!
Ҳа, майли, хўп, қани кетдик!

Т у р с у н

Қлубгами?

Ғ а н и

Районга!

Т у р с у н

Мажлисдан сўнг!

Ғ а н и

Ҳаҳ, мажлислар
Тегмадими жонингга!
Жиндак, жиндак отайлик, юр!
Пича отамлашайлик!
Бугун байрам, яйраш керак!

Т у р с у н

Рост, мажлисда нима бор?!

Ғ а н и

(ашула бошлайди)

Бизнинг колхоз қизлари-ё
Жон, жон!
Кўксида юлдузлари-ё!
Шайдо қилган бизларни-ё
Жон, жон!
Юзлари қирмизлари-ё!

Т у р с у н

Колхозимиз пахтазор,
Пахтазорда ёрим бор.
Айтинг, дўстлар, лафзида
Турганмикин севган ёр!

Т у р с у н, Ғ а н и

Ер бўлса вафо қилса,
Ҳолингни сўраб билса,
Парвонанг бўлиб доим,
Гул-гул очилиб кулса.

Турсун билан Ғани қўлтиқлашиб кета бошлайди. Рўбарўларидан Каромат билан Шоҳиста чиқиб келади. Турсун билан Ғани тўхтади.

Каромат. Хўш, шоввозлар, йўл бўлсин!

Ғани (шошиб қолади). Салом алайкум!

Каромат (Ғанига жавоб бермайди). Районга бормайсиз!

Турсун (Шоҳистага). Дарров комсоргга арз қилибсиз-да, жонидан?

Шоҳиста. Гапимга кирмаганингиздан кейин айтдим-да!

Турсун. Қуллуқ!

Ғани (Кароматга яқинлашади). Салом берсам, алиқ олмайсиз, нима, мени пайқамай ётибсизми?

Каромат. Нега пайқамай? Отнинг қашқасидек ҳаммага маълум ва машҳур йигитсиз, сизни пайқамасдан бўлади?

Ғани. Бу мақтаганингизми ё ерга урганингизми?

Каромат. Фаросатингиз жуда ошиб кетганга ўхшайди.

Ғани (*мағрур*). Чакки эмас!

Каромат. Бўлмаса районга бориб ялло қилиш фикри ҳам сиздан чиққандир, донишманд?

Ғани (*қўрқди*). Мендан? Йўғ-е!

Турсун. Донишмандгина эмас, довжорак ҳам чиқиб қолдинг-ку, оғайни. (*Кулади.*)

Ғани. Қандоқ қилай! (*Ялиниб.*) Кароматхон, жонгинам, шу сафар кечиринг. Бу охиргиси. Район газетасининг редакциясида зарур ишимиз бор, бормасак бўлмайди. Барвақт қайтамиз!

Каромат. Ҳеч ёққа борилмайди!

Турсун. Борди-ю, гапингизга қулоқ солмасак-чи?

Каромат. У вақтда, комсомоллар мажлисида гаплашамиз!

Турсун. Анча бўлади, унча-мунча дўқлардан қўрқмайдиган бўлиб қолганмиз! Қани кетдик! Юр! (*Кета бошлайди.*)

Каромат. Турсун! Ака!

Шоҳиста. Турсунжон!

Турсун қулоқ солмай кетади. Ғани ҳайрон, кетишини ҳам, қолишини ҳам билмайди.

Турсун (*узоқдан*). Ғани!

Ғани ноилож кета бошлайди.

Шоҳиста. Ғанижон, борманг!

Ғани. Уни ёлғиз юбориб бўладими? (*Кета бошлайди.*)

Каромат. Ғанижон!

Ғани тўхтади.

Қолинг!

Ғани. Яхши кўрасизми? Яхши кўраман денг, қолай!

Каромат (*жаҳл билан*). Ҳеч қачон!

Ғани. Бўлмаса кетдим. Бориб ўлардек ичамаң! Уша

ёқларда қолиб кетаман! Кейин пушаймон бўлиб юрасиз,
жонгинам.

К а р о м а т. Пушаймон бўладиган аҳмоқ йўқ! Билга-
нингизни қилинг!

Ғ а н и (*бўшашади*). Хайр, нима ҳам дедик. (*Чиқиб
кетади.*)

К а р о м а т (*йиғлағудек*). Тентак!

Ш о ҳ и с т а. Энди нима қиламиз? Раис билса ёмон бў-
лади!

К а р о м а т. Ҳозирча шов-шув кўтармай тура турай-
лик, балки барвақт қайтишар...

Ш о ҳ и с т а. Вақтлик қайтишмаса-чи?

К а р о м а т. Уҳ, юрагимизни қон қиладиган бўлди бу-
лар.

Ш о ҳ и с т а, К а р о м а т

*(Турсунлар кетган томонга узоқ қараб турадилар, сўни
аста ашула бошлайдилар).*

Ташлади-ю, кетишди
Юракни қон этишди.
Мақсадига етишди.
Ажаб ёрлару
Ажаб ёрлар.
Жафо қилдилар
Дилозорлар.

Сўзга қулоқ солмади,
Пандимизни олмади.
Ёнимизда қолмади.
Ажаб ёрлару
Ажаб ёрлар.
Жафо қилдилар
Дилозорлар.

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

Кенг пахтазор. Уртада дала шийпони. Бир чеккадан ариқ ўтади. Ариқ бўйида ўчоқлар, қозонлар, катта самоварлар. Шийпоннинг атрофи тут ва тол. Бир ёнда биринчи звенонинг, иккинчи ёнда иккинчи звенонинг ери жойлашган.

Кундузи. Далада иш қизиган. Ер ҳайдаётган тракторларнинг овозлари эшитилади. Қўшиқ, кулги ва меҳнат садолари кўкни қоплаган.

Бир неча аёл ўчоқ бошида колхозчиларга тушлик овқат ҳозирламоқдалар. Даладан хор овози эшитилади.

Хор

Колхозимиз «Олтин кўл»,
«Олтин кўл».
«Олтин кўл»да пахта мўл,
Ер ҳайдасамг куз ҳайда,
Куз ҳайда
Куздан қолса юз ҳайда,
Юз ҳайда.
Тупроғимиз ҳосилдор,
Ҳосилдор.
Кўп меҳнатда ҳикмат бор,
Ҳикмат бор.
Оқ олтинлар шонимиз,
Шонимиз.
Халққа фидо жонимиз,
Жонимиз.

Хор тугайди. Тош темир киради.

Т о ш т е м и р

Ҳорманг, кампир! Ҳорманглар!

О ш п а з

Узинг ҳормал

Т о ш т е м и р

Бор бўлинг.

Овқатларинг тайёрни?

О ш п а з

Тайёр, болам! Татиб кўр!

(Қозондан косага жиндак қуйиб, Тоштемирга узатади.)

Т о ш т е м и р

(иштаҳа билан тоғиб кўриб, кулади)

Оз бўлдими, мазасини
Яхши ажратолмадим.

О ш п а з

(мағрур кулади)

Ундай бўлса ширин экан.
Мўдроқ қуйиб берайми?

Т о ш т е м и р

Йўқ, холажон, ҳамма келсин,
Бирга овқат қиламиз.

О ш п а з

(мақтанади)

Мақтанмайин, қозондаги
Овқат эмас, асал! Қанд!
Масаллиқ соз! Лекин, болам,
Ошпазда ҳам кўп гап бор!
Мана, сенга битта мисол...

Т о ш т е м и р

(кулиб, кампирнинг сўзини бўлади)

Кейин! Ҳозир занг уринг!

Занг урилади. Ҳар тарафдан колхозчилар ҳазил, кулги билан шийпонга тўпланадилар.

Қ а м б а р

Бугун овқат кечикдими?

К а р о м а т

Йўқ, сен ўзинг шошилдинг.

Кулишади.

Ш о ҳ и с т а

Қамбаржоннинг қорни роса
Очди чоғи!

К а р о м а т

Қамбаржон,
Иштаҳадан қолган эмиш
Бировларнинг ишқида.

(Кулади)

Қ а м б а р

Иштаҳа зўр. Мумкин бўлса
Ғанининг ҳам ҳиссасин
Қўшиб беринг, бир тўйин!

Кулги

Т о ш т е м и р

Эҳтиёт бўл қорнингга!
Ғанижоннинг ҳиссасини
Фил еса ҳам бўқади.

Кулги. Ҳамма ўтириб овқатлана бошлайди.

С а р в и

(ҳазиллашади)

Бригадир ваъда қилган
Паловингиз қаёқда?

Кулишади.

Қ и з л а р

Қани палов? Қани палов?

И н г и т л а р

Қани ваъда? Қани лафз?

Т о ш т е м и р

Талабингиз назаримда қуюқроқ.
Аммо ишнинг сифати-чи, суюқроқ.

Кулги.

К а р о м а т

Нотўғри гап! Ҳазиллашманг!

О в о з л а р

Нотўғри гап! Нотўғри!

Ш о ҳ и с т а

Ҳаммамиз ҳам ҳар кунгидай
Қойил қилиб ишладик.

Т о ш т е м и р

(ҳазиллашади)

Баъзиларнинг қўними йўқ,
Ишласа ҳам унуми йўқ.

Мулла Мирашир,
Ҳолига ярашир.
Аввал ишлансин,
Кейин тишлансин.
Дангаса — муз,
Ишчан — олов.
Ҳозир маставаю
Кечқурун палов!

Кулги

К а р о м а т

Хўп унадик сўзингизга,
Аммо битта илтимос.
Битта яхши ялла!

С а р в и

Ялла!

Ш о ҳ и с т а

Ёки катта ашула!

О в о з л а р

Ҳа, сўраймиз! Сўраймиз!

Т о ш т е м и р

(атрофга таъзим қилади)

Жоним билан! Жоним билан!
Ҳозир боплаб ташлаймиз.
Қани, қани, Қобил ака,
Қамбарали, келинлар!

Қамбар, Қобил қўлларига тарелка олиб, Тоштемирнинг ёнига келадилар. Учови қатор туриб, катта ашула бошлайди.

Т о ш т е м и р

Халқимизнинг турмуши бўлди фаровон пахтадин,

Қ о б и

Қолмади кўнгилда дард, дилларда армон, пахтадин.

Қ а м б а р

Наслимиз меҳнат билан топди шараф-шон пахтадин.

У ч о в и

Кўҳна саҳролар, қадим чўллар гулистон пахтадин.
Яшнади, обод бўлди Ўзбекистон пахтадин.

Т о ш т е м и р

Пахтадин топгай камол, озод Ватан-гулзоримиз.

Қ о б и л

Устимиз бут, қорнимиз тўқ ҳам тугал рўзгоримиз.

Қ а м б а р

Пахтакор колхозчимиз, бахту саодат ёримиз.

У ч о в и

Пахта ҳам обрўйимиз, ҳам касбимиз, ҳам коримиз,
Кимки иззат қилса бўлғай шоду хандон пахтадин.

О в о з л а р

Барака топинглар! Комол топинглар! Яшанглар!

Қ а м б а р

Қани, энди, Сарвихон
Сиздан бўлсин.

Т о ш т е м и р

Сўраймиз!

О в о з л а р

Ҳа, сўраймиз, сўраймиз.

С а р в и

(лапар бошлайди)

Шафтолини шохини.
Эгиб олманг Жамолхон.
Ака-ака деб юриб,
Тегиб олманг Жамолхон.

Кулги, қийқириқ.

Х о р

Бўш келмагил, ҳой, Жамол!
Жавоб бергил, ой Жамол!

Ж а м о л

Сувга экил шолени,
Баланд кўтар полини.
Омон бўлсак кўрармиз,
Сарвихоннинг ҳолини.
Кулги, қийқириқ кучаяди.

Х о р

Ҳа, Сарвихон, Сарвихон!
Қандингни ур, бўл омон!

С а р в и

Кумуш баркашда писта,
Пистани чақ, деб қиста.
Турсунжонга кўнглини
Бой берибди Шоҳиста.

Х о р

Ҳо, Шоҳиста! Шоҳиста!
Жавоб бергин оҳиста!

Шоҳиста

Қизил гулсан баргинг йўқ,
Яхши қизсан ёринг йўқ.
Умринг ўтиб боради,
Лодонсан, хабаринг йўқ.

Хор

Ҳа, Сарвихон, қулай пайт,
Бошлаб туриб жавоб айт!

Кулги авжига чиқади. Ҳамдам киради. Ҳамма шов-шув билан
уни қуршаб олади.

Ҳамдам (хурсанд). Ўҳ-ҳу, ўйин-кулги авжида-ку!
Тоштемир. Келинг, Ҳамдам ака! Қани, овқатга!
Ҳамдам. Баҳазур!
Тоштемир. Йўқ, унақаси кетмайди. Ҳо, хола. Ов-
қатдан келтиринг!

Каромат. Утиринг, Ҳамдам ака!
Овозлар. Бу ёққа! Бу ёққа!
Ҳамдам (ўтиради). Ҳа, ўйин-кулгини нега тўхтат-
диларинг? Асли келмай турсам бўлар экан! Халал бериб
қўйдим чамаси?
Каромат. Йўқ, нега? Овқатланиб олайлик, ўйин-
кулги қочмайди.

Ошпаз бир коса овқат олиб келиб Ҳамдамнинг олдига қўяди.
Ҳамдам иштаҳа билан овқатлана бошлайди.

Ҳамдам. Бай, бай. Овқатингиз мунча ширин, хола?
(Хурсанд.)

Ошпаз. Ҳа, ёқдимиз?
Ҳамдам. Бошлабсиз!
Ошпаз (мақтанади). Аммо лекин холангизда ҳам ҳу-
нар кўп! Ҳа! Мана сизга битта мисол...
Қамбар. Хола, ошдан борми?
Ошпаз. Ана, болам, кўрдингми? Ошим талаш! Ҳо-
зир! Ҳозир! (Ўчоқ бошига кетади.)
Қамбар. Ҳамдам ака, ошпаз холамга ҳам жиндак
таълим берадигансиз! Ҳамма ўз-ўзини танқид билан шу-
гулланса, холам ўз-ўзини мақташ билан овора! (Кули.)

Ҳамдам (кулади). Қани энди ҳамма ҳам холамга
ўхшаб ўз ишига меҳр қўйиб ишласа!

Ошпаз. Ҳа, ўлманг, Ҳамдамжон! Мана, сенга битта
мисол...

Сарви

(яна ҳазил бошлаб ашула айтади)

Мисоллари қурмасин.
Холам кўп лоф урмасин.

Мунчоқ осинг, холамга
Кўз-пўз тегиб юрмасин!

Кулги.

Ҳамдам (кулади). Шоир бўлиб кетибсиз-ку, Сарви-
хон, дарров тўқиб ташладингиз-а!

Сарви (кулади). Аммо лекин сизга атаб ҳам битта-
сини тўқиб қўйганман!

Ҳамдам (кулади). Ие, шунақами?

Овозлар. Айтинг! Айтинг, Сарвихон!

Ҳамдам. Хўп, қани, эшитайлик.

Сарви

(куйлайди)

Баҳор бўлсин, ёз бўлсин,
Бу йил пахта соз бўлсин.
Ҳамдам ака, иш кўпроқ,
Мажлисбозлик оз бўлсин!

Кулги, қийқириқ.

Хор

Ҳамдам ака, бор бўлинг!
Ишда мададкор бўлинг!

Ҳамдам (наша қилиб кулади). Бопладингиз-ку! Об-
бо, силар-е!

С а р в и. Хафа бўлганингиз йўқми, Ҳамдам ака! Яна мажлисга солиб юрмайсизми?

Яна кулги.

Ҳ а м д а м (кулади). Йўқ, йўқ... Тўғри... Тўғри айтасиз, мажлис камроқ, иш кўпроқ бўлиши керак! (Жиддий.)
Хўш, иш қалай?

Т о ш т е м и р

Чакки эмас.
Аммо, ваъда қилинган
Универсални тезроқ олсак
Яна яхши бўларди.

К а р о м а т

Бугундан ҳам қолса чатоқ...

Ҳ а м д а м

Бугун, шаксиз, оласиз.

Қ а м б а р

Бизда битта илтимос бор
Аввал бизга берилсин.

К а р о м а т

Нега аввал сизга экан?

Қ а м б а р

Кеч қоламиз бўлмаса.

Ж а м о л

Кеч қолсангиз бизга нима?
Аввал бизга берилсин!

Қ а м б а р

Бу нотўғри!

Ҳ а м д а м

(кулиб)

Жанжаллашманг!

Ҳаммага ҳам берамиз.

Ж а м о л

Аввал бизга — илғорларга!
Кейин, майли, буларга.

Қ а м б а р

Нега бизни камситасиз?!

Ж а м о л

Бултур ютқизгансиз-ку!

Қ а м б а р

Қўп чиранманг, ҳолингизни
Мана, бу йил кўрамиз!

К а р о м а т

Қўп ҳовлиқманг, чангимизга
Етолмайсиз бу йил ҳам!

Кулги.

Ҳ а м д а м

Маълум эмас, Кароматхон,
Бу йил қандай бўлади.
Ўтган йилги ютуқ билан
Қўп мақтана берманглар.

Ҳа, бу йилги ишни ўйланг!

К а р о м а т

Бу йил ҳам бўш келмаймиз.

Ҳ а м д а м

Бошлигингиз ишни ташлаб
Юра берса районда,
Қандай қилиб бўш келмайсиз?
Гап бошқаю иш бошқа!
Интизомки, бузилдими
Ишда унум бўлмайди!

Т о ш т е м и р

Жуда тўғри. Шу бугуноқ
Гаплашамиз у билан.

Қ о б и л

Ҳа, олдини олиш зарур,
Газак боғлаб кетмасдан.

Т о ш т е м и р

Назаримда, уни яна
Йўлдан урган Ғанижон.

Ж а м о л

Кўрганларинг Ғанижонми?

Т о ш т е м и р

Ҳа, рост гапни айтдим-да!

Қ а м б а р

Турсунда ҳам айб катта-да!
Нима, ахир, боламиди
Кета бериб, юр деса!

К а р о м а т

Вой, сиз нега куйинасиз,
Ҳеч нарсани билмасдан?

Қ а м б а р

Ундоқ эмас, Кароматхон,
Гапирмасдим билмасам!

К а р о м а т

Кўролмаслик!

Қ а м б а р

Ана холос!

Ҳ а м д а м

Уртоқ комсорг, акангизга
Кўп бўлишманг. Акангиз
Мағрурланиб қолган бир оз
Утган йилги ютуқдан.

К а р о м а т

Ундай бўлса, хўш, айтинг-чи,
Ахир бизда нима айб?

Ҳ а м д а м

Айб сизларда, дўстларида,
Уни танқид қилмайсиз!
Халқ олдида боплаб туриб
Танбеҳини бермайсиз!
Ким айтади комсомол деб,
Довюрак деб, сизларни!

Шу пайтда, ташқаридан Ғани билан Турсуннинг ширакайф овоз
билан айтилган ашуласи эшитилади. Ҳамма қулоқ солади.

Турсун

Сендан ўзга ҳеч кимсага боқмадим.

Фани

Гулузорим сенга асло ёқмадим.
Қўлим билан чаккангга гул тақмадим,
Ёр-ёр-ёрларим,
Кўзлари хуморларим.

Турсун билан Фани киради. Колхозчиларни кўриб жим қолади-лар. Фанижон секин қочмоқчи бўлади.

Тоштемир

Тўхта!

Фани бошини қуйи солиб тўхтайди.

Ҳамдам

(Турсунга)

Салом қани?

Турсун

(ноқулай)

Салом.

Ҳамдам

Қайда эдинг?

Турсун

Районда.

Тоштемир

Нега рухсат сўрамадинг?

Турсун

Сизни истаб тополмадик.

Т о ш т е м и р

Бу гапларинг важ эмас!

Т у р с у н

(киноя билан)

Агар хато қилган бўлсак
Кечирасиз бир сафар.

Ғ а н и

Гоҳ, гоҳо бўлади-да!
Сўроқ қилаверманглар!

Т о ш т е м и р

(Ғанига)

Қани, айт-чи?..

Ғ а н и

Хўш, нимани?

Т о ш т е м и р

Қачон одам бўласан?

Ғ а н и

Одам бўлмай, ким бўлибман?

Т о ш т е м и р

Ё колхоздан ҳайдайликми?

Ғ а н и

(чўчиб)

Йўғ-е, шафқат қилинглар!
Шу бугундан бошлаб фақат
Ишлаганим ишлаган!

Қ о б и л

Ваъдаларни кўп эшитдик,
Ишонгимиз келмайди!

Ғ а н и

Ишонинглар! Кароматхон,
Кафил бўлинг!

К а р о м а т

(энсаси қотиб)

Бир камим
Кафил бўлиш қолиб эди!

Ғ а н и

(Жамолга)

Ҳеч бўлмаса сен ёқла!

Ж а м о л

(ийглагундек)

Юзинг қурсин, гапирма кўп!
Мени адо қилдинг сен!

Ғ а н и

Ана холос! Ҳамма мендан
Юз ўгирган шекиллик!

Ҳ а м д а м

Айб ўзингда!

Ғ а н и

Ҳамдам ака,
Бу гал ваъдам чин ваъда!

Ҳ а м д а м

Нор йигитсан, тоғни талқон
Қиладиган кучинг бор.
Аммо ундан, минг афсуски,
Колхоз учун фойда йўқ!
Эсиз йигит, халқ олдида
Кулги бўлиб ўтирса...
Наҳотки ҳеч тушунмайсан?

Ғ а н и

Тушунаман, лекин, шу...

Т о ш т е м и р

Қўй, садқай одам кет, сен,
Сени ҳайдаш яхшироқ!

О в о з л а р

Тўғри! Тўғри!

Ғ а н и

Йўғ-е! Йўғ-е!

Қ о б и л

Кечдик сенинг баҳрингдан!

Ғ а н и

(ўзини йўқотади)

Ҳамдам ака!..

Ҳ а м д а м

Гаплари ҳақ!
Ҳа, чуқурроқ ўйлаб кўр!

Т у р с у н

Бу қандақа муомила?!
Бу қанақа дағдаға?!
Яна кимнинг арпасини
Хомроқ ўраб қўйибмиз?!

Т о ш т е м и р

Ия, ана! Ҳали бизни
Айбламоқчи шекилли!

Қ о б и л

Қилғиликни қилиб қўйиб
Уялмасдан яна дўқ!

Т у р с у н

(бўғилиб)

Ҳа, ахир биз нима қилдик,
Одам ўлдирибмизми?
Бу тергашлар, бу сўроқлар
Қайси жиноят учун?!

Т о ш т е м и р

Ишни ташлаб, ғойиб бўлиб
Кетдиларинг икки кун.
Икки кундан бери ялло!
Бу жиноят эмасми?

Т у р с у н

Э, пашшадан фил ясаманг!

Ҳ а м д а м

Тоштемирнинг сўзи ҳақ!

Т у р с у н. Ҳақми, ноҳақ, менинг учун сира аҳамияти
йўқ!
К а р о м а т. Уйламасдан гапирманг!

Т у р с у н. Тоқатим йўқ тергашларга!

К а р о м а т (жаҳли чиқади). Нега бунча кериласиз?

Т у р с у н (мақтанади). Ҳа, керилсам ҳаққим бор!
(Қўйнидан газета чиқариб.) Мана, район газетаси сура-
тимни босишди!

Ғ а н и. Донгдор звеновой деб ёзиб қўйган тагига!
(Мақтаниб.) Газетага материални ўзим бошлаб берганман!

Т о ш м а т. Энди бир қилмаганларинг кўзбўямачилик
эди!

Т у р с у н. Ҳа, нега кўзбўямачилик бўлар экан? Ахир
мен экиш планини муддатидан олдин бажардим-ку!

Т о ш т е м и р. Экиш планини сизлардан олдин бажар-
ганлар бор-ку! Масалан, Қамбарали! Хўш, нима учун га-
зетага у тушмай, сен тушасан?

Т у р с у н. Газета ҳар кимнинг ҳам расмини боса бермай-
ди. Қамбар аввал халққа танилсин, кейин газетага тушади!

Ғ а н и. Тўғри! Сигир сув ичганда бузоқ муз ялаши
керак!

Кулги.

Т о ш т е м и р

Тамбал, ўчир овозингни!

Ғ а н и

Биз бенават! Гап тамом!

К а р о м а т

(Турсунга)

Пайқамасдан қадам босманг!

Гапни ўйлаб гапиринг!

Т у р с у н

Э, ишимга аралашма!

Нима қилсам хоҳишим!

К а р о м а т

Биз қаршимиз бу хоҳишга!

Ш о ҳ и с т а

Бизни ерга қаратманг!

Т у р с у н

(пичинг билан)

Бечоралар уялармиш,
Менинг кирдикоримдан.
Мен ким? Илгор звеновой!
Мен колхознинг фахриман.

Қ о б и л

Семизликни қўй кўгарар.

Т о ш т е м и р
Ёғ босибди кўзингни.

Ж а м о л

Янгамнинг шўрвасини ширин қилган,
Поччамнинг масаллиғи, деган гап бор.
Сени обрўли қилган
Звенонинг меҳнати!

Т у р с у н

Ҳамдам ака, буларда ҳеч
Инсоф деган нарса йўқ.
Қаранг, булар мен билан
Фахрланиш ўрнига
Мени кўришолмайди.

К а р о м а т

Бу сўзларни айтишга
Қандай чидар бетингиз?
Авваллари гурурандик,
Фахрландик сиз билан.
Энди, сўзланг, қандай қилиб
Фахрлана оламиз?
Сўнгги чоғда айнидингиз!

Эсни йигинг, борида!
Кўпчиликдан узр сўранг!

Т о ш т е м и р

Кўпчиликка узр айт!

Т у р с у н

Қайси гуноҳим учун?
Истамайман! Истамайман!

Ҳ а м д а м

Ука, чакки қиласан,
Сенга обрў олиб берган
Колхозчилар, дўстларинг.
Эндиликда оёқ босма,
Кўпчиликнинг юзига.

Т у р с у н

Менда айб йўқ, мен эмас, ҳа,
Улар узр сўрасин!

Қ а м б а р

Дўстим, бунча ўжар бўлма!

Т у р с у н

Сен сўзлама! Сен номард!

Ш о ҳ и с т а

Ҳаддан ошманг!

Т у р с у н

(таажжуб билан)

Шоҳистахон?!
.

Ш о х и с т а

Узр сўранг Қамбардан.

Т у р с у н

Гап шундайми?.. Жуда яхши!..
Ана энди тушундим...

Т о ш т е м и р

Жуда яхши, кўпчиликдан
Узр сўра, тушунсанг.

Т у р с у н

Кўнгилларинг тинчийдими,
Эвеновой бўлмасам?!

К а р о м а т

Масалани комсомоллар
Мажлисида кўрамиз!

Т у р с у н

Ташлаб юбор агар осмон
Бўлса сенинг қўлингда!

Т е ш а б о й киради.

Т е ш а б о й

Нима говға?

(Турсунга.)

Хўш, райондан,
Эндигина қайтдингми?

К а р о м а т

Бугинамас, кўпчиликка
Тил теккизди ўғлингиз!

Т е ш а б о й

Тил теккизди? Нима деди?

Ҳ а м д а м

Турсунали хато қилди.

Т е ш а б о й

Аниқ билиш мумкинми?

Ҳ а м д а м

Бизга ишонмасангиз,
Сўрай қолинг ўзидан!

Т у р с у н

Қулоқ солманг сўзларига.
Гуноҳим йўқ, отажон!

Қ о б и л

Ҳамма ноҳақ, фақатгина
Сен ҳақмисан?

Т у р с у н

Ҳа, мен ҳақ!
Сиз ғаразгўй! Ичи қора!

Халқ ичида ғовур бошланади.

Ҳ а м д а м

Яна изоҳ керакми?

Т е ш а б о й

(оғир босиб Турсуннинг олдига келади)

Уғлим, эсинг жойидами?
Қандай қилиб оқсоқолни
Ғаразгўй деб атадинг?!

Т о ш т е м и р

Бу ҳолваси!

Т е ш а б о й

Бу ҳолваси?!
Нима, Турсун бундан ҳам

Оғир гаплар айтдимиз?

К а р о м а т

Ҳа!

Т е ш а б о й

(ғазабга келади)

Қани дарҳол узр сўра!

Т у р с у н

Ога ахир...

Т е ш а б о й

Сўз қайтарма!

Дам ғанимат, фурсат оз!
Узр сўра! Ишга туш!

Т у р с у н

(ўжарлик билан)

Булар билан ишламайман,
Етишмади қадримга!

Т е ш а б о й

Бу қандай гап! Қайдан келди
Бу мағрурлик, бу кўрлик!
Қайдан олдинг бу ярамас,
Бу касофат одатни?

Т у р с у н

Ота!

Т е ш а б о й

Уғлим, өсингни йиг!
Уйнашмагил халқ билан!
Нима қилса қудрати зўр,
Ғазаби зўр, ишқи зўр!
Бор қилса ҳам халқ қилади!
Йўқ қилса ҳам халқ қилур!

Т у р с у н

Ота...

Т е ш а б о й

Бўлди, гап қайтарма!
Иқрор бўлгил айбингга!

Т у р с у н

Майли, койинг, майли, уринг,
Эвеновой бўлмайман!

Ноқулай жимлик. Ҳамманинг кўзи Турсунда.

Т е ш а б о й

Ўнда яхши!.. Қани, кимни
Эвеновой қиласиз?

К а р о м а т

Шоҳистахон.

Ж а м о л

Шоҳистахон. .

Ш о ҳ и с т а

(қаттиқ ҳаяжонда)

Йўқ... йўқ... ўзи бўлади...
Мен... мен... яхши эплолмайман...

О в о з л а р

Шоҳистахон! Шоҳиста!

Т е ш а б о й

Ким хоҳласа қўл кўтарсин!

Ҳамма қўл кўтаради.

Звеновой Шоҳиста!
Шу бугундан қолдирмасдан,
Ушбу қарорингизни,
Правления мажлисида
Тасдиқлатиб берамиз.

Шоҳиста қаттиқ ҳаяжонда. Турсуналининг боши қуйи солинади.

Т о ш т е м и р

Қани ишга, азаматлар!

Ҳ а м м а и ш г а к е т а д и. Турсунали турган жойда туриб қолади.
Тешабой унинг ёнига келади.

Т е ш а б о й

Уғлим, энди англадингми,
Такаббурлик, ўжарлик,
Мана қандай хулосага
Олиб келар кишини!
Агар одам бўлай десанг,
Ишда оқла айбингни.

Т у р с у н

(тўнғиллайди)

Ишламайман...

Т е ш а б о й

Нима, нима?
Шу топдаги шармандалик

Етиб ортади, ўғлим!
Яна битта хато қилсанг
Мендан яхшилик кутма!
Ахир эркаликнинг ҳам
Чегараси бўлади!

Тешабой кетади. Ҳаяжон билан Шоҳиста киради.

Шоҳиста

Менда айб йўқ... Турсун ака...
Мени зўрлаб сайлашди.

Турсун

(пичинг билан)

Раҳмат... сиздан миннатдорман...
Яхши хизмат қилдингиз!

Шоҳиста

(ийғлайди)

Билиб туриб нега бунча
Мен шўрликни қийнайсиз?!

Турсун

(куйлайди)

Шармисор айлаб, кейин қилғон фироғингдин небок?!
Дўст десам душман экансан, айладинг бағримни чок!

Шоҳиста

(куйлайди)

Ҳеч гуноҳим йўқ, азизим, қийнама беҳудага,
Таъналар, аччиқ ҳақоратлар билан этма ҳалок.

Турсун

Не учун жонимга шафқат этмайин қасд айладинг?
Майлими иззат, муҳаббат ерда ётса мисли хок?

Шоҳиста

Сендан ўзга ёр керакмас, сен ҳаётимсан, инон!
Эътибор эт сенга бўлган ҳурматим, севгимга пок!

Турсун

Кимга айтай энди мен дардимни, дўстлар, сўзлангиз,
Бевафо ёр зарбасидан бўлса қалбим дарднок!

Турсун чиқиб кетади. Шоҳиста ёлғиз.

Не сабабдан, билмадим, қалбимни дилдор англамас,
Севганимни, куйганимни севгили ёр англамас.
Шубҳалар домига тушган, ўртанур рашк ўтида,
Неча бор кўнглимни айтсам ҳамки, зинҳор англамас.
Билмадим не чора қолди, айтингиз, мен қилмаган,
Елвориб дардимни айтсам, йиғласам зор англамас.
Мен кўнгил берган йигитнинг кўнгли ё тошданмиди,
Илтижолар, чеккан оҳлар қилмади кор, англамас!

Шоҳиста хафа ҳолда аста чиқиб кетади. Даладан хор
садоси юксалади.

Хор

Колхозимиз «Олтин кўл»,
«Олтин кўл».
«Олтин кўл»да пахта мўл,
Пахта мўл.
Оқ олтиндир шонимиз,
Шонимиз
Юртга фидо жонимиз,
Жонимиз.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

Ишдан сўнг колхозчилар сайр этиб, истироҳат қилиб юрадиган хушманзара жой. Поёнсиз пахтазорнинг этаги. Бир чеккадан катта йўл ўтади. Катта йўлнинг атрофига сўқмоқ йўллар тарқалиб кетган. Бир чеккада атрофи тут дарахтлари билан ўралган ариқ оқмоқда. Сойликда эса ярқираб дарё кўринади. Дарёнинг этаги қорли тоғлар орасига кириб кетган. Узоқда катта бригада шийпони кўриниб туради. Апрель ойининг охирлари. Ҳамма ёқ кўм-кўк, кўк квадратлар жуда чиройли кўринади.

Ойдин тун. Булбуллар сайрайди. Узоқ-узоқдан ашула садолари, музика оҳанглари эшитилиб туради.

Ариқ бўйида Ш о ҳ и с т а билан С а р в и ўтирибди.

С а р в и

(куйлайди)

Нақадар соз.

Елларда ноз.

Қандай кўркам фасли баҳор.

Очилди гул,

Сайрар булбул,

Гул ишқида айтар ёр-ёр.

Ш о ҳ и с т а

Мен паришон,

Юрагим қон,

Дилни ҳижрон этди пора.

Синди торим

Севган ёрим

Қилмас менга ҳеч назора.

С а р в и

Хафа бўлманг,
Ғамга тўлманг,
Ҳеч бузилмас аҳду паймон.

Ш о ҳ и с т а

Қандай қилай,
Бўлди бир ой,
Мени ўзга қилар гумон.

С а р в и

Чиданг яна,
Араз, гина
Унутилар бора-бора.

Ш о ҳ и с т а

Жоним ўртоқ,
Тоқатим тоқ,
Бўлди юрак пора-пора.

Куйлашдан тўхтайдилар.

С а р в и

Ишда қалай?

Ш о ҳ и с т а

Ҳамон ёмон.

Бузилмоқда кундан-кун.
Ҳамон ўжар, ҳамон мағрур,
Бўйни ишга ёр бермас.
Ҳеч ким билан гаплашмайди,
Гинаси бор ҳаммадан,
На ялиниш кор қилади,
На насиҳат кор қилар...

С а р в и

Ташвиш қилманг, бир кун эмас,
Бир кун ақли киради.

Ш о ҳ и с т а

Қайдам... Баъзан, баъзан дейман,
Кошки севмаган бўлсам.
Сизга яхши, оҳ, ўртоқжон
Сиз ҳижронда ёнмайсиз...

С а р в и

Тўғри, ҳижрон азобидан
Беҳабарман... Аммо...

Ш о ҳ и с т а

Хўш?

С а р в и

Баъзан, баъзан ўйланаман,
Минг хил хаёлга бориб...
Шунда қалбим, гоҳи, гоҳи
Така-пука бўлади...

Ш о ҳ и с т а

Қизиқ... Нега?

С а р в и

Дейдиларким

Мушкул умр савдоси...
Ҳар нарсани илгаридан
Билиш қийин, ўртоқжон...
Балки унинг юрагида
Севги эмас, шунчаки
Ҳавас ётар...

Ш о ҳ и с т а

Йўғ-е! Йўғ-е!

С а р в и

Шу ёғини ўйлайман...

Балки кейин кўнгли совир...
Ташлаб кетар, аҳтимол...

Ш о ҳ и с т а

Ташламайди!

С а р в и

Ҳозир яхши...
Кейин қандоқ бўлади?
Ахир турмуш мураккаб-ку!
Уйлаш керак, жонгинам!

Ш о ҳ и с т а

Бу гап тўғри, уйлаш керак...
Турмуш жуда мураккаб...

С а р в и

Минг ўлчаб бир қирқ деганлар...
Шу ёғини ўйлайман...

Ш о ҳ и с т а

Уйлаш керак, тўғри, аммо
Шубҳаланманг Қамбардан.
Қамбарали асил йигит.
Сезишимча, Қамбаржон
Ҳаётга ҳам, севгига ҳам
Жуда жиддий қарайди.

(Кулади.)

Назаримда жуда узоқ
Уйладингиз, етади!

С а р в и

Кеча узоқ суҳбатдан сўнг
Кўп қийналиб, қизариб
«Кўнглингни айт, қора кўзим
Юрагимга ишқингдан
Олов тушди», деди...

Шоҳиста

Яхши!
(Кулиб, ҳазиллашиб.)

Хўш, кўнглингиз нима дейди?

Сарви

(кулиб, ҳазиллашиб)

Кўнглим ийиб турибди.

Шоҳиста

Жуда яхши! Жуда соз!

Сарви

(жиддий)

Назаримда севгисига
Мен ҳам қаттиқ тутилдим.
На кундузи оромим бор,
На уйқумда ҳаловат...

Шоҳиста

Бу муҳаббат ҳаяжони!
Бу муҳаббат туйғуси!

Сарви

(куйлайди)

Тушми, ўнгми, билмадим, ҳайрон эрурман ишқида.
Шодликдан кўзлари гирён эрурман ишқида.
Кўзга кўз тушса хижолатдан юзим гул-гул ёнур,
Бойси шул, юзлари бўстон эрурман ишқида.

Аста-аста тарқалиб бормоқда севгимдан хабар,
Шул сабабдин эл аро дoston эрурман ишқида.

Мен чаманда гул эрурман, ул чаманнинг булбули,
Ергинамнинг бўйига қурбон эрурман ишқида.

Ш о ҳ и с т а

(Сарвини қучоқлаб)

Табриклайман! Табриклайман!

С а р в и

Раҳмат, раҳмат...

Ш о ҳ и с т а

Бахтинга
Худди баҳор лоласидай
Жилва қилсин, очилсин!

С а р в и

Хўп дейинми?

Ш о ҳ и с т а

Хўп денг!

С а р в и

Бўпти.
Бугун жавоб айтаман.

Ш о ҳ и с т а

Жуда яхши.

С а р в и

Хайр, кетдим.
Ҳозир истаб топаман.

С а р в и чопганича ўнг томонга чиқиб кетади. Шоҳиста унинг
орқасидан қараб қолади. Сўнг куйлайди.

Шоҳиста

Севги кўнгил боғини аввал гулистон айлади,
Сўнгра қалбимни азоби ғунчадек қон айлади.

Не умидлар бирла мен севган, кўнгил берган йигит,
Бевафолик қилди, ҳижронда сарсон айлади.

Мен муҳаббат боғига гул ахтариб кирган эдим,
Ботди бағримга тикони, кўзни гирён айлади.

Чап томондан қўлига бир даста гул кўтариб Қамбар киради.
У ёқдан-бу ёққа қараб, кимнидир ахтаради. Сўнг ариқ бўйида
ўтирган Шоҳистани кўриб қолади.

Қамбар

Шоҳистахон?

Шоҳиста

Ҳа, мен...

Қамбар

Елғиз

Узингизми?

Шоҳиста

Ҳа...

Қамбар

Нега?

Шоҳиста

Шундай, ўзим...

Қамбар

Турсунали

Қани?

Шоҳиста

Қайдам, билмадим...

Шу топда орқа томонда Турсун пайдо бўлади. Буларни
кўриб, ўзини панага олади.

Қамбар

Турсунали чакки қилди.

Шоҳиста

Зарари йўқ...

Қамбар

(Шоҳистага гул узатади)

Мана гул!

Шоҳиста

(кулади)

Назаримда эгаси бор
Бўлса керак бу гулнинг?

Қамбар

(уялади, кулади)

Олинг, гул кўп боғимизда,
Ҳаммага ҳам етади.

Шоҳиста

(гулни олади)

Раҳмат... Қалай ишларингиз?

Қ а м б а р

Яганани тугатдик.

Ш о ҳ и с т а

Шундайми?

Қ а м б а р

Ҳа.

Ш о ҳ и с т а

Боплабсизлар.

Биздан олдин бўлибсиз,
Зарари йўқ, ҳадемасдан
Сизга етиб оламиз.

Кулишади.

Қ а м б а р

Етиб олинг, ўзиб кетинг,
Жуда хурсанд бўламиз.
Ёки бир оз ёрдамлашиб...

Ш о ҳ и с т а

Ҳожати йўқ. Узимиз...

Қ а м б а р

Хайр, майли... Бу ёқларга
Утмадими Сарвихон?

Ш о ҳ и с т а

Янги кетди, сизни излаб.

Қ а м б а р

Қай томонга?

Ш о ҳ и с т а

(Сарви кетган томонни кўрсатади)

Бу ёққа.

Қ а м б а р

Ундай бўлса бизга рухсат.

Ш о ҳ и с т а

Майли.

Қ а м б а р

Хафа бўлмайсиз.

Қ а м б а р Сарви кетган томонга қараб кетади.

Ш о ҳ и с т а

(Қамбарнинг орқасидан қараб қолади)

Йигит бўлса шундай бўлса,
Ақли расо, одоблик.

Т у р с у н а л и кириб бир чеккада туради. Ғазаб ва ҳаяжон
билан Ш о ҳ и с т а н и н г сўзларини тинглайди.

Кўнгли тоза, хуштабиат,
Қиз боладай мулойим...

Т у р с у н

(Ғазабли)

Энди билдим, Қамбарали
Урган экан жигардан!

Шоҳиста ялт бурилиб орқасига қарайди. Турсуналини кўриб,
қаттиқ ҳаяжонга тушади.

Ш о ҳ и с т а

Турсунали!

Т у р с у н

Яқинлашма!

Ш о ҳ и с т а

Бу қандай гап?

Т у р с у н

Бевафо!

Шоҳиста қўлини юзига босиб йиғлайди. Турсунали даргазаб.

Ш о ҳ и с т а

Шўрим қурсин...

Т у р с у н

Йиғи билан,
Мени алдай олмайсан!
Шунинг учун тунов куни
Кўпчиликнинг олдида,
Уни мақтаб, обрўйимни
Ерга тўккан экансан!

Ш о ҳ и с т а

Бўҳтон!

Т у р с у н

Бўҳтон?!

Ш о ҳ и с т а

У куни сен
Ноҳақ эдинг.

Т у р с у н

Шундайми?

Ш о ҳ и с т а

Шундай!

Т у р с у н

У-чи?

Ш о ҳ и с т а

У ҳақ эди.

Т у р с у н

Эҳ, Шоҳиста, Шоҳиста!

(Куйлайди.)

Энди билдим, бизга берган ваъдалар ёлғон экан,
Кўнглингизни ўзгалар ўз кўнглига солган экан.

Ш о ҳ и с т а

(куйлайди)

Қилма ишқимни ҳақорат, аҳду паймонимда мен,
Сен фақат дил боғида, Қонимда сен, жонимда сен.

Т у р с у н

Ер экансан билмадим, дилдор экансан билмадим,
Кашмири тилинг билан, алдар экансан билмадим.

Ш о ҳ и с т а

Алдасам, қилсам хиёнат, майли қирқилсин тилим,
Қийнама, жонимга раҳм эт, куйди, ўртанди дилим.

Т у р с у н

Кўрмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини,
Кўрсам эрди, босмас эрдим, тортмас эрдим жабрини.

Ш о ҳ и с т а

Қийнама рашк ўти бирла, асра офатдан мени,
Асра ҳижрондин, халос этгил ҳалокатдан мени.

Т у р с у н

Ендошма, қоч!

Ш о ҳ и с т а

Турсунали!

Т у р с у н

Юзи қора, бевафол

Ш о ҳ и с т а

Бевафолик қилиб ахир,
Нима қилдим?

Т у р с у н

Нимага

Қамбар билан хилват жойда
Шилқиллашиб ўтирдинг?

Ш о ҳ и с т а

Қамбарали ҳозир келди...

Т у р с у н

Елғон айтма!

Ш о ҳ и с т а

Рост! Инон!

Т у р с у н

Хўш, нимага индамасдан
Ола қолдинг гул берса?

Ш о ҳ и с т а

Гул олишлик айб эмас-ку?

Т у р с у н

Бегона йигитдан-а?!

Ш о ҳ и с т а

Нима учун Қамбарали
Бўлар экан бегона?
Бир колхознинг боласимиз...

Т у р с у н

Менга энди аён бўлди:
Қамбар сенинг хушторинг!

Ш о ҳ и с т а

(ҳаяжонда)

Турсунали, ўйлаб гапир!

Т у р с у н

Гапим тўғри!

Ш о ҳ и с т а

Оҳ, сенга,
Қандай қилиб тушунтирай...

Т у р с у н

Тушунмайман!

Ш о ҳ и с т а

(ғамгин)

Хўп, майли...
Майли энди кўп қийнама
Ўзингни ҳам мени ҳам.
Мен ёмонман, сен яхшисан.
Мен қораман, сен оқсан.
Қутулдимми? Мени унут!

Бундан бу ёқ номимни
Тилга олма!.. Хайр, майли
Пешонамдан кўраман...

Шоҳиста ғамгин, оғир босиб чиқиб кетади. Турсун лол, ҳайрон.
Музыка янграйди. Булбул сайрайди. Узоқ-яқиндан, кулишиб, шивирлашиб, пар-пар бўлишиб қиз-йигитлар, севишганлар ўтишадди. Турсун уларни сезмайди, у ўз ўйи билан банд. Бир оздан сўнг мунгли ашула бошлайди.

Турсун

Ташлаб кетди қаламқошим.
Тилда нола, кўзда ёшим.
Нима қилай қотти бошим.
Севар ёримдин айрилдим,
Гулузоримдин айрилдим.

Дўстлар, кўринг рангим сомон.
Хабар олинг ҳолим ёмон.
Дилни ҳижрон ўртар ҳамон.
Севар ёримдин айрилдим,
Гулузоримдин айрилдим.

Булбул каби наво айланг,
Ҳожатимни раво айланг,
Дардларимга даво айланг.

Гўзал ёримдин айрилдим,
Гулузоримдин айрилдим.

Музыка янграйди. Бир оздан сўнг, ҳар галгидай хиргойи қилиб чаккасида гул, хурсанд Ғани киради.

Ғани

Сен менга мос, мен сенга мос.
Ёлғиз сени севдим холос.
Ёлғон айтсам қоқилиб кетай.
Ишқ ўтида ёқилиб кетай,
Ишонавергил! Ишонавер!

Турсунни кўриб тўхтайди.

Э, қаёқларда юрибсан, оғайни? Сени ахтара бериб оёқларим қавариб кетди-ку?

Т у р с у н. Мени тинч қўйинглар, дедим-ку!

Ғ а н и (*Турсуннинг авзойига зеҳн солиб*). Тобинг қочдими, ранги рўйинг латтадек оқариб кетибди!

Т у р с у н. Менинг учун ташвиш тортмай қўя қол!

Ғ а н и. Ия, дўстинг бўламану ташвиш тортмайманми?

Т у р с у н. Менинг дўстим йўқ... Ҳеч кимим йўқ...

Ғ а н и. Бекор айтибсан! Ҳамма сенга дўст! Нимаики десалар, азбаройи дўстликдан. Ужарликни қўй, оғайни, менга ўхшаб пешанани танғиб ишга туш! Биз ноҳақ. Улар ҳақ!

Т у р с у н. Ишламайман.

Ғ а н и. Шунча нозу фироқ етар, оғайни. Менинг илтимосимга ҳам бир уна! Сенинг жўнингдан дакки ей бериб каллам шишиб кетди. Турсунни ёмон йўлга бошлаган сен, энди ўзинг қайтар, деб дўппослаша бериб қовурғаларимни қайиштириб юборишди.

Т у р с у н. Мени тинч қўй, дедим-ку, елим! (*Кета бошлайди.*)

Ғ а н и. Оқибати ёмон бўлади!

Т у р с у н. Нима бўлса бўлиб ётар, менга бари бир. (*Кетади.*)

Ғ а н и. Менга қара!

Орқасидан чиқиб кетади. Бир оздан сўнг ёнма-ён босиб Қ а м б а р билан С а р в и киради.

Қ а м б а р. Бўлак жавоб берармикансиз деб, юрагим така-пука эди.

С а р в и (*кулади*). Энди кўнглингиз жойига тушдими?

Қ а м б а р. Жойига тушди.

С а р в и. Севасизми?

Қ а м б а р. Умрбод!

С а р в и. Алдамайсизми?

Қ а м б а р. Ҳеч қачон!

Утиб кетишади. Бир оздан сўнг Қ о б и л киради. Ариқ бўйига ўтириб ювинади, артинади, ўз-ўзича хиргойи қилади.

Қ о б и л

Юзлари ойдаккина,
Сўзлари мойдаккина.

Офати жоним ўшал,
Шавкату шоним ўшал.

Утирса-чи ёнимда.
Ишқи кезар қонимда,
Офати жоним ўшал,
Шавкату шоним ўшал.

Ошиқи беқарорман,
Йўлида интизорман.

Офати жоним ўшал.
Шавкату шоним ўшал.

Ғани қайтиб киради. Тўхтаб Қобилнинг ашуласига қулоқ
солади.

Ғани. Ия, туппа-тузук ашула айтар экансиз-ку, Қобил ака?

Қобил. Зўр келгандан кейин ашула ҳам айтамиз-да...

Ғани. Нима, сиз ҳам ошиқи беқарор бўлиб қолдингизми?

Қобил. Ҳа, муҳаббатни фақат ёшларга чиқарган деб ўйлаганмидинг?

Ғани. Э, бўлмаса, қамиш билан бел боғлаб, хизматда бўлайлик, отахон!

Қобил. Отагинанг айлансин, Ғанижон, айтсанг-айтмасанг тўй сенсиз бўлмайди...

Ғани. Э, бўлди, қани айтинг, жигарингиздан урган қайси момоқаймоқ?

Қобил. Хўш... Чунончи... Қўй, кейинроқ айтарман, ҳозир қисталанг қилма!

Ғани. Э, бу ишда қисталанг қилмасангиз кеч қола-сиз! Мана мендан ўрناق олинг! Мен қисталанг қилиб юриб, ахири Кароматхонни ўзимга ром қилиб олдим.

Қобил. Кароматхонни ром қилган бошқа нарса, тузалишинг, ишга берилиб кетишинг бўлди, жигар.

Ғани (керилиб). Ҳа, буёғи ҳам бор албатта!

Қобил. Ҳайтовур ошиқ-маъшуқнинг тезроқ мудоага етмоғи яхши.

Ғани. Маъшуқанинг номини айтинг, сизни ҳам тезроқ мудоага етказиб қўяй!

Қобил. Кейинроқ... Аввал ўзи билан гапни пишитиб олай...

Ғ а н и. Гап ҳали пишмаганми?

Қ о б и л. Ҳали хомроқ...

Ғ а н и. Э-ҳа, ҳолва деб оғзимни чучитиб юрибман денг!
Иш ҳалигача пишмаган бўлса, энди икки дунёда ҳам пиш-
майди!

Қ о б и л. Э, ваҳима қилма! Ахир шоир: «Боғ аро бул-
бул боласи хушнаво кам-кам бўлур», деган...

К а р о м а т киради.

Ана, Кароматхон ҳам келдилар.

К а р о м а т. Хўш, Турсунни топдингми? Гаплаш-
дингми?

Ғ а н и. Гаплашдим... Унамайди.

Қ о б и л

Э, аттанг, ўзига-ўзи қилаётибди.

Турсунали ишлаган иш

Бари чала, бари хом.

Қайта бошдан қараб чиқдим,

Ҳаммасини тузатдим.

Айт-чи, қизим, қачонгача

Бу кўргулик, бу азоб.

Қачонгача бир юмушни

Икки қайта қиламиз?

Бу аҳволда кузга бориб

Шармандамиз чиқади!

К а р о м а т

(ғазаб билан)

Сабр қилдик, энди бўлди

Эвенодан ҳайдашдан

Бўлак чора қолгани йўқ!..

Ғ а н и

Улдирмоқчисизларми?

К а р о м а т

Емон йўлга солиб қўйиб
Энди ачинасанми?

Ғ а н и

Нима қилай сўзларимга
Сира қулоқ солмаса!

К а р о м а т

Аввал қандай қилган эдинг
Емон йўлга солганда?

Қ о б и л

Ғанижонни кўп койима
Энди унинг айби йўқ...

Ғ а н и

Ҳа, бормисиз, Қобил ака!

К а р о м а т

Ҳа, бўлмаса индамасдан
Кўя бериш керакми?
Унинг нозу фироқига
Қачонгача чидаймиз?
Комсомолдан ўчирамиз!

Ғ а н и

Ахир, Турсун аканг-ку!

К а р о м а т

Ака бўлса дуруст бўлсин!
Бизни уялтирмасин!

Қ о б и л

Хўп, мен борай, яна бир оз
Чаласи бор ишимнинг...

Қ о б и л кетади.

Ғ а н и

(мулойим)

Кароматхон...

К а р о м а т

(ҳамон ғавабда)

Нима дейсан?

Ғ а н и

Қара, қандоқ ойдин кеча...

К а р о м а т

Узим кўриб турибман...

Ғ а н и

Ахир, бир оз булбулларнинг
Қўшиғига қулоқ сол.

К а р о м а т

Юрагим гаш... Ҳеч бир қарса
Қулоғимга ёқмайди.

Ғ а н и

Ташвишларни бир оз унут,
Икки оғиз севгидан...

К а р о м а т

Муҳаббатни чақич қилиб
Чайнай бериш яхшимас!..

Ғ а н и

Хўп, унадим, фақат айт-чи,
Тўйни қачон қиламиз?

К а р о м а т

(кулади)

Мен холамдай, сен Қобилдай
Бўлганигда! Бўлдимми?

Ғ а н и

Э, жонидан, ҳазиллашма!

К а р о м а т

Ахир, кузда дедим-ку!

Ғани эриб қулоч ёвади.

Ғ а н и

Кароматхон!

К а р о м а т

(Ғанининг кўкрагидан аста итариб)

Кўп талтайманг!

(Куйлайди.)

Халқ учун жон бирла хизмат қилмаган инсон эмас,
Ўлкамиз ишқида тун-кун куймаган жон жон эмас.

Сайр этиб бўстонни булбул билмаса гул қадрини,
Беҳаё юзи қародир, лойиқи бўстон эмас.

Севги дилнинг гавҳари, гавҳарни исроф этса дил,
Кўҳна бир вайронадир, ишқ гавҳарига кон эмас.

Севги истар: ҳам мурувват, ҳам садоқат, ҳам сабот,
Севги гулзорини сайр этмоқ иши осон эмас.

Ғ а н и

(куйлайди)

Қошингни қорасига,
Хол бўлай орасига.

Асло раҳминг келмайди,
Бировнинг боласига.

К а р о м а т

(куйлайди)

Булбул қайда сайрайди?
Гулзоримда, боғимда.
Кўнглим гулдай яйрайди,
Сени кўрган чоғимда.

Ғ а н и

Қошинг асли қорадир,
Ўсма қўйганинг ёлғон.
Сенинг учун мен куйган,
Сени куйганинг ёлғон.

К а р о м а т

Шубҳа солма ўйингга,
Қурбон бўлай бўйингга.
Кузда план тўлганда,
Тўй қўшилар тўйингга.

Жамолнинг овозини эшитиб, Ғани билан Каромат ўзларини
панага оладилар. Жамол гапирганича киради.

Ж а м о л

Қандоқ қилай! Қандоқ қилай,
Уйқу қочди кўзимдан.
Кўргим келди, ичим ёниб,
Ётолмадим ўрнимда.

Каромат билан Ғани кулади.

К а р о м а т

Нима бало, Жамол опа,
Юрак қўлдан кетдимиз?

Ж а м о л

(ҳазиллашади)

Сизда бор ишқ менда йўқми?

К а р о м а т

Ким у, урган жигардан?

Ж а м о л

(куйлайди)

Кўйлаги кўк шоҳидан,
Кумуш жиға бошида,
Минг айланиб-ўргилиб,
Кетолмайман қошидан.

К а р о м а т

Ким экан у?

Ж а м о л

Пахтахон!

Ғани билан Каромат шарақлаб кулишади.

Пахтахонга кўнгил берсам,
Арзир, пахта давлатим.
Пахта менга чирой бўлди,
Пахта бўлди савлатим.
Қаранг, қандай товланади,
Шабодада селкиллаб.
Жонивор бирам чиройлики,
Шайдо қилар ҳуснига.

Каромат билан Ғани кулади. Жамол куйлайди.

Савлатим, қудратим, жонимсан пахта
Омборлар лиқ тўлган донимсан пахта.
Кийган либосимсан, нонимсан пахта.

Туганмас бойлигим, конимсан пахта.
Давлатим, шавкатим, шонимсан пахта.

Сен билан юзим оқ, топдим шараф-шон,
Сен билан кўксимда ярқирар нишон.
Сен билан турмушим бўлди фаровон,
Туганмас бойлигим, конимсан пахта.
Давлатим, шавкатим, шонимсан пахта.

Сен билан водийлар касб этди жамол,
Сен билан ўлкамиз бўлди баркамол.
Тилларда дostonсан, элларда мақол,
Туганмас бойлигим, конимсан пахта,
Давлатим, шавкатим, шонимсан пахта!

Каромат билан Фани жўр бўлади. Қамбар билан Сарви
киради.

Фани

(Қамбарга)

Турсунжонни кўрмадингми?

Қамбар

(кулади)

Яна район шекилли?

Фани

Э, бўлди-да, қачонгача
Ахир, таъна қиласан?

Қамбар

Дуруст, дуруст, пича ақл
Кирай дебди, тамбалга.

Фани

Тилинга сал эҳтиёт бўл,
Қисқартириб қўяман.

Қ а м б а р

Ҳазиллашиб бўлмайдимиз?

Ғ а н и

Ҳазилнинг ҳам ўрни бор.
Дейиб қўй, бундан кейин
Тамбал деса кимда-ким,
Иши чатоқ... кейин мендан
Хафа бўлиб юрмасин!

Қ а м б а р

Агар гапинг тўғри бўлса...

Ғ а н и

Ёлғони йўқ гапимнинг,
Энди мендан иш сўранглар,
Иш сўранглар, фақат иш!
Мана энди синашамиз,
Ким тамбалу ким чаққон!

Қ а м б а р

Ана бу гап марднинг гапи!

С а р в и

Табриклаймиз, Ғанижон.

Ж а м о л

Кўз тегмасин, ҳозир тузук,
Айнимаса бўлгани.

Ғ а н и

Бундан буёқ айнинаман,
Хотиржам бўл, онажон.

Ж а м о л

Барака топ, ҳамма хурсанд
Қўшақари ҳамманг ҳам.

Ешлар кулишади. Жамол хурсанд.

Ғ а н и. Айтгандай, янги гапдан хабарларинг борми?
Қ а м б а р. Хўш?
Ғ а н и (кулади). Қобил ака ошиқ бўлиб қолибди.

Ҳамма кулади. Жамол безовта.

Ж а м о л. Вой шўрим...
К а р о м а т (кулади). Ростданми?
С а р в и (кулади). Жазманлари ким экан?
Ғ а н и. Айтмади.
Ж а м о л (енгил тортади). Ҳа, хайрият!
Ғ а н и. Аммо бари бир биламиз. (Жамолга.) Сиз бил-
майсиэми?
Ж а м о л (қўрқади). Нимани?
Ғ а н и. Қобил аканинг маъшуқаси ким?
Ж а м о л. Мен қаёқдан билай, болам? У киши менга
сири асрорини айтармиди?
С а р в и (кулади). Яна Қобил акамнинг жазмани ўз-
нгиз бўлиб юрманг?

Кулги.

Ж а м о л (ҳаяжонда). Вой, нега унақа дейсиз, Сарви-
хон, нима, мен эсимни ебманми? Бизда муҳаббат нима қил-
син? Нимаики бўлса ёшликда ўтиб кетган! Энди навбат
сизларники, қоқиндиқлар!

С а р в и

(кулиб, ҳазил қилиб)

Шафтолининг шохини
Эгиб олманг, Жамолхон.
Ака-ука деб юриб
Тегиб олманг, Жамолхон.

Кулги.

Жамол. Ҳой, Сарвихон, яна ўйиндан ўқ чиқариб юрма!

Узоқдан Қобилнинг ашуласини эшитилади. Ҳамма қулоқ солади.

Қобил
(узоқдан)

Юзлари ойдаккина,
Сўзлари мойдаккина,
Офати жоним ўшал,
Шавкату шоним ўшал.

Ғани. Ана, ошиқи беқарор келаётибдилар! Ҳозир гапга соламиз! Сирини биламиз!

Жамол (ҳаяжонда). Болам, отанг тенги одам билан ҳазиллашгани уялмайсанми! Боринглар, ўйланглар, дарё бўйини айланинглар! Қаранглар, қандоқ чиройли ойдин кеча, нах одамнинг ҳаваси келади! Бора қолинглар, қоқиндиқлар.

Каромат. Рост, юринглар, дарё ёқасини айланамиз!

Кетишади. Жамол бўшашиб ерга ўтиради, терини артади.
Ашулани давом эттириб Қобил киради.

Қобил

Ошиқи беқарорман,
Йўлида интизорман,
Офати жоним ўшал,
Шавкату шоним ўшал.

Жамол (энсаси қотиб). Ҳой, ошиқи беқарор, секин, битта-яримта эшита кўрмасин!

Қобил. Оҳ, маликам, шу ердамисиз?

Жамол. Вой, мени нега малика дейсиз, отим Ойжамол-ку! Нима, ошиқ бўлдим деб, номимни унутиб қўйдингизми?

Қобил
(куйлайди)

Ойжамолим, ой Жамол!
Латофатга бой Жамол!

Ишқингда беқарорман.
Васлингга интизорман.

Ж а м о л

(куйлайди)

Беҳуда уринманг,
Кучингиз етмайди, почча.
Жамолнинг кўнгли тошдан,
Тишингиз ўтмайди, почча.

Қ о б и л

Тишлайдиган тишим йўқ,
Тишим билан ишим йўқ,
Таллагоним ўзингсан,
Сендан бўлак кишим йўқ.

Ж а м о л

Айтдим-ку, ишқингизни
Қилманг менга ҳавола.
Бўлак савдони ўйланг,
Чеккунча оҳу нола!

Қ о б и л

Ишқинг майидин ичсам,
Улгунча қона-қона.
Бўлмай адо, Жамолхон,
Ҳажрингда ёна-ёна.

Ж а м о л. Нимага ишқингизни ҳаммага достон қилиб
юрибсиз?

Қ о б и л. Ҳаммага эмас, ўғлимга айтдим, хо-
лос!

Ж а м о л (ҳайрон). Уғлимга? Уғлингиз ким?

Қ о б и л (кулиб). Ким бўлар эди. Ганижон-да.

Ж а м о л. Вой товба, қачондан бери Ганижон сизга
ўғил бўлиб қолди?

Қ о б и л. Сенга ишқим тушгандан бери...

Ж а м о л. Вой ўлмасам!

Қобил. Ҳа, энди Ғанижон бориб-бориб иккаламизга ҳам ўғил бўлади-да!

Жамол. Хомтама бўлманг, дадаси!

Қобил (жонланиб). Дадаси дедингизми?

Жамол. Қочиримга тушунмас экансиз-да!

Қобил. Ақлу ҳушимни олиб қўйганингдан бери, унча-мунча қочиримга тушунмайдиган бўлиб қолганман, фа-риштам.

Жамол. Бўлди, кўп хушомад қила берманг. Агар яна битта хушомад қилсангиз, нах устингиздан парткомга ариза бераман!

Қобил. Кошки эди!

Жамол (ҳайрон). Вой нега?

Қобил. Ҳамдамжон тушунадиган, аҳли дард, киши-ларнинг ҳожатини чиқариб юрадиган одам, дардимизни биларди-ю, дарров бошимизни қўшиб қўяр эди...

Жамол. Мен рози бўлмасам ҳам-а?!

Қобил. Бўлмаса ҳар кун кўча-кўйда, ишқингда ёр-ёр айтиб, чирманда чалиб, рақс тушиб юрадиган бўп қола-ман...

Жамол (кулади). Ўлсин жиннига...

Қобил. Майли, сирри-пинҳонимиз элга ошкор бўл-син!

Жамол (жиддий). Ҳазил десам ростга ўхшайди-ю!

Қобил. Севги бобида ҳазиллашиб бўладими?

Жамол (қўрқди). Мени шарманда қилмоқчимисиз?

Қобил. Кўчага чиқиб дод дейишдан бўлак иложим қолмади, Жамолхон.

Жамол. Бошимга мушкул савдо солиб қўйдингиз-ку! Уҳҳ... Муҳаббат деганлари ҳам бор бўлсин...

Ташқаридан раиснинг овози эшитилади. Қобил билан Жамол судбатдан тўхтаб, қулоқ солишади.

Тешабой (ташқаридан). Бундан ортиқ чидаш мум-кин эмас! Бўлди!

Раис, Ҳамдам, Тоштемирлар киради.

Мана, Қобил ака айтсин!

Қобил. Турсун жўниданми?

Тешабой. Ҳа.

Қобил. Эпақага келадиган эмас.

Тешабой. Ана! Кўпчиликнинг фикри шу! Тоште-

мир, бор, ернинг тагига кириб кетган бўлса ҳам ахтариб топ, дарҳол ҳузуримга келтир! Мен у билан узил-кесил гаплашмоқчиман!

Тош темир. Хўп! (Кетади.)

Ҳамдам. Оғир бўлинг, раис, ҳиссиётга берилиш ярамайди.

Тешабой (тутақиб). Ахир қандоқ қилиб ҳиссиётга берилмай?! Бу бола туфайли ҳаётимдан ҳузур, уйқумдан ҳаловат йўқолса! Кўрингандан таъна эшитсам! Кўчада бош кўтариб юролмасам!

Ҳамдам. Ахир Турсун ўғри, каззоб эмас-ку! Душман ҳам эмас-ку!

Тешабой. Турсун қилган ишни душман ҳам қилмайди!

Ҳамдам. Унчалик эмас, ошириб юборманг!

Тешабой. Нима, тегма, индама демоқчимисиз?

Ҳамдам. Йўқ, индаш керак, тартибга чақириш керак. Аммо ётиги билан! Сизга ўхшаб, уйдан ҳайдаб юбориш билан эмас!

Тешабой. Ҳа, уйдан ҳайдадим! Ҳали бу оз! Колхоздан ҳам ҳайдаш керак!

Ҳамдам. Ошиқманг, раис.

Тешабой. Ахир отани ҳурмат қилмаганда ҳам халқни ҳурмат қилиши лозим эди-ку! Нима учун кўпчиликнинг юзига оёқ босади, бу нонкўр! Э, ундай боланинг боридан йўғи!

Ҳамдам. Тушунтириш керак!

Қобил. Тушунгиси йўғ-да, Ҳамдамжон! Тушунса шу чоққа довур тушунмасмиди? Дуруст, чунончи, уни колхоздан ҳайдаш тўғри бўлмасу, лекин қаттиқроқ чора кўриш зарур! Бу аҳволда қолдириб бўлмайди.

Тешабой. Ахир, биласиз-ку, Турсун туфайли колхозчилар безовта, ташвишда! Унинг касри бўлакларга ҳам тегаётибди. Колхозда интизом бўшашиб кетди. Бировга бир нарса десам, аввал эркатойингизни ишга солиб олинг, кейин бизга гапиринг, дейди! Улар ҳақ! Битта Турсунни деб кўпчиликнинг дилини сиёҳ қилишга виждоним чидамайди! Агар иш шу тахлитда борадиган бўлса, райкомнинг бюросига ҳам тушамиз!

Ҳамдам. Бир мартаба бюрога тушишимиз турган гап! Турсуннинг шу аҳволга тушиб қолишига ҳаммадан кўпроқ сиз билан биз айбдормиз! Қарамасангиз, покиза ерни ҳам ёввойи ўт босади.

Т е ш а б о й. Ўтга ўт қўйиш керак, токи ер тозалансин!

Ҳ а м д а м. Ахир, бир туп ғўза шикастланса, атрофида парвона бўламиз; кўзимизнинг оқу қорасидек авайлаб парвариш қиламиз; нимаики чора кўриш лозим бўлса ҳаммасини кўрамиз; ғўза ўнгламагунча, вояга етмагунча тинмай жонбозлик кўрсатамиз! Хўш, нима учун бутун бошлиқ бир одамнинг тақдирига бунчалик енгил ва бепарво қарашимиз керак? Ахир Турсунжоннинг қадри қиммати бир туп ғўзача ҳам йўқми?

Ранс жим, чуқур ўйда.

Ж а м о л (ўпкаси тўлади). Рост айтасиз, Ҳамдамжон! Рост, укам бечора бекорга нобуд бўлиб кетмасин! Уйлаб иш қилинглар! (Чиқиб кетади.)

Т е ш а б о й (ҳовридан тушади). Нима қил дейсизлар!

Ҳ а м д а м. Сабр қилиш керак! Чидамли бўлиш лозим. У енгиллик қилса, биз оғир бўлайлик. У дағаллик қилса, биз мулойим бўлайлик.

Қ о б и л. Унда тамом бошимизга чиқиб олади-ку!

Ҳ а м д а м. Янглишасиз, Қобил ака. Турсун ҳеч нарсага тушунмайди, ҳеч қандай муомилага кўнмайди, деб ўйлаш хато! У ҳам инсон. У ҳам муомилани билади. Аммо муоилага қила билиш керак!

Т е ш а б о й. Ҳа, нега шу чоққача, ўша биз билмайдиган муомилангизни қилиб, тузатмадингиз?

Ҳ а м д а м. Агар сизлар аралашмаганларингизда, аллақачон тузалган бўлар эди.

Т е ш а б о й. Ўғлим бўлади-ю, қандоқ қилиб аралашмайман?!

Ҳ а м д а м. Ҳа, бале! Бирингиз ўғлим деб, бирингиз акам деб, бирингиз қариндошим деб, бирингиз ўртоғим деб, яна бирингиз севганим деб, аралашдингиз. Ва ҳар сафар мен ишни зўрга тўғрилаганимда бузиб келдингиз. Ахир Турсунга ҳам осон эмас. Уни нари бориб, бери олиб келдик. У ҳам қаттиқ изтиробда. Қалби яраланган. Ахир биз яраланган қалбга малҳам қўйиш ўрнига ҳадеб талалай берсак, тузалармиди? Ҳар кимнинг ўзига яраша муоилага қила билиш керак. Биров ундоқ, биров бундоқ. Биров қаттиқ гапни хоҳлайди, биров юмшоқ гапни. Биров иссиққа кўнади, биров совуққа!

Ранс жим, ўйда.

Қобил. Бир ҳисобдан бу гапингиз ҳам тўғри, Ҳамдамжон. Уйлаб қарасам, чунончи, гапингизнинг жони бор кўринади. Дарҳақиқат, баъзан ҳаммамиз ҳам ўлгудек тезлик қиламиз. Шу, чунончи, муомила вақтида оғир бўлайлик деб яхши ният қиламизу нарироқ бориб унутиб қўямиз, бўлар-бўлмасга повиллаб ёниб кетамиз, пишиб турган ишни бузиб юборамиз...

Турсунни бошлаб, Тоштемир киради.

Тоштемир. Мана, топиб келдим! Унамай зўрга келди.

Турсун жим, гапгин, боши қуйи солинган. Оғир жимлик..
Ҳаммамнинг кўзи Турсунда.

Тешабой (ўзини ушлашга ҳаракат қилади). Қаерларда юрибсан?

Турсун (кўзини ердан олмай). Тўғри келган ерда...

Тешабой. Тўғри жавоб бер!

Турсун. Тўғриси шу, отажон, уйдан ҳайдаганингиздан бери тўрт томоним қибла. Бошим қаёққа оғса, ўша ёққа қараб йўл соламан... Касофатим тегмасин деб одамлардан узоқроқ юрибман. Гоҳ далада... Гоҳ дарё бўйида, гоҳ гўза ёқасида...

Тешабой. Пичинг қилмай гапир!

Турсун. Пичинг қилишга фаросатим етармиди, отажон?

Тешабой (бегоқат). Иш қалай? Иш?

Турсун. Ҳоли қудратимга яраша қимирлаб турибман... Қобил акамнинг айтишларига қараганда, ишимнинг мазаси йўқ эмиш.

Қобил. Ўзингни гўлликка солма!

Турсун. Йўқ, рост! Ахир сиздек, қилни қирқ ёрадиган донишманд, тажрибакорнинг сўзига шак келтириб бўладими?

Қобил (тутақиб). Йўқ, бу одам билан гаплашиш мумкин эмас!

Турсун. Кошки, менга ҳам яхши бўлар эди...

Тоштемир. Ука, отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан-а. Бунча димоғ қилмасанг!

Турсун. Димоғ қилаётганим йўқ, ўртоқ бригадир. Димоғ қаёқда-ю, мен қаёқда. Қанотимни қайириб, бўйним-

ни букиб қўйдиларинг-ку, димоғ қиладиган жойим қолди-ми! Мен пуф деса учиб кетадиган бир хасман...

Тешабой (чидамасдан). Бас! Бўлди! Кўп бидиллама!

Турсун. Хўп, отажон, мана бидилламадим.

Оғир жимлик.

Ҳамдам. Нега бундоқ қиласан, Турсунали? Ҳамма билиб турибдики, гапларинг бошдан-оёқ қочирим, гина-ку-дурат! Биз сенга нима ёмонлик қилдик! Сени нотўғри йўлдан қайтариб гуноҳ қилдикми?

Турсун (оғир). Сиздан гинам йўқ, Ҳамдам ака.

Ҳамдам. Мен кўпчиликнинг гапини айтиб турибман. Модомики, мендан гинанг йўқ экан, бошқалардан гина қилишга ҳам ҳаққинг йўқ.

Каромат, Ғани, Сарви, Шоҳиста ва Қамбаралиларни бошлаб Жамол киради. Аста-секин колхозчилар тўплана бошлайди. Ҳамма жим, гапга қулоқ солади.

Турсун. Тўғри айтасиз, ҳаққим йўқ... Ҳеч нарсага ҳаққим йўқ... Ҳеч кимга ҳаддим сиғмайди.

Тоштемир. Илгари бунақа эмас эдинг-ку?

Турсун. Илгариги замонлар ўтиб кетган.

Тешабой (тутақиб). Тўғри жавоб берасанми, йўқми?!

Турсун. Эгри жавоб берганим йўқ, отажон. Узларинг тўғри тушунишга ҳаракат қилсаларинг бас...

Тешабой. Жим, беадаб!

Ҳамдам (секин). Оғир бўлинг, раис.

Тешабой. Муддаонг нима?

Турсун. Ҳеч қандай муддаом йўқ... Мени тинч қўйсаларинг бўлгани...

Тешабой. Ҳаммани ташвишга солиб қўйиб, энди тинч қўй дейсанми?

Турсун. Бўлмаса колхоздан кета қолай, ҳамма ташвишдан қутулади...

Тешабой (дарғазаб). Йўқол, жувонмарг! Кўзимга кўринма!

Турсун. Ҳайдасангиз, ҳайдамасангиз колхоздан кетишга қарор қилиб қўйганман. Битта тирикчилик бўлса ҳамма ерда ҳам ўта беради... Ҳаммоллик қилсам ҳам ку-

нимни кўраман. Оч қорним — тинч қулогим. (Тез чиқиб кетади.)

Шоҳиста йиғлайди, қолганлар лол.

Каромат. Ака! (Турсуннинг орқасидан бормоқчи бўлади.)

Тешабой. Борма! Ялинма! Юзи қурсин!

Каромат тўхтайтиди.

Ҳамдам. Йўқ, бориш керак! Уни ҳалокатдан қутқариш керак!

Турсуннинг орқасидан кетади. Каромат, Шоҳиста, Ғани
Ҳамдамга эргашади. Қолганлар лол. Раиснинг боши қуйида, у
ғамгин. Мунглин музика янграйди.

Парда

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Озода, безатилган, чиройли бригада шийпони. Шийпонга гиламлар солинган, стол-стуллар қўйилган, ҳар хил шиорлар, плакатлар осилган. Кўзни қамаштиргудек порлаб электр чироқлари ёнмоқда. Шийпон олдида чаман бўлиб очилиб ётган гулзор ҳавасни келтиради. Гулзор атрофида гилам, кўрпачалар тўшалган шиннам каравотлар. Олтин куз. Августнинг охирлари, пахталар ғарқ очилган. Узоқда оқариб дарё ва қорли тоғлар кўринади.

Колхозчилар эрта тонг билан биринчи теримга тушмоқдалар. Шу муносабат билан ҳаммада кўтаринки руҳ. Далага оқшом қоронғилиги тушиб келмоқда. Ҳар томондан ишни тамомлаб даладан қайтаётган колхозчиларнинг ашулалари эшитилиб туради. Музыка янграйди. Ошпаз аёл каравотларни супурмоқда. Юзларини артиб, хурсанд ҳолда Тоштемир киради.

Тоштемир. Ҳорманг, хола!

Ошпаз. Бор бўл. Узинг ҳорма, болам.

Тоштемир (каравотга ўтиради). Чой-пойингиз борми, хола. Юрагим куйиб кетди.

Ошпаз. Чой тайёр, болам. Ҳозир.

Ошпаз ташқарига чиқиб бир чойнак чой, пиёла олиб келиб, Тоштемирнинг олдига қўяди.

Тоштемир. Ҳа, раҳмат, кам бўлманг.

Ошпаз. Нон-пон ҳам берайми?

Тоштемир (чойдан ичади). Йўқ, раҳмат! Аммо лекин, чойни қойил қилиб дамлабсиз.

Ошпаз (мақтанади). Ҳа, чой дамлашда ҳам катга ҳикмат бор-да, холанг ўргулсин. Мана сенга битта мисол...

Тоштемир (кулади). Хўш, уни-буни қўйинг, катта самоварларга олов ташланганми?

Ошпаз. Ловиллаб турибди.

Тош темир. Қозонларга ўт ёқилганми?

Ошпаз. Гул-гул бўлиб ёнаётибди.

Тош темир. Масаллиқ қалай?

Ошпаз. Жойида, болам, жойида. Савзисидан тортиб зирасигача тахт.

Тош темир. Ками кўстингиз йўқми?

Ошпаз. Ҳаммаси нукаммал.

Тош темир. Ғўзаларни кўраётибсизми? Яхши очилбдими?

Ошпаз. Ғўза ғўза бўлиб бунақа очилган эмас, болам! Худди тўкиб қўйгандаг-а! Теримга шўтдан тушасиларми?

Тош темир. Йўқ, бу ер машина билан терилади. Биз этак томондан тушамиз.

Ошпаз. Хўп, болам, мен ўчоқ бошига борай, бирор нарса керак бўлса чақирарсан.

Тош темир. Хўп.

Ошпаз кетади. Тешабой киради.

Тош темир. Э, келинг, раис, қаёқларда юрибсиз, дарагингиз йўқ?

Тешабой. Далада юрибман. Икки кун бўлди, уйга ҳам борганим йўқ. Кеча кечаси ўнинчи бригаданинг шийпонида қолиб кетдим. Бугун эса олтинчи бригаданинг шийпонида ётиб қолдим, кетгани қўйишмади.

Тош темир (чоё узагади). Бўмаса, бугун бизнинг шийпонда қолар экансиз-да! Эртага эрталаб теримга шу ердан чиқамиз...

Тешабой. Хўп, фақат, уйга бир ўтиб келишим керак, кийимларимни ўзгартириб олай. Шу топда ҳам далада яёв айланиб келаётибман. Дала чиройли, одамлар хурсанд. Ғўзаларга қараб тўймайсан, одамларга эса ҳавасинг келади. Одамларнинг руҳи баланд, юзларидан табасум, ғозиларидан ашула аримайди, худди далада тўй бўлаётгандек.

Тош темир. Ҳа, ростдан ҳам эртага тўй-да, терим бошланади...

Тешабой. Далага қараб, одамларга қараб туриб кўзимга ёш келди... Қариликданмикан? Ё шодликданми?

Тош темир (кулади). Шодликдан, раис, шодликдан.

Тешабой. Ҳа, шундай... Шодликдан бўлса керак. Хўш, этак, қоп-қанор етарлими?

Тош темир. Етарли.

Тешабой. Тош-тарози? Улов? Машина?

Тоштемир. Ҳаммаси шай.

Тешабой. Терим машиналарининг Ҳаммаси келди-ми?

Тоштемир. Ҳаммаси келган.

Тешабой. Механик ҳайдовчилардан хабар олишиб туришганмикан?

Тоштемир. Хотиржам бўлинг, ками кўстлари йўқ, овқат, ётоқ, Ҳаммаси жойида.

Тешабой. Ҳамдамжон ҳали ҳам райондан қайтгани йўқми?

Тоштемир. Йўқ. Кеп қолар... Нима дейсиз, тоғ билан одамларга ош тортиб, карнай-сурнай билан теримга тушсак?

Тешабой (*хурсанд*). Жуда яхши бўлади!

Тоштемир. Тўйдек бўлсин дедик.

Тешабой. Ҳа, тўйдек бўлсин! Ахир биринчи терим билан ҳосил тўйи бошланади-да! Тўй!.. (*Хаёлчан*) Бу, Турсун қаёқларда юрган экан? Нега бундоқ қилади, а? Наҳотки шу чоққача доми дараксиз кетса?..

Тоштемир. Ҳадеб ташвиш торта берманг, кеп қолар...

Тешабой. Келса шу чоққача келар эди. Мени жуда ҳам қийнаб юборди, бу бола... (*Урнидан туради.*) Хўп, мен уйга бориб келай.

Тоштемир. Мен ҳам хирмон томонга ўтиб келаман.

Тешабой билан Тоштемир чиқиб кетади. Бир оздан сўнг Шоҳиста киради. У ғамгин, гулзордан гул узиб, каравотга келиб ўтиради.

Шоҳиста

(*ария бошлайди*)

Пора-пора бўлди дил, ёнимга дилдор келмади,
Кўргузиб аҳду вафо менга, вафодор келмади.

Қолдириб ҳижронда ўз ёрига озор айлаган,
Тенги йўқ, чексиз азоб берган дилозор келмади.

Майли, озор берса ҳам келсин дебон зор йиғладим,
Келмади, кўзим йўлида, севгили ёр келмади.

Шоҳиста ашуладан тўхтаб хаёл суради, музикада фарёд.
Сўнг музика шодлик куйига ўтади. Кулишиб Сарви билан
Каромат киради.

Сарви

(ҳазилни давом эттириб, ашула бошлайди)

Бизнинг Қамбар гоят содда,
Боқишлари фавқулодда,
Оқизмасдан, томизмасдан
Ҳар сўзимни сақлар ёдда.

Кулги.

Каромат

Бизнинг жазман доим хандон,
Арзир унга бўлсам қурбон,
Иккимиз хўп опоқ-чапоқ,
Уртамизга тушмас ҳижрон.

Кулги.

Шоҳиста

Ақлу ҳушни олган ёрим,
Дилга олов солган ёрим,
Айтинг, дўстлар, келармикин,
Узоқларда қолган ёрим?

Қизлар кулгидан тўхтаб, жиддий қиёфа оладилар.

Сарви

Хафа бўлманг, дугонажон,
Рангингизни қилманг сомон.
Уйнаб-кулинг, хурсанд бўлинг,
Келиб қолар эсон-омон.

Каромат

Кўп бўп қолди дараги йўқ,
Хабари йўқ ҳали ҳам.
Жигар экан, ўйлаганда
Ачишади юрагим.

С а р в и

Ундай бўлса, нега ахир,
Ранжитдингиз шўрликни?

К а р о м а т

Гуноҳини била туриб,
Жигарим деб, яширсак,
Халқ олдида бевурд бўлиб
Қолмасмидик, Сарвихон...
Гуноҳ қилди, жазоладик,
Бошқа чора йўқ эди.
Лекин жигар... эсга тушса,
Ачинаман, албатта...

С а р в и

Аммо раис, назаримда,
Ачинмайди шекилли.

К а р о м а т

Янглишасиз, қандай қилиб
Ачинмасин ўғлига?
Тўғри, отам одамларга
Билдирмайди сирини.
Аммо ўйлаб фарзандини,
Ич-ичидан ёнади.
Баъзан ўйлаб кечалари,
Ухлай олмай чиқади.

Ш о ҳ и с т а

Севамиз ҳам... Куямиз ҳам...
Уртоқ, қандай қилайлик?
Айтинг-айтинг, қайда бўлса
Омон бўлсин, соғ бўлсин...

Дала томондан Ж а м о л о п а келади.

С а р в и

(кулади)

Гўзаларнинг дийдорига
Тўйдингизми?

Ж а м о л

Ҳа, тўйдим.
Ана, энди маза қилиб
Дам олсам ҳам бўлади.

К а р о м а т

Келинг, бир оз, Жамол опа,
Суҳбатлашинг биз билан.

Ж а м о л

Бо, силарнинг суҳбатларинг,
Йигитларнинг жўнидан.
Ё ғийбати, ё мақтови,
Ё севгиси, ё рашки.

С а р в и

Сиз ҳам ёшлик чоғингизда,
Севиб бирор йигитни,
Кеча-кундуз хаёлида
Ёнгандирсиз ўт бўлиб?

Ж а м о л

Иложи йўқ... бўган, бўган
Қирчиллама вақтимда...

С а р в и

(кулиб)

Хўш, ҳозир-чи?

Ж а м о л (*хавотирда*). Ҳозир? Ҳозир нима бўпти?

С а р в и. Бўладигани бўп қопти-ку, айтайми?

Ж а м о л. Ҳа, нимани айтасан, ҳеч гап бўлмаса!

С а р в и (*кулади*). Ҳеч гап бўлмаса нега қизариб кет-
дингиз?

Ж а м о л (*гап тополмайди*). Ҳа, ука, гапинг қизаради-
ган гап-да!

Қизлар кулишади.

К а р о м а т. Қандоғ бұлганини ўзингиз айтиб бера қолинг.

Ж а м о л (ҳаяжонда). Бўлмаган гапни гапирманглар. Айб бўлади! (Гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб) Уҳҳ... Жоним-ей, мен ошхона томонга ўтиб келай...

С а р в и (Жамолнинг йўлини тўсиб). Аввал айтасиз, кейин кетасиз!

Ж а м о л. Тавба, бу қиз жинни-пинни бўлганми? Ҳа, нимани айтаман?

С а р в и. Қобил акам билан...

Нарёғини айтолмай кулиб юборади. Бошқалар ҳам кулади
Жамол бўшашиб каравотга ўтиради.

Ж а м о л. Вой шўрим... Ҳой, нима бало, ўз оғзи билан айтдимми?

С а р в и. Йўқ...

Ж а м о л. Бўмаса қаёқдан билдинг?

С а р в и (кулади). Нимани?

Ж а м о л (қўлга тушганини пайқаб). Ким билади, ўзинг алланималар деяпсан-ку?

Қизлар кулиб қотади.

С а р в и. Вой, Жамол опа-е, жуда ҳам муғомбир бўлиб-сиз.

Ж а м о л (ўрнидан туради). Бўлди, мени кўп калака қилаверманглар.

С а р в и. У кун ариқ бўйида гаплашиб турганларини ўз кўзим билан кўрганман. (Кули.) Энди яширмай қўя қолинг, тўй қачон?

Кули.

Ж а м о л. Вой тўйларинг бор бўлсин... Мен ўша Қобил акангизни товбасига таянтириб қўймасам... Шошмай турсин ҳали, ўша, янги чиққан Мажнун... (Учоқ боши томон кетади.)

Қизлар қотиб кулишадилар. Қ а м б а р билан Ғ а н и киради.

Ғ а н и

Ойимқизлар, соғинтириб
Қўймадикми ҳаяллаб?

К а р о м а т

Ҳа, ҳозироқ чап кўзимиз
Учиб турган эди-я!

Кулги.

Қ а м б а р

Мана биз ҳам учиб келдик
Булбул бўлиб гулзорга!

К а р о м а т

(ашула бошлайди)

Боғ айлана чий тутдик.

С а р в и

Келасиз деб кўз тутдик.

К а р о м а т

Кечикди деб сизларни,

С а р в и

Қон ила зардоб ютдик.

Кулги.

Ғ а н и

Эшик олди гул ҳовуз.

Қ а м б а р

Гул тергани келганмиз.

Ғ а н и

Гулни баҳона қилиб...

Қ а м б а р

Ер кўргани келганмиз.

Кулги.

Ташқаридан Қобилнинг ашуласи эшитилади.

Қ о б и л

(ташқаридан)

Юзлари ойдаккина,
Сўзлари мойдаккина,
Шавкату шоним ўшал.
Офати жоним ўшал.

С а р в и. Юринглар, бекиниб пойлаймиз, қани, нима бўлар экан?

Ғ а н и. Яхши эмас!

Қ а м б а р (Ғанининг қўлидан тортади). Э, ҳазил-да, юраверсанг-чи!

С а р в и. Қани, ўзларингни панага олинглар. Мен бо-риб Жамол опани чақирвораман.

С а р в и ўчоқ боши томон чопиб кетади. Бошқалар ўзларини панага олади. Ашуласини давом эттириб, хурсанд ҳолда Қ о б и л киради.
Гул узиб чаккасига тақади.

Қ о б и л

Лоақал бир боқмади,
Қошларини қоқмади.
Шавкату шоним ўзи,
Роҳати жоним ўзи.

Қўлида бир чойнак чой ва пиёла кўтариб Ж а м о л киради.

Ж а м о л. Раис қани?

Қ о б и л. Билмадим.

Ж а м о л. Чой олиб келсин деган экан-ку?

Қ о б и л. Ҳа, чой бўлса ўзимиз ҳам ича берамиз, қани обке!

Ж а м о л. Ҳмм, энди фаҳмладим, Сарви мени яна лақиллатибди. Ҳа, қизи тушмагур, шошмай тур! (Чойни ка-

равогга қўяди.) Мана, ича қолинг! (Атрофга қараб.) Шум-такалар қаёққа кетишди?

Қ о б и л (чойни қайтаради). Хавотир олма, бу ерда иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқ. Утир! Аммо лекин хирмонни ҳам худди ёғ тушса ялагундек қилиб қўйдим.

Ж а м о л. Хирмонни қўя туринг.

Қ о б и л (шошиб). Хўш, янги гап борми? Эшитаман! Қулоғим сизда!

Ж а м о л. Ишқимда оҳ уриб юрганингизни одамлар билиб қопти, сир ошкор бўлибди...

Қ о б и л. Ҳа, энди, Жамолхон, ойна этак билан ёпиб бўлмайди, деб айтувдим-ку!

Ж а м о л. Энди нима қилиш керак?

Қ о б и л. Дарҳол ЗАГСдан ўтиш керак!

Ж а м о л (чўчиб). Вой, эсингиз жойидами?

Қ о б и л. Ушандоқ қилсак маломатдан қутуламиз!

Ж а м о л. Вой, сиз рости билан уйланмоқчимисиз?

Қ о б и л. Ҳа, бўлмасам-чи?

Ж а м о л. Тушунасизми, ахир қанақа қилиб эрга тегаман? Шу ёшга кириб эрга теккунча эрга текканим яхши эмасми?

Қ о б и л. Ахир менга ҳам, чунончи, бундай раҳму шафқат қил-да, ишқингда оҳ уравериб, ўпкам тешилиб кетди-ку!

Ж а м о л. Ахир, ноинсоф, мени тинч қўясизми, йўқми? Ё қишлоқдан кўчиб кетайми?

Ғ а н и

(қуйлайди)

Сенга ишқим баён этдим,

Ёниб оҳиста-оҳиста.

Висолинг шарбатин ичсам

Қониб оҳиста-оҳиста!

Қ и з л а р, й и г и т л а р

(ташқаридан, худди акси садодек, секин)

Секин! Жим, жим! Секин! Жим, жим!

Секин! Оҳиста! Оҳиста!

Ж а м о л

Кўп ўтмай ишқ ўти дилда
Сўнар оҳиста-оҳиста.
Қачон ақли расо сўзга
Кўнар оҳиста-оҳиста?

Қ и з л а р, й и г и т л а р

(панадан бош чиқаришиб)

Секин! Жим, жим! Секин! Жим, жим!
Секин! Оҳиста! Оҳиста!

Қ о б и л

Қачон жонона гул юзни
Очар оҳиста-оҳиста?
Йўлимга, оҳ, қачон гуллар
Сочар оҳиста-оҳиста?

Й и г и т л а р, қ и з л а р

Секин! Жим, жим! Секин! Жим, жим!
Секин! Оҳиста! Оҳиста!

Ж а м о л

Етар қалбим ғазабларга
Тўлар оҳиста-оҳиста!
Бугун бир шўриши ғавғо
Бўлар оҳиста-оҳиста!

Қ и з л а р, й и г и т л а р

Секин! Жим, жим! Секин! Жим, жим!
Секин! Оҳиста! Оҳиста!

Қ о б и л

Дилингдан шубҳалар албат,
Кетар оҳиста-оҳиста.
Қулоғингга бориб додим
Етар оҳиста-оҳиста!

Ж а м о л

Секин сўзланг! Секин дейман!
Секин, оҳиста-оҳиста!

Қ и з л а р, й и г и т л а р

(панадан чиқишади)

Секин! Жим, жим! Секин! Жим, жим!
Секин! Оҳиста! Оҳиста!

Ж а м о л

Вой шўрим!

Қ о б и л

Пойлаб турганмидингиз?

Қ а м б а р

Уткир экан дидингиз!

Кулги.

С а р в и

Ерга бодом сочилди,
Сирларингиз очилди.
Бўлди энди яширманг!
Нархингизни оширманг!

Кулги.

Ж а м о л (жаҳли чиқади). Мен силар билан тегишли жойда гаплашаман! (Чиқиб кетади.)

Ғ а н и. Қобил ака, бўлди энди, ҳазилни йиғиштирайлик!

Қ о б и л. Ҳазил эмас, ўғлим!

Ғ а н и. Мени ҳадеб ўғлим деяверманг, бекорга хафалзшиб қоламиз.

Қ о б и л. Бу замонда муҳаббатга тўсиқ йўқ, ўғ... ука!
(Кетади.)

Қамбар (Ғанига). Ҳа, ошнам, дадалик бўлиб қолсанг ёмонми? (Кулади.)

Ғани. Ке, қўй, оғайни, дадасиз юрганим яхшироқ!

Каромат. Қани, юринглар, дарё бўйини пича айлаиб келайлик.

Қамбар. Бўпти, юринглар!

Ҳамдам киради.

Каромат. Э, Ҳамдам ака, салом! Келдингизми?

Ҳамдам. Ҳа. Ҳорманглар, шоввозлар! Иш қалай?

Каромат. Жойида.

Ҳамдам (қаравотга ўтиради). Ҳа, дуруст.

Каромат. Юринг биз билан, Ҳамдам ака, дарё бўйини пича айлаиб келамиз.

Ҳамдам. Раҳмат, райондан жуда чарчаб келдим, пича дам олай.

Каромат. Бўлмаса биз ҳозир келамиз! Қани, юринглар!

Шоҳистадан бўлак ҳамма чиқиб кетади.

Шоҳиста

Ҳамдам ака!

Ҳамдам

Лаббай, синглим.

Шоҳиста

Районда ҳам йўқмикан?

Ҳамдам

Суриштирдим, тополмадим...

Ташвиш қилма, топамиз.

Шоҳиста ғамгин чиқиб кетади. Ҳамдам ёнидан папирос олиб чекади. Жимлик. Музика янграйди. Бир оздан сўнг дарахтнинг орқасидан буқиниб Турсунали чиқади. Бир оз иккиланиб туради. Сўнг аста Ҳамдамга яқинлашади.

Турсун

(тушқун овоз билан)

Ҳамдам ака...

Ҳ а м д а м

(Турсунни кўриб ҳайратга тушади)

Турсунали!

Т у р с у н

Тавба қилдим, кечиринг!

(Йиғлайди.)

Ҳ а м д а м

Қўй, йиғлама.

Т у р с у н

Ҳамдам ака,

Мен нодонлик қилибман.
Мен кўп билан ўйнашибман.
Қилган ишим жиноят.
Аввал бошда сўзингизга
Сира қулоқ солмадим.
Мана, энди ақлим кирди.
Сиз жуда ҳақ экансиз.
Энди билдим ҳар сўзингиз
Олтин экан мен учун.
Мана, салкам беш ой бўлди
Ит таталар ичимни.
Беш ой бўлди эшитмаган
Ҳақоратим қолмади.
Кўрингандан дашном едим,
Қайга борсам сўкдилар.
Ким кўринган: «Ҳа, колхоздан
Қочиб юрган мутгаҳам!
Жиноятчи! Оқпадар!» деб,
Қўймади ҳеч жонимни.
Шундан кейин қочиб юрдим,
Одамлардан овлоқроқ.
Аmmo ахир, пичоқ бориб
Суягимга қадалди.
Сизни истаб бунда келдим.

Инонганим фақат сиз.
Бундан буёқ йўлингиздан
Бир қадам ҳам тоймайман.
Мен ғарибга мадад қилинг,
Ҳалок бўлмай...

(Йиғлайди.)

Ҳ а м д а м

(овутади)

Йиғлама.
Йиғлама, бас! Астойдил
Иқрор бўлсанг айбингга...

Т у р с у н

Онг ичаман астойдил
Иқрор бўлдим айбимга!

Ҳ а м д а м

Узр сўра кўпчиликдан.

Т у р с у н

Минг бор узр сўрайман...
Фақат... фақат узримни
Қабул қилишармикин?

Ҳ а м д а м

Сўраб қара.

Т у р с у н

Рад қилсалар
Қора ерга кирганим.

Узоқдан Тоштемирнинг овози эшитилади.

Т о ш т е м и р

Ҳо, қани, юринглар, ҳамма шийпонга.

Турсун ҳаяжонда.

Ҳ а м д а м

Мана ҳозир гаплашамиз.

Т у р с у н

Сўраб кўринг аввал сиз.
Мен ҳозирча панароқда
Тура турай.

Ҳ а м д а м

Кетиб қолма!
Дадил бўл!

Т у р с у н

Хўп бўлади.

Турсунали ўзини панага олади. Шовқин кулги билан
колхозчилар киришади.

Қ а м б а р

Ҳаммамизни йиғиб, нима,
Мажлис қилмоқчимисиз?
Қўйинг, пича дам олайлик!

Т о ш т е м и р

Дам олинг деб чақирдим!
Бугун барвақт ётиш керак!..
Биласизки, тонг билан
Ялпи терим бошланади!

О ш п а з

Овқат тайёр!

Ҳ а м д а м

Кейинроқ!
Нима дейсиз, Турсунали
Келиб узр сўраса?

К а р о м а т

(ҳаяжонда)

Турсунали?

Ш о ҳ и с т а

Қани Турсун?
Ҳазиллашаётибсиз!

Қ о б и л

Кераги йўқ, зор эмасмиз
Дийдорини кўришга!

Т о ш т е м и р

Қани, аввал ўзи келсин,
Билайлик-чи нима гап?

Ш о ҳ и с т а

(ҳаяжон билан)
Узи қани?

Ҳ а м д а м

(кулади)

Топилади.
Турсунали, бунда кел!

Айбдорларча бошини қуйи солиб, Турсунали киради.
Шоҳиста ҳаяжонда, аммо ўзини босади. Ҳамма жим,
Турсуналига тикилади.

Ҳ а м д а м

Қани гапир!

Т у р с у н

Пушаймонман

Қилган гуноҳларимга...
Кечиринглар!

К а р о м а т

Осонликча

Кечирилмас гуноҳинг!

Уч қайтадан, тўрт қайтадан,
Меҳнат қилдик. Энди сен
Қочиб юриб тайёрига
Айёр бўлиб келдингми?

Т у р с у н

Ҳеч бўлмаса имкон беринг
Гуноҳимни оқлашга!

Ҳамма жим. Ҳаммининг кўзи Турсунда. Қандай жавоб беришни билмайди.

Ҳ а м д а м

Нима дейсиз?

(Жимлик.)

Майли, аввал
Ишда синаб кўрайлик.

(Жимлик.)

Розимисиз? Рози бўлинг!

Ж а м о л

Рози бўлдик...

Ҳ а м м а

Розимиз...

Т е ш а б о й киради.

Т е ш а б о й

(ҳаяжонини зўрға босиб)

Шошилманглар! Ҳа, келдингми?

Т у р с у н

Келдим... Мени кечиринг.

Т е ш а б о й

Ўғлим, яхши ўйладингми?

Т у р с у н

Айбларимга иқрорман!

Т е ш а б о й

Қуруқ иқрор керак эмас!
Меҳнат билан тер тўкиб,
Аввал оқла гуноҳингни,
Кейин узр сўра!

Т у р с у н

Хўп.

Ҳ а м д а м

Ишда оқла гуноҳингни,
Ишда кўрсат ўзингни!

Хато қилма бундан буёқ,
Бурди бўлсин сўзингни!

Т у р с у н

Онт ичаман бундан буёқ
Қилсам агар жиноят,
Волидамнинг берган сути
Ҳаром бўлсин мен учун!
Шоҳистахон, мени кечир!

Ш о ҳ и с т а

Кечирганман, Турсунжон!

Т у р с у н

Кароматхон, синглим, кечир!

К а р о м а т

Ишда оқла ўзингни!

Т у р с у н

Кечиринглар, колхозчилар
Қабул қилинг арзимни!

Х а л қ

Ишда оқла гуноҳингни!
Ишда кўрсат ўзингни!

Т е ш а б о й

Гуноҳ қилдинг, жазоладик,
Хато қилдинг, тузатдик.
Яна қайта иш кўрсатсанг,
Яна ҳурмат қиламиз!

Т у р с у н

Хўп, отажон, хўп бўлади.

Т е ш а б о й

Балли, раҳмат, йигит деган
Мана шундай бўлади!

Барака топ, яша, ўғлим,
Энди сендан розиман!

Хамма хурсанд.

О ш п а з

Овқатим ҳам тайёр бўлди!

Т е ш а б о й

Қани, қани, овқатга!

Тоштемир, Қамбар, Ғани, Шоҳиста, Каромат, Сарви Турсунни
ўрашади. Бошқалар овқатлангани чиқиб кетадилар.

Т о ш т е м и р

Аммо келиб яхши қилдинг,
Ҳамма ташвишда эди.
Сени кўриб қалбимиздан
Ғашлик тамом йўқолди.

Қ а м б а р

Ҳа, бу ишинг мардлик бўлди.

Ғ а н и

Мен таънадан қутулдим.

Кулги.

К а р о м а т

Эрта терим бошланади,
Кўрсатасан кучингни.

Ғ а н и

Ҳа, мен билан беллашасан!
Мусобақа боғлаймиз!
Аммо, дўстим, айтиб қўй,
Мен зўр бўлиб кетганман.

Т у р с у н

(кулиб)

Бўпти, дўстим, беллашамиз!

Т о ш т е м и р

Эҳтиёт бўл бу тамбалнинг
Кучига куч қўшилган!

Кулги.

Ғ а н и

Қачонгача тамбал дейсан,
Чаққонларни ютдим-ку!

Т о ш т е м и р

(кулади)

Хафа бўлма, одат, одат!

Ғ а н и

Одатингдан ўргулдим!
Ҳо, мен терган пахталарни
Агар тоққа юкласанг,
Чидамасдан тоғнинг бели
Чўрт узлиб кетади!

Кулги.

Қ а м б а р

Мақтанишда суягинг йўқ!
Қотирасан лофни ҳам!

Ғ а н и

Э, лоф эмас! Ишонавер!
Сезиб қолдим ўзим ҳам.

Миям тўла ақл экан,
Пайим тўла куч экан,
Кон эканман фазилатга,
Маҳоратга, меҳнатга!

Кулги.

Т о ш т е м и р

Аммо, лекин қойил бўлдик
Қўпчиликнинг кучига,
Сендай чайир тамбални ҳам
Йўлга солиб олди-я!

Ғ а н и

(сўзни бошқа ёққа буради)

Ҳа, айтгандай танишиб қўй,
Сарви билан Қамбаржон,
Бир-бирига ошиқ-маъшуқ!

Т у р с у н

(хурсанд)

Шундақами? Жуда соз!

Т о ш т е м и р

Бири Фарҳод, бири Ширин!

К а р о м а т

Бири булбул, бири гул!

Ғ а н и

Бири Лайли, бири Мажнун!

Қ а м б а р

Узинг Мажнун!

Ғ а н и

Биз Мажнун!

Кулги.

С а р в и

Кўп ҳам мақтаб юборманглар
Кўз-пўз тегиб юрмасин!

Т о ш т е м и р

Э, сизларга тегадиган
Кўзга тикон қадалсин!
Умрларинг узоқ бўлсин,
Бирга қўша қаринглар!

Қ а м б а р

(Турсунга)

Уйлайманки, гиналаринг...

Т у р с у н

Э, сўрама, биродар.
Уша чоқда бир аҳмоқлик
Қилиб қўйган эканман.
Ҳаммасини эсдан чиқар,
Утган ишга салавот!

Т о ш т е м и р

Бу йил кўзда жуда тўй кўп!
Ғани билан Каромат,

Сарви билан Қамбарали,
Қолаверса, мана, сиз...

Т у р с у н

(кулади)

Шоҳистахон унармикан?

Т о ш т е м и р

Нима дейсан, Шоҳиста?

Ш о ҳ и с т а

(ҳазиллашиб)

Қим билади Турсун акам
Мендан хафа... бу киши:
«Кўрмайин босган тиконни
Тортадирлар жабрини...»

Кулги.

Т у р с у н

Ҳадеб эсга сола берманг,
Уялтирманг кишини.
Мана ахир ярашдик-ку,
Энди тўйни бошлаймиз.

Шоҳиста уялади.

Ғ а н и

Ана энди шоҳи кўйлақ,
Шамшод тароқ, шол рўмол,
Олтин узук, олтин соат,
Пошнаси тор ботинка,
Упа-элик, ўсма, сурма —
Ҳаммаси ҳам сизники.

Кулги.

О ш п а з киради.

О ш п а з

Овқатларинг совиб қолди!
Ахир, юрмайсизларми!

Ш о ҳ и с т а

Кейин, хола!

С а р в и

Кейин, кейин!

Ранс, Ҳамдам, Қобил, Жамол ва бошқа
колхозчилар киради, аста-секин одам тўплана бошлайди.

К а р о м а т

Бугун ухлаш, дам олиш йўқ!
Уйин-кулги тонггача!

О в о з л а р

Тўғри! Тўғри! Уйин-кулги!
Уйин! Қўшиқ! Ашула!

Ҳ а м д а м

Хўп, бўлмаса бошланглар!

Х о р

(Терим қўшиғини ижро қилади)

Пахта терсанг, тоза тер,
Чаноғида қолмасин.

Пахта терган мардларнинг
Қўли асло толмасин.
Тўлдирайлик планни
Дўстлар кўнгли бўлсин чоғ.
Халқ олдида юзимиз
Оқ пахтадай бўлсин оқ.

Ҳ а м д а м

Қани энди, Шоҳистахон,
Турсунали, сизлардан!

Ш о ҳ и с т а

«Олтин кўл»нинг созиман, ўргилай,
Қўлдан учган ғозиман,
Бевафолик қилгунча
Ўлганимга розиман!

Ш о ҳ и с т а, К а р о м а т, С а р в и

Бевафолик қилгунча
Ўлганимга розиман.

Т у р с у н

Қуралайдир кўзингиз,
Ширин-шакар сўзингиз.
Шодлик солиб кўнглимга
Шайдо қилган ўзингиз.

Т у р с у н, Қ а м б а р, Ғ а н и

Шодлик солиб кўнглимга
Шайдо қилган ўзингиз.

Ш о ҳ и с т а

Қалдирғоч қора бўлур,
Қаноти ола бўлур.

Ёшликда берган кўнгил
Айрилмас бало бўлур.

Шоҳиста, Каромат, Сарви

Ёшликда берган кўнгил
Айрилмас бало бўлур.

Турсун

Боғим бору боғим бор,
Боғимда анорим бор.
Армони йўқ йигитман.
Лафзи ҳалол ёрим бор.

Турсун, Қамбар, Фани

Армони йўқ йигитман
Лафзи ҳалол ёрим бор.

Қизлар

Душман дили қон бўлсин.

Йигитлар

Чўллар гулистон бўлсин.

Қизлар

Ёрга хиёнат қилсам,

Йигитлар

Ёш умрим хазон бўлсин!

Овозлар

Баракалла! Яшанглари!

Йигитлар ялла бошлайди, қизлар ўйинга тушади.

Й и г и т л а р

Зулфи суманбар гулузор ўйнасин,
Ғунча даҳан, кўзи хумор ўйнасин.

Х о р

Кўзи хумор ўйнасин.

Й и г и т л а р

Бергали кўнглимга масаррат, сафо,
Жилва бирлан даврада ёр ўйнасин.

Х о р

Даврада ёр ўйнасин.

Й и г и т л а р

Ҳусни латофатга тўлиб, дилбарим,
Очилибон мисли баҳор ўйнасин.

Х о р

Мисли баҳор ўйнасин.

Ялла тугайди. Қизлар бир томонда, йигитлар бир томонда
туриб лапар бошлайдилар.

Қ и з л а р

Лапар айтиб аста-аста,
Ғанимларни қилиб хаста,
Гул терайлик даста-даста,
Сиз бир ёндин,
Биз бир ёндин.

Й и г и т л а р

Биз бир ёндин,
Сиз бир ёндин.

Яхшиларни ёр этайлик,
Ҳар ённи гулзор этайлик,
Чўлда гулшан бор этайлик,
Биз бир ёндин,
Сиз бир ёндин.

Қ и з л а р

Биз бир ёндин,
Сиз бир ёндин.
Пахтадан тоғ-тоғ этайлик,
Кўнглимизни чоғ этайлик,
Келинг, сайри боғ этайлик,
Биз бир ёндин,
Сиз бир ёндин.

Й и г и т л а р

Сиз бир ёндин.
Биз бир ёндин,
Бўлар тоғнинг баланд-пасти,
Одамзоднинг гулдир дасти,
Ишлашайлик толмай асти,

Биз бир ёндин,
Сиз бир ёндин.

Қ и з л а р

Сиз бир ёндин,
Биз бир ёндин.

Лапар тугайди, сўнг пахтага бағишланган рақс ижро этилади. Сўнг
Турсунали партияга бағишланган қўшиқни бошлайди, қолганлар унга
эргашадилар. Бу қўшиқ кучли халқ хорига айланади.

Т у р с у н

Бошладинг бизни зафарлардан зафарларга томон,
Бошимизда байроғинг ўйнар, кулар, яшнар ҳамон.
Сен туфайли наслимиз, авлодимиз мангу омон.

Х о р

Бизга сен толе қуёш! Сен билан бахтли замон.

Т у р с у н

Сен башарнинг бахти, иқболи, нажоти, шонисан,
Халқимизнинг меҳрибони, ифтихори, жонисан,
Давримизнинг ақлисан, идрокисан, виждонисан.

Х о р

Сен ўзинг толе қуёши! Сен билан хуррам замон.

П а р д а

Март, 1948 июль
1957 йиллар

ЛАҚМА¹

УЧ ПАРДА,
БЕШ КУРИНИШЛИ МУЗИКАЛИ ДРАМА

¹ Бу асарга музикани композитор Сайфи Жалла ёзган.

ҚАТНАШУВЧИЛАР

- Камол — шоир, редакцияда адабий ходим.
Маҳмуд — журналист, редакцияда адабий ходим.
Шаҳноз — Маҳмуднинг хотини, ёш шоира.
Хусниддин — журналист, редакция ходими.
Ҳаким — редакцияда бўлим мудир.
Сабоҳат — Ҳакимнинг хотини, катта машинистка.
Дилдор — машинистка.
Моҳира — редакция ходимларидан.
Сухсур — редакция ходимларидан.
Сурайё — Шаҳнознинг дугонаси.
Салом — Маҳмуднинг холаси, аспирантка.
Йигитлар. Қизлар

Воқеа бизнинг кунларимизда, район газеталаридан бирининг редакция ходимлари орасида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КУРИНИШ

Баҳор. Ҳамма ёқ гуллаган. Редакция ходимлари сайлга, боққа чиқишган. Мажнунтол тагида скамейка, каравот. Атрофида қизил гуллар, гулсафарлар очилиб ётибди. Уйин-кулги, қий-чув билан парда очилади.

Х о р

Гул очиб оламни бўстон айлади Май байрами,
Меҳнат аҳлин мангу шодон айлади Май байрами.
Шонли байрам қўйнида мавж урди шодлик денгизи,
Барча меҳнаткашни хандон айлади Май байрами.
Бахш этиб меҳнат элига мангу бахт, шону шараф,
Ёвни хор, ер бирла яксон айлади Май байрами.
Бахш этиб гулшанда гулларга латофат, турфа ноз,
Боғда булбулни ғазалхон айлади Май байрами.

Бу хордан сўнг йигитлар, қизлар лапар айтишади.

Й и г и т л а р

Ахтариб гулшанга кирдик, гул юзингиз кўргали,
Дилга ўт солган дилором, дилраболар, қайдасиз?

Қ и з л а р

Боғда булбуллар баҳор мадҳини куйлар тинмайин,
Жўр бўлинг, вақт ўтмасин, булбулनावолар, қайдасиз?

Йигитлар

Бўлмасин ҳижрон тунида бахтимиз тундан қаро,
Зулфингизга боғлангиз, зулфи қаролар, қайдасиз?

Қизлар

Севги дунёсига кирдик, озмайик йўлдан яна,
Раҳнамолик кўрсатинг, ақли расолар, қайдасиз?

Йигитлар

Сизсиз оламнинг сафоси, шодлиги йўқ биз учун,
Қалбимизга бергувчи завқу сафолар, қайдасиз?

Қизлар

Айб эмас ноз айласак ҳижронимизда куйдириб,
Кеча-кундуз ишқимизга мубталолар, қайдасиз?

Қизлар, йигитлар бир-бирларига гул отишиб, кулишиб, дарё
томонига кета бошлайдилар.

С у х с у р. Ҳо-о, Ҳусниддин ака, юринг, дарё соҳилида
сайр этамиз! Юринг, бўлмаса томошадан қуруқ қоласиз!
Ҳ у с н и д д и н. Тилингдан аканг айлансин, бораман!
Жон деб бораман! Пича нафасимни ростлаб олай.

М о ҳ и р а. Ҳо-о, Қоработир! Ҳо, чақир тиканак! Ҳо,
хизмат кўрсатган бўйдоқ! Гулдек қиз юр, деганда дарров
юрмайсизми! Бошим тоз — кўнглим нозми?

Ҳамма кулади.

Ҳ у с н и д д и н (жаҳли чиқиб). Овозинг ўчсин! Эрсиз
қол! Чақир тиканак мен эмас, сенсан! (Кули.)

М о ҳ и р а (кулиб). Ҳо, эски бўйдоқ хафа бўлдилар-ку!
(Куйлайди.)

Бўйдоқликдан ранги сариқ,
Еганлари қўноқ, тариқ,
Шу сабабдан жуда ориқ,
Муҳаббати лойга қориқ,
Пешанаси бўлмай ёриқ,
Юрар саллона, саллона.

Жаҳон айвонида бўйдоқ,
Юрар саллона, саллона!
Кўринган қизга кўз ташлаб,
Турар саллона, саллона.

Ҳаммаси кулишганларича кетишади. Хусниддин хуноб. Скамейкага ўтириб папирос чекади. Сабоҳат ўтаётиб тўхтади.

Сабоҳат. Ҳа, Хусниддин, нега ёлғиз ўтирибсиз?
Хафа кўринасиз?

Хусниддин. Э, Сабоҳат опа, ановларни кўрмайсизми, бўйдоқ деб, мени калака қилишгани қилишган таъбимни тирриқ қилишиб...

Сабоҳат (кулиб). Ҳа, ука, бугун байрам, сайил! Ёшлар ҳазиллашади, хурсанд бўлгилари келади-да!

Хусниддин. Э, ҳазиллашишса мендан бўлак одам қуриб қолганми?

Сабоҳат (кулиб). Уйланинг! Ушанда ҳазилкашлардан қутуласиз!

Хусниддин (хўрсиниб). Бу масала мен учун мушкул. Хунук қизни таъбим тортмайди, чиройли қиз менга тегмайди. Тегса ҳам ололмайман...

Сабоҳат. Вой, нега?

Хусниддин. Чиройли қиз менга вафодор хотин бўлмайди, чиройли эркаклар йўлдан уриб кетишади. Уриб кетмаганда ҳам кўринган эркакка рашк қилавериб, адоий тамом бўламан. Мен жуда рашкчиман. Рашк деган падари лаънат менга елимдек ёпишиб олган. Ҳатто ўртоқларим учун ҳам мен рашк қиламан!

Сабоҳат. Ё тавба!

Хусниддин. Мана дўстим Маҳмуд учун ҳам мен рашк қилиб юрибман.

Сабоҳат (кулиб). Ие, иним, жуда қизиқ экансиз-ку!

Хусниддин. Биласизми, у ҳам менга ўхшаб, анча вақтга қадар бўйдоқ юриб, яқинда аранг уйланди. Аммо ҳалитдан хотинига бепарво. Мана шу топда ҳам Шаҳнозхон боғда шоир билан қаймоқлашиб юрибди. Ҳой дўстим, хотинингга қара, унақа жиловини қўйиб юборма, бегоналар билан хилватда юрмасин, десам, қўявер, ҳеч боқиси йўқ, юрса ўзимнинг дўстим билан юрибди, беғараз, дейди.

Сабоҳат. Жуда тўғри айтибди!

Ҳусниддин. Э, омон бўлинг! Агар менинг хотиним шунақа қилса, дарҳол ганобини тортиб қўярдим.

Сабоҳат (кулиб). Ҳо, Отелло бўлар экансиз-да!

Ҳусниддин. Рашк бобида Отелло бу ёқда турсин, /
ундан катгаси ҳам менга шогирд бўлолмайди!

Сабоҳат (кулиб). Қойил!

Ҳусниддин. Биласизми, баъзан хаёлимда бир гўзалга уйланаман. Хаёлимда у гўзал уйда ўтирганда пардоз қилмайди-ю, кўчага чиқадиган бўлса роса пардоз қилади...

Сабоҳат (кулиб). Хаёлингизда...

Ҳусниддин. Ҳа, хаёлимда... Хаёлимда хоним пардоз қилиб бўлгач, қилтиллаб, йилтиллаб кўчага чиқиб кетадилар... Хаёлимда мен у кишининг орқаларидан пойлаб чиқаман... Кўчада учраган эркакларнинг бири унга тикилиб, бири термилиб, бири кулиб, бири салом бериб ўтади... Хоним ҳам бирига табассум қилиб, бирига бош силкиб, бирига ишва билан қиё боқиб, таманно билан ўтадилар...

Сабоҳат. Хаёлингизда...

Ҳусниддин. Ҳа-да, хаёлимда... Хаёлимда жонон алакимлар билан қўл олишиб узоқ кўришадилар... Кимдир унга қочириқ қилади, ҳазиллашади. У эса хандон ташлаб кулади. Қора зулфини силкитиб, кифтини қоқиб, кўзларини сузиб, номаҳрам олдида ҳуснини намойиш қилади... Шунда югуриб бориб, икки юзига икки тарсаки қўйиб юборгим келади!

Сабоҳат (кулиб). Хаёлингизда.

Ҳусниддин. Ҳа, хаёлимда... Хаёлимда бевафо алакимлар билан қўлтиқлашиб боққа, хилватга кириб кетади... Шунда ғабдан қалтираб, рашк ўтида қовурилиб, кейин пешанамга муздек тер чиқиб, ўзимга келаману хаёлимни йиғиб оламан... Ушанда, уйланмаганлигим эсимга тушиб, теримга сиғмай хурсанд бўлиб кетаман!

Сабоҳат (кулиб). Хаёлингизда.

Ҳусниддин. Йўқ, ҳақиқатда! Ҳа, хоним, мен жуда рашкчман!

Сабоҳат. Айтинг-чи, шу чоққача бировни севганмисиз?

Ҳусниддин. Жуда кўп қизни севганман... Чиройли қизларни. Гўзал аёлларни ҳам... Фақат, ўзларига билдирмай...

Сабоҳат (Кулиб). Тушунарли.

Ҳусниддин. Ҳозир ҳам бир гўзални севиб юрибман.

Сабоҳат. Ким экан у гўзал? Билсак бўладими?

Хусниддин. Уэр. Хозирча ҳеч кимга, ҳатто гўзалнинг ўзига ҳам билдирмай, сиртдан, яъни заочний севиб юрибман, гоҳ севишиб, гоҳ рашк ўтида куйиб...

Дилдор киради.

Дилдор (кулиб). Ҳо, суҳбатларинг роса қизиётганга ўхшайди. Яна поччам кўрсалар...

Сабоҳат (кулиб). Поччангиз менга ишонадилар. Ҳа, Хусниддин акангиз билан дардлашиб ўтирибмиз.

Дилдор (кулиб). Ие, Хусниддин акамнинг ҳам дардлари борми?

Сабоҳат. Ҳа, нима учун Хусниддин акангизнинг дарди бўлмаслиги керак? Ахир, бу киши ҳам одам, кесак эмас.

Дилдор (кулиб). Хусниддин акам муҳаббат кўчасига умрбод кирмасликка, дунёдан тоқ, сўққабош бўлиб ўтишга қасамёд қилган эканлар-ку!

Хусниддин (шошиб). Ким айтди? Бўлмаган гап! Тухмат!

Дилдор. Хўш, ундай бўлса, шу чоққача нега уйланмадингиз?

Хусниддин (довдираб). Хўш... Ҳалиги... Қўлим тегмади.

Дилдор (кулади). Вой, Хусниддин ака-ей! Елғонни ҳам эплотмайсиз! Қўл тегмади эмиш! Муҳаббат учун қўл эмас, юрак керак! Юрак!

Сабоҳат (кулиб). Хусниддин акангиз ҳозирга қадар уйланмаган бўлсалар, қўллари тегмагандан эмас, ўзига муносиб ёр тополмаганидан.

Хусниддин. Бундоқ деса ҳам бўлади.

Дилдор (кулиб). Ундоқ бўлса, у ёқ-бу ёқни ахтариб кўринг, зора ўзингизга лойиқ битта-яримта ёр топилиб қолса!

Хусниддин

Неча йилдир, ўзимга
Муносиб ёр излайман.
Мени дилдан севувчи
Бир вафодор излайман.

Д и л д о р

Изланг яна вафодор
Зора топилиб қолса.
Муз юрак ҳам эрирмиш
Севги унга ўт солса.

Ҳ у с н и д д и н

Кошки эди бир гўзал,
Юрагимга ўт ёқса!
Кошки, менга ҳам жонон
Ноз билан кулиб боқса!

Д и л д о р

Кўнгил беринг бир қизга,
Ҳар кимга кўз солмангиз.
Кўринганга гап ташлаб,
Кулки бўлиб қолмангиз!

Ҳ у с н и д д и н (илжайиб). Гап бундай...

Д и л д о р (унинг сўзини бўлиб). Кечирасиз, вақтим зиқ. Сабоҳат опа, Камолхон акамни кўрмадингизми?

Ҳ у с н и д д и н (жаҳли чиқиб, дағал). У киши бировнинг хотини билан дарё бўйида сайру саёҳат қилиб юрибдилар!

Д и л д о р (руҳсизланиб). Шаҳнозхон биланми!

Ҳ у с н и д д и н. Ҳа, ўша гўзал билан! Сиз хомтама бўлманг!

Д и л д о р (жаҳли чиқиб). Уятсиз! (Кетади.)

С а б о ҳ а т. Шуми?

Ҳ у н и д д и н (хўрсиниб). Шу!

С а б о ҳ а т. Агар яна бир-икки шунақа ширин муомала қилсангиз...

Ҳ у с н и д д и н (бўшашиб). Бу ҳам қўлдан кетади...

С а б о ҳ а т. Аммо бу сафар қўлдан бермаслик керак!

Ҳ у с н и д д и н. Бермаслик керак.

С а б о ҳ а т. Ажойиб қиз! Муҳаббат учун, бахт учун курашиш керак!

Ҳ у с н и д д и н. Ҳа, аччиқ тажрибалардан кейин, ўзим ҳам шу фикрга келдим! Бу сафар бўш келмайман! Гўзалим-

ни ҳеч кимга бермайман! Йўлида йўлбарс бўлиб ётаману
шерларга йўл бермайман!

С а б о ҳ а т. Яшанг! Қандингизни уринг!

Ҳ а к и м киради.

Ҳ а к и м. Э-ҳа, хоним, бу ерда экансиз-да! Қидирмаган
жойим қолмади. Овқатга қарашворинг!

С а б о ҳ а т. Хўп бўлади. (Кетади.)

Ҳ а к и м. Хўш, хоним нима дейдилар?

Ҳ у с н и д д и н. Уйлан дейдилар.

Ҳ а к и м. Тўғри. Тезроқ уйланиш керак. Агар бу ишни
яна бир-икки йил чўзсангиз, умрбод бўйдоқ бўлиб қоли-
шингиз мумкин. Яна уч-тўрт йилдан кейин сизга қизларги-
на эмас, кампирлар ҳам қарамай қўяди.

Ҳ у с н и д д и н (ғамгин.) Ҳа, гапингиз тўғри. Ёш ўтган
сари хунуклигимга хунуклик қўшилиб, расво бўляпман.

Ҳ а к и м (кулиб). Унчалик эмас.

Ҳ у с н и д д и н. Юпатманг!

Ҳ а к и м. Хунук бўлсангиз ҳам истарангиз иссиқ, ёқим-
тойсиз.

Ҳ у с н и д д и н. Бе, қаёқда! Ойнакка қарасам башарам-
ни кўриб, ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетаман.

Ҳ а к и м

(куйлайди)

Одамнинг гўзаллиги ичда бўлар,
Молники сиртда бўлар, дейишади.
Хуснига бино қўйган олифталар
Сўнггида кўп пушаймон ейишади.
Инсоннинг гўзаллиги юрагида,
Идрокида, ишида, билагида.
Одамнинг гўзаллиги одобида,
Олий ҳиммат ва олий тилагида!

Ҳ у с н и д д и н. Бу гаплар тўғри. Аммо, бари бир, мени
ҳеч ким севмайди.

Ҳ а к и м. Наҳотки шу чоққача сизни ҳеч ким севмаган
бўлса?

Ҳ у с н и д д и н (пича йўлангач, кулиб). Ҳа, бундан
бир неча йил аввал мени бир аёл яхши кўриб қолган эди.

Ҳ а к и м (қизиқиб). Хўш, хўш?

Ҳ у с н и д д и н. Унда мен Тошкентда, филармонияда

адабий эмакдош бўлиб ишлардим. У эса, оркестрда скрипка чаларди...

Ҳаким. Ешмиди?

Ҳусниддин. Тахминан мenden йигирма ёшларча катта эди.

Ҳаким (кулиб). Оҳол!

Ҳусниддин. Ҳа, агар унга уйлансам менга ҳам хотин, ҳам буви бўларди.

Ҳаким. Чиройлимиди?

Ҳусниддин. Шундай чиройли эдики, унинг олдида мени еса бўларди.

Ҳаким. Шўрликка ёқиб қолган экансиз-да.

Ҳусниддин. Ҳа, жуда қаттиқ ёқиб қолган эканман. Мени кўрса узоқда туриб йиғларди, яқинроқ келиб менга эшиттириб уҳ тортарди. Уришганимга қарамай, ҳар куни йўлимни пойлаб турарди. Бу муҳаббат ҳақида тили аччиқ, дили тош одамлар турли-туман латифалар тўқишган эдилар. Пошшонинг ишқи қурвақага тушибди, деб мени ким кўрса куларди. Ахири бу майнавозчиликларга чек қўйдим.

Ҳаким. Қандай қилиб?

Ҳусниддин. Маъшуқанинг устидан месткомга ариза бердим.

Ҳаким (кулиб). Месткомга... ариза бердингиз?

Ҳусниддин. Ҳа, қарсиллатиб ариза бердим.

Ҳаким (кулгидан зўрға тўхтаб). Ўлманг! Ҳеч ким қўлламаган усул!

Ҳусниддин. Бу идорада ё у турсин, ё мен турай, жонимдан безор бўлиб кетдим, деб ариза бердим. Йўқ, кўп ўтмай ўзимни бўшатишди. Мазмуни, филармонияга мenden кўра у зарурроқ экан. Ўша-ўша, ундан кейин мени ҳеч ким яхши кўрган эмас.

Ҳаким. Балки ўзингиз сезмассиз?

Ҳусниддин. Йўқ, бирор қиз севса дарҳол сезардим.

Ҳаким. Биласизми, кўп қизлар севгисини яширади, юрагининг энг нозик ерларида сақлайди, айтмайди. Севган кишиси дуч келиб қолса, севгисини яшириш учун унга қараб заҳрини сочади, курк товуқдек ҳурпаяди. Аммо синчиклаб қараган одам, қизнинг кўз қарашидан, овозида пайдо бўладиган майин қалтирашдан, бармоқларининг енгил титрашидан қизгинанинг юрагида нималар юз бераётганини билиб олиши мумкин.

Хусниддин. Демак, бу ҳам бир ҳунар денг?

Ҳаким. О, бу жуда катта ҳунар! Чунончи, қиз болашинг қалби муҳаббат гавҳарига тўлган олтин сандиқ, унга лойиқ калит топиб оча билиш керак!

Хусниддин. Мен ҳам битта гўзалнинг қалб сандигини очмоқчиман!

Ҳаким. Тиласимни топингу очинг! (*Узоқда келаётган Маҳмудни кўриб.*) Ана, дўстингиз келяпти. Қолган ширин гапларни ўша билан давом этгирасиз. Мен овқат қилаётганлардан бир хабар олай. (*Кетади.*)

Қўлида гул ўйнатиб, хурсанд Маҳмуд киради.

Маҳмуд (*куйлайди*)

Бахтиёрман, гулузорим, дунёда сен бор учун.
Айласам дунёни жаннат оз эрур сен ёр учун.
Бахтиёрман, энди бахтим кўрмагай фасли хазон,
Боғбон бўлдим сенингдек юзлари гулзор учун.
Қанча меҳрим бўлса тўккайман оёғинг остига,
Жон нисор этсам ҳам арзир сен каби дилдор учун.
Сен билан бу кўҳна дунё менга жаннат, жонгинам,
Дунёни тарк этмагайман, дунёда сен бор учун!

Хусниддин. Ҳо, бахтиёр йигит, хоним қанилар?

Маҳмуд. Шоир билан биргалар.

Хусниддин. Кўзичоқни бўрига топшириб, бемалол ашула айтиб юришингни қара-я!

Маҳмуд. Яна ўша эски гапми, Яго?

Хусниддин. Эскими, янгими, ошнангдан панд еганда биласан!

Маҳмуд. Ке, қўй, оғайни, бошимни қотирма! Мен Отелло эмасман, сен Яго эмассан!

Хусниддин. Менга қара..

Маҳмуд (*унинг сўзини бўлиб*). Ҳа, ҳа! Мен хотинимга ишонаман! Аввал роса синаб, текшириб, ишониб, кейин уйланганман! Шоирга ҳам ишонаман!

Хусниддин. Шоирга ишону, аммо хотинингга эҳтиёт бўл!

Маҳмуд. Нима, хотинимни одамлардан ажратиб уйга қамаб қўяйми? Бошқалар билан гаплашма, деб тилини қирқайми?

Хусниддин. Мен ундай қил деётганим йўқ! Гапимга тушунмадинг!

Маҳмуд. Жуда яхши тушуниб турибман! Имо-ишораларингнинг маъноси менга жуда ҳам равшан! Бепарволик қилсанг, хотининг шоирни севиб қолади, сени ташлаб кетади, демоқчимисан? Шундайми?

Ҳусниддин. Шундай бўлиши ҳам мумкин, ошнам.

Маҳмуд (*газабланиб*). Биласанми, дўстим, хотин меники! Ташлаб кетса мени ташлаб кетади, сени эмас! Хўш, сен, нега бунча ташвиш тортасан?

Ҳусниддин. Дўстим бўлганингдан кейин ташвиш тортаман-да! Фалокат босиб, шарманда бўлсанг, биз ҳам шарманда бўламиз.

Маҳмуд. Э, қў-е, оғайни, турган-битганинг шубҳа билан рашк экан! Биз янги замоннинг янги одамларимиз! Бу замонда рашк қилиш, ўз хотинингга ишонмаслик уят! Рашк касали рақ касалига ўхшаган нарса! Рақ одамни ўлдирса, рашк оилани барбод қилади.

Ҳусниддин. Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма! Вафосиздан вафо, ёмондан яхшилик кутма! Хотинингдан ажраб қолиб, қон-зардоблар ютма! Бу доно гапларимни зинҳор унутма!

Маҳмуд. Тилингни қайрайсан, бақадек сайрайсан, фолбиндек жаврайсан, илондек аврайсан! Э, мени тинч қўй! Тинч қўй!

Ҳусниддин (*кулиб*). Мен сени тинч қўярману, аммо энди рашк сени тинч қўймайди! Рўмолча!

Маҳмуд (*паризион*). Қанақа рўмолча?

Ҳусниддин (*мағрур*). Шекспир айтган, Отеллодаги рўмолча! Сен ҳам кўп ўтмай, хотинингдан рўмолча талаб қилиб қоласан! (*Кулади.*)

Маҳмуд (*ноилож кулиб*). Оббо ваҳима-е! Оббо лақма-е!

Ҳусниддин (*кулиб*). Лақма, деб хотинини бировларнинг ихтиёрига топшириб қўйиб, лақиллаб юрадиган одамларни айтади.

Кулишганича Камол билан Шаҳноз киради.

Шаҳноз. Э, ана улар! Бизни ёлғиз қолдириб, қаёққа ғойиб бўлдингиз? Қидирмаган жойимиз қолмади.

Ҳусниддин (*кинояли*). Қўрқоқ олдин мушт кўтармиш...

Шаҳноз (*тушунмай*). Қанақа мушт?

Ҳусниддин (*кулиб*). Муштдек муштда.

Шаҳноз (*Маҳмудни руҳсиз кўриб*). Ҳа, руҳсиз кўринасиз? Тобингиз қочдимиз?

Маҳмуд. Йўқ, нега? Кайфим жойида... Узим... шундоқ...

Шаҳноз. Ҳа, гўрга. Биз Камолхон акам билан роса суҳбатлашдик.

Ҳусниддин. Шоиримиз шеър уфоздан, ишқу вафодан дарс бергандирлар?

Шаҳноз. О, ишқни таъриф қилишда Камолхон акам жуда ҳам усталар! Севги ҳақида шундай ажойиб, одамни сеҳрлаб қўядиган шеърлар, ғазаллар ёзадиларки, ўқиган сайин ўқинг келаверади! Мана! (*Куйлайди.*)

Айбингни юзга солсам, ҳайрона бўлма, дилдор,
Бўлар-бўлмасга нолиб, гирёна бўлма, дилдор.
Сен шод эсанг жаҳон шод бўлгай табассумингдан,
Шодлик булоғи бўлгил, ғамхона бўлма, дилдор.
Девоналик бўларди ёрга хиёнат этмак,
Айрилама ақлу ҳушдан, девона бўлма, дилдор.
Хоинга ҳеч ўрин йўқ садоқат оламида,
Қўлдан-қўлга ўтувчи паймона бўлма, дилдор.
Бахтингни бир йўқотсанг, қайтиб топиш қийиндир,
Бахти қарою кўнгли вайрона бўлма, дилдор.
Қадрингни бил, ёмонлар базмига борма зинҳор,
Тупроқ ичига тушган дурдона бўлма, дилдор.
Рашк ўтида куйиб кул бўлмай ўзингдан аввал.
Шамъига ўзгаларнинг парвона бўлма, дилдор.

Қалай яхшими?

Маҳмуд. Яхши! Аъло!

Ҳусниддин. Лақма.

Шаҳноз. Лақма? Ким лақма?

Ҳусниддин. Мен.

Шаҳноз (*кулиб*). Вой, ўзингизга шунақа тахаллус олдингизми?

Ҳусниддин. Менга шунақа лақаб қўйган эрингиз. Аммо аслида ким лақма, келажак кўрсатади.

Ҳамма кулади.

Камол (*кулиб*). Лақмалар.

Ҳусниддин (*Шаҳнознинг қўлидаги китобни кўриб*). Бу қанақа китоб?

Шаҳноз. Камолхон акамнинг янги чиққан китоби. Менга тақдим қилдилар. (Китобни Хусниддинга беради.)

Хусниддин (китобни олиб кўради). О, «Севиқли шоирамиз Шаҳнозхонга эсдалик. Хурмат ва муҳаббат билан муаллиф». Қойил!

Шаҳноз. Дастхатлари жуда чиройли-а?

Хусниддин. Жуда ҳам.

Камол. Дўстим, жуда хурсандман, сен бахтиёрсан!

Хусниддин. Ҳозирча!

Камол. Йўқ, ҳамма вақт бахтиёрсан. Бизнинг сафимизни, бўйдоқлар сафини мардонавор тарк этиб, Шаҳнозхонга уйланиб хато қилмабсан. Шаҳнозхондақа аёллар камдан-кам бўлади. Ҳам гўзал, ҳам шоира, ҳам дилкаш!

Шаҳноз (уялиб). Вой-бў, мени жудаям мақтаб юбордингиз-ку.

Камол. Ҳар қанча мақтаса ҳам арзийдиган аёлсиз! (Куйлайди.)

Тавсиф этиш қийиндир гулдек жамолингизни,
Ширинга ўхшатардим фазлу камолингизни.
Ҳеч шубҳасиз қизаргай гуллар бўлиб хижолат,
Гулшанда кўрса бир йўл рухсори олингизни.
Тилдан қоларди дарҳол, устозга тан берарди,
Бир гап эшитса тўти ширин мақолингизни.
Етмас эди жаҳоннинг, олмоқчи бўлса мулки
Лаб узра хўб ярашган бир дона холингизни.
Сўз гавҳари етишмас мақтай десам мукаммал
Фазлу камолингизни, ҳусну жамолингизни.

Хусниддин. Қойил! Қойилизация! Войдодизм!

Кулишади.

Камол. Дўстим, агар хафа бўлмасалар, рухсат берсалар, сизни, яъни сизнинг тимсолингизни янги асаримнинг бош қаҳрамони қилиб олмоқчиман. Таърифу тавсифингизни ана ўшанда мукаммал ёзаман!

Маҳмуд (безовта). Қайси асаринг? Ҳалиги, битай деб қолган, айрим боблари матбуотда эълон қилинган асарингми?

Камол. Ҳа, ўша. Шаҳнозхонни кўрганимдан кейин, танишганимдан кейин, асаримни мутлақо қайта ишлашга қарор қилдим.

Хусниддин (Маҳмудга). Айтмабмидим?

Камол (тушунмай). Нимани?

Хусниддин. Йўқ, бошқа гап.

Камол. Агар дўстим рухсат берсалар, қаҳрамонимнинг номини ҳам Шаҳноз деб атамоқчиман. Бу ном жуда ёқди, Шаҳноз!

Шаҳноз (хурсанд). Вой!

Хусниддин. Тамом!

Маҳмуд (ғаши келиб). Дўстим, нега ҳадеб мендан рухсат сўраб қолдинг! Нима деб ёзсанг, нима деб атасанг ихтиёр ўзингда.

Камол (кулиб). О, дўстим, омади юришган йигит экансан, Шаҳнозхонга биздан олдин йўлиқдинг.

Хусниддин. Ҳа, ундан олдин йўлиққанингда уйланармидинг?

Камол (кулиб, ҳазиллашиб). Жон деб!

Шаҳноз (уялиб). Вой, одамни уялтирманг!

Камол (ҳазилли давом эттириб). Онангиз Фотма-Зухра туғмаган экан-да, Фотмасига, яъни сизга дўстим уйланса, Зухрасига мен уйланардим. Фақат у ҳам сизга ўхшаган бўлса!

Шаҳноз (кулиб). Афсуски, онадан биттаман! Шунинг учун энди сиз менга устозсиз, мен эса, сизга шогирд бўлман. Этагингиздан маҳкам ушлаб, камолот чўққисига интиламан.

Хусниддин (киноя билан.) Ҳа, шоирнинг этагидан маҳкам ушланг, шубҳасиз, муроду мақсадингизга етасиз. Шундайми, Маҳмуджон?

Маҳмуд (ёқтирмай). Ҳа, шундай!

Ташқаридан Ҳакимнинг овози эшитилади.

Ҳаким (ташқаридан). Ҳо, қани сизлар? Тезроқ келинглар, ошни сузамиз.

Камол

Қани юринглар! Қорин ҳам жуда очди.
(Тўртови куйлайди.)

Камол

Қорин очса иштаҳа карнай бўлар, карнай бўлар.

Маҳмуд

Оч киши қичқирса овози ажиб сурнай бўлар.

Шаҳноз

Иштаҳам йўқ деб бекор нолима ош олдида.

Ҳусниддин

Иштаҳа очмоққа дори бир пиёла май бўлар,
Дейдилар: ўлгай ҳайитда, шубҳасиз, нафси ёмон,
Нафсига боқмай еганинг нағмаси вой-вой бўлар.
Баъзида кўп еб қўйиб овқатни лоҳас бўлсангиз,
Чой ичинг чой устига, яхши даво кўк чой бўлар.

Шаҳноз. Юринглар! (Камолни қўлтиқлаб олдин кетади.)

Ҳусниддин (уларга ишора қилиб). Рўмолча!
(Кулади.)

Парда

ИККИНЧИ КУРИНИШ

Яна ўша боғ. Овқат еб бўлиниб, ўйин-кулги бошланган пайт. Парда очилганда созанда лар рақс кўйини чалаётган, раққосалар ўйинга тушаётган бўладилар. Қолганлар давра олиб, қарсақ чалиб, томоша қилишади. Қий-чув, «Яшанглар! Камол топинглар! Барака топинглар!» каби сўзлар билан рақс тугайди.

Ҳусниддин. Жим! Ҳақим ака, илтимос, Сабоҳат опам билан икковларинг бир нарса деб беринглар!

Ҳақим (ўртага тушиб). Қани, хоним, бошладикми?

Сабоҳат. Бошладик!

Ҳақим. Аччиғиданми? Чучугиданми?

Сабоҳат. Менга бари бир.

Ҳақим. Бўлмаса, нордонидан бошлайман!

(Кўйлайди.)

Идорада месткоминг,
Уйга келсам эрингман.
Учсанг агар осмонинг,
Қўнсанг, агар ерингман.

Сабоҳат

Ерда битган гулимсиз,
Осмонда юлдузимсиз.
Кўзлари кундузимсиз,
Қошлари қундузимсиз!

Ҳусниддин. Войдодизм! (Ҳамма кулади.)

Ҳаким

Севган қаламқошимсан,
Топган гавҳар тошимсан.
Ҳар ишда қўлдошимсан,
Умрли йўлдошимсан.

Сабоҳат

Севганимсиз, ёримсиз,
Менинг йўғу боримсиз.
Қатордаги норимсиз,
Муҳаббатим, оримсиз.

Хор

Севишганлар, деймиз: қўша қаринглар!
Юз йилгача қўл ушлашиб боринглар!

Ҳусниддин (кулиб). Бу, Ҳаким ака, дейман, нордонидан деб, жуда ширинидан олдиларингу! Қойилизация!

Моҳира. Мен, Ҳусниддин акамга бағишланган қўшиғимни айтиб берай.

Ҳусниддин (хавотирда). Менга аталган? Мақтайсизми, ё...

Моҳира. Эшитганда биласиз!

Сухсур. Ёшларнинг таллибига эътибор берилсин!

Дилдор. Ёшларнинг истеъдоди бўғилмасин!

Сабоҳат. Айтинг, Моҳирахон!

Моҳира (кулиб). Рухсатми, опоқ йигит?

Ҳусниддин (довдираб). Билмадим.... Ҳалиги...

Ҳаким (кулиб). Ҳа, нега билмайсиз? Рухсат беринг-да!

Ҳусниддин (шошиб). Майли, майли, рухсат...
ишқилиб... ҳалигидай...

Ҳамма кулади.

Лақмажон, лақма,
Ҳар кимга боқма!
Ҳар қизга қараб,
Қошингни қоқма!
Ҳар бир томонга
Сув бўлиб оқма.
Бўлар-бўлмасга
Дилга ўт ёқма!

Х о р

Лақмажон, лақма,
Ҳар кимга боқма!
Ҳар қизга қараб
Қошингни қоқма!

М о ҳ и р а

Бўйдоқлигингни
Энди унутгил.
Сен ҳам одам бўл,
Узингни тутгил.
Сўққабошлигинг
Йўқолсин буткул.
Севги майдан
Юз грамм ютгил!

Кулишади.

Х о р

Лақмажон, лақма,
Ҳар кимга боқма!
Ҳар қизга қараб
Қошингни қоқма!

Кулги, қийқирик, қарсақлар.

Ҳусниддин. Ҳа, золим эрнинг қўлига тушкур!
Агар менга тегсанг, даставвал тилингни қирқардим!
(Кули.)

Моҳира. Шунинг учун ҳам сиздақа золимга тегмай-ман-да!

Ҳақим (кулиб). Бўлди, бўлди! Бошқаларга ҳам навбат берайлик! Қани, шоир, навбат сизга!

Камол. Жоним билан. Биз, ҳали, Шаҳнозхон билан бир лапарни машқ қилувдик, ўшани айтиб берамиз.

Ҳусниддин (Маҳмудга секин). Айтмадимми!

Маҳмуд (дарғазаб). Овозингни ўчир!

Камол (Шаҳнозга). Хўш, айтамизми?

Шаҳноз. (Маҳмудга қараб). Қайдам...

Камол (кулиб, Маҳмудга). Дўстим, рухсат берасанми?

Маҳмуд (ноилож кулиб). Марҳамат, марҳамат. Бемалол!

Ҳусниддин. Рўмолча!

Ҳамма кулади. Камол, Шаҳноз ўртага чиқиб, лапар айтишади.

Камол

Арзи ҳол айтмоқчиман, бир дам қулоқ сол, ўргилай,
Бир кўриб ҳуснингни менда ўзгача ҳол, ўргилай.

Шаҳноз

Ҳар сўзинг жонимга роҳат, сўзла тинмай, тинглайин,
Сўзласанг шакар тўкилгай, лабларинг бол, ўргилай.

Камол

Кўзларинг сеҳрига тортди, гул юзинг лол айлади,
Қилди шайдо лабларинг устидаги хол, ўргилай.

Шаҳноз

Бир боқишда ихтиёримни олиб эрдинг, мана,
Икки қўллаб топширай қалбимни ҳам ол, ўргилай.

Камол

Сўзларим севган юракдан ҳайқириб чиққан садо,
Кулма мендан, сўзласам ишқимни яққол ўргилай.

Шаҳноз

Энди сенсиз менга оламнинг севинчи, завқи йўқ,
Мен билан ишқ гулшанида бир умр қол, ўргилай.

К а м о л. Шодлигимдан сигмайман кенг жаҳонга, жонгинам,

Ш а ҳ н о з. Севги боғида сени кўрганда хушқол, ўрқилай.

М о ҳ и р а. Яшаворинглар!

С а б о ҳ а т (кулиб). О, жуда қаттиқ кетдинглар-ку!

Х у с н и д д и н. Войдодизм!

Ҳ а к и м (кулиб). Шаҳнозхон!

Ш а ҳ н о з. Лаббай!

Ҳ а к и м (кулиб). Бу лапарни, асли Маҳмуджон билан бирга айтсангиз бўлар экан.

Кулишади.

Ш а ҳ н о з (ўзини ноқулай сезиб). Вой! Бу Камолхон акамнинг янги ғазали-ку!

М о ҳ и р а (кулиб). Ҳа, худди сизга атаб ёзганга ўхшайди! (Кулишади).

К а м о л. Ҳо, ҳазиллашманглар! Яна ҳазилларинг чинга айланиб кетиб, дўстим Маҳмуджондан балога қолиб юрмай!

Кулги.

Ҳ а к и м. Ҳа нима, Маҳмуджон уйлангандан кейин ҳазил-мутойибани унутиб қўйди, деб ўйлайсизларми?

Кулги.

Х у с н и д д и н. Бекорга овора бўласизлар! Бари бир, отган ўқларинг мўлжалга бориб тегмайди! Дўстимнинг юрагида рашк касалидан бир грамм ҳам йўқ! Дўстим ўтмишнинг сарқитларини бир чақага ҳам олмайди. Бу киши янги дунёнинг янги одамларидан! Шундайми, дўстим?

М а ҳ м у д. Худди шундай. Эски дунёнинг сарқитларидан биттаси сен қолдинг, холос!

Кулишади.

М а ҳ м у д. Хўш, бизга ҳам навбат берасизларми?

Ҳ а к и м. Марҳамат! Марҳамат! Айни муддао! Жим! қулоқ солинглар!

Маҳмуд

Бахтиёр бўлсин вафодорлар вафодори билан,
Айшини сурсин умрбод бирга дилдори билан.
Қанча севгинг, қанча меҳринг бўлса ўз ёрингга бер,
Кўз уриштирма ҳаёсиз, ўзгалар ёри билан.
Танласанг ёр танла ишқингга муносиб, бўлма дўст
Бевафолик қилгали ҳар дамда тайёри билан.
Кўз олайтирмоқ уят, дўстим, бўлақлар ёрига,
Бахтиёр бўлсин жаҳонда ҳар ким ўз ёри билан!

Кулги, шовқин кўтарилади, қарсақлар авжига чиқади.

Сухсур. Боплади-ку!

Моҳира. Жавоб мана бундақа бўлади!

Ҳаким. Маҳмуджон, жуда қаттиқ кетдингизу шоир
хафа бўлмасмикан?

Маҳмуд. Ҳа, шоир нега хафа бўлсин, мен бу ашу-
лани шоирга қарата айтганим йўқ! Чунки бу ғазал ҳам
шоиримизнинг ўзлариники!

Сабоҳат. Э, хайрият!

Ҳаким. Ҳа, шоирлар шунақа, гоҳ у бўлиб, гоҳ бу
бўлиб, гоҳ ёш бўлиб, гоҳ қари бўлиб, гоҳ йигит бўлиб,
гоҳ қиз бўлиб шеър ёзаверади.

Ҳамма кулади.

Сабоҳат. Қиз бўлиб эмас, қиз тилидан денг!

Кулги.

Камол (кулиб). Ҳа, шоирлик шунақа. Ҳамманинг
юрагидаги гапни айтаман.

Ҳаким. Хўп бўлмаса танаффус! Сабоҳатхон, Моҳи-
рахон, Дилдорхон — биз тўртовлон ўчоқ бошига борамиз!
Қани юринглар.

Ҳамма шовқин билан ҳар томонга тарқала бошлайди.

Ҳусниддин. Ҳаким ака, мен ҳам сизлар билан бо-
ра қолай!

Ҳаким. Учоқ бошида сенга лойиқ иш йўқ!

Ҳусниддин. Ҳеч бўлмаса ўтин ёриб берарман!

Моҳира. Тўнкани йигитлар, паҳлавонлар ёради! Сизнинг қўлингиздан келмайди!

Ҳусниддин. Опоқ қиз, менинг қўлимдан нима келиб, нима келмаслигини қаёқдан биласиз? Нима, синаб кўрувдингизми? (Кулишади).

Моҳира. Ранг кўру ҳол сўр, деган ҳикматли гап бор! Биламиз, ўчоқ бошига боришдан муддао, бизга, қизларга яқин бўлиш! Номерингиз ўтмайди! (Кулганча кетади.)

Камол. Хўш, Шаҳнозхон, суҳбатни давом этдирамизми?

Шаҳноз. Билмадим...

Камол (кулиб). Э, сиз, ҳалиги ҳазиллардан юрак олдириб қўйганга ўхшайсиз. Хотиржам бўлинг, эрингизнинг қўлига омон-эсон олиб келиб топшираман. Рухсат берасанми, дўстим?

Маҳмуд. Шу ерда суҳбатлаша қолсаларинг бўлмай-дими?

Камол. Бу ерда одамлар халал беришади. Бизнинг жуда чиройли, одамга илҳом бағишлайдиган, хилват, ҳеч ким халақит бермайдиган жойимиз бор. Ўша ёққа борамиз. Нима дедингиз, Шаҳнозхон?

Шаҳноз (Маҳмудга қараб). Майли... Агар...

Маҳмуд. Ҳа, майли, бора қолинглар.

Шаҳноз билан Камол кетишади. Маҳмуд безовта.

Ҳусниддин. Хўш, нега безовтасан, янги дунёнинг янги одами?

Маҳмуд. Негадир кўнглим ғаш...

Ҳусниддин. Бу табиий ҳол! Бундай вазиятда, юрагида жиндак ғурури бор одам, шубҳасиз, азоб чекади. Чунки бундай пайтларда рашк аждарҳоси бош кўтариб, заҳар ташлайди!

Маҳмуд. Азоб чекаётганим йўқ, кўнглим ғаш, деяман.

Ҳусниддин. Фарқи нима? Кўнглингга ғашлик солаётган нараса ўша рашк! Уша сен юрагингдан қувлаб чиқармоқчи бўлган, эшикдан ҳайдасанг тешикдан келадиган рашк!

Маҳмуд (ғамгин). Билмадим... Ҳали иккаласи лапар айтишганда ўзимни ноқулай сездим... Гўё ҳамма менга қараб кулаётгандай туюлди.

Ҳусниддин. Туюлди эмас, ҳақиқатан ҳам ҳамма

кулди! Айниқса, хотининг ҳолатга кириб ашула айтганда ҳамма ноқулай бир вазиятни сезди.

Маҳмуд. Сен ҳам сездингми?

Ҳусниддин. Ҳаммадан олдин! Уша вақтда, синовчи кўзларимни улардан, сендан ва бошқалардан сира узганим йўқ. Улар лапар айтишаётганда, одамлар бир-бирига маъноли қарашиб, кулишиб қўйдилар, сен томонга кинояли назар ташладилар. Сен эса, гоҳ қоғоздай оқариб, гоҳ шолғомдай қизариб ўтирдинг.

Маҳмуд (ҳаяжонда). Кутилмаган воқеа! Шаҳноз нега бундай қилади?

Ҳусниддин (кулиб). Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур?

Маҳмуд (жаҳли чиқиб). Бемаза гапларингни қўй!

Ҳусниддин. Биласанми, хотинлар хушомад олдида чойга тушган қантдек эриб кетади. Айниқса, бегона эркаклар, алаҳусус, шоирга ўхшаган гапнинг кифтини келтирадиган, хушомадга уста одамлар хушомад қилса...

Маҳмуд (ваҳимага тушиб). Хўш, нима қилиш керак? Гапир!

Ҳусниддин. Ҳозир бору хотинингни олиб, дарҳол уйингга жўна!

Маҳмуд (шошиб). Ҳозир?! Йўғ-э! Ноқулай бўлади!

Ҳусниддин. Сенга ноқулаю уларга қулай бўлса яхшими?

Маҳмуд. Ахир, ҳозиргина бора қолинглар, деб ўзим жавоб бердим-ку?

Ҳусниддин. Нодонлигингдан!

Маҳмуд. Йўқ, энди бориб, хотинимни уйга олиб кетаман, десам шоир нима деб ўйлайди? Бошқалар нима деб ўйлайди? Рашк қиляпти, хотинига ишонмас экан, дейишмайдими? Одамлар орасида майда гап, иғво тарқалиб кетмайдими? Йўқ, дўстим, подадан олдин чанг чиқариб юрмайлик.

Ҳусниддин. Хўш, улар сен ўйлаганча фаришта бўлсалар, ниятлари холис бўлса, нега одамлардан ажралиб, хилватга қараб кетишади? Хилватда улар нималарни гаплашади — билгинг келмайдими?

Маҳмуд (безовта). Билгим келади! О, жуда билгим келади!

Ҳусниддин. Ундай бўлса, бор! Ялпайиб ўтирма! Очиқ боришга уялсанг, яшириниб бор, бир чеккада туриб,

сўзларини эшит! Ё у ёқ бўлсин, ё бу ёқ! Ушанда кўнглингни гажиб ётган шубҳалардан бир йўла қутуласан!

Маҳмуд. Яшириниб бориб пойлаш? Йўғ-э, бу жуда пастлик бўлади-ку!

Хусниддин (кулиб). Кўрмайнам, куймайнам, дейсан-да. Агар сен хотинингнинг олдига боришдан уялсанг, мен бора қолай!

Маҳмуд (безовта). Йўқ, йўқ! Керак эмас!

Хусниддин. На совуққа кўнасан, на иссиққа!

Маҳмуд. Ҳожати йўқ!

Хусниддин. Хотиржам бўл! Кўрқма! Мен ҳозир келаман! (Кетади.)

Маҳмуд. Менга қара! Ҳо, шошма! Нима қиляпсан?

Хусниддин (узоқдан). Хотиржам бўл, ошнам! Хотиржам бўл!

Маҳмуд

(Куйлайди)

Рашк ўти ўртар дилимни, чанг солур жонимга рашк,
Заҳрини солди илондек ногаҳон қонимга рашк.
Ёрга берган аҳду паймонимга мен содиқ эдим,
Энди, дўстлар, раҳна солди аҳду паймонимга рашк.
Вақтидан олдин хазон фаслини келтирмоқчидир
Ишқ қуёшидан кўкарган боғу бўстонимга рашк.
Ёш тўкишдан бошқа чорам қолмади, айб айламанг,
Э, ёронлар, бўлди боис чашми гирёнимга рашк.
Ёрга кўнгил берган эрдим толеим, шоним дея,
Кўрқаман, доғ солмасин, деб шавкату шонимга рашк.

Шаҳноз киради.

Шаҳноз. Ҳа, нега чақирдингиз?

Маҳмуд (ҳайрон). Чақирдингиз? Қачон?

Шаҳноз. Ҳа, Хусниддин акам, сизни Маҳмуджон чақиряпти, деди-ку!

Маҳмуд (довдираб). Э-ҳа, эсим қурсин. Ҳа, чақирувдим. Ҳалиги... Вақт бўлиб қолди, кетсакмикан, дедим...

Шаҳноз. Ҳа, элдан бурун кетиб нима қиламиз? Ҳаммамиз бирга кетайлик-да! Ҳали Камолхон акам билан гапимиз тугагани йўқ. (Кулиб.) Шоир дафтарига бутун таржиман ҳолимни, болалигим, ёшлигим, мактабда қандай ўқиганлигим; бошимдан ўтган ҳодисалар, ҳатто

сиз билан қачон, қандоқ қилиб танишганимиз, қандоқ қилиб бир-биримизни севганимиз — ҳамма-ҳаммасини ёзиб оляпти. Асарига керак эмиш.

Маҳмуд. Бу-ку, тўғри-я. Лекин одамлар хилватда суҳбат қилишингизни бошқача ўйлаши мумкин...

Шаҳноз. Ўзингиз қандай ўйлайсиз?

Маҳмуд. Мени қўяверинг. Мен тушунаман. Ишонаман. Аммо...

Шаҳноз. Мен учун сизнинг ишончингиз муҳим. Бошқаларни қўяверинг.

Маҳмуд. Йўқ, жонгинам, бошқаларнинг фикрига ҳам риоя қилишимиз лозим. Ахир, биз кўпчилик орасида яшаймиз.

Шаҳноз. Нима, бирор гап бўлдимиз? Биров бир нарса дедими?

Маҳмуд. Демаса, дейиши мумкин... Биров ундоқ, биров бундоқ...

Шаҳноз. Очиқроқ гапиринг!

Маҳмуд. Ҳа, энди, бугун шу боққа келибмизки, шоир билан биргасиз, суҳбатларингиз қизгин... хилватда... Лапар айтишасизлар, ишқий шеър тўқишасизлар. Ахир, булар одамларга бошқача туюлиши мумкин-да!

Шаҳноз (қулиб). Назаримда, ўртоғингиздан рашк қилаётганга ўхшайсиз.

Маҳмуд (шошиб). Йўқ, йўқ! Ўртоғимга нисбатан менда рашк бўлиши мумкин эмас! Мен ўртоғимга ўзимга ишонгандек ишонаман! Ўртоғимни жонимдан ҳам ортиқ севаман!

Шаҳноз. Ҳа, илгари ҳам шундай эдингиз. Шунинг учун ҳам мен ўзимни дўстингизга беғараз яқин тутиб юрувдим...

Маҳмуд. Аммо чегарадан чиқмаслик керак.

Шаҳноз (ҳайрон). Нима? Чегарадан чиқиб нима қилибмиз?

Маҳмуд (шошиб). Йўқ, гапнинг сирасини айт-япман.

Хусниддин билан Камол киришади.

Хусниддин. Ие, шаҳарга кетганларинг йўқми?

Шаҳноз. Вой, ҳали ҳеч ким кетгани йўғу нега биз қетамиз?

К а м о л. Э, хайрият! Мен Шаҳнозхон билан бўлаётган ажойиб суҳбатимиз чала қолар экан, деб хавотирда эдим.

М а ҳ м у д. Назаримда, биродар, суҳбатларинг жуда ҳам чўзилиб кетди. Нима, маёвкага дам олгали, ўйнаб-кулгали чиққанмисан ё кун бўйи суҳбат қилиш учунми?

К а м о л. Шаҳнозхон билан бўлган ширин суҳбат менга ўйин-кулгилардан ҳам кўпроқ ором бағишлади. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидай, суҳбатлашиб ҳам дам олдим, ҳам асаримга материал!

М а ҳ м у д. Бугун олган материалинг битта эмас, ўнта асарга ҳам етади. Энди бўлди, қўй, хотиним шўрлик пича дам олсин, жуда чарчади.

Ш а ҳ н о з. Ҳечам чарчаганим йўқ, агар Камолхон акам суҳбатни давом этдирмоқчи бўлсалар мен тайёрман!

М а ҳ м у д (ёқтирмай). Азизим!

Ҳ у с н и д д и н. Рўмолча!

Ҳамма кулади.

К а м о л (кулиб). Бўлмаса, дўстим, сен ҳам биз билан бирга юр. Мен Шаҳнозхон билан суҳбатни давом этдирай, сен эса, хотинингнинг ҳусни латофатига тикилиб, табиат яратган ноёб гўзалликни томоша қилиб ўтир, (кули) аммо бизга халал бермаслик шарти билан!

Ҳ у с н и д д и н. Жуда тўғри! Оқилона гап! Бор! Агар сен ёнларида бўлсанг, ортиқча гап-сўзга ўрин қолмайди!

К а м о л (ҳайрон). Қанақа гап-сўз?

Ҳ у с н и д д и н. Бошқа гап. Сен тушунмайсан. Қани, жўнанглар!

Ш а ҳ н о з. Юринг! Ахир, истеъдодли адибнинг ажойиб асаридаги ажойиб образ менинг нусхам бўлса ёмонми? Ахир, бу мен учун бахт-ку!

К а м о л. М а ҳ м у д, Ш а ҳ н о з кетишади.

Ҳ у с н и д д и н. Ҳаҳ, эсим қурсин. Айтаман, деб яна эсимдан чиқибди. Бошқаларнинг иши билан бўлиб доим ўз ишимни унутаман! Камол! Ҳо, Камолхон! Бир минутга!

К а м о л (қайтиб кириб). Хизмат, дўстим?

Ҳ у с н и д д и н. Мен бир қизга уйланмоқчиман, сен халал берма!

К а м о л (кулиб). Ҳа, тентак, сен уйланмоқчи бўлсанг, мен нега халал берар эканман! Қайтага хурсанд бўламан! Тўйингда қамишдан бел боғлаб хизмат қиламан!

Ҳ у с н и д д и н. Қуллуқ. Гап бундай, мен уйланмоқчи бўлган қизнинг кўнгли сенда!

К а м о л (ҳайрон). Кўнгли менда? Ким экан у қиз?

Ҳ у с н и д д и н. Дилдор.

К а м о л. Ҳмм. Ҳалиги, янги келган машинистками?

Ҳ у с н и д д и н. Ҳа, ўша жанон! Агар сен унинг муҳаббатини рад этсанг, алаmidан менга тегиши мумкин. Сен қуёш, мен жинчи роқ, у парвона! Парвона қуёшнинг мурувватидан маҳрум бўлгач, ўзини жинчи роққа келиб уради! Шунақа афсона бор! Майли, менга, яъни жинчи роққа келиб урилсин, қучоқ очиб қарши оламан!

К а м о л (ўйчан). Қизиқ гап... Кутилмаган гап...

Ҳ у с н и д д и н. Келишдикми?

К а м о л (ўйчан). Келишдик... (Кетади.)

Ҳ у с н и д д и н. Шоирни билмайман-у, аммо Шаҳнознинг юраги дарз кетганга ўхшайди. Дарз кетган юракни қайтадан бутлаб бўладими? «Тогда арча минг йил умр сурурму? Шохи синса заргар кумуш қилурму?» деган гап бор! (Узоқдан келаётган Дилдорни кўриб.) Ие, ана, бахтдан бўлиб ўзлари, яъни бўлажак қайлиқ номер первой келяптилар! Қурғур жуда тиниқ нарса! Худди сутга найиб олгандек оппоқ! Юзлари юз эмас, ширмой! Қаймоқ суртилган ширмой кулча! Войдодизм!

Ювналган идишларни кўтариб Дилдор киради.

Д и л д о р. Ҳусниддин ака, ёрдамлашворинг!

Ҳ у с н и д д и н. Жоним билан! (Ёрдамлашади). Жонгинам, хафароқ кўринасиз?

Д и л д о р. Ҳа, юрагим ғаш.

Ҳ у с н и д д и н. Меники ҳам ғаш!

Д и л д о р. Ёлғизлик қуриб кетсин, жонга тегди.

Ҳ у с н и д д и н. Ие, иккаламизнинг фикримиз бир ердан чиққанини қаранг.

Д и л д о р. Сиз акам қатори одамсиз, менга ёрдам қилинг.

Ҳ у с н и д д и н. Сиз учун ҳар қанақа ёрдамга тайёрман!

Д и л д о р. Уртоғингиз билан гаплашиб беринг.

Хусниддин (безовта). Қайси ўртоғим билан?

Дилдор (ерга қараб). Шоир билан...

Хусниддин (масалага тушуниб, жиддий). Шоир сизни севмайди! Кўнглингизни унга зинҳор айта кўрманг, сиздан кулади, шарманда қилади. Шоир бошқа...

Дилдор (ҳаяжонда). Бўлди, бўлди! Биламан, у бошқа одамни севади...

Хусниддин. Модомики, гап шундай экан, сиз ҳам бошқа одамни севинг. Сизни астойдил севадиган, сизни бошига кўтариб дунёни ўн маротаба айланиб чиқишга тайёр бўлган, сиз учун жонини ҳам аямайдиган вафодорни севинг!

Дилдор (ғамгин). Ундай одам жаҳонда йўқ...

Хусниддин (дадил). Бор! Мана, мен!

Дилдор (қўрқиб). Вой шўрим! Бу нима деганингиз? Уялмайсизми? Менга иккинчи бу гапни айта кўрманг! Вой шўрим! Хўп одамидан ёрдам сўраган эканман! (Шошилганча кетади.)

Хусниддин. Ҳо, шошманг! Гап бор! Гапимга тушунмадингиз!

Дилдор (узоқдан). Гапингиз ҳам қурсин, ўзингиз ҳам!

Хусниддин. Ҳа, менинг пешанам шўр. Пешанамга хотин зоти битилган эмас! Э, бор-э, ҳамманг жаҳаннамга кир! Ҳали ҳам ўзимнинг бўйдоқлигим яхши! Ҳа, шунақа деб, ўзимни ўзим овутаман. Бўлмаса, уйланишга нима етсин! Яхши бўлмади. (Узоқдан келаётган Моҳирани кўриб.) Ҳа, ана, битта офати жон келяпти. Бўлажак қайлиқ номер икки! Ҳа, у бўлмаса бу! Менга бари бир, тани-жони соғ, ақли-ҳуши жойида, кўзи кўрадиган, қулоғи эшитадиган, топар-тутари бор, рўзғорга ярайдиган бўлса бўлгани. Қани мулла Хусниддин, хизмат кўрсатган бўйдоқ, юракдаги гапни пари-пайкарга айтиб қолинг, бўлмаса кеч қоласиз, буни ҳам бошқалар илиб кетиши мумкин! Дадил бўлинг! Э, оёқларим, қалтирама! Э, юрак, дириллама!

Саватда нон кўтариб, олдига пешбанд тутган Моҳира киради.

Моҳира. Ҳо, нима деб гўлдираяпсиз?

Хусниддин. Ўзим шунчаки.

Моҳира. Дилдорни нега хафа қилдингиз?

Ҳусниддин. Э, қачон? Бўлмаган гап! Қуруқ туҳ-
матингдан асра!

Моҳира. Ғўдайиб турмасдан, ёрдамлашворинг!

Ҳусниддин (*илжайиб*). Жоним билан! (*Саватни олиб столга қўяди.*) Уҳҳ, бунча оғир! Нима бало, ичида қўрғошини борми?

Моҳира. Бунча нозиксиз! Ичидаги қўрғошин эмас, нон! Мабодо, фалокат босиб, уйлангундек бўлсангиз, келин пошшога қандоқ ёрдам берасиз?

Ҳусниддин (*илжайиб*). Худди шу тўғрида ўзлари билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Мен сизни...

Моҳира (*кулиб*). Ҳа, Дилдорга тишингиз ўтмагандан кейин, менга осилмоқчимисиз?

Ҳусниддин. Йўқ, унга ҳазиллашувдим. Сизга астойдил уйланмоқчиман.

Моҳира (*кулиб*). Кеч қолдингиз, кувёв почча! Мен бандман! Бошим боғлиқ! Тушундингизми?

Ҳусниддин (*руҳсиз*). Ҳа, тушунарли...

Моҳира (*кулиб*). Вой, ошиқи беқарор-э! Ҳазилкашларга яна битта эрмак топилди, айтаман, роса кулишади!

Ҳусниддин (*шошиб*). Ҳой, ҳой. Илтимос, шу гап шу ерда қолсин! Ҳазиллашувдим. Мени шарманда қилманг! Сўрайман! Ўтинаман!

Моҳира. Вой тавба! Кўринган билан кўтара савдо! (*Кулганича кетади.*)

Ҳусниддин

Рад этди иккиси ҳам,
Қолдим бўйдоқлигимча.
Бўйдоқ деган, жаҳонда
Расво бўларми шунча?
Бахти қаро эканман,
Бир бедаво эканман.
Юрмайди омадим ҳеч,
Кўнгилда ғам тугунча,
Ҳижрон ўтига, майли,
Сабр айлайин бугунча.
Кўп бедаво эканман.
Бахти қаро эканман,

Маҳмуд киради.

Маҳмуд. Нима гап, нега қизлар сени мазах қилишиб, боғни бошларига кўтаришиб, кулишиб юришибди?

Ҳусниддин. Дарров оғизларидан гуллашибди-да! Парво қилма, бугун қизларнинг тили қичиган кун. Хўш, нега яна ёлғиз қайтдинг? Улар қани?

Маҳмуд. Улар суҳбатлашиб ўтиришибди. (Кулиб.) Мен ортиқчалик қилгандай бўлдим. Назаримда, уларга қоровул бўлиб, уларнинг оғзини пойлаб ўтирганга ўхшадим. Улар суҳбатга шу қадар берилиб кетишдики, ёнларида мен борманми, йўқми, сезишмайди ҳам. Ўзимни ноқулай, ортиқча сездиму қайтдим. Улар, назаримда, кетганимни ҳам пайқашмади.

Ҳусниддин. Демак иш чатоқ! Хотин кўлдан кетди, деявер!

Маҳмуд (жаҳли чиқиб). Ҳой, сен қаёқдаги йўқ гапларни айтиб, юрагимга ваҳима солиб, мени нима қилмоқчисан? Муддаонг нима?

Ҳусниддин. Муддаом сени бахтиёр қилиш! Хотиннингнинг юрагида нималар юз бераётганини, юраги бутунми ё дарз кетганми, аҳдида турибдими, вафо гулшанига қурт тушмаганми, шуларни аниқ билиш!

Маҳмуд. Қандай қилиб биласан? Нима, юрагига кириб чиқасанми?

Ҳусниддин. Мен баъзи бир тахминларимни синовдан ўтказмоқчиман, кўнглимдаги гапларимни тажриба қилиб кўрмоқчиман. Синовларимнинг ойнаи жаҳонда хотинингнинг юраги яққол кўринади-қолади!

Маҳмуд (ҳаяжонда). Қанақа синовлар? Қандай тажрибалар?

Ҳусниддин. Сабр қил! Хотиннингнинг юрагини билиб берсам бўлдимми?

Кулги, шовқин билан йигитлар, қизлар киришади.

Сабоҳат. Ҳа, Ҳусниддин, ҳорманг! Тузоққа ҳеч нарса илиндими?

Моҳира. Ҳо, ораларингда Ҳусниддин ака муҳаббат изҳор қилмаган ким бор? (Кулги.)

Сухсур. Ҳусниддин акам юзта қизга муҳаббат изҳор қилиб, биттасини олмақчилар-да! Танламоқчилар! (Кулишади.)

Ҳусниддин (гапни ҳазилга айлантириб). Ҳа, тўғри, танламоқчиман! Яна оғзи қийшиқ, кўзи гилайига учраб қолмай, дейман-да! (Кулги.)

Моҳира, Дилдор Ҳусниддинга бағишлаб ашула айтишади.

Моҳира

Шотисиз осмонга чиқмоқ бўлди Ҳусниддин, қаранг!

Дилдор

Севги бобида топилмас бундоғ устаси фаранг!

Моҳира

У муҳаббат этса издор, йўқ, дедик, қилдик таранг!

Дилдор

Ниятингдан қайта қол, деб гапга киргиздик аранг.

Моҳира

Боққанингда ҳуснимизга кўзларинг бўлгай хира.

Дилдор

Йўлга кўп қўйма тузоқ, домингга тушмаймиз сира!

Кулги, қийқириқ, қарсақлар.

Ҳусниддин

Ақлинг кирар тушдан кейин,
Яхшигина муштдан кейин.
Ёзинг, баҳоринг ҳам ўтар,
Аттанг бўлар қишдан кейин.

Жанжалга хоҳишим йўқ,
Тишлай десам тишим йўқ,
Ҳеч ким билан ишим йўқ.
Ҳеч кимга миш-мишим йўқ.

Тараллаю таралла,
Тилимда янги ялла.
Таралла бедоду бедод,
Дастингдан айладим дод!

Кулги, қарсақлар авжига чиқади.

Ҳ а к и м. Қани, шоир, навбат сизларга!

К а м о л, Ш а ҳ н о з л а р ҳам кириб келишади. Камол шеър бошлайди. Дилдор, Сухсур, Моҳира қўшила боради.

К а м о л

Айтишим шартмиди ошиқлигимни?

Д и л д о р

Ўзинг сезмадингми, кўзимга боқиб?

К а м о л

Ёки билмасликка солиб ўзингни

Ш а ҳ н о з

Роҳат қиласанми, бағримни ёқиб?

К а м о л

Нега қасд қиласан жонимга, айт-чи?

Ш а ҳ н о з

Кўзларингни сузиб, қошингни қоқиб.

Д и л д о р

Камайиб қолмасу давлатинг, ахир,
Бир йўл кўкрагимга қўйсанг гул тақиб!

К а м о л

Томчига зор этиб, гоҳо ёнимдан

Ш а ҳ н о з

Обиҳаёт бўлиб ўтасан оқиб.

Дилдор

Васлингга етолмай доғдаман, жоним,

Сухсур

Ҳижрон азоб берар илондай чақиб.

Шаҳноз

Айтишим шартмиди, ошиқлигимни?

Дилдор

Ахир, сезмадингми дардимни ўзинг?

Сухсур

Умрбод бахтиёр этарди мени,

Моҳира

Битта табассуминг, бир оғиз сўзинг!

Қарсақлар. Рақс куйи чалинади. Қизлар ўйинга тушадилар.
Қарсақ, шовқин остида парда ёпилади.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ КУРИНИШ

Елма-ён икки саҳна, бири Маҳмудларнинг ҳовлиси, иккинчиси редакциядаги хоналардан бири. Воқеа гоҳ бир саҳнада, гоҳ иккинчи саҳнада, гоҳ икки саҳнада барабар ўтади. Бир саҳнада воқеа кетаётганда, иккинчи саҳнанинг чироғи ўчади. Редакция. **К а м о л** стол ёнида ўтириб, машинкадан чиққан қўл ёзмани солиштирмоқда. Телефон жиринглайди.

К а м о л (*трубкани олиб*). Эшитаман... Йўқ, бу район газетасининг редакцияси. (*Трубкани қўяди*.)

Қўл ёзмаларни кўтариб **Д и л д о р** киради.

Д и л д о р. Мана, ўнинчи боб ҳам тайёр бўлди. (*Қўл ёзмани столга қўяди*.)

К а м о л. Раҳмат. Хўш, бориши қалай? Сизга ёқяптими?

Д и л д о р. Жуда соз. Кейинги вақтларда ўқиган қиссаларимнинг энг яхшиси шу!

К а м о л. Миннатдорман. Агар сизга ёққан бўлса, ҳаммага ҳам ёқади. Асарнинг биринчи ўқувчиси, унга биринчи бўлиб баҳо берадиганлар машинисткалар.

Д и л д о р (*тортиниб*). Баъзи бир мулоҳазаларим бор, айтсам майлими?

К а м о л. Марҳамат.

Д и л д о р. Нима учун асарнинг бош қаҳрамонини **Шаҳноз** деб атадингиз? Ахир, **Шаҳноз**нинг кимлигини биламиз-ку? Бор одам, тирик одам ҳақида шундай ёзиш қандоқ бўлар экан?

К а м о л (кулиб). Шаҳнознинг кимлигини сизу биз биламиз холос, аммо кўпчилик ўқувчи, халқ билмайди-ку!

Д и л д о р. Қайдам. Ўзингга таниш одамни асарда айнан кўрсанг ғалати туюлар экан. (Кулиб.) Шаҳнознинг тасвирига бутун кучингизни, бутун қобилиятингизни сарф қилибсиз... Қизиқ...

К а м о л. Агар асаримда тасвир қилинган Шаҳноз ҳаётдаги Шаҳнозга ўхшаган бўлса, мен ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблардим.

Д и л д о р (ерга қараб, ғамгин). Демак, Шаҳнозхонни яхши кўрасиз...

К а м о л. Ҳа, асаримдаги Шаҳнозни, бош қаҳрамонимни яхши кўраман.

Д и л д о р. Ҳаётдагисини-чи?

К а м о л. Ҳаётдагисини ҳурмат қиламан.

Д и л д о р (ўйчан). Шаҳнозхон бахтиёр...

К а м о л. Ҳа, Шаҳнозхон бахтиёр. Бахтиёр дўстимнинг бахтиёр рафиқаси. (Телефон жиринглайди. Трубкани олиб). Эшитаман. Йўқ, редакторга телефон қилинг... Ҳа, ҳа. Ўзида бўлиши керак. (Трубкани қўяди.)

Д и л д о р. Биласизми, асарнинг бир варағи йўқолиб қолди...

К а м о л. Йўқолиб қолди?

Д и л д о р. Ҳа. Ахтармаган жойим қолмади, йўқ, тополмадим. Дераза очиқ қолиб, шамол учириб кетдим, билмадим... Энг чиройли варағи йўқолди, асар қаҳрамонининг Шаҳнозга ёзган мактуби...

К а м о л. Чакки бўлибди. У мактубни қиёмига етказганимча жигарим эзилиб кетувди.

Д и л д о р (ўзини ноқулай сезиб). Мени кечиринг. Яна бошқа фикрларга бориб юрманг... Атайин йўқотганим йўқ...

К а м о л. Йўқ, йўқ, хафа бўлманг! Майли, бўлар иш бўлибди. Қайтадан ёзаман. (Телефон жиринглайди. Трубкани олиб.) Эшитаман, ким керак?.. Ким?.. Э, йўқ! Кейин телефон қилинг! (Трубкани қўяди.) Йўқ, бу ерда ишлаб бўлмайди! (Ўрнидан туриб, нарсаларини папкага сола бошлайди.) Уйга бориб ишлайман. Ахир, ҳозир ижодий отпусқадаман-ку! Машинкадан чиққан қисмларини пешмапеш уйга олиб бориб бераверасиз, тайёр қисмларини олиб келаверасиз. Қаршимасмисиз?

Д и л д о р (хурсанд). Йўқ!

К а м о л (ҳазиллашиб). Ё уйимга боришдан қўрқасизми?

Д и л д о р (уялиб). Вай, нега қўрқай? Нима, еб қўярмидингиз?

К а м о л. Жуда соз! Хўш, ҳаммаси шуми?

Д и л д о р. Яна бир оз бор.

К а м о л. Бўлмаса, уларни ҳам олиб келинг, олиб кета қолай.

Д и л д о р. Хўп бўлади. (Чиқиб кетади.)

К а м о л (унинг орқасидан қараб). Ҳа, чиройли... Ёқимтой... қизик, назаримда, мени яхши кўриши ростга ўхшайди... Менга ҳам у кундан кунга ёқяпти. Ё уйланиб қўя қолайми?.. Унда, шўрлик Ҳусниддин нима қилади? Шу қизни яхши кўраман, менга халал берма, деб илтимос қилувди-ку?.. Йўқ, Дилдор Ҳусниддинга тегмайди... Ҳа, у мени севади... Севади!.. Уйлаб кўриш керак. Ҳа, уйга борадиган бўлди-ку! Уша ерда гаплашаман!.. Яхши қиз. Ақлли... Чиройли...

Бир даста қоғоз кўтариб Дилдор киради.

Д и л д о р. Мана! (Қоғозларни узатади.)

К а м о л (қоғозларни олиб). Раҳмат. Демак, келишдик?

Д и л д о р (кулиб). Келишдик.

К а м о л. Хайр бўлмаса. Кутаман!

Д и л д о р. Хайр. Бораман.

К а м о л кетади. Дилдор орқасидан ғамгин қараб қолади.

Д и л д о р

Бир оғиз ширин сўз айтмади-я! (Ашула айтади.)

Бир боқиб ўт солди дилга, бир боқиб бағрим кабоб,
Бир боқиб шайдоси бўлдим, бир боқиб ҳолим хароб.

Кун сайин ортар азобим, заъфарондир юзларим,

Дардли ҳижрон зарбасига қолмади ҳеч менда тоб.

Пайқамас ё истамас термулса унга кўзларим,

Ҳеч жавоб йўқ севгидан этмас баён, қилсам хитоб.

Сигмагай дардим дилимга, шунча кўп ҳасратларим,

Ёзсангиз дардимни, дўстлар, бўлғусидир бир китоб.

Идоранинг чироғи ўчиб, ҳовлининг чироғи ёнади. Айвонда кашта тикиб С а л о м хола ўтирибди.

С а л о м

Чамандан нусха олдим,
Ўргасига гул солдим.
Ўз каштамини кўрганда
Ўзим ҳам ҳайрон қолдим.
Гуллари чаман-чаман,
Шайдо бўлиб боқаман!

Каштада минг хил гул бўлар пайдо,
Гулларга боқиб бўламан шайдо.
Бунча кўҳликсан, ўргилиб кетай!
Сен турганда мен гулзорни нетай?!

Ҳусниддин киради.

Ҳусниддин. Салом, Салом хола!
Салом (чўчиб тушади.) Вой, одамни қўрқитиб юбор-
дингиз-ку! Келинг, яхшимисиз?

Ҳусниддин. Ўзингиз бардаммисиз?

Салом. Шукур, ўргилсин, шукур.

Ҳусниддин. Қани булар?

Салом. Билмадим, Маҳмуджон ишда бўлса керак.
Келин пошшо бўлсалар, дугоналариникига кетганлар.
Ҳозир келиб қолишади, ўргилсин.

Ҳусниддин. Умуман, қалай, келин сизга ёқадими?

Салом. Менга ёқиши шарт эмас, эрига ёқса бўлган-
да, айланай.

Ҳусниддин. Умуман, келиннинг эрига кўнгли қа-
лай? Яъни, эрининг ҳурматини жойига қўядими?

Салом. Бу масалада келиним, авваллари ҳар қанча
мақтаса арзийдиган эди. Эри билан ниҳоятда иноқ, эрини
ниҳоятда яхши кўрар, ҳурмат қилар эди...

Ҳусниддин. Хўш, ҳозир-чи?

Салом. Ҳозир ҳам ёмон эмас... Аммо кейинги вақт-
ларда, келин, негадир, паришонроқ бўлиб қолди. Назар-
римда, икки орадаги аввалги илиқлик бир оз совиганга
ўхшайди, ҳа!

Ҳусниддин. Келинингизга ҳеч ким телефон қила-
дими?

Салом. Ҳа, ҳа! Кейинги маҳалларда аллаким телефон
қиладиган бўлиб қолди. Телефон жиринглади дегунча, ке-
лин ёнига учиб боради. Телефонда ким биландир энтикиб
гаплашади.

Ҳусниддин (ўсмоқлаб). Балки эри билан гаплашар?

Салом. Йўқ, йўқ! Эри билан унақа гаплашмайди, биламан. У одам билан, гапни биров эшитиб қолмасин дегандай ҳадиксираб, у ёқ-бу ёққа аланглаб, аҳтиётлик билан гаплашади. Ҳа. Кейин, бир китобни олиб, ҳадеб ўқий бошлайди. Яхши кўрадиган, қайта, қайта ўқийдиган бир китоби бор. Мен унинг телефонда гаплашганини узоқдан томоша қилиб, ҳайрон бўлиб ўтираман. Бир куни, келин, телефон қилган ким экан, тинчликми, деб сўрасам, ёқ-тирмагандай бўлиб, дугонам, деб қўя қолди. Сездимки, гаплашгани дугонаси эмас. Ҳа!

Ҳусниддин. Демак, қандайдир бир сир бор!

Салом. Ҳа, ўргилсин, сир бор!

Ҳусниддин. Бу гапни Маҳмуджонга айтганингиз йўқми?

Салом (қўрқиб). Вой, ўргилсин, бунақа гапни айтиб бўладими? Нах уйлари бузилиб кетади-я!

Ҳусниддин. Жуда тўғри қилибсиз, хола. Ақлингизга балли.

Салом. Ўзи нима гап, айланай, сиз билмайсизми?

Ҳусниддин. Назаримда, келинингизнинг кўнгли эридан совияпти. Назаримда, энди унинг юрагида бошқа одамнинг муҳаббати туғён урмоқда.

Салом (қўрқиб). Вой, қўйинг-э! Қаёқдаги йўқ гапларни айтиб, одамни қўрқитманг! Илоё ёмон кўздан асрасин агам, қўша қаршсин! Бир-бирига хўп ярашган, жуда муносиб. Ҳа!

Ҳусниддин. Гапларингиз тўғрику-я, холажон, аммо бу билан ҳалокатнинг олдини олиб бўлмайди.

Салом (қўрқиб). Вой, ўргилсин, қанақа ҳалокатни айтаяпсиз?

Ҳусниддин. Сиз билан биз, яъни мен, Маҳмуднинг жонажон ўртоғи, сиз унинг меҳрибон холаси, ҳақиқатни, келиннинг юрагида нималар содир бўлаётганини аниқ билишимиз лозим.

Салом (ҳайрон). Қандоқ қилиб?

Ҳусниддин. Сиз келиннинг бутун хатти-ҳаракатини пайқаб юринг. Телефонда ким билан, нима деб гаплашади, бировдан хат оладими, мабодо, хат олса, қаерга яширади, ҳаммасидан хабардор бўлиб туринг. Аммо келиннинг ўзига сездирманг, гўё ҳеч нарса билмаган киши бўлиб юраверинг. Агар келин садоқатли хотин бўлса, ҳам

ма гапни эрига ўзи айтиб беради. Борди-ю, эрини севмаса, ундан кўнгли совиган бўлса, яширади, айтмайди! Тушундингизми?

С а л о м (довдираб). Тушунмадим...

Ҳ у с н и д д и н. Э, хола, каллани ишлатиш керак!

С а л о м. Каллани ишлатарману, болам, аммо бу ишимиз қандай бўлар экан? Ахир, бу ишимиз айғоқчилик бўлади-ку, ўргилсин!

Ҳ у с н и д д и н. Сиз қўрқманг, кампиршо, бу бир савоб иш!

С а л о м (бўшашиб). Қайдам...

Ҳ у с н и д д и н (қўйнидан хат чиқариб). Бўлмаса мен манов хатни ичкарига ташлаб кетаман. Бу хатни мен ташлаб кетганимни Шаҳнозхон билмаслиги керак! Сиз ҳам, гўё ҳеч нарсадан беҳабарсиз. Аммо келин келиб, хатни ердан олганида, очиб ўқиганида қандай ҳолатга тушади, зимдан кузатиб туринг! Кейин, менга айтиб берасиз!

С а л о м. Холагинанг ўргилсин, негадир, мени ваҳима босяпти.

Ҳ у с н и д д и н. Э, қўрқманг! Ҳеч гап бўлмайди! Бу бир синов, холос!

С а л о м. Болам, хат кимдан? Зарарсиз хатми?

Ҳ у с н и д д и н. Э, холажон, бунча қўрқасиз? Зарарли хат бўлса ташлармидим?

С а л о м. Қайдам...

Ҳ у с н и д д и н

Ҳушёр бўлинг, кампиршо!
Сир бой берманг мутлақо!

С а л о м

Ақлу ҳушимни олдинг,
Бошимга ғалва солдинг.

Ҳ у с н и д д и н

Бир савоб иш қилайлик,
Не бўлади, билайлик.

С а л о м

Тушунмадим сўзингга,
Инсоф берсин ўзингга.

Хусниддин

Келганимни билмасин,
Ҳеч ким шубҳа қилмасин!

С а л о м

Бир балони бошлама!
Кўзларини ёшлама!

Хусниддин хатни бўсагага ташлаб, чиқиб кетади. Кампир ҳайрон бўлганича қолади. Ҳовлининг чироғи ўчиб, идоранинг чироғи ёнади. Моҳира, Дилдор, Сухсур тушки овқат қилиб, чой ичиб ўтиришибди.

Сухсур. Қизлар, пайқаяписизларми, кейинги кунларда Маҳмудхоннинг машқи пастроқ кўринади-я!

Дилдор. Хотини билан хафалашиб қолганга ўхшайди.

Сухсур. Ҳалитдан-а?

Моҳира. Унинг бошини Хусниддин лақма айлантириб юрибди. Эр-хотин орасига қутқу солмоқчи чамаси.

Дилдор. Тавба, нега ундай қилади?

Моҳира (кулиб). Ўзи хотин ололмагандан кейин, бошқаларнинг ҳам бахтини кўролмаса керак-да. Шу лақмани бир лақиллатмаймизми? Бир таъзирини бермаймизми?

Дилдор (кулиб). Қандай қилиб?

Моҳира. Сиз унга хат ёзасиз.

Дилдор (кулиб). Мен? Нима деб ёзаман?

Моҳира. Нима деб ёзишни мен айтаман.

Дилдор (кулиб). Вой, тавба! Хўп, айтайлик, хатни ёздик, кейин нима қиламиз?

Моҳира. Кейин у хатни Сухсурхон Хусниддинга беради. Қани, кўрайлик-чи, нима қилар экан? Ушанга қараб у ёғини келиштирамиз. (Дилдорнинг олдига қоғоз, ручка қўяди.) Қани ёзинг!

Дилдор (кулиб). Қизиқ...

Моҳира хатни айтиб туради, Дилдор кула-кула ёзади.

Моҳира. «Ҳурматли Хусниддин ака, майли, таклифингизни қабул қилдим. Аввал илтимосингизни рад эт-

ганимнинг сабаби, мен бошқа одамни севардим. Аммо у бағри тош мендан юз ўгирди. Энди, дарду аламларимни унутиш, у ноинсофдан ўч олиш учун сизга турмушга чиқишга розиман. Майли, ўша бевафо аламга чидолмай куйиб ўлсин!» (Хатни олиб.) Бу тузоққа эски бўйдоқ тумшугидан илинади! Аминман! Манг, Сухсурхон, топширасиз!

С у х с у р (хатни олади. Деразага қараб). Вой, ана, ўзлари ҳам келяптилар, Хизрни йўқласак ҳам бўлар экан!

М о ҳ и р а (соатига қараб). Хўп. Танаффус вақти ҳам тугаб қолди. Биз қариги уйга чиқамиз. Сухсурхон, бўшашманг!

Дилдор билан М о ҳ и р а чиқиб кетишади. Хиргойи қилиб,
Хусниддин киради.

Х у с н и д д и н

Ер бўлсаю лабида қоп-қора холи бўлса,
Юзлари гул, тилида шакару боли бўлса.
Шундай гўзал оҳиста бўйнимга қўл ташласа,
Мендай ғарибларнинг ҳам бахти иқболи бўлса!
Хусну жамоли бўлса!
Фазлу камоли бўлса!
Нозу карашмаси кўп,
Ўзи иболи бўлса.
Кўзида сурмасию
Қўли хиноли бўлса.

С у х с у р (кулиб). О, жуда хурсанд кўринасизу, Хусниддин ака! Ҳа, ишлар бешми, дейман!

Х у с н и д д и н. Ҳа, ўзим айланай, Сухсурхон! Кайфим чоғ, кўнглим боғ, кўксим тоғ! Мана, энди ўзларини кўриб, севинчимга севинч қўшилди. Ўзим ҳам сизни ахтариб юрувдим, бахтимдан бўлиб, мана, ёлғиз учратдим. Машойихлар, суҳбатга хилват яхши дейдилар, жонгинам!

С у х с у р (кулиб). Мени қўйинг, хушомадингизни талабгорларга, яъни сизга кўнгли борларга айтинг!

Х у с н и д д и н (ҳайрон). Талабгор? Ие! Қанақа талабгор? Менга ҳам ўз ихтиёри билан талабгор бўлади-ганлар бор эканми?

Сухсур (хатни ўзатиб). Мана! Уқинг, биласиз!

Ҳусниддин (хатни олиб, шошиб ўқийди). Ие, тўшимми, ўнгимми?! Бахтимдан ўргилай! (Хатни ўпади.) Демак, вақти соати етиб, омадим юришибди-да! Қойил. Қойилизация! Войдодизм! (Хатни ўлиб, кўзига суртади.) Бахтим! Толеим!

Сухсур (кулиб). Мен кетдим.

Ҳусниддин (бепарво). Оқ йўл!

Сухсур (кулиб). Нима дейин?

Ҳусниддин. Нимани нима дейсиз? Кимга?

Сухсур. Ҳа, кимга бўларди, ўша, сизга мактуб йўллаган жононга-да!

Ҳусниддин. Ўзим жавоб қиламан! Ҳа, ўзлари қанилар?

Сухсур. Шоирникига кетдилар.

Ҳусниддин (бўшашиб). Шоирникига кетдилар? Мактубни менга юбориб, ўзлари бошқа ёққа равона бўлибдилар-да. Шу ҳам ошиқлик бўлдим!

Сухсур (кулиб). Хавотир олманг! Машинкадан чиққан қўл ёзмани олиб бориб бергани кетди.

Ҳусниддин (дарғазаб). Энди шоир-поир йўқ! Энди шоир унга номаҳрам! Мен бунга йўл қўймайман! Бориб айтинг, чегарадан чиқмасин!

Сухсур (кулиб). Вой-бў! Уйланмасдан илгари шунча дағдаға бўлса, уйланганингиздан кейин нима бўлади? Шунга яхши билиб қўйингки, бизнинг дугонамиз рашкчи одамни ёмон кўради!

Ҳусниддин (юмишаб). Бўлмаса, шу гап шу ерда қолсин! Ҳа, кейин сизга нисбатан бўлган ўринсиз хушомад учун узр сўрайман!

Сухсур (кулиб). Зарарсиз, бу биринчи маротаба бўлаётгани йўқ. (Чиқиб кетади)

Ҳусниддин (хатни ўлиб). Ана бу омад! Ана бу бахт! Мана энди кўриб қўйсин, сенга қизлар қарамайди деганлар!

Моҳира киради.

Моҳира. Салом, Ҳусниддин ака!

Ҳусниддин (хурсанд, ғурур билан). Ваалайкум ассалом, опоқ қиз!

Моҳира (уялган бўлиб). У кунги, боғда айтган гап-ларингиз ростмиди?

Хусниддин. Кеч қолдингиз, гўзалим, кеч қолдингиз! Бундан бир неча минут аввал мурожаат қилганингизда, балки бошқачароқ гаплашган бўлардик. Афсус, минг афсуслар бўлсинки, энди кеч! Тақдир, гўзалим, тақдир!

Моҳира (ёлғондан ғамгин бўлиб). Вой, шунақами? Нима бўлди? Қандай воқеа юз берди?

Хусниддин (хурсанд). Йўқ, мен ўз бахтини, ўз шодлигини бошқалардан яширадиган худбин, ичи қора, хасис эмасман! Бугун яширсам, бари бир эртага ошқор бўлади! Мен хат олдим! Кўнглимнинг маликаси бўлган бир жонондан ишқий мактуб олдим! (Хатни ўпади.) Мени табриклашингиз мумкин!

Моҳира (ўзини билмаганга солиб). Вой, шунақами? Кечирасиз, бу гаплардан хабарим йўқ эди. Билсам ёнингизга кирмасдим. Ҳа, қандоқ сиздек йигитни қўлдан чиқардим, бахтим қора экан.

Хусниддин. Хафа бўлманг, умидсизликка тушманг! Ҳали ўн гулингиздан бир гулингиз ҳам очилган эмас! Сиздек дилраболарнинг бозори чаққон бўлади. Сизга муносиб куёвни ўзим топиб бераман!

Моҳира. Раҳмат. Бўлмаса, шу масала жўнидан оталик қиласиз.

Хусниддин (жаҳли чиқиб). Ие, оталик? Нима, мен шунчалик қариманми?

Моҳира (кулиб). Оталик бўлмаса оғалик, акалик...

Хусниддин. Ҳа, бу бошқа гап!

Моҳира. Хўп, сизларга бахт тилайман.

Хусниддин. Тилагингизни камоли мамнуният билан қабул қиламан! Ҳа, бордию у гўзал яна айнаб қоладиган бўлса, яна ўзларига қайтаман, сиз запасимсиз!

Моҳира. Қуллуқ. Саломат бўласиз! (Куланича чиқиб кетади.)

Хусниддин

Ергинамнинг лабида қоп-қора холи ҳам бор.
Юзларида гул, тилида шакари, боли ҳам бор
Оҳ, гўзалим ишқини менга баён этибди,
Мендай ошиқнинг энди бахти иқболи ҳам бор!
Бунақа ёр топиламас,
Хусни жамоли ҳам бор.
Ақли етук, олима,

Фазли, камоли ҳам бор!
Сўзида маъни тўла,
Юзда ибоси ҳам бор.
Кўзида сурмасию
Қўлда хиноси ҳам бор.

Хусниддин ўзи ашула айтиб ўзи ўйнайди. Идоранинг чироғи ўчиб, ҳовлиники ёнади. Кўча эшиги очилиб, ичкарига Шаҳноз билан Сурайё киради. Салом буларнинг хатти-ҳаракатини ўзларига билдирмай, ошхона деразасидан кузатиб туради.

Шаҳноз (ерда ётган хатни кўриб). Ие, хат! (Хатни олиб, ичида ўқий бошлайди. Қаттиқ ҳаяжонга тушади).
Ўшандан! Яна ўша!

Сурайё. Ўшанданлигини қаёқдан биласиз? Имзоси борми?

Шаҳноз. Имзоси йўқ, аммо хатидан биламан. Хати менга таниш! (Бориб, Камол тақдим қилган китобни олиб келиб Сурайёга кўрсатади.) Мана, менга тақдим қилган китобига ёзган дастхати!

Сурайё (хатларни солиштириб кўриб). Ҳа, рост, ўшанинг хати. Нега имзо қўймаган?

Шаҳноз. Эҳтиётдан бўлса керак. Мана, эшитинг. (Хатни бир ерини ўқийди.)

«Ўша учрашувдан бошланди бу ҳол,
Оташда ёнаман ўшандан буён.
Хастаман, гўзалим, табибим ўзинг,
Ишқингда куйганим ўзингга аён!
Қайга олиб кетдинг? Қайга яширдинг?
Кўнглимнинг тинчлиги, роҳати қани?
О, дилда ўт ёнар, муқаддас бир ўт,
Мусаффо севгингнинг сўнмас гулхани!..»

(Ҳаяжонланиб.) Ҳа, ўша боғда учрашганимизни айтти!

Сурайё. Ўшандан кейин кўрганингиз йўқми?

Шаҳноз. Йўқ. Бир кун Маҳмуджонга, нега Камолхондан дарак йўқ, нега уйимизга келмайдилар десам, аввал, ижодий отпусқада, ижод билан банд, дедию кейин жаҳли чиқиб, уришиб берди. Ўшандан бери орадан анча вақт ўтди. Ўшандан бери мен билан уч-тўрт маротаба телефон орқали гаплашди... Телефонда гаплашаётганимни

тасодифан битта-яримта эшитиб қолса кимлигимни билмасин, деб овозини ўзгартириб гаплашади... Ҳар гаплашганда юрагимга бир олам ҳаяжон, бир дунё ташвиш солади. Бундан кейин телефон қилманг, эрим билиб қолса уйимиз бузилиб кетади, десам ҳам, кўймапти... Мен шoirни бунақа одам деб ўйламаган эдим...

Сурайё. Ҳақиқатан ҳам, сизни яхши кўриб қолган бўлиши мумкин.

Шаҳноз. Ахир, эрим борлигини билади-ку! Ахир, яхши одам ўз дўстига хиёнат қиладими? Телефондаги гаплар озлик қилгандек, мана, энди хат!..

Сурайё. Бу гапларни эрингизга айтсангиз бўлмай-дими?

Салом (ошхона деразасида пайдо бўлиб). Қудратингдан!

Шаҳноз (куйиниб). Қандоқ қилиб, қайси юз билан айтаман? Айб ўзингда, ўзинг рўйхушлик бермасанг, у сен билан шундоқ муомала қилишга журъат эта олармиди, деса, нима деб жавоб бераман? Ундан кейин, айтсам икки дўст орасига совуқлик тушмай-дими? Икки ўртоқ бирига умрбод юз кўрмайдиган, душман бўлиб қолмай-дими?

Сурайё. Қизиқ...

Шаҳноз. Ҳа, дугонажон, мен шу кунларда жуда оғир вазиятга тушиб қолдим. Эрим совуқ муомала билан, таъналар, кесатиқлар, таъқиблар билан мени кундан кунга ўздан узоқлаштиряпти. Ҳолбуки, шу кунларда, эримнинг бир оғиз ширин сўзига, битта илиқ муомаласига зор бўлиб юрибман! Қани энди эрим мени аввалгидай эркаласа, менга аввалгидай кирин муомала қилса. Азизим, кўз очиб кўрганим сени ҳеч кимга бермайман! Сенсиз менга ҳаёт йўқ, деса дардимга даво бўларди! Йўқ, у ўзининг ола қарашини, тўнг гапларини, совуқ муомаласини билан юрагимда аввалги муҳаббатдан ному нишон ҳам йўқ, сендан умрбод совидим, йўқол, кўзимга кўринма, деяганга ўхшайди. О, эрим, уни қанчалик севишимни, унга садоқатли ёр эканимни билмайди(куйлайди).

Бедаво дардга йўлиқдим, сен даво қилгил менга,
Мен вафодорман сенга, сен ҳам вафо қилгил менга.
Мен муҳаббат боғидан бахт изладим, сен раҳнамо —
Бўлгину бахтимни ёру ошно қилгил менга.
Мен агар, севгинга содиқ бўлмасам раҳм айлама,

Бежазо қолмас жиноят, минг жафо қилгил менга.
Мен учун бир лаҳза озор чексангу ғам ўртаса.
Барча ғам, дарду аламни мубтало қилгил менга.
Севмасанг, севгингга лойиқ кўрмасанг, жоним, ўзинг
Енгалли ҳижрон азобин куч ато қилгил менга.

Сурайё

Нола чекманг, жонгинам, сиз бахтиёрсиз, бахтиёр!
Севги боғига ярашган гулузорсиз, гулузор!

Шаҳноз

Энди ҳижрон оғушида сарғаяр гул юзларим,
Ким ачинмас ерга, тупроққа тушиб гул бўлса хор?

Сурайё

Ваҳмани ҳайданг кўнгилдан, эсламанг ҳижронни ҳеч.
Ҳеч вафосизлик қилурми севгили ёрига ёр?

Шаҳноз

Билмадим қайдан йўлиқди менга бу тенгсиз алам,
Кеча-кундуз дилда ғам, кўзларда ёшим шашқатор.

Сурайё

Ҳеч қачон йўл бермагай ҳижрон кузига, жонгинам,
Севги деб шуҳрат қозонган, гуллаган ноёб баҳор!

Салом

Вой, тавба! Э, қудратингдан!

Шаҳноз. Қулоқ солинг! (Хатнинг яна бир ерини ўқийди.) «Мабодо, эрингиз хафа қилиб, бошингизга кулфат тушгудек бўлса, ҳеч нарсани андиша қилмай, тўппатўғри бизникига келаверинг. Уйимнинг эшиги ҳам, қал

Ўим ҳам сиз учун очиқ!» Эшитяпсизми? У мени ёнига чақиряпти!

Сураёё. Даҳшат!

Шаҳноз. Ҳа, даҳшат!

Телефон жиринглайди. Шаҳноз қулоқ солади.

Уша! Яна ўша! Бу товуш ҳамма вақт мени даҳшатга солади!

Сураёё. Мен гаплаша қолай?

Шаҳноз. Йўқ, йўқ! Ўзим!

Шаҳноз қулоқ солади. Салом ошхона даразасидан мўралаб, кузатади. Шу пайт идоранинг чироғи ёнади. Телефон трубкасини қулоғига қўйиб Ҳусниддин ўтирибди. Маҳмуд гоҳ ўтириб, гоҳ туриб, хонани айланиб, безовта бўлиб қулоқ солади.

Ҳусниддин (овозини ўзгартириб). Шаҳнозхонми-сиз?

Шаҳноз (ҳаяжонда). Ҳа... Мен...

Ҳусниддин. Хатни олдингизми?

Салом (деразадан бош чиқариб). Вой, тавба!

Шаҳноз. Ҳа, олдим... Нега ундай қилдингиз? Ахир, хат бошқа кишининг қўлига тушиб қолса нима бўлар эди?

Ҳусниддин (кулиб). Жонгинам, хат сиздан бўлак одамнинг қўлига тушмаслигини билардим. Эрингиз, ҳойнаҳой, идорада бўлсалар керак. Холангиз эса, хатга тушунмайдилар.

Маҳмуд (чидамай, бўғилиб). Бўлди! Бас қил!

Салом. Тавба! Бу қандай шумлик?

Ҳусниддин (трубканинг оғзини бекитиб). Жим! Овозингни ўчир! Сенинг вазифанг гапга қулоқ солиб жим ўтириш!

Шаҳноз. Алло! Алло!..

Ҳусниддин (трубкани қулоғига қўйиб). Ҳа, ҳа, мен! Ҳа, телефон бир оз тихирлик қияпти. Ҳа, бутун дардимни ўша хатда изҳор қилганман. Тақдирим қўлингизда. Мени бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам сиз-сиз, азизим!

Шаҳноз (овози қалтираб). Илтимос, мени тинч қўйинг! Менга шафқат қилинг! Утинаман!

Ҳусниддин. Раҳмат! Мен ҳам шу фикрдаман!

Хат ҳам, телефон орқали гаплашган гапларимиз ҳам сир тутилсин! Вақти келиб, тақдир сиз билан мени бир-биримизга қўшса, ўшанда сирни очишимиз, дунёда бошимизни баланд кўтариб юришимиз, бахтимизни, муҳаббатимизни ҳаммага кўз-кўз қилишимиз мумкин!

Шаҳноз (ҳаяжонда). Бу нима деганингиз? Инсофингиз борми?

Маҳмуд (чидамай). Э, бўлди! Бўлди дейман, ярамас! (Қўлидаги китоб билан Ҳусниддиннинг бошига уради.)

Салом. Ана, ҳангома!

Ҳусниддин (қўли билан трубканинг оғзини бекипти). Ҳой жинни бўлдингми? Шошма! (Трубкага.) Кечирасиз, биров келиб қолди, кейин телефон қиламан!

Трубкани қўяди. Ҳованинг чироғи ўчади.

Маҳмуд. Телефон қилиб бўпсан! (Ҳусниддинни урмоқчи бўлади.)

Ҳусниддин (хонани айланиб қочади). Ҳой, эсингни едингми? Бўлди!

Маҳмуд (қувишдан тўхтаб, ҳаллослаб). Сен, аҳмоқ, илон бўлиб авраб, хотинимни қай йўлга бошламоқчисан? Ахир сенинг бу гапларингни эшитса, ҳар қандай хотин ҳам йўлдан озади-ку!

Ҳусниддин. Ҳа, нима хотиннинг молмиди, қаёққа бошласа, ўша ёққа кетаверадиган! Агар сени чиндан севса, садоқатли бўлса, телефонда бегона одам билан лақиллаб гаплашиб ўтирармиди?

Маҳмуд (бўшашиб). Нима деди?

Ҳусниддин. Нима дер эди, шоирни севишини айтди.

Маҳмуд (икки қўли билан бошини ушлаб). Энди нима қилдим? Одамлар орасида қандоқ қилиб бош кўтариб юраман? Ҳаммага кулги бўламан-ку!

Ҳусниддин. Ҳа, ҳалокатнинг олдини олмасанг, одамлар орасида кулги бўлишинг турган гап. Одамлар икки эрга бир хотин», ёки, «эрига хотини ўртоғига ўйнаш...» шунга ўхшаган гаплар тўқиб, сендан роса кулишлари мумкин.

Маҳмуд (қийналиб). Нима қилиш керак? Ҳалокатнинг олдини қандай қилиб олишим керак?

Ҳусниддин. Уйга бориб, хотининг билан очиқчасига гаплаш. Сўра, тергов қил. Ҳамма гапни айтиб беришга, уэр сўрашга, тавба қилишга мажбур эт! Ана ўшанда хотининг чизган чизигингдан чиқмайдиган, бегоналар билан гаплашмайдиган, гаҳ десанг, қўлингга келиб қўнадиган бўлади!

Маҳмуд. Бўлмаса мен уйга кетдим.

Ҳусниддин. Бирга борамиз.

Маҳмуд, Ҳусниддин чиқиб кетишади.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Маҳмудларнинг ҳовлиси. Урта гулзор. Бир чеккада уй, иккинчи томонда ошхона, тўғрида пешайвон. Парда очилганда Шаҳноз билан Сурайё суҳбатлашиб ўтирган бўладилар.

Шаҳноз (*диққат*). Эрингиз хафа қилса, тўпа-тўғри меникига келаверинг эмиш! Ахир, бу одамда инсоф борми? Мен қандоқ қилиб эримга хиёнат қиламан? Эримга вафосизлик қилиб, элу юрт олдида шарманда бўлишга тоқатим бор эканми?

Сурайё. Жуда тўғри!

Шаҳноз. Яна телефон қилса айтаман, бутун қувватимни, бутун иродамни йиғиб туриб айтаман; мени тинч қўйинг, юрагимга қутқу солманг, уйимни бузманг, дейман!

Сурайё. Ҳа, худди шундай денг!

Шаҳноз. Яқингинада қандай бахтиёр эдим! Эрим билан тотув эдим, тинч эдим. Уйқум тинч, овқатим ширин эди... Энди эса ҳаловатим йўқолди, кўзимда уйқу йўқ, томоғимдан овқат ўтмайди. Юрагим ғаш. Қалбимга жудолик ваҳима солмоқда... (*Куйлайди.*)

Бахт қушидек бошида қалбимни ошён этди ишқ,
Офтобдек бир боқиб, чеҳрамни хандон этди ишқ.
Тўлдириб қалбимга шодлик, завқу шавқ олам қадар,
Яшнатиб кўнглимни аввал, боғу бўстон этди ишқ.
Бир нафас бахт тахтига ўтқаздию бошим силаб,
Мен ғарибни бир нафас оламда султон этди ишқ.
Бошида ҳиммат билан обод этиб дил мулкени,
Сўнгра шафқат қилмайин кўнглимни вайрон этди ишқ.

Гунчадек бағримни ханжардек тилиб қон айлади,
Гангитиб бошимни боз ҳолим паришон этди ишқ.
Ер висолдан жудо айлаб мени, дилхастани,
Ҳажр саҳросида саргардону сарсон этди ишқ.

Сурайё

Дугона жоним, озурда бўлманг,
Ғам чангалида гул каби сўлманг.
Ҳасратда ёнманг, зардобга тўлманг,
Ўтиб кетади бу оғир кунлар,
Қолмагай асло дилда тугунлар.
Қаҳқаҳангиздан янграсин осмон,
Ҳамроҳ бўлмасин сизга ғам, ҳижрон,
Севги йўлидан қайтманг ҳеч қачон,
Ўтиб кетади бу оғир кунлар,
Қолмагай асло дилда тугунлар.
Гул юзингизда кулган латофат,
Ғам сели билан бўлмасин ғорат,
Доим ёр бўлсин сизга саодат,
Инонинг, жоним, бу кунлар ўтар,
Дилни босган ғам йўқ бўлиб кетар.

Шаҳноз. Кошки эди, ўртоқжон, айтганингиз келса!
Сурайё. Келади! Фақат ўзингизни қўлга олинг! Да-
дил бўлинг! Хўп, бўлмаса мен борай.

Шаҳноз. Яна бир оз ўтиринг! Озгина! Жиччагина!
Сурайё. Йўқ! Институтга боришим керак, илмий
раҳбарим кутиб ўтиради, бугун учрашмоқчи эдик.

Корвиекада майда-чуйда кўтариб, Салом хола киради.

Салом. Сочидан судраб кўчага олиб чиқибди-ю, оло-
моннинг олдида тупроққа белаб сўйибди. Олмос ханжар
билан нимта-нимта қилиб ташлабди.

Сурайё (қўрқиб). Кимни, хола?

Салом. Эрига итоат қилмаган бузук хотинни.

Шаҳноз (даҳшатда). Қачон?

Салом. Хў, илгари, отам замонида.

Сурайё. Хайрият! Мен, бу даҳшатли воқеа ҳозир
бўлибдими, деб қўрқиб кетувдим.

Салом. О, холагинанг айлансин, ҳозир унақа гаплар
бўлармиди? Бизнинг замонамизда эрга беришдими, тамом.

эр ким бўлмасин, кўрми, шолми, чолми, боломи, бадтарми, хотин унга итоат қилиши, унинг измидан чиқмаслиги лозим эди. Мана, мени поччангиз ҳозиргиларнинг тили билан айтганда золим эр, ҳар куни урар эди. Бир баҳона топар эдию урар эди. Бир урмаса хумори тутарди. Баъзан, баданним калтак зарбидан моматалоқ бўлиб кетарди. Ушанда ҳам чидаганмиз, вой демаганмиз, холанг ўргилсин, чидаганмиз! Нима қилса ҳам эр эди-да!

Шаҳноз (*қўрқиб*). Холажон, нега бунақа ваҳимали гапларни бизга айтяпсиз?

Салом. Билиб қўйинглар, биз қанақа замонда яшар эдигу сизлар қанақа замонда яшаяпсизлар, ношукурчилик қилманглар, демоқчиман-да!

Сурайё (*безовта*). Мен кетай.

Салом. Утиринг, қизим. Мана, бозордан майда-чуйда олиб келдим, ҳозир овқат қилиб юбораман, овқат еб, кейин кетарсиз.

Сурайё. Раҳмат, холажон, бошқа сафар. Зарур ишим бор. (*Кўзгалади.*)

Шаҳноз. Кузатиб қўяй (*Саломга.*) Мен ҳозир келаман.

Шаҳноз билан Сурайё чиқиб кетишади.

Салом. Ҳа, гапларимни эшитиб, келиннинг капалаги учиб кетди. Ҳа, ўз айбини биледи-да! (*Ҳовлиқиб.*) Ҳой, яна ҳазил-ҳазил билан уйлари бузилиб кетса-я! Ҳалиги, турқи совуқ йигит... ҳалиги, отинг қурғур ҳаҳ, оти нима бало эди?... Ҳа, Ҳусниддин бошимни айлантриб кетди... Тажриба қилармиш! Тажрибанг билан қўшмозор бўл, илоё! (*Вайсаганича корзинкани кўтариб, ошхона томонга ўтиб кетади.*)

Бир оздан сўнг Маҳмуд билан Ҳусниддин киради.

Ҳусниддин. Ҳа, ошнам, узил-кесил гаплашадиган пайт келди! Бўшашма! Тишингни кўрсат! Зарбингни ўтказ! Йигитлигингни исбот қил! Ана ушанда ҳаммасини ўзи айтиб беради! Оёгингга йиқилиб йиғлайди! Узр сўрайди!

Маҳмуд (*ғамгин*). Узр сўрамаса-чи?

Ҳусниддин. Сўрайди! Сени севгани рост бўлса, сўрайди!

Маҳмуд. Уҳ, бошим қотди. Юрагим безовта.

Қўлида пичоқ, ошхонадан Салом чиқади.

С а л о м. Ҳой, ҳой! Нима қилмоқчисизлар? Шўрлик келиннинг бошига қандоқ можаро солмоқчисизлар? Болам, эсингни йиғ! Уйлаб иш қил! Манови лақманинг сўзларига кириб лақиллама!

Ҳ у с н и д д и н. Ҳо, хола! Кўп жавраманг!

С а л о м. Шаҳнозхондек нозанин хотинни икки дунёда ҳам тополмайсан!

Ҳ у с н и д д и н (бетоқат). Жон хола, ошхонага боринг! Мен айтгандек қилинг!

С а л о м. Маҳмуд, бу дўстингга кўп ҳам ишонаверма! Анови хатни...

Ҳ у с н и д д и н (бақириб). Хола! Холажон!..

С а л о м. Э, қанақа беадаб йигитсиз? Катталар гапирганда кичиклар қулоқ солиши керак! Гапни бўлманг! Анови хатни, уйга ташлаб кетган шу кишининг ўзи!

М а ҳ м у д (қийналиб). Биладан, холажон, биладан...

С а л о м (ҳайрон). Биладан?! Э, қудратингдан! Бу қанақа шумлик эди! Гапларингга тушуолмай қолдим-ку, болам!

М а ҳ м у д. Кейин тушунаси. Холажон, ошхонага бориб овқатингизни қилинг. Керак бўлганда сизни ўзимиз чақирамиз.

С а л о м. Йўқ, буни сеҳрлаб қўйган! Бу йигит сеҳргарга ўхшайди!

М а ҳ м у д. Шаҳноз қани?

С а л о м. Ҳозир келади. Йўқ, тушунмадим... Тушуниб бўлмайдиган гап...

Ҳ у с н и д д и н. Юринг, мен тушунтириб қўяман. (Саломнинг қўлидан тортади.)

С а л о м (қўлини юлиб олиб). Вой, қўлимдан нега тортасиз! Ўзим бораман!

С а л о м билан Ҳ у с н и д д и н ошхона томонга чиқиб кетишади. Бир оздан сўнг гамгин ва паршон ҳолда Шаҳноз киради. Маҳмудни кўриб қўрқиб кетади.

Ш а ҳ н о з. Ие, вахлик келибсиз, нима, тобингиз қочдимми?

М а ҳ м у д (заҳарханда билан). Нега вахлик бўлар экан, жонгинам, соат олти бўлди-ю!

Ш а ҳ н о з (қўл соатини қулоғига тутиб). Вой, менчиг соатим ётиб қолибди, бурамабман.

М а ҳ м у д (киноя билан). Ҳа, кейинги вақтларда жуда ҳам паршонхотир бўлиб қолдингиз.

Шаҳноз (*нима дейишини билмай*). Яқинда келгандирсиз? Уйдан ҳозир чиқувдим. Кун бўйи уйда бўлдим... Сурайёхон келган эдилар, ҳозир кетдилар. Кузатиб қўйдим.

Маҳмуд. Ажаб бўлибди!

Шаҳноз (*шошиб*). Вой, бу нима деганингиз? Мендан хафамисиз?

Маҳмуд. Сиздан хафа бўлиб бўладими? Сиз фариштасиз-ку!

Шаҳноз. Яна қочирим... Кейинги пайтларда мен билан қочиримсиз гаплашмайдиган бўлиб қолдингиз... Аввалги самимий ширин сўзларингиз қани? Ҳолбуки, мен шу кунларда бир оғиз ширин сўзингизга зор бўлиб юрибман...

Маҳмуд (*ўзини тутолмай*). Муғомбирлик қилманг!

Шаҳноз (*илтижо билан*). Улай агар, гапим рост! Аввалги тотув, иноқ кунларимизни қўмсайман...

Маҳмуд (*дарғазаб*). Ёлғон гапирманг! Сиз, ҳозир бошқа нарсаларни қўмсаб юрибсиз!

Шаҳноз (*шошиб*). Биласизми... Биласизми, мен шу кунларда оғир бир вазиятга тушиб қолдим...

Маҳмуд (*ўшқариб*). Биладан!

Шаҳноз. Биладан? Қаёқдан биласиз? Мен ҳали сизга айтганим йўғу?

Маҳмуд. Довдирашингиздан, ёлғон гапиришингиздан билиб турибман!

Шаҳноз (*шошиб*). Довдираганим йўқ... Ёлғон гапирганим йўқ...

Маҳмуд. Доғулилик қилмай, очигини айтаверинг, ойимтилла! Тили бошқаю дили бошқа, бевафо! Беор!

Шаҳноз (*йиғлагундек*). Ўтинаман, менга бунақа дағал гапирманг. Мен дағал гапларга ўрганган эмасман. Шунчоққача ҳеч ким, ҳатто отам ҳам, онам ҳам менга дағал гапиришган эмас.

Маҳмуд. Ҳо, эркатойман, денг!

Шаҳноз. Илтимос!..

Маҳмуд. Муғомбир, иккиюзлама одамга айтиладиган гап дағал бўлади!

Ҳусниддин (*ошхона деразасидан бошини чиқариб*). Бу лақма гапни бунча чўзади! Дангал гапириб, орани очиқ қилиб қўя қолмайдими?

Салом (*ошхона деразасидан бошини чиқариб*). Мен борайми?

Хусниддин (Саломнинг этагидан тортиб). Ҳали вақти эмас!

Маҳмуд. Нега индамайсиз?

Шаҳноз (йиғлаб). Нима дейишим керак? Гапларимга ишонмасангиз қандоқ қилай? Мени юпатиш ўрнига неча кундан бери қочирим қиласиз, койийсиз, дағаллик қиласиз... Улар бўлсам ўлиб бўлдим...

Маҳмуд (киноя билан). Бечора! Қўзичоқ!

Шаҳноз. Агар мендан кўнглингиз совиган бўлса, айтинг, ота-онамнинг ёнига кетаман!

Маҳмуд. Кетишдан аввал, опоқ қиз, бир-иккита саволим бор, тўғри жавоб берсангиз!

Хусниддин (деразадан бошини чиқариб). Ҳаҳ, ҳали ҳам савол бериб ётибди! Темирни қизигида босиш керак! (Яна ғойиб бўлади.)

Маҳмуд. Хўш, айтинг-чи, жонгинам, мен уйда йўқлигимда, телефон орқали кимлар билан гаплашасиз?

Шаҳноз (тутилиб). Ҳеч ким билан... Умуман, ҳеч ким билан гаплашганим йўқ... Ортиқча гаплашганим йўқ...

Маҳмуд. Довдирамай аниқ айтинг! Қачон? Ким билан? Неча маротаба?

Шаҳноз (ўзини йўқотиб). Эсимда йўқ... Улай агар, эсимда йўқ...

Маҳмуд (тутоқиб). Нима эсингизда йўқ?

Шаҳноз (ўзини ёмон сезиб, каравотга ўтириб қолади). Кўнглим беҳузур бўлиб, бошим айланиб кетди... Пича сув беринг.

Маҳмуд (чойнақдан чой қуйиб узатади). Мана!

Шаҳноз (чойни шошиб ичади). Раҳмат... Раҳмат... Илтимос, савол-жавобни ҳозирча тўхтатсак... Уйга кириб пича ётай, ғалати бўлиб кетяпман...

Маҳмуд. Зарарсиз, аввал саволларимга жавоб берингу кейин қаёққа борсангиз бораверинг. Уйга кириб ётасизми, кўчага чиқиб кетасизми, ихтиёрингиз!

Шаҳноз (бир оз ўзига келиб, дадил). Кечирасиз, мен сизни бунчалик бағри тош, деб ўйламаган эдим!

Маҳмуд. Гапиринг, телефонда ким билан гаплашиб юрибсиз?

Шаҳноз (дадил). Айтмайман!

Маҳмуд. Шунақами?

Шаҳноз. Шунақа!

Маҳмуд. Ҳали, эрингиздан яшириб, бегоналар билан

телефон орқали гаплашадиган бўлиб қолдингизми? Уйнашингиздан келган хат қани?

Ш а ҳ н о з. Менинг ўйнашим йўқ! Ўз хотинингизни ҳақорат қилишга қандоқ тилингиз борди? Уялмайсизми?

М а ҳ м у д. Гапни чалғитманг! Хат қани?

Ш а ҳ н о з. Ҳеч қанақа хат олганим йўқ!

М а ҳ м у д. Қидириб топиб олсам нима бўлади?

Ш а ҳ н о з. Топа қолинг.

Маҳмуд югурганича уйга кириб кетади. Шаҳноз ғамгин.

Ҳ у с н и д д и н (*деразадан бошини чиқариб*). Ана энди жанжал қиёматга етади! Ана энди ё у ёқ бўлади, ё бу ёқ!

С а л о м (*деразадан бош чиқариб*). Бу нима деганингиз, айланай?

Ҳ у с н и д д и н (*кампирнинг оғзини босиб*). Жим! (*Ғойиб бўлишади.*)

М а ҳ м у д (*хатни тополмай чиқади*). Хат қани, шарманда?! Қаерга яширдинг?! (*Шаҳноз индамайди.*)

Ҳ у с н и д д и н (*деразадан бош чиқариб секин*). Холэ, хат қаерда?

С а л о м (*деразадан бош чиқариб, секин*). Кўкрагида!

Ҳ у с н и д д и н. Ана, энди сизнинг навбатингиз келди, холажон! Бориб айтинг! Иш кўрсатинг!

С а л о м (*ошхонадан чиқиб ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдек*). Нима гап? Нима шовқин, Маҳмуджон? (*Маҳмуднинг ёнига келади.*)

М а ҳ м у д. Хат қани?

С а л о м. Ҳа, анови хатми? У хат, ҳалиги, келин пошшонинг кўкрагида. Келин у хатни тумор қилиб ичидан тақиб олган.

М а ҳ м у д. Бу ёққа бер! (*Хатни олгани қўл чўзади*).

Ш а ҳ н о з (*бақиради*). Тегманг! Қўлингизни тортинг!

М а ҳ м у д. Демак, айбингизга иқрормисиз?

Ш а ҳ н о з. Ҳеч қанақа айбим йўқ! Мен покман! Мен ҳалолман! Менинг ҳеч қандай ўйнашим йўқ! Елғон айтсам, тил тортмай ўлай!

С а л о м (*Шаҳнозга раҳми келиб*). Ундоғ деманг, болам.

Ш а ҳ н о з. Эҳ, холажон! Мен бу уйга келганимда сизни қайнана эмас, она бўлар, деб ўйлаган эдим. Сиз эса, кўксимга охириги ханжарни урдингиз! Мен сизнинг айғоқчи ёқанингизни билмаган эканман...

С а л о м (ийглаб). Ундай деманг, болам, менда айб йўқ. Айб...

Хусниддин (ошхонадан чиқиб келади, Саломнинг сўзини бўлади). Ҳо, хола! Бўлди! Кўп вайсаманг! Ошхонага боринг!

С а л о м. Вой, эри хотиннинг орасига суқилмай мен ўлай! Энди нима бўлади? Наҳотки, битта лақма ҳаммамизни лақиллатиб кетса! (Жавраганича, ошхонага кириб кетади.)

Ш а ҳ н о з (киноя билан). Ҳо, сиз ҳам шу ерда эдингизми?

Хусниддин (довдираб). Ҳа, ҳалиги, шу ерга келиб битта самовар палов қилиб емоқчи эдик.

Ш а ҳ н о з. Бу ер самовар эмас-ку?

Хусниддин. Ҳа, йўқ, самоварда қилинадиган ошдан қилмоқчи эдик. Ҳа, Шаҳнозхон, яхши бўлмабди. Мен сизни одобли, эрига садоқатли аёл деб юрардим. Афсус! Минг афсус!

Маҳмуд (ғазабини зўрға босиб). Хўш, гўзал хоним, бу ёғи неча пулдан тушди?

Ш а ҳ н о з. Кечирасиз, мен бу уйда ортиқ қололмайман! Мени ҳақорат қилган, мени ёмон кўрадиган одамлар билан бир уйда яшаёлмайман!

Шаҳноз югуриб ичкарига кириб кетади, бир оздан сўнг чамадонини, пальтосини олиб, шопилганича, кўчага чиқиб кетади. Маҳмуд саросимада. Хусниддин ҳиринглаб кулади. Ошхонадан С а л о м югуриб чиқади.

С а л о м. Ҳой, Маҳмуд! Ҳой, болам, нима қилиб қўйдинг? Ахир, келин кетиб қолди-ю! Чоп! Орқасидан югур, узр сўраб, уйга қайтар! (Хусниддинга.) Ҳой, йигит, сен мени бу ишларга нега аралаштирдинг? Қариганда ёмон отлич бўлдим! Айғоқчи деган ном олдим! Уйбузар бўлдим. Келиннинг уволига қолдим. Гуноҳга ботдим!

Хусниддин. Кўп жавраманг, кампир! Бўлар иш бўлди, кетадиганлар кетди, қоладиганлар қолди. Жумбоқ ечилди, сирлар очилди, тажриба яқунланди, синов оёқланди!

С а л о м. Вой, синовларинг қора ерга кирсин! Ҳой, Маҳмуд, хаёл сурма! Чоп деяпман! Орқасидан югур, қайтар!

Маҳмуд (ҳушига келиб, Хусниддинга ташланади, уни

бўға бошлайди). Нима қилиб қўйдинг, аблаҳ! Узр сўрагани қани? Оёғимга йиқилгани қани?!

Хусниддин (унинг чангалидан зўрға қутулиб). Мен қайдан билай? Бунақа бўлишини қайдан билибман! Э, сен ҳақиқатан ҳам Отеллонинг ўзи экансану бўғиб ўлдириб қўя ёздинг!

Маҳмуд

Шаҳноз! Шаҳнозхон! (Куйлайди.)
Мени талаб қайга кетдинг, гўзал ёр!
Қулоқ солгил, айтадиган арзим бор!
Сен бўлмасанг, жоним, менга дунё тор,
Севган ёринг бутун умр бўлар хор.
Синдирай, деб гул шохини эгибман,
Хато қилиб, сенга қаттиқ тегибман.
Мени ташлаб қайга кетдинг, гўзал ёр!
Сен бўлмасанг, жоним, менга дунё тор!

Маҳмуд югурганича кўчага чиқиб кетади.
Орқасидан Хусниддин чопади.

Салом (қўлида кафтир, хайрон бўлиб, каравотга ўтириб қолади). Вой, бу кутилмаган иш, кўрилмаган ҳодиса бўлди-ку! Ўтни ковласанг ўчар, қўшинини ковласанг кўчар!

Парда

БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Камолнинг гуллар, мевали дарахтлар, бир туп сада ўсган ҳовлиси. Сада тагида каравот. Бир ёнда уй, бир ёнда кўчага чиқадиган эшик. Сада тагида тўқима курсиларда Камол билан Дилдор суҳбатлашиб ўтиришибди.

Дилдор. Мен алданишдан қўрқаман.

Камол. Мен ҳеч қачон алдамайман!

Дилдор (кулиб). Шоирлар ёлгончи бўлади, дейишадими-ку?

Камол (кулиб). Мен унақа шоирлардан эмасман.

Дилдор. Янги асарингизни ўқиган одам, бутун қалбингиз, бутун ҳаёлингиз бошқа кишида эканини тез аңглаб олиши мумкин.

К а м о л. Асардаги кишилар менинг қаҳрамонларим, менинг ўзим эмас. Мен эса, мана, меҳр қўйган, менга вафоли ёр бўлсин, деган гўзалнинг ҳузурида ўтирибман. (Кулиб.) Мен, сиз бировларга айтган «бағритош» одамлардан эмасман!

Д и л д о р (кулиб). Вой, хабарингиз борми?

К а м о л (кулиб). Ҳа, мени ёмонлаб, менга араз қилиб, бошқа бир жазманга севги изҳор қилганингизни, тегаман, деб хат ёзганингизни ҳам биламан.

Д и л д о р (кулиб). Ҳазил эди.

К а м о л (кулиб). Ҳаммасидан хабарим бор!

Д и л д о р

Кўнгил изҳор этиб аввал, кейин қон бўлмасам яхши,
Жудолик дардини тортиб, паришон бўлмасам яхши.
Йўл олдим севги боғига, топай деб, гулшанидан бахт,
Яна бахт ахтариб, йўлларда сарсон бўлмасам яхши.
Севинч дарёсига бордим, ичай обиҳаётдан, деб,
Ва лекин заҳри ғамдин кўзи гирён бўлмасам яхши.
Муҳаббат кўйига кирдим садоқат ҳам вафо истаб,
Хиёнат дастидин ер бирла яксон бўлмасам яхши.
Мурувват қил қўлингдан келса доим, менга дўст бўлсанг
Жафо тигига асло кўкси қалқон бўлмасам яхши.

К а м о л

Сен гулшан эрсанг, унга мен ошён қурибман,
Ишқингда анча бўлди фарёд этиб юрибман.
Арзимни айлаб изҳор, таъзим қилиб турибман.
Ғунча даҳан экансан,
Қоши камон экансан,
Ширин забон экансан,
Шўхи замон экансан.

Д и л д о р

Алдаб яна дилимни, минг пора- пора қилманг,
Йўқ нарсага, азизим, мени овора қилманг.
Дардимга чора изланг, мени бечора қилманг,
Жуда ёмон экансиз,

Ширин забон экансиз,
Севгимга кон экансиз.
Ошиққа жон экансиз.

К а м о л

Гулшанда гулмисан ё саҳрода лоласанми?
Севги майига лим-лим тўлган пиёласанми?
Севдим дейишга, жоним, мендан уёласанми?
Гунча даҳан экансан,
Қоши камон экансан,
Шўхи замон экансан,
Ширин забон экансан.

Д и л д о р

Бахт излаганда оҳу йўлиқмасин сайёдга,
Ошна қилинг умобод мени обиҳаётга,
Қўп бахтиёр бўлардим, етсам агар муродга,
Ширин забон экансиз,
Қалбимга қон экансиз,
Жисмимга жон экансиз,
Севгимга кон экансиз.

К а м о л

Ҳар бир сўзинг ўхшайди маъни тўла масалга,
Хумор бўлиб юрибман лабингдаги асалга,
Бир бўса қилсанг эҳсон, даво мендай касалга.
Гунча даҳан экансан.
Қоши камон экансан,
Ширин забон экансан,
Шўхи замон экансан.

Камол Дилдорни қучоқламоқчи бўлади.

Д и л д о р (қучоқлатмай). Тўйдан кейин...
К а м о л. Тўйни тезроқ қилишимиз керак! Жудоликка
ортиқ тоқатим йўқ! Сизга жуда ўрганиб қолдим. Кундуя-
лари хаёлимдан бир дақиқа ҳам нари кетмайсиз! Кечалари
эса, тушимга кириб чиқасиз!

Дилдор (кулиб). Гапларингиз ёлгон эмасми? Алдамайсизми?

Камол. Алдасам ўлай!

Кўчадан бир қўлида пальтоси, бир қўлида чамадон Шаҳноз киради. Уларни кўриб ҳайрон бўлади.

Камол (ҳайрон). Йе! Келинг... келинг, Шаҳнозхон! Шаҳноз. Келинг, деганингизга келувдим... Кечира-сиз, бевақт келиб қолдим, чамаси...

Камол. Қачон келинг девдим?

Шаҳноз. Телефонда айтувдингиз-ку?

Камол (ҳайрон). Телефонда? Йўғ-э! Қачон?

Дилдор (даргазаб). Айёр, мунофиқ! Хотинбоз. (Кета бошлайди.)

Камол. Шошманг, Дилдорхон! Бу ерда қандайдир бир англашилмовчилик борга ўхшайди.

Дилдор. Шунча алдаганингиз, шунча лақиллатганингиз етар! Бевафо! Бераҳм! Севганингиз билан қўша қаринг! (Йиғлаганча чиқиб кетади.)

Камол. Э, тавба! Бу қанақаси бўлди!

Шаҳноз (ҳайрон). Узи нима гап?

Камол. Мен Дилдорни севаман! Тўй ҳақида гаплашиб турувдик...

Шаҳноз (хурсанд). Жуда соз! Табрик қиламан! Демак, менга телефон қилган сиз эмассиз?

Камол. Йўқ.

Шаҳноз. Хайрият! Мен сиздан бекорга хафа бўлиб юрган эканман! (Кўйнидан хатни олиб, Камолга беради.) Манови қанақа хат?

Камол (хатни олиб кўради. Ҳайрон). Йе! Бу ўша йўқолган варақ-ку! Қандоқ қилиб сизнинг қўлингизга тушиб қолди?

Шаҳноз. Демак, ўша сизнинг номингиздан менга телефон қилган одам бу хатни ҳам уйимизга ташлаб кетибди...

Камол. Ё, тавба! Дилдор асаримни машина қилаётганида шу варақ йўқолиб қолган эди. (Кулиб.) Мен бу хатни сизга эмас, асаримдаги қаҳрамонимга ёзганман. Менинг номимдан эмас, қаҳрамонимнинг номидан! Қизиқ... Демак, кимдир олган, ўғирлаган... кимгадир керак бўлган. Қизиқ, жуда қизиқ... Эҳ, одамлар! Одамлар!..

Шаҳноз (ўйчан). Демак, кимдир сизнинг номингиздан телефон қилиб, мени ҳам, эримни ҳам лақиллатибди... (Ғамгин.) Ҳа, шу хат, телефон можароси сабаб бўлдию уйимиз бузилди... Эримдан ажралдим...

Камол (даҳшатда). Бўлмаган гап! Мен туфайли уйингиз бузилдими? Мумкин эмас! Бунга йўл қўйиб бўлмайди! Яраштириб қўяман! Узим!

Шаҳноз. Ҳожати йўқ. Мен эрим билан ярашмайди-ган бўлиб ажралдим. (Йиғлайди.) Мени ўринсиз ҳақорат қилди... Хўрлади... Кетаман...

Камол. Қаёққа?

Шаҳноз. Ўз шаҳримга... Ота-онамнинг ёнига...

Камол. Ҳеч қаёққа кетмайсиз! (Кулиб.) Мен ўз қаҳрамонимни ҳеч ёққа юбормайман! Ахир, мен туфайли уйлари-нинг бузилиб кетса, мен нима деган одам бўлдим. Ҳаммасига сабаб англашимовчилик! Бўлмаса, Маҳмуд сизни жуда яхши кўради!

Шаҳноз (хўрлиги келиб). Яхши кўрган одам шунақа хафа қиладими?

Ташқарида оёқ товуши эшитилади.

Камол. Сиз ичкарига кириб туринг, биров келяпти. Ҳали гаплашамиз.

Шаҳноз ичкарига кириб кетади. Ғазаб билан **Сабоҳат** киради.

Сабоҳат (юлқиниб). Ҳа, шоир! Бу қанақаси бўлди! Биз сизни одобли, ахлоқли деб мақтаб юрсак, ёмон одам экансиз-ку!

Камол (кулиб). Ўзи нима гап?

Сабоҳат. Дилдорни нега алдадингиз? Нега лақиллатдингиз?

Сабоҳат (гапини бўлиб). Э, қўйинг-э! Бировнинг яккаю ягона фарзанди, кўзининг оқу қораси, сизнинг шафқатсизлигингиз туфайли ўзини-ўзи бир нарса қилиб қўйса нима бўлади?

Камол. Менга қаранг...

Сабоҳат. Қўйинг-э! Ваъдани шўрлик Дилдорга бериб, бошқа билан юрган экансиз-да! Қани, ўша таннозхоннинг ўзлари!

К а м о л (бўғилиб). Қанақа таннозхон? Қайси таннозхонни айтяпсиз? Менинг Дилдордан бўлак севганим йўқ!
С а б о ҳ а т. Е, тавба! Энди мени ҳам лақиллатмоқчимисиз?

Ҳовлиқиб Ҳ а к и м киради.

Ҳ а к и м (дарғазаб). Бу қанақа юзсизлик?! Бу қанақа беорлик?!

С а б о ҳ а т. Ҳа, бу айёр, бу тулки ҳаммамизни алдади! Биз орага тушувдик. Энди Дилдорнинг ота-онасига нима деб жавоб берамиз?

Ҳ а к и м. Йўқ, биз бу масалани шундоқлигича қолди-ролмаймиз! Масалани мажлисга қўямиз, кўпчилик орасига ташлаймиз! Ҳа, шоир, биз билан ўйнашиб бўпсиз! Боплаб туриб газетага ёзамиз!

Ҳовлиқишиб Моҳира билан Сухсур киради.

Моҳира. Ҳа, хайрият, Дон-Жуан шу ерда экан! Зудлик билан милицияга хабар қилиш керак, жинойтчини қамасин!

С у х с у р. Дилдор аламидан кўчада ўзини машинанинг тагига ташламоқчи бўлган эди, биз зўрға ушлаб қолдик! Саал кечиксак, нах физиллаб кетаётган машинанинг тагида қолар эди!

К а м о л (ҳаяжонда). Нима, нима?

Ҳ а к и м. Ўзи қани?

Моҳира. Идорада ўтирибди хун бўлиб йиғлаб.

С а б о ҳ а т. Ана, шоир, нима қилиб қўйганингизни энди билдингизми?

К а м о л (бўғилиб). Э, менда гуноҳ йўқ! Англашилмовчилик!

Ҳ а к и м. Қанақа англашилмовчилик?

К а м о л. Ахир, айтай десам, бидиллаб гап бермаяпсизлар-ку!

Ташқаридан шошиб Маҳмуд, орқасидан Ҳусниддин киради.

Маҳмуд (ҳансираб). Қани? Шаҳноз қани?

Қ а м о л. Кетди.

Маҳмуд. Қаёққа?

Камол. Уз шаҳрига. Ота-онасининг ёнига кетди.

Маҳмуд (*пешанасига уриб*). Эҳ, шўрим! Эҳ, хом калла!

Ҳаким. Ўзи нима гап?

Сабоҳат. Нима бўлди?

Камол. Тушунтир!

Маҳмуд. Э, сўраманглар. Мен, манови расвонинг сўзига кириб, хотинимдан ажралиб қолдим. Бу одам мени лақиллатди.

Ҳусниддин. Лақиллаган ўзи! Менда айб йўқ!

Маҳмуд (*бўғилиб*). Хотинимга телефон қилиб, бошини айлантирган ким? Уни илон бўлиб авраган ким?

Ҳусниддин. Телефон қилган бўлсам, ўзингнинг илтимосинг билан қилдим!

Камол. Аниқроқ гапиринглар, қанақа телефон?

Ҳусниддин. Гап бундай, Маҳмуд кейинги пайтларда хотинига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолди. Хотинини сендан рашк қила бошлади...

Камол (*ҳайрон*). Мендан?

Ҳусниддин. Ҳа, сендан. Мен шубҳаларни батамом бартараф қилиш, Шаҳнознинг сенга нисбатан кўнглини аниқ билиш ниятида, унга сен бўлиб телефон қилдим...

Камол (*газабли*). Вой, расволар! Вой, лақмалар! (*Ҳусниддинга хатни кўрсатиб*.) Манови хат ҳам сенинг ишингми?

Ҳусниддин. Ҳа, менинг ишим. Далил мустаҳкам бўлсин, Шаҳнознинг кўнглидаги ишончсизлик йўқолсин, деб ушбу мактубни, яъни асарингнинг бир варағини ўғирлаб олиб бориб, ҳовлига ташлаб келган ҳам мен. Бу ишларда раҳбарлик, режиссёрлик Маҳмуджоннинг ўзлари томонидан бўлди!

Ҳаким. Вой, бедаволар! Кечирасиз, шоир, биз сизни билмасдан хафа қилиб қўйибмиз. Англашилмовчилик энди равшан бўлди.

Сабоҳат. Узр, Камолхон. Ҳақиқатан ҳам англаб бўлмайдиган англашилмовчилик экан.

Моҳира. Камолхон ака, биз ҳам сиздан узр сўраймиз.

Камол. Зарарсиз. Аммо манов лақмаларнинг касофати тегиб, Дилбар билан бўладиган тўйимиз бузилди...

Ҳусниддин (*ҳовлиқиб*). Э, ҳо, оғайни, Дилдорга оғиз солма! У меники! Дилдорнинг ўзи менга тегаман; деб

ваъда берган! Қўлимда тилхати бор! Тегаман, деб тилхат берган! Мана!

Моҳира (Хусниддиннинг қўлидан тилхатни тортиб олиб.) Тилхатни бу ёққа беринг, куёв почча! Сизни лақиллатиш учун, бу хатни мен ёздирганман! Дилдор фақат шоирни яхши кўради! Фақат шоирни! Тушундингизми? (Хатни йиртиб ташлайди.)

Хусниддин (ғамгин). Тушундим. Демак, пешанамга хотин зоти битилмаган экан.

Сухсур. Мен ҳозир!.. (Югурганича чиқиб кетади.)

Ҳақим (Маҳмудга). Омон бўл, шоввоз! Ўз хотинини ўринсиз ҳақорат қилган бефаросат! Ўз бахтига ўзи болта урган каллаварам! Ҳайф сендақа одамга! Ҳайф сендақа эрга!

Маҳмуд (кўксига уриб). Ҳар қанча койсангиз ҳам мен учун оз!

Камол «Лақма» ашуласини айтади, бошқалар унга
жўр бўлади.

К а м о л

Бўлмади толега ёр пешанаси шўр лақмалар,
Бахт, муҳаббат ахтаришда кўзлари кўр лақмалар.
Тушмади толе қуши асло буларнинг домига,
Қўйса ҳам йўлига қилтоқ, ёзса ҳам гўр лақмалар.
Қўлларида бир пақирлик иш келарми? Келмагай!
Гапга келганда бағоят устаю зўр лақмалар.
Ҳайф буларга севги ҳам, бахт ҳам, булар ҳеч арзимас,
Севги дунёсида думбул, пишмаган гўр лақмалар.
Қайси лақма яхшироқ, деб сўрмангиз, чунки булар
Бари бир хил, бари расво, бари бир гўр лақмалар
Бўлмади толега ёр пешанаси шўр лақмалар.
Бахт, муҳаббат ишларида кўзлари кўр лақмалар.

Кулги, қийқириқ. Дилдорни бошлаб Сухсур киради.

Дилдор. Камолхон ака, кечиринг! (Ўзини Камолнинг қучоғига ташлайди.)

Камол (уни бағрига босиб). Э, хайрият! Сал бўлмаса сиздан ажраб қолай девдим! (Маҳмудга.) Хўш, ўртоқ, энди нима қилдик? Агар Шаҳнозхон келса уэр сўрармингиз?

Маҳмуд (ҳаяжонда). Минг маротаба!

К а м о л. Шаҳнозхон, чиқаверинг, ҳамма нарса равшан бўлди!

Ичкаридан Шаҳноз чиқади. Ҳамма хурсанд.

М а ҳ м у д. Шаҳнозхон, кечирасиз!

Шаҳноз. Ичкарида туриб ҳамма гапни эшитдим. Агар, Камолхон акам орага тушмаганда, сизни ҳеч ҳам кечирмасдим. Агар, шоир илтимос қилмаганларида, шаҳримга кетиб қолардим.

Ҳ а к и м. Ҳа, шоирга раҳмат!

Хурсандчилик. Қий-чув, шўх рақс билан парда ёпилади.

П а р д а

**АБУ РАЙҲОН
БЕРУНИЙ**

ТУРТ ПАРДА,
БЕШ КУРИНИШЛИ ТАРИХИЙ ДРАМА

ҚАТНАШУВЧИЛАР

- Абу Райҳон Беруний — улуғ олим.
Ибн Сино — буюк олим.
Гулсанам — Берунийнинг севгилиси.
Қоплон Ботир — Хоразм деҳқонларидан, мироб.
Жаъфар — Берунийнинг шогирди.
Худойберди — Ибн Синонинг шогирди.
Ибн Ироқ } — олимлар.
Масиҳий }
Маъмун — Хоразм шоҳи.
Маҳмуд Ғазнавий — Ғазна султони.
Суҳайлий — Маъмуinning вазири.
Маймандий — Маҳмуднинг вазири.
Дабир — Маъмуinning соҳир девони.
Шайхулислом } — Хоразм руҳонийларидан.
Аълам }
Қоратегин — Маҳмуднинг Хоразмдаги элчиси.
Сайёра — Маҳмуднинг синглиси, Маъмуinning хотини.
Масъуд — Маҳмуднинг ўғли, шаҳзода.
Унсурий — Маҳмуднинг пири, сарой шойри.
Сополтегин } — Маҳмуднинг лашкарбошиларидан
Ора Ботир }
Жайхунбек } — Хоразм бекларидан.
Шунқорбек }
Сухсур — Сайёранинг канизакларидан.
Мунажжим } — олимлардан.
Кимёгар }
Элчи — Бағдод халифасининг элчиси.
Заргар — Хоразм заргарларидан.
Бибисора — камбағал аёл.
Жаллод — Маҳмуднинг жаллоди.
Мулозим — Маъмуinning мулозимларидан.

Беклар, руҳонийлар, лашкарбошилар, мулозимлар, канизаклар, навкарлар, элчилар, соқчилар ва бошқалар.

ПРОЛОГ

Саҳна қоронғи. Қоронғиликда Қоратегиининг бақирғи эшитилади: «Қани, тезроқ олдимга туш, Абу Райҳон Беруний!» Саҳна аста-секин ёришади. Нурда Беруний кўринади. Унинг қўл ва оёқларига кишан солинган.

Беруний

Бу замонда донолар хор, иззатдадир жоҳиллар,
Бу замонда ўраб олган, чирмаб олган омонсиз
Ҳақиқатнинг чечагини ҳақсизликнинг печағи!
Бу замонда кесилар тил тўғри сўзни сўзласанг.
Бу замонда инсонларни халос этиб зулматдан
Фан йўлига бошлаганлар бошдан жудо бўлади.
Аҳли урфон қон йиғлайди замонанинг зулмидан,
Хавф остида олимларнинг, шоирларнинг ҳаёти.
Қанча олим қатл этилди, Фирдавсийни қувдилар.
Мана, менинг қўлларимга оғир кишан солдилар.
Ибн Сино, Ибн Ироқ, Масиҳийнинг тақдири
Меникидан афзал эмас! Зулм, зулмат, жаҳолат
Хуруж қилган бир замонда доноларнинг ҳоли танг!
Мана, менинг ҳаётимнинг бир лавҳасин кўрганда,
Сўзларимнинг ростлигига ишонурсиз, шубҳасиз...

Саҳна аста-секин яна қоронғиликка чўмади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Хоразмшоҳ саройи. Серҳашам, гўзал хоналардан бири. Уртада
тилла тахт, атрофида олтин курсилар.
Жаъфар билан Худойберди хонани тартибга
солмоқдалар.

Жаъфар

(курсиларни қўя туриб)

Бу томонда жоҳиллару бу томонда олимлар!
Бу томонда алломалар, бу томонда золимлар.

Худойберди

Ҳай, ҳай, дўстим, ҳазиллашма! Агар билиб қолишса,
Сомон тиқар теримизга! Эҳтиёт шарт! Эҳтиёт!

Жаъфар

Билиб қўйки, қўрқоқ одам ҳеч вақт олим бўлолмас!

Худойберди

Берунийдай бўлиш керак демоқчисан!..

Жаъфар

Ҳа, ўлма!
Берунийдай бўлиш керак олим бўлмоқчи бўлган.

Берунийдай дадил, ботир, ҳеч нарсдан ҳайиқмас,
Ҳеч нарсдан қўрқмайдиган бошқа зотни билмайман!

Худойберди

Зеҳни ўткир, ақли расо эмиш Абу Райҳоннинг...

Жаъфар

Уқимаган китоби йўқ, ўрганмаган тили йўқ,
Арабу форс, юнону ҳинд, яҳудийлар тилини
Она тили каби билур. Ҳамма фанни ўрганган:
Тарих, ҳисоб, жуғрофия, илми нужум, фалсафа,
Тил илмини яхши билур, кимёнинг устаси.
Мусиқадан, шеъриятдан хабари бор мукаммал.
Хуллас, устод билмайдиган илм йўқдир дунёда.
У Афлотун ва Арасту, Суқрот ҳаким, Форобий
Таълимотин сувдай билар, расо чаққан мағзини.
У фанга фан қўшган олим, илму фанни бойитган.
Бу замонда Берунийга тенг келувчи олим йўқ!
У замоннинг алломаси, донишманди, доҳийси!
Бунга мисол у яратган «Ал-боқия» китоби!

Худойберди

(курсида турган зар муқовали «Ал-боқия»ни олиб кўзига суртади, ўпади)

«Ал-боқия!», «Ал-боқия!»

Жаъфар

Китобларнинг султони!

«Ал-боқия» — фан бошига кийгизилган олтин тож!
Бу китобда араб ва форс, юнон, румо, яҳудий,
Суғд, Хоразм, Миср, Хитой, турк ва бошқа халқларнинг
Солномаси, урфу одат, дини, байрам, тўйлари,
Маросими, тарихлари тўла баён этилган.
Ҳа, ўзининг олимлиги, эътиқоди туфайли
Муллаларнинг ғазабига учраб, даҳрий саналиб,
Хоразмдан қувилганди йигирма уч ёшида!
Шундан кейин узоқ йиллар қувғинларда яшади.
У сарсонун саргардонлик азобини кўч тортди.

Аммо олим ҳаммасига бардош берди, чидади,
Тақдир экан, оқибатда яна қайтди ватанга.
Ватанини — Хоразмни жондан ортиқ севади,
Журжон шоҳи Вашимгирнинг саройида турганда,
Иззат-икром кўрганда ҳам Хоразмни қўмсарди.

Х у д о й б е р д и

Хоразмшоҳ, ҳақиқатан, илму фаннинг ошиғи!
Ҳа, шоҳимиз Бухородан, Самарқанддан, Бағдоддан,
Нишопурдан, Кашмир, Ҳирот, Мисру Балху Шероздан
Юзлаб олим, шоирларни саройига тўплади.
Илми дониш ташкил этди. Мана, бугун Хоразм
Илму урфон ривож топган мамлакатга айланди.

Ж а ъ ф а р

Аммо ҳали жоҳиллар ҳам Хоразмда етарли,
Жаҳолатнинг кони бўлган мутаассиб муллолар
Фанга қарши қиличини ғилофидан суғурган,
Ҳа, ҳали жанг тугамаган. Мунозара авжида.

Бир неча мулозимлар билан вазир Суҳайлий киради.
Мулозимлар қўлларидаги гулоб, шарбат ва шароб қуйилган кўмуш
кўвачаларни ва заррин қадаҳларни курсиларга қўйишади.

С у ҳ а й л и й

Ҳа, жойларни бошлабсизлар!

Ж а ъ ф а р

Жой тахт, вазири аъзам.

С у ҳ а й л и й

Баракалло дидингизга! Ҳа, дидингиз жойида.

Шайхулислом, Аълам, муллолар ва элчилар
киришади.

Ж а ъ ф а р

Марҳамат, тақсирлар, мана жойингиз.

С у ҳ а й л и й

Салом сизга, Шайхулислом! Салом сизга муллалар!

Ш а й х у л и с л о м

Ҳа, саломат бўлинг, вазир. Ҳаммангизга саломлар.

С у ҳ а й л и й

Қани, аввал, тақсирларга шарбат тутинг, томоқни
Пича ҳўллаб олишсинлар, мунозара олдидан.

Кулишади.

Ш а й х у л и с л о м

Бизга шарбат!

Қ о р а т е г и н

Бизга шароб!

Ж а ъ ф а р

Ҳаммаси ҳам муҳайё!

Мулозимлар қадаҳларга шарбат, шароб қуйиб меҳмонларга тўтадилар. Дабир бошлиқ олимлар киришади.

Х у д о й б е р д и

Марҳамат, донолар, мана жойингиз.

Олимлар кўрсатилган жойларга ўтиришади. Мулозимлар уларга ҳам шарбат, шароб улашадилар.

Қ о р а т е г и н

Абу Райҳон, Ибн Сино кўринмайди?

Д а б и р

Келурлар.

Қ о р а т е г и н

Жамоатни кутдиришдан хунук нарса бўлмайди!

Д а б и р

Ахир, элчи жаноблари, ҳозиргина келдингиз,
Нега бунча шошиласиз?

Қ о р а т е г и н

Ишим зарур. Ишим кўп!

Д а б и р

Ундай бўлса кета қолинг, баҳс сизсиз ҳам ўтади.

Қ о р а т е г и н

Мен Маҳмуднинг элчисиман! Менга дағал гапирманг!
Даражамга лойиқ иззат-ҳурмат талаб қиламен!

С у ҳ а й л и й

Уэр, элчи жаноблари, кўп қизишманг. Беруний
Ҳозир келур.

А ъ л а м

Ҳа, тўғри-да! Ҳа, аслида биз эмас,
Улар бизни кутишлари лозим! Одоб шунақа!

Беруний билан Ибн Сино киришади. Олимлар уларга ҳурмат
юзасидан оёққа турадилар. Уларга эргашиб муллалар ҳам беихтиёр
ўринларидан туришади. Фақат Қоратегин ўрнидан қўзғалмай, гер-
дайнб ўтираверади.

Б е р у н и й

Уэр, етук уламолар, уэр, улуғ олимлар.
Аҳли сарой, биз сизларни бир оз кутдириб қўйдик,
Ногаҳонда бир хаста чол келиб мадад сўради.

Йўқ дейишга ҳеч бўлмади. Ибн Сино иккимиз
Кечга қолдик даво қилиб хаста чолнинг дардига.

И б н И р о қ

Кўп савоб иш қилибсизлар!

М а с и ҳ и й

Тангри сизга ёр бўлсин!

Ш а й х у л и с л о м

Хоразмга хуш келибсиз, Абу Райҳон Беруний!

Б е р у н и й

Ватанимга қайтганимдан бениҳоя хурсандман,
Мени бунда таклиф этган шоҳимиздан мамнунман.
Умрлари, давлатлари яна зиёда бўлсин!

И б н С и н о

Кўп улуғ иш, кўп савоб иш қилди улуғ шоҳимиз,
Берунийдай алломани Хоразмга қайтариб.

Д а б и р

Хоразмнинг шуҳратига шуҳрат қўшар Беруний
Анжумани донишимиз энди равнақ топади.

М а с и ҳ и й

Ал Хоразмийнинг юрти яна битта донишманд
Ва забардаст алломага эга бўлди!

И б н И р о қ

Офарин!

Б е р у н и й

Миннатдорман, азиз дўстлар... Аммо менинг нархимни
Кўп ошириб юбордингиз... Муболага шеърга
Ярашади... Мен аслида бир меҳнаткаш олимман...

С у ҳ а й л и й

Камтарликка кўп устасиз, Абу Райҳон, Беруний!

Б е р у н и й

Қуллуқ, амир. Йўқ, ишонинг, ҳали қилган ишим оз.
Ҳақиқатда қилган ишдан қиладиган ишим кўп.

М а с и ҳ и й

Бу дунёда тугармиди тадқиқоти олимнинг?

Б е р у н и й

Ҳа, ҳали кўп изланишлар, тажрибалар олдинда,
Ҳа, Ҳиндистон ҳақида ҳам асар ёзиш орзум бор.
Илми нужум, риёзиёт, жуғрофия ҳақида
Рисолалар ёзмоқчиман, хуллас, дўстлар, ишим кўп.
Фан бобида кичкина бир ҳақиқатни кашф этмоқ
Игна билан қудуқ қазиш каби жуда мушкулдир.

А ъ л а м

Ҳа, гапингиз мутлақо рост. Мен кузатиб юрибман
Ишингизнинг чаласи кўп, хатоси ҳам анча бор.

Д а б и р

(кулиб)

Мунозара бошландими?

А ъ л а м

Бу шунчаки бир луқма.

Мулозимлар, соқчилар, бир тўда сарой аъёнлари
билан бирга Маъмун киради. Ҳамма ўрнидан туриб, таъзим
билан шоҳни қарши олади.

Маъмун

Уэр, пича ҳаялладим.

Суҳайлий

Зарари йўқ, шаҳаншоҳ.

Шоҳ тахтга, бошқалар жойларига ўтиришадилар.

Маъмун

Абу Райҳон, Ибн Сино, бениҳоя хурсандман
Сизлар билан бир замонда бирга яшаганимдан.
Фан, боғининг боғбонисиз, илму ҳикмат заргари,
Қуёш бўлиб нур сочасиз маърифат гулшанига!

Беруний

Қуллуқ, шоҳим.

Ибн Сино

Миннатдормиз.

Беруний

Дуодамиз сиз учун.

Маъмун

Ҳа, жамоат жам бўлибди, баҳсимизни бошлайлик.

Дабир

Амрингизга мунтазирмиз.

Маъмун

Хўб, қани ким бошлайди?

Мунажжим

Рухсат этинг менга, шоҳим, агар лозим кўрсангиз...

Маъмун

Хўб, марҳамат.

Мунажжим

Илми нужум, мунажжимлар ҳақида
Фикрингизни билмоқчиман.

Беруний

Хўб, фикримни айтаман.

Илми нужум ажойиб фан. Мунажжимлик яхши касб.
Мен ҳам илми нужум билан қизиқаман, биларсиз.
Бир вақт Қиёт яқинида расадхона қурганман,
Кузатгали юлдузларнинг самодаги сайрини.
Қуёш, Зухро, Миррих, Зуҳал, Аторуд, Ой, Муштарий
Кўзимизни кўкка чорлар, инсон, бизни ўрган, деб.
Қайдан қайга сайр этади осмон тўла юлдузлар?
Қайси бири сайёраю қайси бири собитдир?
Қайси бири айланади, қайси бири муаллақ?
Айланувчи кўкми, Ерми, юлдузларми, Қуёшми?
Мунажжимлар шу жумбоққа жавоб ахтармоқдалар.
Мунажжимлар юлдузларнинг турли ҳаракатини
Ҳолатини ўргандилар. Қадим юнон, ҳинд, араб
Олимлари сайёралар, собитларни ўрганиб,
Само ёритқичларининг кўп сирини очдилар...

Шайхулислом

Улар даҳрий! Улар кофир!

Аълам

Улар қаллоб! Фирибгар!

Б е р у н и й

Бу гапингиз тўғри, Аълам, мунажжимлар ичида
Сиз айтгандай, қаллоблар ҳам топилади, чунончи,
Қуръаандоз мунажжимлар олим эмас, фирибгар!

М у н а ж ж и м

Демак, менинг қуръаларим, сизча, ёлғон экан-да!

Б е р у н и й

Минг афсуски, шундай тақсир.

М у н а ж ж и м

Ахир, қуръаандозлар,
Қуръачилик минг йиллардан бери давом этади.
Қўп табаррук китобларда бу ҳақда сўз айтилган.

Б е р у н и й

Бари ёлғон! Уйдирма гап!

М у н а ж ж и м

Ё алҳазар! Таажжуб!

Б е р у н и й

Ҳа, таажжуб, минг йилдирки, қуръаандоз фолбинлар
Содда, жоҳил одамларни роса алдаб келдилар.
Минг йиллардан бери фанга раҳна солур бу иллат.
Юлдузларнинг авзоига қараб қуръа очмоқлик
Ўтакетган лўттибозлик!

М у н а ж ж и м

Агар исбот қилсам-чи?!

Б е р у н и й

Ёлғон гапни исбот қилиш мумкин эмас, мавлоно!
Инсонларнинг тақдирига юлдузларнинг дахли йўқ!

М у н а ж ж и м

Бу фикрга қўшилмайман!

Б е р у н и й

Ўзларида ихтиёр,

К и м ё г а р

Менинг ҳам бир саволим бор, агар рухсат этсалар.

М а ъ м у н

Хўб, марҳамат, эшитайлик.

К и м ё г а р

Абу Райҳон Беруний,

Кимёгарлар меҳнатига қандай баҳо берасиз?

Б е р у н и й

Жуда юксак баҳо!

К и м ё г а р

Раҳмат. Ундай бўлса айтинг-чи,
Яъни, мисдан олтин қилиб бўладими?

Б е р у н и й

Бўлмайди!

Ҳар маъданнинг ўзига хос хислати бор, ҳар жисм
Ўз жинсига, ўз таркиби, ўз мағзига эгадир.
Бинобарин, рухдан кумуш, мисдан олтин бўлмайди.

К и м ё г а р

Ахир, ўтмиш замонларда...

Б е р у н и й

Хабарим бор, мавлоно,
Мисдан олтин ясайман деб, кўп кимёгар уринган,
Аммо ҳеч ким ниятига етолмаган.

К и м ё г а р

Бу ҳақда

Мен жуда кўп китобларни мутолаа қилганман,
Кўп китобда мисдан қандай олтин яшаш усули
Кўрсатилган.

Б е р у н и й

Бари ёлғон, уларга ҳеч ишонманг!
У китоблар фанга хилоф, ҳақиқатдан йироқдир.
Бу иш билан неча йилдан бери шуғуланасиз?

К и м ё г а р

Ун йил бўлди...

Б е р у н и й

Хўш, натижа?

К и м ё г а р

Охирига етган йўқ...

Б е р у н и й

Етмайди ҳам! Эсиз, умр беҳудага сарф бўлган!

К и м ё г а р

Умидворман, бир кун эмас, бир кун олтин топаман!

Б е р у н и й

Кондан топиш мумкин, аммо, мисдан олтин бўлмайди.

К и м ё г а р

Шоҳим, яна, пича маблағ ажратсалар...

М а ъ м у н

Кўрамиз...

Демак, елга соврилибди ҳисоби йўқ маблағлар...
Қани, ҳазрат, энди сиздан эшитайлик!

Ш а й х у л и с л о м

(«Ал-боқия»ни қўлга олиб)

Хўб, шоҳим.

Бу китобда Муҳаммаднинг ҳаётини сиз оддий
Одамларнинг ҳаётидай содда таъриф этибсиз.
Ахир, ҳамма билади-ку, у пайғамбар! У расул!

Б е р у н и й

Буни ҳеч ким инкор этмас. Лекин унинг ҳаёти,
Таржимаи ҳоли равшан, қилган иши аниқдир.
Муҳаммад ҳам инсон эди сизу бизга ўхшаган.

Ш а й х у л и с л о м

Бизни унга тенглаштирманг! У илоҳий бир сиймо!

А ъ л а м

У тангрининг элчисидир бизга ваҳий келтирган!

Б е р у н и й

Ахир у ҳам инсонлардек бир онадан туғилган.
Қабиласи Қурайш эди, Ҳошим эди отаси.
У туғилди, у яшади, у курашди, сўнг ўлди...

А ъ л а м

Парвардигор, гуноҳлардан ўзинг асра!

Беруний

Сўзимнинг

Елғони йўқ!

Ибн Сино

Китобларда зикр этилган ҳаммаси.

Беруний

Пайғамбарлар, авлиёлар келиб кетган беҳисоб,
Мусо, Исо, Яъқуб, Довуд, етмиш беш минг пайғамбар
Тарихларда зикр этилур, ўйлайманки, билурсиз.
Муҳаммад ҳам ўшаларнинг бири эди.

Аълам

Сўнггиси!

Шайхулислом

Ҳа, Муҳаммад саллалоҳу алайҳу вассаллам энг сўнгги
пайғамбар! У парвардигори оламнинг энг севикли расули!

Аълам

У донишманд, доно эди!

Беруний

Тўғри, зукко, донишманд,
Кўп ақлли ва тадбиркор бир зот эди, шубҳасиз.
Аммо у ҳам инсон эди, бу ёғини унутманг!
Ҳа, тақсирлар, бу дунёда кўп воқеа юз берган.
Ҳа, бу кўҳна дунё кўпдан можаролар маскани.
Ҳар пайғамбар янги бир дин яратарди, динлар кўп.
Эътиқодлар, мазҳаблар кўп, тариқатлар, йўллар кўп.
Тариқатлар, мазҳабларнинг талошидан, жангидан
Ер юзини қоплаб олди қирғин, даҳшат, ҳалокат.
Чунки ҳеч халқ хоҳиш билан эски динни тарк этиб,
Янги динга кирган эмас, бунга тарих гувоҳдир.
Динлар қурол кучи билан тарқатилган доимо.

Вайрон бўлган мамлакатлар, ёндирилган шаҳарлар,
Пайғамбарлар қиличидан ўтказилган шўрликлар,
Бизни асло унутманг, деб кўз ўнгиди турибди!
Ҳа, тарихнинг ҳар варағи, ҳар бетида қон изи!

Ш ай ху л и с л о м

Ўтган ишга салавот деб, айтишмаган бекорга.
Истиқболни ўйлаш керак. Титган билан тарихни
Фойда чиқмас, ишимизга манфаати тегмайди.

А ъ л а м

Фақатгина мўминларни тўғри йўлдан оздирур!

Қ о р а т е г и н

Фуқаронинг миясини айнитади!

Ш ай ху л и с л о м

Ҳаққос рост!

Б е р у н и й

Истиқболда яшаш қийин, билмай туриб ўтмишни,
Ўтмишини унутганлар келажакда хор бўлур.
Истиқболни ўйлаганлар ўтмишни ҳам ўйлайди.
Келажаkning муаммоси бошланади ўтмишдан.
Аждодларнинг тажрибаси мадад берур авлодга.
Тарих бизга устод эрур, тарих бизга муаллим.
Урганмасдан туриб тарих сабоқларин, истиқбол —
Авлодларнинг тақдирини белгиламоқ мушкулдир.

Ш ай ху л и с л о м

Бу шаккоклик! Бу даҳрийлик! Авлодларнинг тақдирин
Тангри ўзи белгилайди!

А ъ л а м

Ҳа, барча иш худодан!
Аллақандай тарих эмас, тангри бизга мураббий!

Ш а й х у л и с л о м

Бу дунёда нима мавжуд, нимаки юз берса,
Фақатгина тангримизнинг каромати, хоҳиши!

А ъ л а м

Тангримизнинг хоҳишисиз содир бўлмас ҳеч нарса!

И б н С и н о

Ут кетса ҳам тангримизнинг хоҳишими?

А ъ л а м

Хоҳиши!

И б н С и н о

Улат келса, вабо бўлса буларни ҳам тангрининг
Хоҳишига боғлаймизми?

Ш а й х у л и с л о м

Ҳа, албатта боғлаймиз!

Булар осий бандаларга тангримизнинг жазоси!

И б н С и н о

Ундай бўлса, ўтга қарши, селга қарши курашмоқ,
Вабо, ўлат, офатларга қарши кураш тангрининг
Хоҳишига қарши кураш бўлмайдими?

Ш а й х у л и с л о м

Чалғитманг!

И б н С и н о

Йўқ, тақсирлар, ҳар нарсани тангримизнинг хоҳиши,
Истагига боғлаш хато, туҳмат эрур тангрига!

А ъ л а м

Е, алҳазар! Бу қандай гап! Тақсир, гапирсангиз-чи!

Ш ай ху л и с л о м

Қўя беринг, охиратда жавоб берур ўзлари!

И б н С и н о

Ахир, қанча-қанча золим, босқинчилар, фотиҳлар
Қанча элни шафқат қилмай таладилар, қирдилар,
Искандарнинг қирғинлари, Қутайбанинг босқини,
Хўш, булар ҳам тангримизнинг хоҳишига боғлиқми?!

Ш ай ху л и с л о м

Қутайбага тил тегизманг! У исломнинг шунқори!
Дини ислом лашкарига сардор бўлган қаҳрамон!
У адашган гумроҳларни ҳақ йўлига бошлаган.
Қутайбани ёмонламанг! У авлиё, у ғозий!

Б е р у н и й

Ҳа, тақсирим, сиз мақтаган ўша ғозий Қутайба
Хоразмга олов қўйиб, даҳшат солиб келганди.
У ҳам битта золим эди қиличидан қон томган.

Ш ай ху л и с л о м

Бу иблиснинг сўзи эрур!

А ь л а м

Бу даҳрийлик! Бас қилинг!

М а ь м у н

Сабр қилинг, Абу Райҳон тамом этсин сўзини,
Бу илмий баҳс, мунозара, жанжал эмас, тақсирлар!
Ахир, қуруқ раддиядан кимга фойда, тақсирим?
Қўлингиздан келса агар исбот қилинг аксини!
Ҳа, илмий баҳс ҳақоратмас, исбот талаб қилади!

Ш ай ху л и с л о м

Кечирасиз, шоҳим, аммо,

Маъмуни

Давом этинг, Беруний!

Беруний

Ҳа, Қутайба юртимизни босиб, янчиб келганда,
Хоразмда жуда юксак маданият бор эди.
Хоразмнинг кутубхона, саройлари, боғлари,
Китоблари, ёзувлари мавжуд эди. Қутайба —
Ҳаммасини хароб этди, китобларни ёндирди,
Саводи бор одамларни битта қўймай ўлдирди,
То ўтмишдан ному нишон қолмасин деб Қутайба!
Ҳа, Қутайба отларининг туёқлари остида
Аждодларнинг каллалари, жасадлари депсалган!
Қандай қилиб яширасиз ҳақиқатни, тақсирлар?!

Ибн Сино

Қутайбанинг лашкарлари қилич билан, куч билан
Аждодларни мажбур этган янги динга киришга.
Бир қўлида яшил ялов, бир қўлида қиличи,
Дарё-дарё қон оқизиб даҳшат солган Қутайба!

Шайхулислом

Ибн Сино, бу сўзингиз куфрона сўз! Тавба, денг!

Ибн Сино

Тақсир, аввал ҳақиқатни айтиб олай, тавбага
Кечикмасмиз. Гуноҳ қилсак тангри ўзи кечирар.
Аммо ҳақ сўз тангрига ҳам хуш келур деб ўйлайман.

Беруний

Ҳа, ўтмишни унутмаймиз, кўр бўламиз унутсак!
Тарих гувоҳ: босқинчилар қонли найрангларини
Дин номидан қилиб келди ва ҳозир ҳам қилмоқда.
Дин, шарият, тангри номи ниқоб бўлди уларга.

Ш а й х у л и с л о м

Ахир, шоҳим, бу гапларнинг замирида шаккоклик,
Ва даҳрийлик ётибди-ку! Бас қилишсин! Илтимос!

Қ о р а т е г и н

Шоҳим, сизнинг сабрингизга қойил қолдим. Бу гаплар
Агар султон саройида айтилганда, ҳеч сўзсиз,
Икковининг тилини ҳам шартта қирқишар эрди!

Б е р у н и й

Яхшики, биз султон Маҳмуд саройида эмасмиз.

И б н С и н о

Ҳа, элчининг сўзлари рост, ҳеч бир мубобағасиз,
Ҳар қанақа иш келади султон Маҳмуд қўлидан!

Қ о р а т е г и н

Султонимга тил теккизманг! Сўнг пушаймон бўласиз!

М а ъ м у н

(базовга)

Биз мавзудан чиқиб кетдик, бу ҳақда сўз тўхтасин!
Ҳа, тақсирлар, тарихимиз, ўтмишимиз ҳақида
«Ал-боқия» китобида яхши гаплар айтилган.
Уйлаймизки, бу китобнинг элга нафи кўп бўлур.

Ш а й х у л и с л о м

Кечирсинлар, шоҳим, бизнинг шубҳамиз бор. Бу китоб
Мўминларга ёмон таъсир кўрсатиши муқаррар!
Бу китобнинг мазмуни зид қуръон таълимотига!

А ъ л а м

Бу китобни куйдирардик агар имкон бўлганда!

И б н С и н о

Бу китобнинг нусхалари жаҳон бўйлаб тарқалган,
Ҳаммасини ёндиришга етармикан вақтингиз?

М а с и ҳ и й

Бу китобни ёндирурсиз, аммо унинг мазмуни
Илму урфон оламида азал-абад қолади!

М а ъ м у н

Майли, ҳар ким ўз фикрида қола қолсин, ҳақи бор,
Энди бўлак бир мавзуга ўтсак яхши бўларди.

Қ о р а т е г и н

Кечирсинлар, шоҳим, менда савол бор.

М а ъ м у н

Марҳамат!

Қ о р а т е г и н

Хўш, Беруний, нима учун ғайридинлар ҳақида
Ва уларнинг русумлари тўғрисида муҳаббат,
Ҳурмат билан сўз юритиб шариатни буздингиз?

Б е р у н и й

Мен ҳеч қачон шариатни бузмаганман, бузмайман,
Сиз ғайридин деб атаган одамлар ҳам тангрининг
Бандалари! Уларни ҳам худо ўзи яратган!
Ёки гапим нотўғрими?

Қ о р а т е г и н

Тўғрилиқка тўғри-я...

Б е р у н и й

Ҳаммаси ҳам худо дейди, нажот истар худодан,
Ҳаммаси ҳам тангримизнинг жаннатидан умидвор.
Ҳаммаси ҳам тангримизнинг дўзахидан қўрқади!

А ь л а м

Улар кофир! Дўзахийдир! Дини ислом ёвидир!
Уларни ҳеч шафқат қилмай қириш керак! Сиз эса,
Уларни ҳам мусулмонлар қаторига қўйибсиз!

Б е р у н и й

Тақсир, қизиқ, Мусони ҳам, Исони ҳам эътироф
Қиласизу, умматлари дўзахий деб қаргайсиз,
Нега энди пайгамбарлар, авлиёлар азизу,
Шўринг қурғур умматлари бўлар экан гуноҳқор?

Ш а й х у л и с л о м

Бошимизни айланторманг! Биз бандаи мўминлар
Шариатдан, тариқатдан бир энлик ҳам чиқмаймиз!

Б е р у н и й

Ахир, инсон онасидан туғилганда на кофир,
На мусулмон, на мажусий бўлиб туғилмайди-ку!
Бинобарин ҳаммаси ҳам тангримизнинг бандаси.
Ҳаммаси ҳам худди биздек яшаш учун ҳаққи бор!
Бири ўтга топинади, бири бутга чўқинар,
Бири эса тангри, дейди осмондаги қуёшни.
Ҳўкизга ҳам, илонга ҳам сифинувчи эллар бор.
Ҳаммасининг ўз анъана, ўз одати, ўз расми —
Маросими мавжуд эрур. Ҳаммасининг тақдири
Парвардигор томонидан белгиланиб қўйилган.

А ь л а м

Бу гапингиз тўғри, аммо...

Б е р у н и й

Бинобарин ҳамма халқ
Эҳтиромга сазовордир. Маданият, илму фан
Соҳасига барча халқ ҳам ҳисса қўшар баравар.
Бунга мисол Арабу Ҳинд, Юнон, Хитой, Хоразм,
Афлотунни, Арастуни билмайдиган одам йўқ.

Ахир, улар гайридин-ку?! Гайридин деб, уларнинг
Меросидан воз кечишлик тўғри бўлар эдими?!

Ш а й х у л и с л о м

Афлотуннинг, Арастунинг йўли бошқа...

Б е р у н и й

Тақсирим,
Сўзингизнинг мантиқи йўқ! Ҳа, дунёда Арасту,
Афлотундек илму фанга ҳисса қўшган олим кўп.
Ҳа, тақсирлар, илму фанни инсоният яратур.

И б н И р о қ

Маърифатнинг дарёсига томчи қўшар барча халқ.

М а с и ҳ и й

Маданият, илму урфон башарият мулкидир.

И б н С и н о

Ҳа, олимлар бир-биридан ўрганади доимо,
Бир-бирини ҳурмат қилур қайси ирқдан бўлмасин,
Қайси тилда сўзлашмасин, қайси динда бўлмасин.

Ш а й х у л и с л о м

Е алҳазар!

А ь л а м

Бу қандай гап!

Б е р у н и й

Бу ҳақиқат, тақсирлар.

С у ҳ а й л и й

Ер юмалоқ дер эмишсиз, шу гап ростми?

Беруний

Ҳа, вазир.

Коинотга назар ташланг, ҳамма нарса юмалоқ.
Ою Қуёш, юлдузлар ҳам юмалоқдир, мавлоно.
Назар солинг, доирадир кўк ҳам, тақсир, уфқ ҳам.
Нега энди бу қонундан Ер мустасно бўлармиш?

Аълам

Ер япалоқ! Бу ҳақиқат ҳаммамизга аёндир.

Беруний

(киноя билан)

Ер ҳўкизнинг шохидаю ҳўкиз балиқ устида...

Аълам

Худди шундай! Бундан кулманг! Бу қуръонда айтилган!

Ибн Сино

(киноя билан)

Ҳа, тақсирлар, бу соҳада қийин сизга бас келиш.

Беруний

Ер юмалоқгина эмас, Ер ҳаракат қилади.
Қуёш эмас, аслида Ер айланади...

Аълам

Е тавба!

Суҳайлий

Ундай бўлса Ер устида турган барча жисмлар
Ҳар томонга сочилишиб кетмайдими?

Б е р у н и й

Йўқ, тақсир.

Чунки бутун жисмларни, худди оҳанрабодек,
Ер ўзига тортиб турар.

Ш а й х у л и с л о м

Бу гапингиз афсона!

Б е р у н и й

Кўкка қаранг, Ою Куёш, сайёралар, собитлар
Нега фақат бир томонга қараб айланишади?
Эҳтимол Ер айланару улар бари тек турар...

А ъ л а м

Е алҳазар!

Ш а й х у л и с л о м

Абу Райҳон, ўйлаб кўринг, тавба денг!

Б е р у н и й

Арастуниг таълимоти ўйлантирар одамни.
Бир қудрат бор ҳаракатга келтирувчи оламни.
Аmmo олам абадийдир, дейди доно Арасту.
Улуғ олим Форобий ҳам бу фикрга қўшилган...

Ш а й х у л и с л о м

Сиз-чи?

Б е р у н и й

Биз ҳам қўшиламыз.

Ш а й х у л и с л о м

Катта хато қиласиз.

Б е р у н и й

Хато қилсак тангри бизни кечирар деб ўйлайман.

А ь л а м

Еру кўкни парвардигор етти кунда яратган.
Дунё асли бебақодир, охирзамон бўлганда,
Кунпаякун бўлур олам, нишон қолмас дунёдан!

Б е р у н и й

(киноя билан)

Унга ҳали анча вақт бор, ҳозир тирик эканмиз,
Бу дунёнинг тақдирини ўйлашимиз керакдир.

Ш а й х у л и с л о м

Банда ожиз бу дунёнинг тақдирини ўйлашдан.
Парвардигор ўзи ўйлар. Ҳамма нарса худодан!

Б е р у н и й

Ундай бўлса нега тангри ақл берди инсонга?
Нима учун қулоқ берди? Нима учун кўз берди?
Нима учун идрок берди? Сезги берди? Ҳис берди?
Булар нега керак эди ишламаса инсонга?

Ш а й х у л и с л о м

Парвардигор ўзи билур.

Б е р у н и й

Йўқ, тақсирим, инсонлар
Атрофини қуршаб олган бу сеҳргар оламнинг
Овозига қулоқ солиб, уни кўриб кўз билан,
Ақл билан идрок этиб, сезиб сезги, ҳис билан,
Англамоқни истайдилар ҳақиқатни, дунёни!

А ʻ л а м

Банда ожиз бу дунёнинг асрорини англашдан!

Б е р у н и й

Дунё — моддий, Арастунинг, Форобийнинг фикрича,
Ҳамма нарса тўрт унсурдан пайдо бўлур дунёда.
Булар: тупроқ, ҳаво, сув, ўт. Булар ҳамма нарсанинг
Замирида, таркибида, мазмунида мавжуддир.
Табиатда қонуният, сабабият ҳокимдир.
Агар қуёш нур сочмаса, гул унмайди тупроқдан,
Тош ўрнидан қўзғалмайди, қўзғатмаса бирор куч.
Сув ҳамма вақт юқоридан пастга қараб оқади.
Кундуз куни кўк юзида кўринмайди юлдузлар.
Ҳар бир жисм қизитилса кенгайди, совиса
Тораяди, қисилади — бу табиат қонуни.
Олимларнинг вазифаси қонунларни ўрганиш,
Ҳодисалар, жисмларнинг сабабини аниқлаш.

Ш а й х у л и с л о м

Абу Райҳон, ахир, бу гап бориб турган шаккоклик,
Даҳрийлик-ку?!

Б е р у н и й

Мен, тақсирим, ҳақиқатни сўзладим.
Нега гоҳо ёмғир ёғар? Нега гоҳо қор ёғар?
Дўл нимаю қиров нима? Қандай пайдо бўлади?
Чақмоқ нима? Довул нима? Шамол қайдан келади?
Нима учун навбат билан ўзгаради фасллар?
Нима учун шимол совуқ, жануб иссиқ бўлади?
Зилзиланинг сабаби не? Қандай қилиб ёнар тоғ
Пайдо бўлур Ер юзида? Нима учун булоқлар
Бири совуқ бўладию бири иссиқ бўлади?
Нима учун ҳамма ерда тонг баравар отмайди?
Чинмочинда тонг отган кез Хоразмда нега тун?
Шулар каби минг хил савол биздан жавоб кутади.

А ʻ л а м

Ҳаммаси ҳам тангримизнинг каромати, қудрати!

Б е р у н и й

Йўқ, тақсирим, ҳаммасининг сабаби бор! Бесабаб
Табиатда ҳеч ҳодиса, ҳеч нарса юз бермайди.
Биз оламнинг тақдирини ўйлашимиз керакдир.

Ш а й х у л и с л о м

Охиратни кўпроқ ўйланг! Бу дунёни ўйламанг!
Ҳа, бу дунё ўткинчидир, бебақодир, ҳамма гап
У дунёда!

Б е р у н и й

У дунё деб бу дунёни унутиш
Катта гуноҳ бўлур эди!

Ш а й х у л и с л о м

Нотўғридир гапингиз!

Б е р у н и й

Чунки дунё, тақсирларим, хавф остида турибди!
Ҳали қонхўр босқинчилар, тиниб-тинчиган эмас,
Шаҳон бўйлаб қиличидан қон оқизиб юрибди.

Қ о р а т е г и н

Бу гапингиз кимга шама?

Б е р у н и й

Фараз қилинг — султонга!

Ш а й х у л и с л о м

Абу Райҳон!

А ъ л а м

Бу қандай гап!

Суҳайлий

Уйлаб сўзланг, Беруний.

Беруний

Ҳа, Маҳмуднинг оч кўзлари Хоразмга тикилган.
Хоразмнинг дабдабаси, Хоразмнинг бойлиги
Унга тинчлик берармиди?!

Маъмун

(безовта)

Чиқиб кетдик мавзудан!

Бу мажлисда сиёсатдан сўз очмаслик мақбулроқ...

Қоратегин

Султон Маҳмуд Хоразмга душман эмас!

Шайхулислом

Мутлақо!

Қоратегин

Ҳа, Хоразм ислом юрти, қандай қилиб мусулмон
Мусулмонлар ўлкасига қарши қўшин тортади?!

Шайхулислом

Рост айтасиз! Султон Маҳмуд дини ислом ҳомийси!
У ҳеч қачон чиққан эмас каломулло сўзидан!
Султон фақат кофирларга қарши қўшин тортади.
Қаёқдаги йўқ гапларни айтиб, бизни қўрқитманг!

Беруний

Мунофиқлик ёмон иллат, омон бўлсак кўрармиз.

Ш ай ху л и с л о м

Бандаларни итоатга ва тавбага ўргатиш,
Бу дунёнинг лаззатидан воз кечишга чақирш,
Охиратни тушунтириш,— мана булар савоб иш!

Қ о р а т е г и н

Сиз тақсирим, одамларни итоатга чорлайсиз,
Одамларга бу дунёнинг роҳатидан кечинглар,
Кеча-кундуз тангримизга сажда қилинг, ёлворинг,
Охиратда тангри сизга ато қилур жаннатни,
Хуру ғилмон хизмат қилур сизлар учун жаннатда,
Бу дунёда азоб чеккан у дунёда роҳатда,
Фароғатда бўлур дейсиз...

Ш ай ху л и с л о м

Бу ҳаққос рост! Ҳақиқат!

Б е р у н и й

Аммо, тақсир, нима учун бу гапларга ўзингиз
Амал қилмай келмоқдасиз?

И б н С и н о

Айтганлар-ку, мулланинг
Айтганини қилу, аммо қилганини қилма деб.

Б е р у н и й

Ҳа, ҳазратим, саккиз хотин, ўнга яқин канизак,
Йигирмата чўрию қул, данғиллама уйларнинг,
Боғу роғнинг эгасисиз! Бойлигингиз беҳисоб!
Кеча-кундуз айшу ишрат, жаннатда йўқ таомлар!
Буни кўрган бечора халқ, яланғочлар, гадолар
Қандай қилиб сўзингизга ишонади, тақсирим?!

Ш ай ху л и с л о м

Шоҳим, ахир бу исён-ку! Бу туҳмат-ку! Тўхтатинг!

Маъмун

Қандай қилиб тухмат бўлсин, тўғри гапни айтди-ку?
Саккиз хотин...

Шайхулислом

Бу тўғри-я... Аммо лекин шаҳаншоҳ,
Жамоатнинг орасида обрўйимни тўкмасин!

Беруний

(кулиб)

Узр, тақсир, бу ёғини ўйламабман.

Ибн Сино

(кулиб)

Бу узр

Кинояга ўхшаб кетди.

Кулишади.

Шайхулислом даргазаб бўлиб, ўридан туриб кетади. Мулалар шовқин кўтардилар. «Бу қандай гап? Бу биздан кулиш! Бу ҳақорат! Бу тухмат! Шайхулисломдан кулиш гуноҳ! Шаккоклар! Даҳрийлар! Бас қилсин!» каби сўзлар эшитилади. Шу пайт мулозим кириб шоғга таъзим қилади, сўнг унга нома узатади. Ҳамма жим бўлади.

Мулозим

Халифадан нома келди.

Маъмун

(номани очиб, унга кўз югуртиради)

Хўб, бўлмаса, шу билан
Баҳсимизни тўхтатайлик, мунозара бошқа кун
Давом этур. Ҳаммангизга жавоб. Вазир, Беруний,
Ибн Сино, Дабир сизлар ҳузуримда қолинглар.

Суҳайлий, Дабир, Беруний, Ибн Синодан бўлак ҳамма
чиқиб кетади.

Суҳайлий

Шаҳаншоҳим, хушхабарми?

Маъмуни

Ҳа ва локин нозикроқ...
Менга қимматбаҳо сарпо юборибди Халифа.
Яна «Давлатпаноҳ» ҳамда «Дини ислом безаги»
Деган унвон ато қилмиш...

Суҳайлий

Жуда яхши!

Дабир

Жуда соз

Суҳайлий

Шаҳаншоҳим, астойдил муборакбод қиламиз!

Дабир

Олий унвон қутлуғ бўлсин!

Маъмуни

Раҳмат... Аммо нимага
Бирданига менга бунча кўргазилмиш илтифот?
Мақсади не Халифанинг? Бу илтифот тагида,
Биз билмаган бирор мақсад, бирор маъно йўқмикан?

Суҳайлий

Уйлайманки, Халифанинг ниятлари холисдир.
«Дини ислом безаги», деб олий унвон беришдан
Сизга ҳурмат ва муҳаббат кўргазишдир мақсади.

Маъмуни

Билолмадим... Абу Райҳон, сиз не дейсиз бу ҳақда?

Б е р у н и й

Назаримда бу илтифот замирида мақсад бор.
Ҳеч шубҳасиз. Халифа ҳам ҳайиқади Маҳмуддан.
Сизга бундай унвон бериб, сизга қарши Маҳмуднинг
Ғазабини қўзғатмоқчи бўлиши ҳам мумкиндир...
Агар Маҳмуд ғазабини Хоразмга қаратса,
Бағдод омон қолади, деб ўйлаши ҳам мумкиндир...
Ҳа, бу гаплар, агар Маҳмуд қулоғига чалинса,
Ҳам ғазабдан, ҳам ҳасаддан ёрилгундек бўлади!

И б н С и н о

Ёки сизга унвон бериб, Хоразмни улуғлаб,
Султон Маҳмуд хуружига чек қўймоқчи бўлгандир.

М а ъ м у н

Ҳа, ҳар ҳолда бежиз эмас, бу илтифот, бу унвон...
Шунинг учун бу борада унча шов-шув кўтармай,
Тантанани камроқ қилиб, Халифамиз юборган
Элчиларни, сарполарни мамлакатнинг чеккароқ
Бир шаҳрида қабул қилсак...

Б е р у н и й

Жуда мақбул гапингиз.

М а ъ м у н

Ундай бўлса, сиз ўзингиз бошлиқ бўлинг бу ишга,
Ҳамроҳингиз Ибн Сино, Вазир, Дабир бўлсинлар.
Халифага мўлжалланган совға-салом ортилган
Қарвон билан пешвоз чиқинг элчиларнинг йўлига,
Элчиларни хурсанд қилинг, кутиб олинг яхшилаб.
Вазиятни тушунтиринг элчиларга батафсил.

Б е р у н и й

Хўп бўлади, шоҳим.

М а ъ м у н

Раҳмат, яна битта илтимос!

Беруний

Эштаман.

Маъмун

Биламизки, сиз амални севмайсиз.
Аммо битта лавозим бор сиздан бўлак ҳеч киши
Уддасидан чиқолмайди, шуни сизга ҳавола
Қилмоқчиман...

Беруний

Қандай амал экан, шоҳим?

Маъмун

Бош мироб.

Сиз табиат, набототнинг, зироатнинг, сувларнинг,
Дарёларнинг тилини ҳам биладиган олимсиз.
Хоразмда бир қатра сув олтин билан баробар!
Ерларимиз сувга ташна, сувга муҳтож деҳқонлар.
Кўп хиёнат содир бўлур сувни тақсим қилишда.
Адолатлик одам турса бу кори хайр бошида,
Сувга сероб бўлур эди сувга ташна Хоразм.

Дабир

Ҳеч шубҳасиз, деҳқонларнинг дуосини олурсиз.

Беруний

(пича ўйлагач)

Майли, шоҳим, мироб бўлсам бўлай, илмий ишимга
Халаал бермас деб ўйлайман...

Ибн Сино

Балки тегар фойдаси!
Ҳа, бу халқнинг манфаати билан боғлиқ бўлган иш.
Халқ ичида кўп юрасиз ҳамда ўжар Жайхуннинг
Барча сири асрорини ўрганасиз мукамал!

Маъмун

Вазир!

Суҳайлий

Лаббай!

Маъмун

Берунийга яхши ҳовли берилсин!
Боғи билан. Катта маош белгилансин.

Суҳайлий

Хўп, шоҳим.

Маъмун

Хўб бўлмаса, алломалар, тайёрланинг сафарга!

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Ғазна. Султон Маҳмуднинг ҳашаматли саройи. Сарой қимматбаҳо матолар, олтин, кумушлар, забаржадлар билан безатилган, тилло курсилар қўйилган, ерга нпак гиламлар, атлас кўрпачалар солинган. Султон Маҳмуд қутичалар, сандиқчалардаги қимматбаҳо тошларни, олтин, кумушларни, ҳар томондан келтирилган тухфаларни кўздан кечирмоқда. Енида бош вазир Аҳмад ибн Ҳасан
М а й м а н д и й.

М а й м а н д и й

(тухфаларни кўрсатиб)

Мана булар Ҳиндистондан. Мана булар Эрондан.
Мана булар Бухородан. Мана булар Хитойдан.

М а ҳ м у д

(тухфаларни кўздан кечириб, қўлига олиб кўриб).

Жуда ҳам оз... Жуда ҳам оз.. Нима, шуми ҳаммаси?

М а й м а н д и й

Ҳозирча шу.. Яна келур... Яна бўлур, султоним.

М а ҳ м у д

Ахир булар, улуғ вазир, дарёдан бир томчи-ку!
Биласиз-ку, харажат кўп, сарой, қўшин, юришлар.
Қурилишлар катта маблағ талаб қилур!

М а й м а н д и й

Биламан.

М а ҳ м у д

Ҳеч бир сарой ҳашаматда, гўзалликда, бойликда
Менинг олий саройимга асло тенглашолмасин!
Ҳеч бир султон, ҳеч бир шоҳда менда бўлган бойликнинг
Ярими ҳам бўлмаслиги керак!

М а й м а н д и й

Шундай, султоним.

М а ҳ м у д

Бутун жаҳон хазинаси, бутун дунё бойлиги
Фақат менинг хазинамда бўлиши шарт!

М а й м а н д и й

Шубҳасиз.

М а ҳ м у д

Бағдод эмас, Урганж эмас, Ғазна бутун жаҳоннинг
Дабдабали марказига айланиши керакдир!

М а й м а н д и й

Иншоолло, худди шундай бўлур, улуғ султоним!

М а ҳ м у д

Ҳали бутун мақсадимга етганим йўқ...

М а й м а н д и й

Етасиз!

М а ҳ м у д

Бутун дунё менга тобе бўлиши шарт!

М а й м а н д и й

Бўлади.

М а ҳ м у д

(ўйланади)

Нима учун шу чоққача Халифадан дарак йўқ?
Нима учун жавоб ёзмас мен юборган номага?
Халифа ҳам мендан қўрқар... Донгим уни қўрқитар...
Йўлимга гов бўлмоқчи у... Кучаймасин дейди-да!
Ҳа, зарбамга учраб бир кун қон йиғлайди Халифа!

М а й м а н д и й

Вақти келур, Халифа ҳам қаршингизда тиз чўкур,
Бутун ислом оламига сиз ўзингиз халифа
Бўлмоғингиз керак, султон. Иншоолло, бўласиз.

М а ҳ м у д

Ҳа, айтганинг келсин, вазир...

М а й м а н д и й

Қариб қолган халифа.

М а ҳ м у д

Қарсак чалади. Мулозим киради.

Айтгил, қўшин бошлиқлари ҳузуримга кирсинлар.

Мулозим чиқиб кетади. Бир оздан сўнг лашкар бошилар
киришади.

С о п о л т е г и н

Улуғ султон, фармонингга мунтазирмиз!

М а ҳ м у д

Жуда соз!

Ога ботир, ҳолинг қалай?

О ғ а б о т и р

Ёмон эмас, султоним.

М а ҳ м у д

Яқин кунда янги юриш бошланади... Қўшинни
Тайёр тутуш зарур!

О ғ а б о т и р

Султон, қўшин жуда чарчаган,
Агар бир оз дам бермасак, қўшин ишдан чиқади.

М а ҳ м у д

(дарғазаб)

Дамни гўрда, у дунёда оладилар! Сен ўзинг
Чарчаганга ўхшаб қолдинг! Сен қўшиндан озодсан!

О ғ а б о т и р

Бутун умрим қўшин билан бирга ўтган, султоним!
Ахир, энди қариганда...

М а ҳ м у д

Гап қайтарма!

О ғ а б о т и р

Ахир, мен...

Сенинг учун жондан кечиб жангга кирдим неча бор!
Оқибати шу бўлдимиз?!

М а ҳ м у д

Жаллод!!

О ғ а б о т и р

Султон!

Маҳмуд

Беҳаёл

Қандай қилиб султонингга сўз қайтара оласан!

Жаллод киради.

Олиб чиқиб дорга осинг, бу ақлдан озганни!
Токи бўлак шаккокларга ўрнак бўлсин!

Жаллод

Қани, юр!

Жаллод боши эгилган Оға ботирни олиб чиқиб кетади.

Маҳмуд

Сополтегин!

Сополтегин

Биз тайёрмиз фармонингга, султоним!
Қайга десанг, ўша ёққа қўшин ҳужум қилади,
Қачон десанг, ўша замон от қўямиз ёв сари!

Маҳмуд

Ана бу гап баҳодирнинг, қаҳрамоннинг гапидир!
Аскарларга тушунтиринг, агар юриш қилмасак
Қуролимиз занглаб қолур, ўлжалардан маҳруммиз.
Яқин кунда мен уларни ўлжага фарқ этаман!
Ҳа, яхшилаб боқинг отлар, аскарларни, филларни,
Уқ-дори мўл, қурол-яроғ ҳар галгидай шай турсин!
Қўшин учун сарфланувчи харажатнинг чеки йўқ!
Қўшин учун доим очиқ хазинамнинг эшиги!
Бу гапларни тушунтиринг аскарларга, уқтиринг!

Сополтегин

Уқтирамиз, улур султон, қўшин сизга содиқдир!

Маҳмуд

(ўйчан)

Ё Ҳиндистон... Ё Хоразм... Ҳа, бу ҳақда кейинроқ...
Сизга жавоб.

Лашкар бошилар таъзим билан чиқиб кетишади.

Харажатлар кўпаяди... Ҳолбуки,
Хазинанинг аҳволдан унча мамнун эмасман...

Маймандий

Иншоолло, хазинани бойитамиз, султоним.

Маҳмуд

Ғайри динлар ҳам жонини, ҳам молини биз учун
Беришликка мажбур... Аммо мусулмонлар муаммо...
Ваҳоланки, мусулмонлар орасида бойлар кўп...
Савдогарлар, зодагонлар, беклар, аслзодалар...
Ҳа, уларнинг бисотида қанча-қанча бойлик бор!
Бир баҳона топилса-ю, улар қўлга олинса...

Маймандий

Сиз баҳона топ десангиз, топилади, султоним!

Маҳмуд

Ҳа, баъзи бир бойиб кетган зиқна мусулмонларни
Қарматий, деб айблангу шартта олинг бошини.
Молу мулки, ҳовли-жойи мусодара қилинсин!
Ё бошқа бир баҳонани топиш керак бўлади...
Балки улар менга қарши фитна қўзғамоқчидир?!

Маймандий

(кулиб)

Амин бўлинг, улуғ султон, иложини топамиз.

Маҳмуд

Сўнгра ҳиндлар, кўчманчилар ҳамда бошқа вилоят
Аҳолиси кўпроқ солиқ тўласинлар!

Маймандий

Тўлайди.

Маҳмуд

Сўнг, шипшитиб қўйиш керак: беклар, аслзодалар
Бизга кўпроқ совға-салом, ҳадя йўллаб турсинлар!

Маймандий

Шипшитамиз, улуғ султон, қай йўл билан бўлмасин,
Хазинани бойтамиз.

Маҳмуд

Сўнг, кўчманчи элларнинг
Диёрига қўшин тортиб, талаб молу мулкани,
Ўзларини асир олиб сотиш керак қул қилиб.
Бу ҳам бир йўл хазинани бойитишга.

Маймандий

Шубҳасиз.

Маҳмуд

Ҳиндистондан, Хоразмдан айғоқчилар келдими?

Маймандий

Баъзилари келди, султон, баъзилари келади.
Келтирилган маълумотлар солинмоқда тартибга.

Маҳмуд

Айғоқчилар, жосусларни кўпайтиринг, уларнинг
Хизматлари жуда муҳим...

М а й м а н д и й

Хўб бўлади, султоним.

М а ҳ м у д

Ҳа, Ҳиндистон ва Хоразм жуда ҳам бой ўлкалар...
Ҳа, эсимдан чиқай дебди, ҳарамни ҳам тозаланг.
Гўзаллари қолсин, аммо ёши қайтган жувонлар
Навкарларга улашилсин ё қул қилиб сотилсин,
Ҳарна пул-да...

М а й м а н д и й

Ҳеч шубҳасиз!

М а ҳ м у д

Ҳа, ўзинг ҳам танлаб ол.

М а й м а н д и й

Миннатдорман, улуғ султон, дуо қилиб юраман.

М а ҳ м у д

Биласан-ку, менинг учун бир кечадан ўтган қиз
Ортиқ мени қизиқтирмас. Хоҳлаганинг сеники.

М а й м а н д и й

Сиздан қолган нозанинлар бизлар учун табаррук.

М а ҳ м у д

Ҳа, янгилар ҳар галгидай ҳар хил ирқдан танлансин,
Ва уларнинг энг каттаси ўн олтидан ошмасин.

М а й м а н д и й

Амин бўлинг, улуғ султон, қаймоқлари тўпланур.

М а ҳ м у д

Ҳа, ҳарамни, улуғ вазир, тамомила янгиланг,
Биласиз-ку, яхши бўлув ҳар нарсанинг янгиси!

М а й м а н д и й

Шундай, шундай, янгиларнинг савобига ким етсин!

М а ҳ м у д

Ҳа, у дунё лаззатини тотиш учун аввало
Бу дунёнинг лаззатини тотиб кўриш лозимдир.

М а й м а н д и й

У дунёда қиладиган барча савоб ишларнинг
Бу дунёда машқини ол, деган гап бор!

М а ҳ м у д

(завқланиб)

Қани, қуй!

Маймандий заррин қадаҳларга май қуйиб, бирини Маҳмудга
узатади.

М а й м а н д и й

Мана, султон.

(Ичишади.)

М а ҳ м у д

Нимагадир, шу кечаю кундузда,
Хаёлимдан нари кетмас Ҳиндистон ва Хоразм...

Шошилиб шаҳзода Масъуд билан шоир Унсуррий
кирадилар.

М а с ъ у д

Кечирасиз, улуғ султон...

М а ҳ м у д

(хурсанд)

О, шаҳзода! О, пирим!

М а с ь у д

Сўрамасдан ёнингизга кирдик...

М а ҳ м у д

Уғлим, марҳамат!

Сиз учун ва пирим учун доим очиқ эшигим!

У н с у р и й

Зарур бир иш мажбур этди бизни бунда келишга.

М а с ь у д

Фирдавсийни телба филлар оёгининг остига
Ташланглар, деб буюрибсиз, гуноҳи не шоирнинг?

М а ҳ м у д

Ҳа, шаҳзодам, шунинг учун келдингизми? Жуда соз!
У нобакор, у таги паст шоир учун бу ҳам оз!
Шоҳномада Эрон устун Турондан, деб ёзибди.
Исёнчилар исёнини мадҳ этибди Фирдавсий!
Босқинчилар ёмон дебди! Менга шама эмасми?!

М а с ь у д

Бу гапларни ким айтди?

М а ҳ м у д

Ҳа, мана, вазир Маймандий!

М а с ь у д

Вазирингиз тухмат қилмиш баҳоси йўқ шоирга!

М а ҳ м у д

Сабаб? Нега?!

М а с ъ у д

Маймандийнинг Фирдавсийда қасди бор,
Чунки шоир лаганбардор вазирлардан кулади.

У н с у р и й

Сиз адолат паноҳисиз, шафқат қилинг шоирга!
Ахир, султон, у Фирдавсий! У бир шоҳи шуаро!
Ундан улуғ шоир йўқдир ҳозир етти иқлимда!
Биз ҳаммамиз кичкинамитиз Фирдавсийнинг олдида.

М а ҳ м у д

Пирим, шоҳи шуаро сиз! Ўзингизни камситманг!

У н с у р и й

Агарда у қуёш бўлса, бизлар фақат заррамиз.
Фирдавсийга шафқат қилинг!

М а с ъ у д

Елворамиз, султоним!

М а ҳ м у д

Шоирларнинг, олимларнинг вазифаси султонни
Мадҳ этишлик, шуҳратини дунё бўйлаб тарқатмоқ!

У н с у р и й

Сизга шуҳрат келтиради Фирдавсийнинг шуҳрати,
Агар уни қатл этсангиз шаънингизга доғ тушур.

М а с ъ у д

Бутун дунё шоирлари бизга нафрат ўқийди.

М а ҳ м у д

(ўйланади)

Ундай бўлса, Фирдавсийни пойтахтдан жўнатиб,
Пойтахтим муҳтож эмас ундай телба шоирга.

У н с у р и й

(хурсанд)

Шу бугуноқ Тус шаҳрига жўнатамиз, султоним.

М а с ъ у д

(Маҳмуднинг эгагини ўпиб)

Миннатдормиз, улуғ султон, кўп савоб иш қилдингиз!

М а ҳ м у д

Шаҳзодам, сен сўрамасанг, бузмас эдим ҳукмимни.
Пирим, сизни қаттиқ ҳурмат қилишимни биласиз.
Сиз ўртага тушмасангиз гуноҳидан ўтмасдим.

У н с у р и й

Қуллуқ, султон, миннатдормиз.

М а с ъ у д

Миннатдормиз, отажон!

У н с у р и й, М а с ъ у д таъзим билан чиқиб кетишади.

М а ҳ м у д

Шоирларнинг имони йўқ...

М а й м а н д и й

Улар айёр, фирибгар.
Шайтонни ҳам алдашади, дарс беради иблисга.

М у л о з и м кириб таъзим қилади.

М у л о з и м

Халифадан элчи келди.

Маҳмуд

Ҳа, ниҳоят! Айт, кирсин!

Мулозим чиқиб кетади.

Қани, қандай хабар олиб келган экан, кўрайлик.

Элчи кириб таъзим қилади.

Элчи

Салом сизга, улуғ султон!

Маҳмуд

Ваалайкум ассалом!

Элчи

(Маҳмудга нома узатиб)

Шому саҳар дуо қилур ҳақингизга Халифа,
Сизга бўлган ҳурматини изҳор этур туну кун.
Сизни ислом оламининг ғозийси деб билади.
Дини ислом, шариатнинг ҳомийси деб билади.

Маҳмуд

Калтароқ қил!

Элчи

Узр, султон...

Маҳмуд

Хушомадга ҳушим йўқ!

Элчи

Сизга фақат Халифанинг сўзларини етказдим.

Маҳмуд

(Маймандийга Халифанинг мактубини бориб)

Қани, вазир, ўқиб кўринг, нима дебди Халифа.

Маймандий

(номани очиб ўқийди)

«Султон Маҳмуд Ғазнавий, менга юборган мактубингни олдим, ўқидим, мақсадингни англадим. Сен хатингда Моворауннаҳрни менга ҳада эт ва фармон бергилки, у ернинг фуқаролари ўз хоҳишлари билан менга итоат этсинлар. Акс ҳолда мен у ерларни қилич билан олурмен, дебсан. Шунини яхши билгилки, ислом оламида улардан мўмин-муслмонроқ фуқаро йўқ. Мен сенинг талабингни ерига етказолмайман. Агарда сен менинг амру фармонимсиз улар устига юриш қилсанг, барча ислом дунёсини сенга қарши оёқлантираман. Омин, тангри ҳаммамизни ўз паноҳида асрасин! Имзо чекдим Халифа Қодир. Бағдод.»

Маҳмуд

(дарғазаб)

Ана сенга Халифанинг айёриги, пастлиги!
Салом бўлак, мактуб бўлак! Саломида мақтайди,
Аммо менинг талабимни рад этибди хатида!
Ҳа, элчига ўлим йўқ деб айтишади, бўлмаса,
Бундай совуқ хабар учун олар эдим бошингни!

Элчи

Улуғ султон, биласиз-ку, элчиларда гуноҳ йўқ.

Маҳмуд

Халифанга бориб айтгил, энди гуноҳ ўзида,
Мингта жангчи филлар билан бориб Бағдод шаҳрини
Вайрон қилиб, кулларини тамом кўкка совуриб,
Тупроғини филларимга ортиб олиб келаман!
Султон Маҳмуд эмасман мен, агар шундай қилмасам!

Э л ч и

Ахир, султон...

Ма ҳ м у д

Жўна, тезроқ! Ғазабимни, қаҳримни
Халифага тезроқ етказ! Огоҳ бўлсин қаҳримдан!

Э л ч и

Хўб бўлади, улуғ султон...

Ма ҳ м у д

Шу бугуноқ жўнаб қол!

Э л ч и қўрқиб, таъзим билан тез чиқиб кетади.

Мен у айёр, у бетавфиқ Халифага Маҳмуднинг
Кимлигини кўрсатаман!

М а й м а н д и й

Улуғ султон, менимча,
Пича ўйлаш зарурроққа ўхшаб қолди...

Ма ҳ м у д

Нега? Хўш?!

М а й м а н д и й

Халифанинг айёрлиги аниқ. Биз ҳам айёрлик
Қилсак яхши бўлмасмикан?

Ма ҳ м у д

Мақсадингни очиқ айт!

М а й м а н д и й

Маълум, ислом оламида халифанинг нуфузи,
Обрўси зўр. Аҳли ислом унга тамом бўйсунур,
Шунинг учун элакишмоқ яхши бўлмас у билан.

Маҳмуд

Нима қилиш керак дейсан? Очиқроқ айт фикрингни!

Маймандий

Хоразмни олиш учун қўшин тортиш шартмикан?
Баъзан битта гўзал аёл минг қўшиндан афзалдир.

Маҳмуд

(ўйланади)

Ҳа, гапингга тушунгандай бўлдим, вазир... тасанно!
Хоразмшоҳ билан қуда бўлгил демоқчисан-да!
Ҳа, шоҳ Маъмун менга куёв бўлса ёмон бўлмасди...

Маймандий

Ёвлик эмас, қариндошлик, дўстлик қарор топарди.
Халифа ҳам жуда хурсанд бўлар эди бу ишдан.

Маҳмуд

Ўлма, вазир, фаросатинг ва ақлингга қойилман!

Маймандий

Фақатгина, маликамиз кўнармикан?

Маҳмуд

Унайди.

Қарсақ чалади. Мулозим киради.

Сайёрани бунда чақир!

Мулозим

Хўб бўлади, султоним.

Мулозим чиқиб кетади.

Маҳмуд

Ҳа, Сайёра чиққан эмас ҳеч вақт менинг сўзимдан.

Маймандий

Қоратегин не дер экан? Ваъда берган эдингиз,
Қоратегин куёв бўлиш орзусида юрибди...

Маҳмуд

Зарари йўқ, тушунади, тушунтириб қўямиз.
Бора-бора Хоразмнинг беги бўлса ёмонми?

Маймандий

Тушунарлик, улуғ султон.

Таманно билан Сайёра киради.

Сайёра

Хизмат, улуғ султоним?

Маҳмуд

Хоразмшоҳ сенга куёв бўлмоқчимиз, не дейсан?

Сайёра

(пича ўйланиб)

Ихтиёрим сенда, оға.

Маҳмуд

Балли, синглим, омон бўл!

Хоразмдай бой ўлканинг маликаси бўлишлик
Ёмон эмас... Ўзинг билан канизақлар, чўрилар,
Навкарлардан, соқчилардан кўпроқ олаб борасан...

Сайёра

Демак, гўзал Хоразмни қурол, яроғ, қўшинсиз,
Ҳийла билан олмоқчисиз... Мен розиман, оғажон.

Маҳмуд

Шундай жавоб беришингни билар эдим. Ахир, сен
Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг синглисисан, маликам!
Майли, синглим, сенга жавоб. Тайёрлик кўр сафарга!

Сайёра

Хўб бўлади, оғажоним.

Маҳмуд

Тангри сенга ёр бўлсин!

Сайёра чиқиб кетади.

Қани, вазир, Маъмуншоҳга ҳады, инъом тайёрланг,
Маликанинг молу мулки, совға-салом, сепини
Юз туяга, элик филга, уч юз отга ортинглар!

Маймандий

Шоҳ Маъмунга аввал хабар қилсак яхши бўларди...

Маҳмуд

Маъмун менинг хоҳишимга қарши бўла олурми?
Аксинча, у жон-жон дейди менга куёв бўлишга.
Ахир мени хафа қилмас хоҳишимни рад этиб.
Бинобарин тайёргарлик кўраверинг, ўйланманг!

Маймандий

Хўб бўлади.

Маҳмуд

Хоразмни ювоштирак, орқамиз
Мустаҳкамроқ бўлур. Сўнгра, бутун кучни Ҳиндистон
Томон ташлаш осон бўлур.

Маймандий

Худди шундай, султоним.

Маҳмуд

(кулиб)

Ўйлайманки, Хоразмшоҳ менга ҳурмат кўрсатиб,
Совғаларни икки ҳисса қилиб менга қайтарур...

Маймандий

(кулиб)

Битта ёмби ўнта ёмби бўлиб қайтиб келади.

Мулозим киради.

Мулозим

Улуғ султон, Хоразмдан Қоратегин келибди.

Маҳмуд

Дарҳол кирсин ҳузуримга!

Мулозим

Хўб бўлади, султоним.

Мулозим чиқиб кетади.

Маҳмуд

Ўз вақтида етиб келди. Жуда яхши! Жуда соз!

Қоратегин кириб таъзим қилади.

Қоратегин

Улуғ султон, Хоразмдан сизга салом келтирдим.

Маҳмуд

Яхши. Гапир Хоразмнинг аҳволидан!

Қоратегин

Хоразм
Жуда гуллаб, яшнаб кетган. Сув ичади Жайхундан.

Боғларидан бол томади, серҳосилдир тупроғи.
Касбу ҳунар, деҳқончилик ривож топган жуда ҳам.
Шаҳарлари, бозорлари жуда обод, савдода
Хоразмга тенг келурлик мамлакат оз жаҳонда.
Чунки улуг савдо йўли Хоразмдан ўтади.
Бухородан, Самарқанддан, Ҳиндистондан, Хитойдан
Хоразмга савдогарлар келиб турар пайдарпай.
Булғорларнинг юртидан ҳам, Кавказ, Миср, Юнондан
Хоразмга келадиган савдогарлар беҳисоб.

Маҳмуд

Туганмас бир кон десанг-чи!

Қоратегин

Худди шундай, султоним!
Илму фанга кўп эътибор бермакдадир Маъмуншоҳ,
Саройнга етти иқлим олимлари тўпланган.
Турли ёқдан келган шоир, рассом, хаттот ҳисобсиз.
Шоҳ Маъмуннинг хизматида созандалар, машшоқлар.
Аммо лекин олимларнинг жуда кўпи даҳрийдир,
Алалхусус, Абу Райҳон, Ибн Сино хавфлидир.
Берунийнинг фикрлари мутлақо зид қуръонга,
Дини ислом, шариатга хавф солмоқда Беруний.

Маҳмуд

Қандай қилиб, бундай бадкор, диндан қайтган олимни
Саройида сақламоқда Хоразмшоҳ!

Қоратегин

Чунки у

Ушаларга ён босади.

Маҳмуд

Нима дейди муллалар?

Қоратегин

Муллаларнинг Берунийни отиш учун ўқи йўқ!
Улар шоҳдан ранжиганлар, сиздан мадал кутади.
Сизни дуо қилмоқдалар мачитларда туну кун.

Сизга улар нусрат тилар шому саҳар худодан,
Муллаларнинг кўзи сизнинг йўлингизда, султоним!

Маҳмуд

(ййчан)

Шунақами?.. Ҳа, ҳа... Майли... Бу ёгини кўрамиз...
Абу Райҳон ҳақиқатан жуда катта олимми?

Маймандий

Жуда доно дейишади суҳбатида бўлганлар.
Ҳозир унга тенг келувчи олим йўқмиш жаҳонда.
Аммо шаккок, даҳрий эмиш, ўжар эмиш ўлгудай.

Маҳмуд

Агар менинг саройимга келтирилса Беруний,
Икки кунда мулла қилиб, ювоштириб қўярдим.
Ҳа, Беруний, Ибн Сино каби машҳур олимлар
Фақат менинг саройимда бўлишлари керакдир.
Қоратегин, ё зар билан, ё зўр билан уларни
Саройимга келтирасан! Унамаса...

Қоратегин

Тушундим.

Маҳмуд

Қўлингдаги нима?

Қоратегин

Китоб, Берунийнинг китоби.
Ола кел деб, кўп илтимос қилиб эди шаҳзода.

Маҳмуд

(китобни қўлига олиб варақлаб кўради)

Ҳа, ҳа, жуда қизиқ китоб бўлса керак бу китоб...

Масъуд киради.

М а с ъ у д

Қоратегин, қани китоб?!

М а ҳ м у д

(*китобни Масъудга узатиб*)

Мана китоб, шаҳзода.

М а с ъ у д

(*китобни олиб кўзига суртади, ўпади*)

«Ал-боқия»! Раҳмат сенга, Қоратегин, минг раҳмат!
«Ал-боқия»! «Ал-боқия»! Устозимнинг китоби!

(*Китобни варақлаганича, чиқиб кетади.*)

М а ҳ м у д

Ҳа, шаҳзода бошқа йўлдан бормоқдалар... Минг афсус...
Яна қандай хабарлар бор?

Қ о р а т е г и н

Ҳа, яқинда Халифа
Шоҳ Маъмунга сарпо йўллаб, «Дини ислом безаги»,
«Давлатпаноҳ» деган олий унвон берди.

М а ҳ м у д

(*дарғазаб*)

О, маккор!
Тили бошқа, дилан бошқа субути йўқ Халифа!
Бу унвонлар фақат менинг учунгина муносиб
Унвон эди! Уни менинг рақибимга берибди!

М а й м а н д и й

Хафа бўлманг, улуғ султон! Ҳа, бўлажак куёвнинг
Мартабаси ошган бўлса нур устига аъло нур.

Қоратегин

(ҳайрон)

Қандай куёв?!

Маҳмуд

Сайёрани шоҳ Маъмунга бераман.

Қоратегин

(ҳаяжонда)

Ахир, султон!..

Маҳмуд

Упкангни бос! Қароримиз шунақа!
Шоҳ Маъмунга бориб айтгил тезда совчи юборсин!
Қолган гапни Сайёранинг ўзи сенга айтади.
Шу ерда кут, ҳозир келур. Қани, вазир, биз кетдик.

Маҳмуд билан Маймандий чиқиб кетишади.

Қоратегин

(дарғазаб)

Бу қандай гап?! Нега султон ваъдасини бузади?!
Э, худойим, нега бунча ташвиш солдинг бошимга!
Нима гуноҳ қилган эдим? Кечир осий бандангни!
Бу даргоҳдан бошқа юртга кетайинми бош олиб?..
Йўқ, йўқ!.. Маҳмуд қайга бормай ахтаради, топади..
Қўли узун, ҳамма ерда жосуслари муҳайё!
Тақдирга тан беришликдан бошқа чора қолмади...

Сайёра киради.

Сайёра

Ҳа, баҳодир, Қоратегин, хуш келибсан!

Қоратегин

Хушвақт бўл...

Сайёра
(кулиб)

Хушxabарни эшитдингми?

Қоратегин

Минг афсуски, эшитдим.

Сайёра

Хафа бўлма, оқибати хайридир бу ишнинг.
Бир кун эмас, бир кун бориб Хоразмшоҳ ўлади.
Шунда унинг тожи таhti ўзимизга қолади.

Қоратегин

Хоразмшоҳ ўлгунича мен ҳам адо бўламан.
Шоҳ қўйнига кирганинда рашк ўтида ёнаман.

Сайёра
(кулиб)

Қўрқма, сенга муҳаббатнинг сарқити ҳам етади.

Қоратегин

О, айёрсан!

Сайёра

Айёрликни ўзларидан ўргандим.

Қоратегин

Тилинг заҳар!

Сайёра

Қўрқма, сенга заҳаримни солмайман,
Бу заҳарнинг эгаси бор.

Қоратегин

Қайдам...

Сайёра

Ишон сўзимга!

Қоратегин

Ким билади, сўзларингга ҳеч ишонгим келмайди.

Сайёра

Ҳаддан ошма, мен кўкдаги Сайёраман! Сен эса
Ерда юрган ҳашаротсан!

Қоратегин

Кечир мени, маликам.

Сайёра

Хоразмшоҳ саройида мендан улуғ зот бўлмас.
Шоҳ амридан менинг амрим устун бўлур! Ахир мен
Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳамшираси бўламан!
Амин бўлгил, севгимизга ҳеч ким халал беролмас,
Агарда шоҳ эрим бўлса, сен севгилим бўласан.

Қоратегин

О, бу гаплар қанча оғир...

Сайёра

Бундан оғир гаплар бор.

Қоратегин

Ё раббий!

Сайёра

Ҳа, шуни яхши билиб қўйки, мен билган
Эркакларнинг орасида сен тўртинчи эурсан.

Қоратегин

(бўғилиб)

Айт, улар ким??

Сайёра

(кулиб)

Улар гулом, қул эдилар.

Қоратегин

Қаерда?!

Сайёра

Қора ерда.

Қоратегин

Э, худойим!

Сайёра

Бир неча кун машат,
Ишратдан сўнг бошларини олдирганман...

Қоратегин

Ё раббий!

Сайёра

(кулиб)

Қандоқ қилай, эркакларни жуда яхши кўраман,
Хўш, энди ҳам мендан кўнгил узмайсанми?

Қоратегин

Ҳеч қачон!

Утган ишга салавот, деб тақдиримга тан бериб,
Сенинг қулинг бўлмоқчиман, сенсиз менга ҳаёт йўқ!

С ай ё ра

Хоразмшоҳ саройини эгаллаймиз қўшинсиз.
Бизга содиқ бўлмаганлар ҳайдалади саройдан.
Хоразмшоҳ саройида ёлғизланиб қолмаслик
Учун ғулом, маҳрамлардан кўпроқ олиб кетамиз.
Тушундингми?

Қ о р а т е г и н

Ҳа, маликам, хизматингга тайёрман.

Маҳмуд билан Маймандий кирадилар.

Маҳмуд

Хўш, сўзлашиб бўлдингларми?

С ай ё ра

Қоратегин тушунди.

Маҳмуд

Ундай бўлса Хоразмга шу бугуноқ жўнайсан.
Шоҳ Маъмунга, муллаларга биздан қуюқ сәлом айт!
Муллаларга совға-салом ола боргил!

Қ о р а т е г и н

Тушундим.

Қоратегин таъзим билан чиқиб кетади

Маҳмуд

Берунийни саройимга келтиришни буюрдим.
Қоратегин уддасидан чиқолмаса бу ишнинг,
Сен илож қил, йўлини топ, Берунийни қўлга ол!

С ай ё ра

Улуғ султон, сенинг амринг вожиб эрур мен учун.

П а р да

УЧИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КУРИНИШ

Орадан бир қанча вақт ўтган. Бегунийнинг ҳовлиси. Ёз пайти, гулзорда гуллар чаман бўлиб очилиб ётибди. Уртада шоҳсупа, бир чеккада каравот, мажнунтоллар билан ўралган мрамар ҳовуз. Супада инак гиламлар, шоҳи кўрпачалар тўшалган, ўртасида хонтахта. Хонтахта устида ҳар хил китоблар, қўл ёзмалар, қоғоз, сиёҳдонлар, глобус ва ҳар хил илмий асбоблар. Тонг оқариб келмоқда. Шамдонда шам ёниқ. Ҳеч ким йўқ. Бир оздан сўнг бир даста гул кўтариб Гулсанам киради. У ёқ-бу ёққа қарайди, гулларни гулдонга қўяди.

Гулсанам

Тонг бўзариб келмоқдадир... Сабо эсар чаманда
Табиатни уйқусидан уйготай деб... Бегуний
Бу кеча ҳам ухламаган чоғи... Мана, шам ёниқ...

(Шамни пуфлаб ўчиради.)

О, бу олим уйқу нима, роҳат нима билмайди.
Боғ айланиб юрса керак хаёл суриб, ўй ўйлаб...
О, жонгинам Абу Райҳон, бир кун сени кўрмасам
Тоқатим тоқ бўлур... Аммо кўринишдан кўрқаман...
Оловга дуч келгандайман сени кўрсам, азизим...
Васлинг олов, ҳижронинг ўт, иккиси ҳам ёндирур!..
Бу дунёга ёниш учун келсам керак, эҳтимол...

(Гулдондаги гулларни ҳидлаб.)

Кўз ёшларим шабнам бўлиб япроқларда ялтиранг!
Лабларимдан дарак беринг ёрга, қизил гунчалар.
О, наргислар, сизни кўриб эсласин ёр кўзимни...

Сочларимнинг ҳиди бўлиб тарқанг райҳон ҳидлари...
Шоирларга, олимларга тонгда илҳом келармиш,
Халал бермай илҳомига... Азоб чекай ҳажрида...

Гулсанам чиқиб кетади. Бир оздан сўнг, хаёлчан, аста босиб,
боғ томондан Беруний келади. Кўзлари гулдондаги гулларга
тушиб, ҳаяжонланади.

Б е р у н и й

Яна ўша! Яна келмиш! О, Гулсанам, Гулсанам!
Ҳар келганда ҳузуримга қуёш бўлиб келасан,
Гўё олам нурга тўлар сен туфайли ярқираб,
Ҳаётимнинг қувончисан, жаҳондаги таянчим...

(Гулларга қараб.)

Гулни қўйиб ўзи кетмиш. Ҳа, одати шунақа...
Гул орқали сўзлашгандай бўлади у мен билан...
Гул япроғи ёноқлари... Лабларидир гунчалар...
Райҳон ҳиди эслатади сочларининг ҳидини...
Севгисини изҳор этиб гул келтирар ҳар куни..
Кундан-кунга ёнса керак... Мен ҳам ҳар кун ёнаман.
Ишқ ўтининг азобига бардош бериш мушкулдир...
Бир ҳисобдан Гулсанамнинг бўлгани ҳам яхшидир,
Барча ташвиш унутилар агар уни эсласам.
Илҳом берар далда берар менга унинг хаёли,
Олам гўзал кўринади Гулсанамни ўйласам...

Бир қўлида тугун, бир қўлида хурмача кўтариб, Бибисора
киради. Берунийга таъзим қилади.

Б е р у н и й

Келинг, келинг, Бибисора!

Б и б и с о р а

Сизга қатиқ келтирдим.

Б е р у н и й

О, жуда соз! Раҳмат! Қатиқ минг бир дардга даводир!

(Қатиқни олиб хонтахта устига қўяди.)

Б и б и с о р а

Мана, кийимларингизни ювиб келдим..

(Кийимларни каравотга қўяди.)

Б е р у н и й

Минг раҳмат!

Хўш, ўғилча қалай?

Б и б и с о р а

Тузук... иситмаси босилди..

Ибн Сино берган дори жуда яхши эм бўлди.

Б е р у н и й

Ундай бўлса ўғилчангиз тез тузалиб кетади.
Ибн Сино улуғ ҳаким, табобатда тенги йўқ!
У табиблар табибию ҳакимларнинг ҳакими!

Б и б и с о р а

Умрлари узоқ бўлсин ҳаким Ибн Синонинг,
Ёлғизгина фарзандимни ҳалокатдан қутқарди.

Б е р у н и й

(Бибисорага қанд-қурс, ҳолва беради)

Олиб бориб ўғлингизга беринг мана буларни.

Б и б и с о р а

(ҳолваларни олиб)

Раҳмат, устоз. Бахтимизга омон бўлинг! Минг яшанг!

(Таъзим билан чиқиб кетади.)

Бир даста ёқут, лаълиларни кўтариб Жаъфар киради.

Ж а ъ ф а р

(ёқут, лаълиларни Берунийга бериб)

Мана, устоз, тажрибанинг натижаси.

Б е р у н и й

Хўш, қалай?

(Лаълиларни кўздан кечириб.)

О, ажойиб! Очилибди! Тозарибди! Бир қаранг!
Худди ўзим мўлжал қилган натижани берибди.

Ж а ъ ф а р

Жуда аъло бўлиб чиқди.

Б е р у н и й

Бир ҳуснига ўн ҳусн
Қўшилибди. Заргар биздан жуда мамнун бўлади.
Демак, ўтда қиздирилса ҳақиқ, лаъли, ёқутга
Ранг қўшилур!.. Гўзаллашур, равшанлашур жилоси!
Қаранг, тиниқ, шаффоф! Тоза!

Ж а ъ ф а р

Худди анор донаси!

З а р г а р киради.

З а р г а р

Салом, устоз! Бевақт келиб, халал берганим йўқми?

Б е р у н и й

Салом! Салом! Келинг, заргар. Ўз вақтида келдингиз,
Мана, кўринг, бизга берган ёқут, лаълиларингиз.

(Заргарга ёқутларни беради.)

З а р г а р

(Еқутларни кўздан кечириб ҳаяжонланади.)

Е, алҳазар! Булар ўша лаълиларми?

Б е р у н и й

Ҳа, ўша.

З а р г а р

Тамомила ўзгарибди! Бу мўъжиза!

Ж а ъ ф а р

Мўъжиза!

Б е р у н и й

Ун баробар ошиб кетди лаълиларнинг баҳоси.

З а р г а р

Шу бугуноқ жазманларга ҳаммасини пуллайман.

Б е р у н и й

(кулиб)

Фойдасига тенг шерикмиз!

З а р г а р

Жоним билан! Жуда соз!

Б е р у н и й

Ҳазил, тақсир. Бу лаълилар фанга хизмат қилишди,
Шу ўзи бас! Қолган фойда ўзингизга буюрсин!

З а р г а р

Раҳмат, устоз, миннатдорман!

Беруний

(кулиб)

Сизга — бойлик, бизга — фан!
Қимматбаҳо тошлар билан, олтин билан ишим йўқ.
Булар фақат тажрибага керак бўлган буюмлар.
Алкиндийнинг китобини қайта-қайта ўқидим,
Унда қимматбаҳо тошлар таърифланур мукаммал.

Заргар

*(Лаълиларни халтага солади. Бўлак халтадан янги
лаълиларни олиб, Берунийнинг олдига қўяди.)*

Хўб, мана бу ёқутлар ҳам фанга хизмат қилишсин.

Жаъфар

Ҳо, тақсирим мазахўрак бўлиб қолди, чамаси!

Заргар

Йўқ, йўқ! Мақсадим, ҳазрати Берунийга ёрдам кўргазиш
ва фанга холис хизмат қилишдир.

Беруний

Баракалло! *(Янги лаълиларни кўздан кечириб.)* Бу лаъл-
лилар ҳам Бадаҳшондан, Барзганж конидан қазиб олин-
ган.

Заргар

Мавлоно, тошларни ҳам китоб қилиб ўқийсиз-а!

Беруний

Касбимиз шунақа.

Заргар

Менга рухсат, устоз! Мен борай, яна келарман.

Беруний

Майли, тажрибалардан сўнг буюмларингизни олиб кетар-сиз.

Заргар чиқиб кетади. Худойберди киради.

Худойберди

Салом, устоз!

Беруний

Салом. Кел, Худойберди. Устозинг қалай?

Худойберди

Устозим Ибн Сино ҳам сизга ўшаб илмий ишлар, тадқиқотлар билан банд, тажриба устига тажриба.

Беруний

Ҳа, илмий ҳақиқат тажрибалар, мушоҳадалар, кузатувлар натижасидагина аниқланади. Хўш, шаҳарда нима гаплар?

Худойберди

Шаҳарда ёмон гаплар, хунук хабарлар кўп. Шаҳар олаговур. Шаҳар кўчаларини Ғазна томондан келган аллақандай қаландарлар, дарвишлар, савдогарлар босиб кетди. Юриш-туришлари, қарашлари шубҳали.

Беруний

Ҳа, булар султон Маҳмуднинг жосуслари, айғоқчилари. Э, тавба! Шоҳ нега бунча мудрайди?!

Жаъфар

Ҳар ҳолда куёв-да, қайнатасидан андиша қилади.

Беруний

(Ғамгин)

Хоразмнинг шўри! Халқнинг шўри!..

Ибн Ироқ, Масиҳий, Дабир, Ибн Синолар
киришади.

Ибн Ироқ

Салом, Абу Райҳон!

• Беруний

Салом, устоз! Салом, дўстлар! Ибн Сино, ишларингиз қалай?

Ибн Сино

Қора безгакнинг давосини топдим. Чакки эмас. Аммо биз илмий ишлар билан машғулмизу бошқалар бизнинг пайимизни қирқиш пайида юрибдилар.

Беруний

Э, танграм, замон қачон тинчийдию олимлар қачон осойишта ижод билан шуғуллана олулар!

Ибн Сино

Султон Маҳмудлар, жоҳил муллалар, мутаассиблар бор экан, замон тинчимайди. Назаримда, яна олдимизда хавфу хатарлар, қувғинлар, жаҳонгашталиклар кўндаланг бўлиб тургандай. Қолган умримиз ҳам қоч-қоч билан, сарсону саргардонликда ўтадиганга ўхшайди.

Ибн Ироқ

Бугун бомдодда, оломон ҳузурда Шайхулислому яна ваъз айтди. Бутун қаҳрини сизларга қаратди, бутун заҳрини сизларга сочди. Шу даҳрийлар, шу диндан қайтганлар туфайли замон бузилмоқда, Хоразм инқирозга йўл тутмоқда. Агар бу осийликни бартараф қилмасак, уларни муқаддас Хоразм тупроғидан ҳайдамасак, охири замон бў-

лади, деб қичқирди. Сизларни дуойи бад қилмоқчи. Улар билан ҳисоблашишга тўғри келади, азизлар.

Б е р у н и й

Ҳеч қачон!

М а с и ҳ и й

Абу Райҳон, вазият нозик, замон қалқиб турибди. Агар да уларга ён бермасак, ўзимиз ҳам ҳалок бўлурмиз, илмимиз ҳам ҳалок бўлғуси!

Б е р у н и й

Қўрқитманг, устоз! Ўзимиз ҳалок бўлсак ҳам фанимиз ҳалок бўлмайди! Чунки китобларимиз, асарларимиз халқнинг қўлида!

И б н И р о қ

Ўжарлик қилманг, Абу Райҳон, илтимос қилурмиз. Шайхулислом билан мурасага келинг, унга узр айтинг, тавба қилинг.

Б е р у н и й

Муҳтарам устоз, агар мен тавба қилсам, фақат тангригагина тавба қилурман! Жоҳилларга тавба қилмоқ ҳам уят, ҳам хато, ҳам гуноҳ! Жоҳилларга ён бериш фанга, халққа, келажакка хиёнат қилиш бўлур эди!

И б н С и н о

Устозлар, Беруний ҳақ эрур! Фан билан жаҳолат ўт билан сув! Бир-бирига қўшилмайди, бир-бирига ён беролмайди! Тавбаю тазарру билан масала ҳал бўлмайди! Фан билан жаҳолатнинг кураши абадий!

Б е р у н и й

Фан йўли — қуёш йўли! Вақт ўтган сайин қуёш юксала бориб зулматни енгади! Бу ҳақиқат қуёшдай равшан! Келажакка ишонурмиз, келажак ёрқин!

Кўчадан чопиб ўтган отларнинг туёқ товушлари эшитилади.

И б н С и н о

Яна суворийлар!

Б е р у н и й

Ха, шу кечаю кундузда суворийлар кўпайиб қолди. Шаҳарнинг у бошидан бу бошига қараб чопишгани чопишган. Бу кеча ҳам тинишгани йўқ. Нимани ахтарадилар! Кимни ахтарадилар?

Д а б и р

Шоҳга қарши, деб бир қанча аслзодалар, лашкарбошилар қўлга олиниб, зиндонга солиндилар, молу мулклари мусодара қилинди...

Б е р у н и й

Шоҳга нима бўлди? Нега бундай қилади? Нега ўз оёғига ўзи болта уради? Бемаслаҳат...

Д а б и р

Бу ерда шоҳимиз Маъмундан кўра малика Сайёранинг, элчи Қоратегиннинг саъйи ҳаракати кўпроқ. Ахир ҳозир саройда шоҳ эмас, ўшалар ҳукмрон. Навбат менга ҳам келмаса деб кўрқаман...

Кўчадан яна от туёқларининг овози эшитилади, овозлар дарвоза ёнига келиб тинади. Бир оздан сўнг Қоратегин билан Сополтегин кириб келишади.

Қ о р а т е г и н

О, жамоат жам-ку! Нима, сиз ҳам шоҳга қарши фитна уюштиргани тўпландингизми?!

Б е р у н и й

Нафасингиз бунча совуқ, жаноби элчи!

Қоратегин

(кулиб)

Ҳазил!

Беруний

Ҳазилнинг ҳам энг қўполи!

Ибн Сино

Мол эгасига ўшамаса, ҳаром ўлади дейдилар!

Қоратегин

Кулманг, Ибн Сино, кейин йиғлаб юрасиз! Сизда ишимиз бор!

Беруний

Бизнинг сизда ишимиз йўқ! Ахир мен сизни уйимга таклиф қилганим йўқ эди-ку!

Қоратегин

(кулиб)

Биз камтар одамлармиз, таклифсиз ҳам келаверамиз. Биз учун яъни, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг элчилари учун ҳамма эшик ҳам очиқ!

Беруний

Бу ер Хоразм! Ғазна эмас! Султон Маҳмуднинг ҳукми бу ерда ўтмайди!

Қоратегин

(кулиб)

Хоразм — султон Маҳмуд куёвининг мамлақати. Куёв қайнатанинг хоҳишига қарши бўла оладими? Сиз билан Ибн Синода муҳим гапимиз бор! Бошқаларга жавоб!

Беруний

Булар гапга халал бермайдилар.

Қоратегин

Гапимиз махфий. Қолганларга жавоб! Жаноби Дабир, сизнинг хатти-ҳаракатларингиз бизга кўп ҳам мақбул эмас!

Дабир

Биламан, жаноби элчи, таъкидлашга ҳожат йўқ.

Дабир, Ибн Ироқ, Масиҳий чиқиб кетишади.
Жаъфар, Худойберди ҳам ичкарига кириб кетишади.

Беруний

Хўш, яна ўша эски гапми?

Қоратегин

Ҳа, ўша гап.

Беруний

(дарғазаб)

Ахир неча маротаба айтишим керак! Ғазнага, султон Маҳмуд саройига бормайман! Бормайман! Тушунасизми?

Қоратегин

Биз-ку, тушунамиз-а, аммо султон Маҳмуд тушунмай ётибди. Султон Маҳмуд сизларни ўз саройида кўрмагунча тинчимайди, бизга ҳам тинчлик бермайди. Агарда, қайсарлик қилмасдан Ғазнага борсаларингиз, султон сизларга алоҳида қасрлар қуриб беради, остонангизни тилладан қилиб беради.

Ибн Сино

Султоннинг қасрлари ўзларига буюрсин. Биз унақа ҳашаматли қасрларда яшаб ўрганмаганмиз.

Қоратегин

Мана, султон бу сафар атайлаб сарбозлар билан бирга
Сополтегинни юборибдилар. Чор-ночор Ғазнага боришга
тўғри келади.

Ибн Сино

Бормаймиз! Боролмаймиз! Вақтимиз йўқ, ишимиз кўп!

Сополтегин

Султоннинг ғазаби билан ўйнашавериш яхши эмас!

Беруний

Биз қул эмасмиз! Ихтиёр ўзимизда!

Сополтегин

(кулиб)

Ҳозирча...

Беруний

(дарғазаб)

Бу нима деганингиз?!

Сополтегин

Яқин кунларда шундай ҳодисалар юз берадики...

Қоратегин

(сўзини бўлиб)

Бу ҳақда кейин! Демак, бу сафар ҳам Ғазнага боришдан
бош тортасиз, шундайми?

Беруний

Шуни яхши билиб қўйинг, ватандан воз кечмайман!
Хоразмни — ўз юртимни тарк этмайман ҳеч қачон!

Хоразми алишмайман Ғазнага ҳеч, ҳаттоки,
Ғазна жаннат бўлганда ҳам! Ахир неча-неча йил
Қувғинликда, сарсонликда юриб, энди юртимга
Етишганда яна уни қандай ташлаб кетаман?!
Шу тупроқда туғилганман! Болалигим, ёшлигим
Шу тупроқда ўтган, ҳа, ҳа! Шу тупроқда онамнинг,
Аждодимнинг хоки ётур, бу ер менга муқаддас!
Билиб қўйинг, ихтиёрим билан юртдан кетмайман!
Ким бўлмасин, ўз юртини ихтиёрий равишда
Ташлаб кетса у хоиндир! У оқпадар! У малъун!

Қ о р а т е г и н

Ундай бўлса сизларни зўрлик билан олиб кетишга маж-
бурмиз! Ташқарида сарбозлар турибди.

Шу пайт ҳовлига Қоплон ботир кириб келади.

Қ о п л о н б о т и р

Салом, устоз! Салом, Ибн Сино! Салом, элчи жаноблари!
Ҳо, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг машҳур саркардаси
Сополтегин, сиз ҳам шу ердамисиз! Хуш келибсиз! Бу,
ташқарида турган сарбозлар қанақа сарбозлар! Улар
кимни кутиб туришибди? Тинчликми?

С о п о л т е г и н

Нима ишинг бор?! Сени бу ерга ким чақирди?!

Қ о п л о н б о т и р

Хоразмда бақириб гаплашмайдилар. Бақириб гаплашган
одамнинг кекирдагини суғуриб оладилар!

С о п о л т е г и н

(дарғазаб, қиличини ғилофидан суғуриб)

Нима, сени бу ерга ажал ҳайдаб келдимиз?!

Қ о п л о н б о т и р

Қиличингни ғилофига солиб қўй! Бу даргоҳда, буюк ва
табаррук одамларнинг ҳузурида қилич яланғочлаш гуноҳ!

Агар қўлинг қичиб турган бўлса, ташқарига чиқиб қилич-
бозлик қилайлик! Мен ҳам Хоразмнинг уста қиличбозла-
ридан бири бўламан!

Сополтегин

(хайрон, қиличини ғилофига солади)

Кимсан?

Қоплон ботир

Асли деҳқон. Вақти келганда аскарлик ҳам қилганман.
Юртни босқинчилардан, келгиндилардан қўриқлаганман.
Ҳозир эса миробман, мавлоно Абу Райҳон Муҳаммад ибн
Аҳмад Берунийнинг бу соҳадаги ишларида ёрдамчилари-
ман. Тушунарлими?

Сополтегин

Тушунарли!

Қоплон ботир

Ундай бўлса, вақт ғанимат, бу ердан тезроқ жўнаб қо-
линглар! Мен биламан устознинг ишлари кўп, вақти оз!
Бош қашишга ҳам қўллари тегмайди. Биламиз, сиз Беру-
нийни Ғазнага олиб кетгали келгансиз. Аммо Беруний
бормайди! Ўз ватанини ихтиёрий равишда тарк этмайди.
Биз ҳам Берунийни ҳеч кимга бермаймиз! Беруний битта!
Ёлғиз! Ўзимизга керак! Агар Беруний иккита бўлганда
эҳтимол, биттасини султон Маҳмудга қарз бериб турган
бўлардик, ўшанда ҳам ўйлашиб кўрардик. Эшикда ғазаб-
ланган оломон турибди. Ҳа, ҳо! (Ташқаридан оломоннинг
шовқини эшитилади.) Эшитдингизми? Элчи жаноблари,
илтимос, яхшиликча жўнаб қолинглар, беҳуда қон тўкил-
масин!

Қоратегин

(ғазабли)

Дарди бедаво! Кетдик! Хайр, Абу Райҳон, кўришгунча!

Қоратегин ва Сополтегин шитоб билан чиқиб
кетишади.

Беруний

(ҳаяжонда)

Раҳмат сизга, Қоплон ботир, бизни бир балодан қутқар-
дингиз!

Ибн Сино

Агар сиз келиб, ёрдам бермасангиз аҳволимиз нима бўлур
эди, худо билади.

Қоплон ботир

Таажжубланманг, устоз! Ҳамма нарсадан хабардормиз!
Ҳар гўшада, ҳар ерда бизнинг ҳам кўз-қулоқларимиз, яъни
айғоқчиларимиз бор. Улар бизни ҳамма воқеадан огоҳлан-
тириб турадилар. Султон Маҳмуднинг ёвуз ниятлари биз-
га маълум Сополтегиннинг нима мақсад билан бу ерга
келганини ҳам билар эдик. Пайига тушдик, мана, оқибат-
да, ўз вақтида пайини қирқдик.

Беруний

Тасанно, раҳмат, Қоплон ботир! Бу яхшилигингизни ўла-
ўлгунча унутмаймиз. Ҳақиқатан ҳам ташқарида оломон
борми?

Қоплон ботир

Ҳа, устоз! Оломон, халқ безовта! Беклардан, аслзода-
лардан норози. Улар, сиз тузиб берган сув тақсимооти
қондаларини яна бузмоқдалар. Улар деҳқонларга навбат
бермай ётибди. Деҳқонларнинг ерлари қовжираб, экинла-
ри қуриб кетмоқда. Ахир, эрта баҳорда совуқда муздай
сув кечиб, лойга қорилиб, оғир, машаққатли қазув ишла-
рини бажарган ўшалар эди! Мана, энди роҳатини боёнлар
кўрмоқдалар. Халқ норози! Халқ бекларга қарши исён
кўтармоқчи.

Беруний

Азиз Қоплон ботир, биласиз-ку, ҳозир исённинг вақти эмас! Ҳозирги исён ташқи ёвга ёрдам бериши мумкин. Ҳозир бир ёқадан бош чиқариб, кучни бир ерга тўплаб туриб, ташқи душманга қарши курашга ҳозирланмоқ лозим.

Қоплон ботир

Устоз, биз ҳам шу фикрдамиз. Аммо халқнинг оғир вазиятини тушуниш, халқнинг ҳаққоний талабларига одилана жавоб бермоқ, қутурган бекларнинг, аслзодаларнинг жиловини пича тортиб қўймоқ зарур. Юрт тинчимаса, мамлакат тинчимади. Беклар, амалдорлар, аслзодалар мансаб, имтиёз, бойлик таллашиб бир-бирини бўғиб ўлдиришга тайёр!

Беруний

О, бу беклар, аслзодалар халқнинг бошига битган бало! Мен шу бугуноқ шоҳ билан гаплашаман, сув ҳақидаги тартиб-қондани бузганлар қаттиқ жазога мустаҳиқ қилинурлар!

Қоплон ботир

Азиз устоз, шоҳ ўзи билан ўзи овора. Ҳозир шоҳ қафасга тушган айиққа ўхшаб қолган. Кейин, халқда бир мақол бор, сув сойга оқар, бой бойга боқар. Қарғанинг кўзини қарга чуқимади, дейдилар.

Ибн Сино

Гапингиз тўғри, ботир. Аммо вазиятни шоҳга тушунтиришга уриниб кўрамиз, зора тушунса.

Қоплон ботир

Майли, халқ, бечора халқ яна пича сабр қилади. Аммо, устоз, биласиз-ку, сабрнинг ҳам чегараси бўлади.

Беруний

Шубҳасиз.

Қоплон ботир

Бўлмаса, менга рухсат, устоз. Мен бориб халқни тинчитай. Зора ишимиз ўнгидан келса. (Чиқиб кетади.)

Беруний

Қоплон ботир жуда ҳам ҳақ! Сўзларининг жони бор...
Ҳа, азизим, ҳамма ерда шу можаро, шу ташвиш.
Қайга борманг, шафқат қилмай зolim эзар мазлумни,
Ҳаётдаги барча ташвиш, барча жафо, оғирлик,
Келиб-келиб бечора халқ гарданига тушади...
Ҳа, азизим, йўлимизни яна туман қоплади.
Назаримда, осойишта яшаш учун бизларга
Шу поёнсиз дунёда ҳам бир парча ер топилмас...
Қайга борманг, яна ўша зolimлару жоҳиллар,
Илму фаннинг душманлари, қўли қонга беланган
Юртбузарлар, босқинчилар, таловчилар, фотиҳлар!..

Ибн Сино

Ҳа, азизим, умр қисқа, қиладиган ишлар кўп,
Ишлар чала қолмасин, деб мен ҳам ташвиш тортаман.
Хайрли иш қиламан, деб Бухородан қувилдим,
Эндиликда Хоразмдан қувиламан, чамаси...
Хўш, қаёққа? Бошимизни қайга олиб кетамиз?
Тоғларгами? Саҳрогами? Урмонгами?.. Қаёққа?!
Э, худойим, нега бизни зулму зулмат кучайган,
Ҳақсизликлар хуруж қилган бир замонда яратдинг?!

Беруний

Майли, дўстим, замонанинг зарбасига чидайлик,
Сабру тоқат, чидам, меҳнат ҳамроҳ бўлсин биз билан.
Ахир бир кун ёруғ кунлар бўлади-ку жаҳонда!
Ахир бир кун ҳақ-ҳақиқат чиқади-ку юзага!
Ахир инсон мавжудотнинг, табиатнинг тожи-ку.
Ахир бир кун енгади-ку ҳақсизликни, зулматни
Инсондаги ақлу-идрок, инсондаги фаросат!
Бир кун келиб инсонларча яшайди-ку инсонлар!
Ҳа, ўшанда фан нуридан баҳра олиб барча эл,
Иzzат-икром кўргусидир донишмандлар, олимлар.
Ахир, бизни йўқлайдиган, ёқлайдиган замонлар

Бир кун эмас, бир кун келиб қолса агар ажабмас...
Ҳа, умримиз, ҳаётимиз бизникимас, халқники...
Ҳа, халқ учун ва фан учун ўлимга ҳам тайёримиз!..

Гулсанам киради, Ибн Синони кўриб, бери келишга
ботинолмай, узоқда тўхтади. Ибн Сино уни кўриб,
кетишга ҳозирланади.

И б н С и н о

Хўб бўлмаса, мен борайин, бир иш бошлаб қўйгандим,
Мени кутиб ўтиришган бўлса керак шогирдлар.

Б е р у н и й

Майли боринг, азиз дўстим, тангри сизга ёр бўлсин!

И б н С и н о чиқиб кетади. Гулсанам Берунийга яқинлашади.

Г у л с а н а м

Кечирасиз...

Б е р у н и й

Кел, Гулсанам.

Г у л с а н а м

Сизни йўқлар малика...

Б е р у н и й

Малика? Хўш, маликанинг менда нима иши бор?

Г у л с а н а м

Билолмадим... Ўзи айтар... Зарур иши бор эмиш...

Б е р у н и й

Таажжуб... Ҳа, эрта билан ушбу атиргулларни
Сен келтириб қўйганмидинг?

Гулсанам

(ўпкалаб)

Билиб туриб сўрайсиз...

Беруний

Кечир мени.

Гулсанам

Нега менга бунча азоб берасиз?
Биласиз-ку, сизни... сизни...

Беруний

Тушунаман, азизим.

Гулсанам

Агар мени севмасангиз, қийнамасдан...

Беруний

Севаман!

Йўқ, Гулсанам, йўқ, азизим, шубҳа қилма севгимга!
Ҳар кўрганда юрагимга ларза тушар, ўт тушар,
Муҳаббатнинг гулханида қовриламан, ёнаман.
Кечалари сенга атаб ишқий ғазал тўқийман...
Инон, сенси ҳаёт менга зулмат бўлиб кўринур,
Қуёш бўлиб ёритади уни сенинг жамолинг.
Кеча-кундуз ҳамроҳ бўлуру менга ширин хаёлинг.
Қайга борсам сездирмасдан қаторимда юрасан,
Ишлаганда далда бериб ҳузуримда турасан...

Гулсанам

Сизсиз менга ҳаёт йўқдир, битди сабру тоқатим.
Энди ҳижрон азобига бардош бера олмайман!
Васлингиздан маҳрум этманг, ёнингизда бўлайин...

Беруний

Йўқ, азизим, тақдирингни тақдиримга боғлама!
Қил устида турган каби доим менинг тақдирим.
Бугун борман, эртага йўқ, хавф остида ҳаётим.
Жоним, бугун бу ердан, аммо, эртага
Қаерларда бўлишимни билолмайман ўзим ҳам...
Ўз бошимни қўриқлашга қурбим етмас, шу ҳолда,
Сени қандоқ қўриқлайман балолардан, азизим!
Йўқ, сен яша фориг бўлиб ташвишлардан, хавфлардан.

Гулсанам

Бутун жаҳон ташвиш солур сизсиз менинг бошимга,
Сиздан жудо бўлишликдан катта хавф йўқ мен учун.

Беруний

Ҳали ёшсан, маъсумасан, гулдай, нурдай покиза.
Ҳеч шубҳасиз, келажакда ўз бахтингни топасан.

Гулсанам

Сизсиз менга бахт не керак? Менинг бахтим фақат сиз...

Беруний

Тақдирингни тақдиримга боғламагил, азизим,
Кўёш каби узоқда юр, баҳра олай нурингдан!..

Гулсанам

Мен чарчадим... Мен хастаман... Юрагимда ўт ёнур...
Бу кетишда кўпга бормай кул бўламан, азизим...
Саройдаги можаролар жонга тегди... Даҳшатдан
Кўзларимга уйқу келмас узоқ тунлар... Жонгинам,
Юринг! Юринг! Бу ерлардан узоқларга кетайлик,
Азоблардан қутулайлик осойишта жой топиб...

Беруний

Бу дунёда осойишта жой ахтарма — топилмас!
Инсон тирик эканми, бас, у қаерда бўлмасин,

Уни азоб-уқубатлар қуршаб олур доимо,
Осойишта жой ахтарма, фойдаси йўқ, топилмас!..

Гулсанам

(ғамгин)

Борасизми?..

Беруний

(паришон)

А?.. Қаёққа?..

Гулсанам

Маликанинг олдиға..

Беруний

Ҳа, малика... Ҳа, бораман.

Гулсанам

Маликадан хавфим бор.

Беруний

Нега?

Гулсанам

Қайдам... Аллақандай шубҳалар бор дилимда...

Беруний

Юр! Билайлик, маликанинг қандай гапи бор экан!

Беруний билан Гулсанам чиқиб кетишади.

Парда

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Хоразмшоҳ саройидаги серҳашам хоналардан бири. Хона безатилган, ерга заррин тўшаклар солинган. Хонтахта устида нозу неъматлар. Ҳарир либос кийган Сайёра заррин тўшакда ёнбошлаб ётибди. Бир канизак елпигич билан уни елпиб ўтирибди. Сюзанда қизлар нозик ва майин бир куйни чамоқдалар.

Гулсанам киради.

Гулсанам

Абу Райҳон Берунийни бошлаб келдим, маликам.

Сайёра

Ҳа, жуда саз! Қани, кирсин! Бизни холи қолдилинг!

Ҳамма чиқиб кетади. Бир оздан сўнг Беруний киради.

Беруний

Салом.

Сайёра

Салом! Хуш келибсиз, азиз меҳмон!

Беруний

Ташаккур.

Нима, ёлғиз ўзингизми?

Сайёра

(кулиб)

Нега ҳадиксирайсиз?

Еб қўймайман.

Беруний

Гап ундамас... Менга бир оз ноқулай...

С ай ё ра

Ҳечқиси йўқ! Узингизни эркин тутинг бу ерда.
Рухсатим из бу хонага ҳеч ким кира олмайди.

Б е р у н и й

Кечирасиз, менга қандай хизматингиз бор эди?

С ай ё ра

Қани, аввал ўтиринг-чи!.. Тортинмасдан, яқинроқ!

Б е р у н и й

(ўзини ноқулай сезиб, бир чеккага омонат ўтиради)

Вақтим зиқроқ, ишим зарур, тезроқ жавоб берсангиз.

С ай ё ра

Қани, аввал, дастурхонга қаранг!

Б е р у н и й

Раҳмат, қорним тўқ.

С ай ё ра
(кулиб)

Жуда ўжар экансиз-ку!

Б е р у н и й

Кечирасиз, маликам.

С ай ё ра

(ёнида турган чиройли қутичадан қимматбаҳо тошларни олиб, Берунийга беради)

Мановларни кўриб беринг! Еқут, зумрад, лаълилар...
Совга қилиб келтиришди менга аслзодалар.
Сиз тошларнинг асрорини жуда яхши биласиз.

Б е р у н и й

(тошларни ҳаяжон ва завқ билан томоша қилади)

О, бу тошлар жуда ноёб, жуда асл, баҳосиз!
Ҳиндистонлик заргарларнинг санъати бэр буларда!
Улар сайқал беришда ҳам қимматбаҳо тошларга
Дунёдаги барча заргар, усталардан ўтади!

С а й ё р а

Баъзисида аллақандай сирли дуо ёзилган,
Бу тошларнинг ҳосияти бошқачамиш...

Б е р у н и й

Масалан?

С а й ё р а

Гўёки, ким бу тошларни тақиб юрса, офатдан,
Кўйдиргидан сақланармиш, уни илон чақмасмиш.
Бу зумрадни илон кўрса кўзи оқиб тушармиш.

Б е р у н и й

(кулиб)

Бу ёлгон гап! Бу афсона! Бу гапларга ишонманг!
Бу тошларда ҳеч қанақа хосият йўқ, қудрат йўқ.
Булар фақат безак, холос! Бу тошларни юзтасин
Тақсангиз ҳам дуч келсангиз илон чиқаверади,
Йўқ, бу тошлар сақлай олмас эгасини офатдан.

С а й ё р а

(Берунийга ҳирс билан тикилиб)

Ҳа, муҳаббат дардидан ҳам сақлар эмиш бу тошлар.

Б е р у н и й

Ҳеч ишонманг! Бари ёлгон!

С ай ё ра

Мен ҳам ишонганим йўқ!
Рост, бу тошлар муҳаббатдан мени сақлай олмайди,
Ишқ ўтида ёнмоқдаман, ёрдам беринг!

Б е р у н и й

(ҳаяжонда)

Маликам,
Бу гапларни нима учун менга айтаётибсиз?!

С ай ё ра

Чунки менинг севганим — сиз!

Б е р у н и й

(ҳаяжонда ўрнидан ирғиб туради)

Бу қандай гап! Ё раббий!
Қандай қилиб тил боради бу гапларни айтишга!

С ай ё ра

Иложим йўқ, Абу Райҳон, юрагимни очмасам,
Тенгсиз ҳижрон азобида бўғиламан, ўламан.

Б е р у н и й

Ахир, бекам. эрингиз бор!

С ай ё ра

Мен эримни севмайман!

Б е р у н и й

Э, худойим, менга бўлак жазо, ташвиш йўқмиди!

С ай ёра

Сиз ажойиб мунажжимсиз... Мен ҳам... севги бобида!
Мен муҳаббат осмонида ёруғ юлдуз ахтариб
Сизни топдим, Абу Райҳон!

Беруний

Янглишасиз, маликам!

С ай ёра

Биламан, сиз Гулсанамни севасиз...

Беруний

Ҳа, севаман.

С ай ёра

Наҳот мендай маликадан афзал бўлса канизак!

Беруний

Севги учун маликами канизакми, фарқи йўқ.
Ошиқ фақат бўйсунди юрагининг амрига.
Ҳа, маликам, маликадан афзал менга канизак!

С ай ёра

(Берунийнинг олдида тиз чўкиб)

Абу Райҳон, ёлвораман, маҳрум этма васлингдан!
Маликаман, қул бўл десанг, қул бўламан сен учун!

Беруний

Уят! Туринг ўрнингиздан! Туринг! Мени қийнаманг!
Дунёда энг ёмон кўрган нарсам менинг — хиёнат!

Шу топда орқа томондан аста босиб ўйчан Маъмур
киради. Уни кўриб, Сайёра ғазаб билан ўрнидан ирғиб
туради.

С ай ё ра

Нима учун сўрамасдан ҳузуримга кирдингиз?
Пойлаб юрган эдингизми?!

Маъ мун

Нега пойлай, маликам,
Хаёл суриб келиб қолдим...

С ай ё ра

Бир нафас ҳам ором йўқ!

С ай ё ра шитоб билан чиқиб кетади. Беруний қаттиқ
хижолатда.

Б е р у н и й

Кечирсинлар, мени, шоҳим, менда гуноҳ...

Маъ мун

(сўзини бўлиб)

Гуноҳ йўқ!

Ажабланманг, бу табиий бир ҳодиса, хонимнинг
Навбатдаги инжиқлиги, навбатдаги шўхлиги...

Б е р у н и й

Ахир, шоҳим...

Маъ мун

Ташвишланманг! Агар унинг феълини
Билмаганда сиздан хафа бўлар эдим. Ҳолбуки,
Бу илоннинг кирдикори, иши, хулқу атвори
Менга маълум...

Б е р у н и й

Ундай бўлса...

Маъмуни

Осон эмас, азизим...

Эҳтимол у шу йўл билан орамизга совуқлик
Ва тафриқа солмоқчидир... Жанжал чиқармоқчидир...
Оғасига бир баҳона топиларди у ҳолда...
Саройда мен ёлғиз қолдим... Яқинлардан айрилдим...
Мана, катта малика ҳам шу илоннинг қурбони.
Заҳар берган ўша, аммо, исбот қилиб бўлмайди...
Бу кетишда ўзимга ҳам навбат келиб қолмаса
Деб кўрқаман... Уз уйимда бегонаман, ортиқман.
Бутун сарой Қоратегин, Сайёранинг қўлида,
Ушаларга бўйсунди хизматчилар, соқчилар.
Мана, ҳали Дабирни ҳам банди зиндон қилишди.
Битта ўша менга ҳалол хизмат қилиб турувди...
Бу газанда менга қарши бир баҳона топсаю
Оғасига хабар берса, Хоразмни забт этса...
Мен Маҳмуднинг менга қилган марҳамати оқибат
Шундай аянч натижалар беришини билмасдим...
О, азизим, энди сарой менга зиндон, жаҳаннам!

Беруний

Минг афсуски, бу аҳволга ўзингиз ҳам айбдорсиз!
Қаттиққўллик қилиш керак, шоҳим, давлат ишида.
Ҳаммасини ҳайдар эдим ўрнингизда мен бўлсам!
Уруш деса, урушардим, қўрқиб ўтирмас эдим!

Маъмуни

Йўқ, Маҳмуднинг қўшини кўп, бардош бера олмаймиз!

Беруний

Халқимизга суйнардим, халқни жангга чорлардим,
Хоразмнинг арслонлари жангда енгилган эмас!

Маъмуни

Тўғри, аммо, жуда мушкул бу ишларни ҳал қилиш...

Б е р у н и й

Дунёда ҳеч осон иш йўқ! Осон ишни ахтарманг!
Адалхусус, катта ишнинг машаққати кўп бўлур!
Машаққатга чидаганлар доим зафар қозонур.
Кўпчиликнинг овозига қулоқ солганингизда,
Қилган ишни дўстлар билан бамаслаҳат қилганда,
Бу фожиа, бу кўргулик юз бермаган бўларди!

М а ь м у н

Гапларингиз тўғри, аммо, вақти ўтган...

Б е р у н и й

Минг афсус!
Халқ ғазабда, халқ норози! Исён кўтармоқчи халқ!

М а ь м у н

Сабаби не?

Б е р у н и й

Яна беклар сувни босиб олибди.
Деҳқонларнинг ери сувсиз, қуримоқда экинлар.
Шоҳим, халқнинг адолатли талабини қондиринг!
Агарда халқ тинчимаса, мамлакат ҳам тинчимас.
Сув бобида қондани ва тартибни бузганлар,
Ким бўлмасин, жазосини тортишлари керакдир.

М а ь м у н

Биласиз-ку, ҳозир беклар менга қулоқ солмайди.
Абу Райҳон, ҳозир бошқа ташвишлар бор бошимда...
Ички исён хавfli эмас, бостирамиз куч билан.
Ташқи ёвни ўйлаш керак, жуда хавfli ташқи ёв.
Халққа бориб бу гапларни тушунтиринг, тушунсин.

Б е р у н и й

Афсуски, шоҳ, бу гапларнинг халққа сира нафи йўқ!
Менга рухсат!

Маъмуни

Сабр қилинг. Яна султон Маҳмуддан
Нома келди, шу номани эрта-индин тўпланиб
Муҳокама қилмоқчимиз, сиз ҳам келинг, илтимос!

Беруний

Хўп, келаман.

Маъмуни

Маликанинг найрангини унутинг.
Қани юринг, аввал сизга ўша хатни кўрсатай.

Беруний билан Маъмуни чиқиб кетадилар. Бир ордан
сўнг Сайёра орқасидан Сухсур киради.

Сайёра

Сўзларини эшитдингми?

Сухсур

Ҳаммасини эшитдим.

Сайёра

Яхши, кейин ҳаммасини менга айтиб берарсан.

Сухсур

Жоним билан.

Сайёра

Хўп, майли бор, чақирганда кирарсан.

Сухсур

Хўп бўлади, амрингизга мунтазирман, маликам.

Сухсур чиқиб кетади.

С ай ё ра

О, режалар оша қолса эди тезроқ амалга,
Хоҳишимча яшар эдим, яшар эдим ниқобсиз...
Шоҳ жонимга тегди жуда... Қоратегин дағал, мол...
Ҳа, амалга ошмайдиган кўринади оғамнинг
Менга берган топшириғи... Ужар экан Беруний...
Қизиқ, ўйин десам сира ўхшамайди ўйинга.
Наҳотки, мен Берунийни севиб қолсам? Ҳа, шундай...
Аллақандай жозоба бор, улуғлик бор олимда.
Мажбур ётар кеча-кундуз ўз ҳақида ўйлашга.
Нега мендан ҳазар қилур? Негача менга кўнгли йўқ?
Гўзалман-ку! Гўзаллигим не-не аслзодани
Бир кўришда телба қилган!.. Аммо, аммо Беруний
Менга худди ялмоғизга қарагандай қарайди.
Менга нафрат билан қарар, бу мен учун ҳақорат!
Қандай қилиб зарба берай унинг мағрур қалбига?
Қандай қилиб қасос олай мендан кулган одамдан?
Ҳа, Гулсанам унинг қалби! Зарба берай қалбига!

Хонтахта устида турган олтин кўзадаги шаробдан икки биллур
қадаҳга қуяди. Бармоғидаги олтин узукни очиб, қадаҳларнинг би-
рига заҳар солади. Сўнг, қарсақ чалади. С у х с у р киради.

С у х с у р

Хизмат, бекам?

С ай ё ра

Гулсанамни чақир, унда гапим бор.

С у х с у р

Хўб бўлади.

(Чиқиб кетади.)

С ай ё ра

Гуноҳимни ўзинг кечир, худойим.

Гулсанам киради.

Гулсанам

Чақирибсиз, бекам?

Сайёра

Ҳа, кел, пича отамлашайлик.

Қани, ўтир!

Гулсанам

Раҳмат, бекам.

(Ўтиради.)

Сайёра

(унга тикилиб.)

Ҳа, чиройли экансан..

Авваллари сенга яхши қарамаган эканман.

Гулсанам

Уялтирманг... Бу даргоҳда сиздан гўзал аёл йўқ!

Сайёра

Берунийни севасанми?

Гулсанам

(ҳаяжонда)

Нима, ўзи айтдимиз?

Сайёра

Ўзи айтди... У ҳам сени севар экан...

Гулсанам

Худойим!

С ай ё ра

Жуда қаттиқ севасанми?

Г ул с а н а м

Жуда қаттиқ севаман!

С ай ё ра

Абу Райҳон жонингни бер деса, берар эдингми?

Г ул с а н а м

Жон-жон дея берар эдим юзта жоним бўлса ҳам!

С ай ё ра

Абу Райҳон Берунийни севишингга ишондим,
Севганингнинг бахти учун узоқ яша, Гулсанам!

Г ул с а н а м

Раҳмат сизга, улуғ бекам! Раҳмат сизга, маликам!

С ай ё ра

(заҳар солинган қадаҳни Гулсанамга беради)

Хўб, бўлмаса, Берунийнинг соғлигига ичайлик!

Г ул с а н а м

Берунийнинг соғлигига жон-жон дея ичаман!

Ичадилар. Кўп ўтмай, Гулсанам бўғила бошлайди.

С ай ё ра

Ҳа, шунақа! Бу шум дунё кимга вафо қилибди!

Г ул с а н а м

(бўғилиб)

Нима бериб эдинг, жаллод, юрак-бағрим ёнмоқда!..

С ай ё ра

Бир оз оабр эт! Бу дунёнинг барча ташвишларидан
Халос бўлиб, тўппа-тўғри йўл оласан жаннатга!

Г ул с а н а м

Абу Райҳон!.. Абу Райҳон!.. Абу Райҳон!.. Алвидо!..

Гулсанам ўлади.

С ай ё ра

Сухсур! Сухсур!

С у х с у р

(кириб)

Лаббай, бекам! Ие, шўрлик ўлдими?!

С ай ё ра

Қоратегин кирсин, чақир!

С у х с у р

Хўб бўлади. Вой, шўрлик!

Сухсур чиқиб кетади. Бир оздан сўнг, Қоратегин киради.

Қ о р а т е г и н

Нима бўлди? Улибди-ку!

С ай ё ра

Заҳар ичиб қўйибди,
Сабабкори юраги тош Абу Райҳон Беруний!
Мурдасини олиб бориб Берунийга берасан,
Ўзи кўмсин ҳижронида ҳалок бўлган ёрини!
Айрилиққа чидолмасдан заҳар ичиб ўлди, де!

Қоратегин Гулсанамнинг жасадини олиб чиқиб
кетади.

О, Беруний! О, тошюрак! Энди менинг зарбамга
Қандай бардош бера олур экан мағрур юрагинг!

П а р д а

ТУРТИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ КУРИНИШ

Биринчи саҳнадаги манзара. Шоҳ Маъмур ғамгин, ўз тахтида ўтирибди. Саройга Хоразмнинг аркони давлатлари, ас-зодалар, беклар, лашкарбошилар тўпланганлар. Буларнинг орасида Беруний, Ибн Сино, Суҳайлий, Шайхулислом, Маймандий, Қоратегин, Сополтегинлар ҳам бор. Булар Султон Маҳмуддан келган мактубни муҳокама қилиш учун йиғилишган. Вазият жиддий, оғир.

Маймандий

Бир мароғаб, улуғ султонимизнинг ҳақли талабларини ноҳақ рад этиб, хатога йўл қўйдингиз. Султонимизнинг муборак номларини хутбага қўшиб ўқитмадингиз.

Беруний

Жуда тўғри қилинган!

Шайхулислом

Мутлақо нотўғри қилинган!

Маймандий

Муҳтарам зотлар, мен ҳали сўзимни тугатганим йўқ. Мен тахти олийга тўпланган эътиборли жамоатга: аҳли

саройга, аслзодаларга, бекларга, лашкарбошиларга султонимизнинг Хоразмшоҳ номига юборган сўнги ва табаррук мактубларини ўқиб эшиттиромоқчиман. Мактуб: «Хоразмшоҳ бу ишнинг оқибати нималарга олиб келишини билиб, хутба масаласида бизнинг амру фармонимизга бўйсунган бўларди-ю, аммо унинг аъёнлари бунга йўл қўймаган кўринади. Ўз ҳукмдорига уни қил, буни қилма, деб ўз хоҳишларини ўтказган кимсаларни «фуқаро», ёки «лашкарбоши» деб айтолмаймиз. Зероки, шунинг ўзидаёқ давлатнинг заифлиги намоян бўлади. Биз, бу тоифа бешбошларга нисбатан дарғазаб бўлиб Балх шаҳрида узоқ туриб қолдик ва бу ерда юз минг лашкар ва беш юз нафар фили жанги тўплادик. Муродимиз Хоразмга юриш бошлаб, ўз ҳукмдорининг раъйига монелик қилган бадкирдорларга жазо бермоқ ва уларни ҳақ йўлга қайтармоқ эди. Шунинг билан бирга, биз, биродаримиз, жезнамиз шоҳ Маъмунни ҳам гафлат уйқусидан уйғотиб, давлатни қандай идора қилишни унга ўргатиб қўймоқчи эдик. Чунки, заиф амир давлатни идора қилолмайди. Аммо яна бир қарра сабру қаноат қилишни ва севиқли куёвимиз шоҳ Маъмунга эси ҳушини йиғиб олишни ҳавола қилишни лозим топдук. Нима бўлганда ҳам Хоразмшоҳ бу сафар султон Маҳмуд Ғазнавий номига хутба ўқитади ва шу билан Ғазнага тобелигини билдиради, деган умиддамиз. Агарда...»

Ш у н қ о р б е к

Англашилди!

Ж а й ҳ у н б е к

Тушунарли!

Қ о п л о н б о т и р

Етар, вазир, бас қилинг!

М а й м а н д и й

Бас қил десанг, бас қиламан. Қани, шоҳим, не дейсиз?

Маъмун

(шошиб, ўзини йўқотиб)

Нимага мен?!

Суҳайлий

Чунки, шоҳсиз! Мамлакатнинг ҳокими!

Маъмун

Йўқ, йўқ! Аввал, эшитайлик бошқаларнинг фикрини.

Беруний

Ахир, шоҳим, биласиз-ку бошқаларнинг фикрини!
Нега керак қайта-қайта тушунтириш, такрорлаш!

Маъмун

Фикрингизни Маймандийнинг ҳузурида айтинглар,
Токи, вазир ўз қулоғи билан гапни эшитсин!

Беруний

Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг талаби рад этилсин!

Шайхулислом

Ахир, нега бундай дейсиз! Жанжал, уруш чиқармиш,
Беҳудага қон тўкишлик нега керак, Беруний!
Қанча ҳурмат қилсак арзир Маҳмуд каби ғозийни!

Ибн Сино

Сўзларингиз хоинларнинг сўзи эрур, тақсирим!

Шайхулислом

Сиз гапирманг, Ибн Сино! Сиз даҳрийсиз! Кофирсиз!

Қоплон ботир

Тақсир, сиздек мусулмондан кўра даҳрий саналган
Ибн Сино айтган сўзлар афзал эрур биз учун!

Суҳайлий

Тушунинглар! Ғазнавийнинг мақсадлари бегараз!

Беруний

Ундай бўлса, нима учун Хоразмни Маҳмуднинг
Сарбозлари босиб кетди? Нима учун дарвишлар,
Қаландарлар, савдогарлар, девоналар, дайдилар —
Кўча-кўйда изғиб юрар қутқу солиб тинмасдан!
Нима учун бозорларда, мачитларда Маҳмудни
Осмонларга кўтаришиб мадҳ этмоқда маддоҳлар?!
Кофирларга қарши жангга, ғазавотга отланинг,
Даҳрийларни юртдан ҳайданг, дея улар жар солиб,
Фуқарони ғалаёнга солмоқдалар не учун?!
Йўқ, Суҳайлий, бу ишларнинг замирида ғараз бор!
Саройда ҳам Ғазнавийнинг одамлари ҳукмрон!

Маймандий

Бу табиий! Чунки султон қариндоши, куёви
Шоҳ Маъмунни хоразмлик бебошлардан сақлайди!

Шовқин кўтарилади.

Шунқорбек

Бу қандай гап!

Жайҳунбек

Беҳаёлик!

Қоплон ботир

Бу биз учун ҳақорат!

Суҳайлий

Беклар, шовқин кўтарманглар! Қоплон ботир, тинчланинг.

Беруний

Агар Маҳмуд Ғазнавийнинг талабини қондирсак,
Агар хутба ўқитилса Ғазнавийнинг номига,
Хоразмни икки қўллаб унга тутган бўлардик!
Сўнг, Хоразм қарам бўлиб қолур эди Ғазнага!

Маъмун

Ундай эмас! Кўп оширманг, Абу Райҳон Беруний!
Султон мени иззат қилур. Агар унинг номига
Хутба ўқитилганда ҳам Хоразмнинг шаънига
Доғ тушмайди, мавқеини йўқотмайди Хоразм.

Шайхулислом

Боракалло! Гапингиз ҳақ! Биз хурсандмиз, шаҳаншоҳ!

Беруний

Демак, султон талабини қабул қилмоқчимисиз?

Маъмун

Бошқа илож топиламайди. Абу Райҳон, азизлар!..

Яна шовқин кўтарилади. Беклар, лашкарбошилар қилич яланғочлаб,
шоҳга ҳужум қиладилар. Қоратегин, Сополтегин ва уларнинг
сарбозлари ҳам қилич яланғочлаб, шоҳни ҳимоя қиладилар.

Шунқорбек

Бу хиёнат!

Жайҳунбек

Бу сотқинлик!

Қоплон ботир

Улим! Улим, сотқинга!

Қоратегини

Узингни бос, Қоплон ботир!

Сополтегин

Қўлингни торт, ҳовлиқма!

Ҳамма ҳаяжонда, саросимада. Баъзилар қўрқиб,
саройдан тез чиқиб кетадилар.

Шайхулислом

Шошманг! Тўхтанг! Бу қандай гап! Оздингизми ақлдан!
Қандай қилиб шоҳга қарши қилич яланғочлайсиз!

Қоплон ботир

Бу шоҳ эмас, хиёнатчи!

Шунқорбек

Шоҳ сотилган!

Жайхунбек

Шоҳ — сотқин!

Беруний

Қизишманглар! Беҳуда қон тўкилмасин! Қизишманг!

Қоплон ботир газаб билан қиличини қинга солади.
Бошқалар ҳам қиличларини ғилофига соладилар.

Қоплон ботир

Шуни яхши билиб қўйинг, Шайхулислом, шаҳаншоҳ,
Сизлар юртни берсангиз ҳам биз бермаймиз душманга!
Сизлар юртни сотсангиз ҳам биз сотмаймиз ҳеч қачон!
Ҳеч қанақа ёвузга ҳам қул бўлмайди Хоразм!
Хоразмнинг лашкари бор! Хоразмнинг халқи бор!

Ал Хоразмий юрти оёқ ости бўлмас ҳеч қачон!
Хоразмнинг дулдуллари ҳали кишнаб турибди.
Хоразмнинг сарҳадлари ҳали жуда мустаҳкам!
Қўлимиздан ҳали қурол тушган эмас, тушмайди!
Ёвга қарши жанг қиламиз бир томчи қон қолгунча!
Билиб қўйинг Қоратегин, Сополтегин, Маймандий,
Агар юртга бош суқсангиз, бошдан жудо бўласиз!
Шоҳ кўнса ҳам халқ кўнмайди Ғазнавийнинг сўзига!
Қани, кетдик, биродарлар, тарк этамиз саройни!
Субутсизлар ва қўрқоқлар жон сақласин саройда!

Қоплон ботир бошлиқ беклар, лашкарбошилар
шитоб билан саройдан чиқиб кетишади.

Маъмун

(саросимада)

Вазир, энди нима қилдик?

Суҳайлий

Ҳа, яхши иш бўлмади...

Маъмун

Абу Райҳон, нима қилай?

Беруний

Мен ҳеч қачон, шаҳаншоҳ,
Сизни шундай қиёфада, шундай аянч аҳволда
Кўраман деб ўйламаган эдим... Афсус... Минг афсус...
Олиб бўлмас энди, шоҳим, ҳалокатнинг олдини.
Шоҳим, мени кечирсинлар, сиз муносиб эмассиз
Хоразмдай улуғ юртга, буюк, шонли ўлкага!
Ибн Сино, кетдик, биз ҳам ортиқчамиз саройда!

Беруний билан Ибн Сино чиқиб кетадилар.

Маъмун

(баҳириб)

Тақсир, ахир бирор нарса десангиз-чи! Бу не ҳол!
Бу тушимми ё ўнгимми?! Ёрилгудек юрагим!

Ш ай ху л и с л о м

Қўрқманг, шоҳим, улуғ султон ўзи сизни қутқарур!
Яхши бўлди ғаламислар, даҳрийларнинг кетгани!

М а ъ м у н

Яхши эмас! Яхшироқдир бу кунимдан ўлганим!

Ш ай ху л и с л о м

Мен ҳам кетдим, шаҳаншоҳим, намоз қазо бўлмасин!

Ш ай ху л и с л о м чиқиб кетади.

С у ҳ а й л и й

Ҳа, тақдирга тан беришдан бошқа чора қолмади.

С у ҳ а й л и й ҳам чиқиб кетади. Ш о ҳ ғамгин, ўйчан
чиқиб кетади. С ай ё р а киради.

С ай ё р а

Ҳамма гапдан хабарим бор! Ҳамма сўзни эшитдим!
Кўнгилдаги гаплар бўлди!

М ай м а н д и й

Худди шундай, маликам.

Қ о р а т е г и н

Мана энди, режаларни оширамиз амалга!

М ай м а н д и й

Баҳоналар етарлидир!..

С ай ё р а

Сополтегин, хабар қил!

Иш бошласин айғоқчилар, суворийлар, жосуслар.
Ҳамма ерда баббаробар жанг ва қиргин бошлансин!
Тўғонларни бузинг дарҳол, сувсиз қолсин Хоразм.

Муҳим жойлар, истеҳкомлар дарҳол қўлга олинсин!
Ўт қўйилсин шаҳарларга, қишлоқларга, саройга!

С о п о л т е г и н

Ҳаммасини бажарамиз, хотиржам бўл, маликам!

Сополтегин чиқиб кетади. Ташқарида шовқин кўтарилади.
жанг садолари, қилчларнинг шарақлаган товушлари эшитилади.
Сарой атрофида ёнгин шуълалари кўрина бошлайди. Ҳовлиқиб
Маъмун киради.

М а ъ м у н

Нима бўлди? Нима шовқин?! Қаранг, сарой ёнмоқда!

С а й ё р а

Хоразмнинг бебошлари саройингга ўт қўйди.
Ичкарига киришмоқчи, бизни ҳалок этгали!

М а ъ м у н

Э, худойим! Қоратегин, сарбозларинг қаерда?
Чақир, бизни қўриқласин!

Қ о р а т е г и н

Улар жангда, шаҳаншоҳ.

С а й ё р а

Қўрқма, Маъмун, сени ёлғиз мен қўриқлай оламан!

Сайёра Маъмуннинг кўксига ханжар уради, Маъмун йиқилади.

М а ъ м у н

О, хиёнат!.. Абу Райҳон, Қоплон ботир, қайдасиз!..
Мени булар ўлдирмоқчи... Тезроқ келинг... Қутқаринг...

Маъмун ўлади. Ичкаридан саросимада сарой аҳллари,
к а н и з а к л а р чиқишади. Ҳамма даҳшатла.

С ай ё р а

(Маъмурнинг устига ўзини ташлаб доғулиларча
йиғлайди).

Э, худойим, ожизларни паноҳингда сақлагил!
Тақдир экан, қандоқ қилай, бари сенинг ироданг!
Хоразмнинг бебошлари шоҳ Маъмурни ўлдирди.
Мени жудо қилишдилар севган вафодоримдан!
Парвардигор, қотилларга ўзинг дарҳол жазо бер!
Улуғ вазир, ёлвораман, бориб айтинг оғамга,
Тезлик билан Хоразмга қўшин тортсин, от қўйсин!
Мени, ёлғиз синглисини ҳалокатдан қутқарсин!
Хоразмда исён! Исён! Бизга қарши қўзғолон!
Дод, худойим, золимларнинг, қотилларнинг дастидан!
Кечир мени, меҳрибоним, сени асрай олмадим.
Хоразмлик бадкирдорлар сенинг разил қотилинг!

Сарой аҳллари, канизаклар Сайёрага қўшилиб йиғлашади.

Ҳар томондан ўт қўйдилар, ёнмоқдадир пойтахт!
Бу оловни ёлғиз оғам ўчириши мумкиндир.
Бориб айтинг, қонли ёшим Жайҳун бўлиб оқмасин!
Бориб айтинг, интизорман йўлларига оғамнинг!

М ай м а н д и й

Сўзларингни дарҳол бориб султонимга айтаман!

М ай м а н д и й кетади. Канизаклар йиғилишади. Атрофда
шовқин, фарёд, аланга кучая боради.

П а р д а

Т У Р Т И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Беруний боғининг бир чеккаси. Даҳшатли тун, узоқдан шовқин,
доду фарёд эшитилмоқда, ёнғинларнинг мудҳиш шуъласи осмонни
ёритмоқда. Б е р у н и й гамгин, Гулсанамнинг қабри устида турибди.

Б е р у н и й

Кўз ёшларим мазорингга тўкилмоқда, Гулсанам,
Сен кўрмайсан, сен сезмайсан, тинч уйқуда ётибсан.

Қабрингдан чиқ, Хоразмга бир назар сол, азизам,
Ёвузларнинг товонида топталмоқда Хоразм.
Таланмоқда, ёнмоқдадир бахти қора она юрт.
Сен қабрингда тинч ётибсан, дунё эса нотинчдир.
Даҳшат тўла дунёмизда ажал қанот қоқмоқда,
Бошларимга тегиб ўтган каби бўлур қаноти...
О, азизам, не сабабдан мени ёлғиз қолдирдинг!
Бу дунёда овунчоғим ва қувончим сен эдинг.
Якка қолдим, ёлғиз қолдим бу серғавғо жаҳонда...
Сен қоласан энди, жоним, мен кетаман узоққа.
Дунё қонли тузоқ экан, мен ҳам тушдим тузоққа...

Ғамгин Ж а ъ ф а р киради.

Ж а ъ ф а р

Юклар бари тайёр бўлди. Юринг, устоз, кетайлик.
Хайрлашиб бўлгандирсиз...

Б е р у н и й

Жилиш қийин бу ердан,
Худди ушлаб турган каби этагимдан Гулсанам...

Ж а ъ ф а р

Азиз устоз, фойдаси йўқ, қайтиб чиқмас қабрдан.
Ев яқинлаб келмоқдадир, ёмон бўлур кетмасак.
Юринг, устоз, ёлвораман!

Б е р у н и й

Дўстим, яна гул келтир.
Сўнгги марта гул сочайин Гулсанамнинг қабрига...

Ж а ъ ф а р чиқиб кетади. Беруний тиз чўкиб қабрни ўпади,
ёшини артади. Ж а ъ ф а р бир қучоқ гул келтиради.

Ж а ъ ф а р

Мана, устоз, гул келтирдим.

Беруний

(Ўрнидан туради, гулларни олиб Гулсанамнинг қабрига сочади)

Гулни яхши кўрарди... ,
Барча китоб, қўл ёзмалар олиними?

Жаъфар

Олинди.
Ҳеч бир нарса қолгани йўқ. Юринг, тезроқ кетайлик!

Беруний

Агар менга бирор нарса бўла қолса, азизим,
Қўл ёзмалар, китобларим йўқолмасин.

Жаъфар

Йўқолмас.

Ташқаридан от туёқларининг дупури эшитилади. Бир оздан сўнг
Ибн Сино билан Худойберди киришади. Иккови ҳам йўл
кийимида, қўлларида қамчи.

Ибн Сино

Қани, дўстлар, тайёرمىсиз?

Беруний

Сизлар бора туринглар,
Биз ҳадемай йўлга чиқиб, сизга етиб оламиз.

Ибн Сино

Ибн Ироқ, Масиҳийлар аллақачон кетишди,
Биз кечикдик, вақт ганимат, фурсат қўлдан кетмасин!

Беруний

Қоплон ботир келаман деб ваъда берган, келади.
Уни кутмай кетиб қолсам уят бўлур, азизим.
У биз билан ҳамроҳ бўлиб бормоқчидир сафарга.

И б н С и н о

Ундай бўлса Чуқурсойнинг нарёғида кутамиз.

Ж а ъ ф а р

Қумбосканнинг ёнидами?

Х у д о й б е р д и

Ҳа, шу ерда кутамиз.

И б н С и н о

Абу Райҳон, тезроқ боринг, кўнглим жуда безовта.

Б е р у н и й

Ташвиш қилманг, тезда дийдор кўришамиз, азизим,
Қаранг, дўстим, ўртанмоқда, кул бўлмоқда Хоразм!

И б н С и н о

Қандай даҳшат! Э, худойим, гуноҳимиз не эди!
Хўб, биз кетдик. Тезроқ боринг!

Б е р у н и й

Орқангиздан етамиз.

Ибн Сино билан Беруний қучоқлашиб хайрлашадилар. Сўнг Ибн
Сино ва Худойберди чиқиб кетишади. Кўп ўтмай, дарвоза
ёнидан чопиб кетган от туёқларининг дупури эшитилади.

Б е р у н и й

*(узоқлашиб бораётган от туёқларининг дупурига
қулоқ солади)*

Қоплон ботир бунча ҳаяллади... Таажжуб...

Ж а ъ ф а р

Жанг қилмоқда бўлса керак... Ё қуршовда қолгандир...

Соғлари тўзиган, кийимлари йиртилган, куйган Бибисора кириб келади. Бир қўлида қуруқ сопол коса. Уни кўриб Беруний даҳшатга тушади. Жаъфар ҳайратда, қўрқувда.

Бибисора

Мана, сув... Ичинг!.. Ичинг!.. Хоразмда сув йўқ.. Тўғонларни бузиб ташлашди... Мен бу сувни Амудан келтирдим... Ичинг!.. Ичинг!.. (Ийглайди.) О, шўрим... Хоразмга ўт қўйдилар... Хоразм ёниб кетди... Ана! Ёняпти!.. Сув сепинг!.. Сув сепинг!.. Ўтни ўчирилинг!.. Менинг уйим ҳам ёниб кетди... Боламни қилич билан чопишиб, ўлигини кузғунларга ташлашди... Боламни кузғунлар еб қўйди... Ёлғиз боламни... Энди тузалувди... Боламни қайтариб беринглар!.. Золимлар!.. Жаллодлар!.. Дод!.. Дастингиздан дод!.. Боламни қайтариб беринглар!.. (Ийглаб югурганча чиқиб кетади.)

Беруний

Қандай даҳшат! Қандай даҳшат! Фожиянинг сўнгги йўқ!.. Даҳшатларга дош беролмай телба бўлмиш, бечора...

Жаъфар

Ҳа, бечора Бибисора тамом озмиш ақлдан.

Шу пайт яраланган, қонга беланган Қоплон ботир қиличини судраб, гандираклаб, зўрга юриб кириб келади.

Беруний

(ҳаяжонда)

Қоплон ботир, нима бўлди?

Қоплон ботир

Ярландим...

Беруний

Ё, раббий!

Қоплон ботир

Алдадилар... Биз алдандик... Ха, саройда хиёнат!..
Шоҳ Маъмунни ўлдирдилар... Ут қўйишди саройга..

Беруний

Бошимизга бало ёғди! Даҳшат устига даҳшат!

Қоплон ботир

Кўчаларда жанг бормоқда... Ялпи қирғин бошланди...
Шунқорбек ҳам, Жайхунбек ҳам ҳалок бўлди урушда..

Беруний

Жаъфар! Қани, ярасини тезроқ боғланг!

Жаъфар

Хўб, ҳозир.

Қоплон ботир

Мени қўйинг... куним битди... Тезроқ қочинг...
Қочинглар...

Ҳадемасдан уйингизга душман босиб келади...
Афсус, энди сизга ёрдам беролмайман... кечиринг...
Сизни ёвдан қўриқламоқ эди менинг мақсадим...
Афсус... Афсус... мақсадимга етолмадим... минг афсус...

Қоплон ботир йиқилиб ўлади.

Беруний

(ҳаяжонда)

Шўрлик ўлди!.. Қандай даҳшат! Қандай даҳшат!
Худойим!

Ташқаридан шовқин, қилич жаранглари эшитилади. Кўп ўтмай,
қўлларида яланғоч қиличи, бир неча навкарлар билан Қо-
ратегин, Сополтегинлар кириб келишади.

Қоратегин

Ҳа, хайрият, уйда экан! Бахтимиздан ўрғилай!

Сополтегин

Энди ҳорма, Абу Райҳон, ахир қўлга тушдинг-ку!

Қоратегин

Бундай улуғ асир учун султон Маҳмуд Ғазнавий,
Бўйимизга ўлачаб туриб бизга олтин беради!

Сополтегин

(Қоплон ботирнинг жасадини тепиб)

Аблаҳ, ахир ўлибди-ку! Юз кишининг бошини —
Еди жангда! Мени эса, оғир ярадор қилди.
Ҳақиқатан бу ярамас уста қиличбоз экан.

Беруний

Тепма унинг жасадини ифлос оёғинг билан!

Сополтегин

Ҳо, ҳали ҳам бўш келмайди бу зот қўлга тушса-да!

Қоратегин

Қани дарҳол кишан солинг оёғига, қўлига!
Қилмишига лойиқ энди жазосини тортади!

Навкарлар Берунийнинг қўл-оёғига кишан соладилар.

Жаъфар

(йиғлаб)

Азиз устоз!..

Беруний

Қўй, йиғлама! Баланд кўтар бошингни!
Бу золимлар, бу аблаҳлар кўз ёшингни кўрмасин!

Сополтегин

Тилингни тий!

Беруний

Ҳеч вақт, малъун, тиёлмайсан тилимни!
Қўлларимга кишан солдинг, аммо менинг тилимга
Асло кишан сололмайсан, Ғазнавийнинг кўппағи!

Қоратегин

(заҳарханда билан)

Султон Маҳмуд ҳузурда бошқачароқ сайрайсан!
Қани, юринг, калондимоғ Абу Райҳон Беруний!

Берунийни олиб чикиб кетадилао.

Парда

БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Урганчининг бир чеккаси, дала. Султон Маҳмуднинг қароргоҳи, оқ чодир. Узоқдан ёнаётган Урганчининг алангалари кўриниб туради, жанг шовқинлари, отларнинг кишнашлари, одамларнинг фарёди эшитилиб туради. Даҳшатли ва нотинч тун.

Султон Маҳмуд чодирда яқин аъёнлари билан май ичиб ўтирибди. Чодирни белларига олтин камар боғлаган, ҳарбий кийимли хос ғуломлар сақламоқда. Султон Маҳмуд хурсанд, мағрур, ширакайф.

Маҳмуд

Хоразмнинг пойтахти бошдан-оёқ ёнмоқда,
Мен исиниб ўтирибман унинг алангасида.
Қулоғимга чалинмоқда мағлубларнинг фарёди,
Биз ғолибмиз! Тангри бизни ёрлақади бу гал ҳам!

Маймандий

Чунки, султон, сиз ғозийсиз! Сиз ғолибсиз доимо!
Тангри севган бандасига зафар ато қилади!

Маҳмуд

Барча қишлоқ ёндирилсин! Урганч хароб этилсин!
Тўғонларни бузиб ташланг! Боғлар пайҳон қилинсин!
Ишга яроқсиз касаллар, кексалар қатл этилсин!
Ёш-яланглар қул қилиниб, бозорларда сотилсин!
Хунармандлар, косибларни жўнатинглар Ғазнага,
Уша ерда ишласинлар бойлик қўшиб бойликка.
Хоразмнинг хазинаси, бойликлари филларга
Ортилсину хазинамга юборилсин.

Маймандий

Хўб, султон!

Ҳаммаси ҳам бажарилур.

Маҳмуд

Уч кун муҳлат беринглар,
Халқни талаб, ўлжаларга бойиб олсин аскарлар.

Маймандий

Хогиржам бўл, улуғ султон, айтганингдек қиламиз.

Маҳмуд

Хоразмнинг куни битди! Ҳа, бу ёруғ жаҳонда
Битта Ғазна обод бўлса, етади!

Маймандий

Ҳа, шубҳасиз!

Ташқарида чошиб келиб тўхтаган от туёқларининг дупури эшити-
лади. Кўп ўтмасдан, эркакча кийинган, қилич ва қалқон таққан,
олтин дубулаға кийган Сайёра кириб келади.

Сайёра

(қучоқ очиб)

Омонмисан, оғажоним! Соғ-саломат бормисан!

Маҳмуд

О, Хоразм маликаси!

Сайёра

(Маҳмуднинг бўйнидан қучоқлаб)

Сени жуда соғиндим!

Маҳмуд

(Сайёрани қучоқлаб, эркалаб)

Қойил қилдинг, азиз синглим! Сендан жуда розиман!

Маймандий

Оғасидек кўп ақлли! Оғасидек тадбиркор!
Оғасидек олий мақом! Оғасидек довюрак!
Ҳақиқатан султон Маҳмуд Ғазнавийнинг синглиси!

Маҳмуд

Ҳа, синглимнинг билагида юз арслоннинг кучи бор!
Юз йигитнинг юрагидан афзал эрур юраги!

(кулиб)

Ҳийлада ҳам юз шайтонга, минг иблисга дарс берур!

Сайёра

(кулиб)

Чунки менинг қиблагоҳим, устозим сен, оғажон!

Маҳмуд

(кулиб)

Оббо, сен-ей! Қани, вазир, шаробдан қуй, синглимнинг
Соғлиғига оқ ичайлик! Ҳамма қадаҳ кўтарсин!

М а й м а н д и й

(май қуйиб ҳаммага улашади)

Жоним билан маликанинг соғлигига ичаман!

Шайхулисломдан бўлак ҳамма ичади.

М а ҳ м у д

(Шайхулисломга хўмрайиб қараб)

Сиз нимага ичмадингиз?!

Ш а й х у л и с л о м

Мен умуман ичмайман...

М а ҳ м у д

Бу ер менинг қароргоҳим! Бу ерда мен ҳокимман!
Қари тулки, нима учун буйруғимни бузасан?!
Ё сен биздан афзалмисан?!

Ш а й х у л и с л о м

(қўрқиб)

Кечирасиз, султоним!

М а ҳ м у д

Ё сени ҳам ҳузуримга ажал ҳайдаб келдимиз?!

Ш а й х у л и с л о м

(даҳшатда)

Йўқ, йўқ, султон, узр, узр, ич десангиз ичаман!

Шайхулислом шошиб, соқолларига тўкиб, май ичади.
Ҳамма ундан кулади.

Маҳмуд

Энди жўна ҳузуримдан! Чодиримдан чиқиб кет!
Ғазабимни келтирмасдан, узоқроқ юр кўзимдан!
Хоинларни ёқтирмайман! Мунофиқлар душманим!

Шайхулислом

(қалтираб)

Хўб бўлади, улуғ султон, кет десангиз, кетаман...

(гандираклаб чиқиб кетади.)

Маҳмуд

Бу расвонинг хизмати кўп Хоразмни сотишда,
Кези келса, бизларни ҳам тап тортмасдан сотади.

Сайёра

Оға, энди менга рухсат!

Маҳмуд

Нега бунча шошасан!
Эндиги жанг, эндиги иш бўлаверар сенсиз ҳам.

Сайёра

Шаҳзодани кўрмакчиман. Шаҳзодани соғиндим!

Маҳмуд

Ундай бўлса майли.

Сайёра

Қайтиб ҳузурингга келаман.

Сайёра чиқиб кетади. Бир оздан сўнг Қоратегин билан Со-
полтегин қўл-оёғи кишанланган Берунийни олиб киради.

Қоратегин

Мана, султон, олиб келдик Берунийни!

Маҳмуд

Жуда саз!

Абу Али ибн Сино қани?

Қоратегин

Қочиб кетибди!

Маҳмуд

Бизни холи қолдиринглар! Қоратегин, Маймандий,
Сополтегин, сизлар эса ҳузуримда қолинглар!

Бошқалар таъзим билан чиқиб кетадилар.

Ахир қўлга тушибсан-ку! Хўш, қалайсан, Беруний!
Нима учун йўқлаганда саройимга келмадинг?!

Беруний

Хоҳламадим! Ор қилардим ҳузурингга келишдан!
Чунки жирканч бир махлуқсан, илму фаннинг душмани!
Жаҳолатнинг маконисан! Нодонликнинг конисан!
Нурга қарши зулумотсан, кўршапалак эрурсан!

Қоратегин

Тилингни тий, Абу Райҳон!

Маҳмуд

Шошма! Майли, сўзласин.

Тили ширин бўлар эмиш ўладиган боланинг!
Қўй, сўзласин, сўнгги дамда юрагида не бўлса.
Сўзла! Қўрқма! Юрагингда нима бўлса сўзлаб қол!
Сўнг пушаймон бўлиб юрма, ҳадемасдан тилингни
Қирқиб олиб, қийма қилиб итларимга ташлайман!

Беруний

«Тошга ёмғир кор қилурму муттасил ёққан билан»—
Деган гап бор халқ ичида, кор қилмайди сенга сўз!

Маҳмуд

Сўзламасанг мажбур қилур сўзламакка жаллодлар!
Қани, сўзла, фурсатинг оз, кўп ўтмасдан ўласан!

Беруний

Ҳа, биламан, сенинг касби коринг фақат ўлдириш!
Бундан бошқа марҳаматни сендан кутиб бўлмайди.
Сен жаллодсан! Қўлларинг қон! Вужудингдан қон томар!
Тожингга ҳам қон сачраган! Тахтингда ҳам қон изи!

Маймандий

Оғзингни юм! Ҳўзурингда улуғ султон турибди!

Беруний

Султон эмас, йиртқич! Иблис!

Сополтегин

(қилич сугуриб)

Бас қил! Чопиб ташлайман!

Қоратегин

Узр сўра! Тиз чўк дарҳол!

Беруний

Тиз чўкмайман ҳеч қачон!

Маҳмуд

Қизишманглар!

Беруний

Агар менинг тўғри гапим ёқмаса,
Гапга солиб ўтирмасдан чиқаравер ҳукмингни!

Маҳмуд

Сен нимангга ишонасан?

Беруний

Келажакка! Халқимга!
Авлодларнинг тақдирига ишонаман!

Маҳмуд

Таажжуб!

Мендан сира ҳайиқмасдан ўз фикрини юзимга
Очиқ-ойдин айтадиган одамлар ҳам бор экан...
Ҳа, айтгандай, сенинг тагинг паст экан деб эшитдим,
Ўтинчилик қилиб ўтган экан онанг, шу ростми?

Беруний

Ҳа, рост, онам ўтинчилик қилар эди туну кун,
Ўтин териб, ўтин сотиб мени боққан, улғайтган.
Ҳа, онамнинг териб келган ўтинидан кулбаси,
Вайронаси исиганлар дуо қилган онамни...
Ҳа, онамнинг ўтинида қозонини қайнатган
Етим-есир, ғариблар ҳам ундан миннатдор бўлган...
Менинг онам ҳалол ва пок ҳамда художўй эди...
Таги паст деб ҳалол меҳнат қилганларни айтмайди.
Таги паст деб ҳалол меҳнат қилганларни талаган,
Ўғирлаган одамларни, каззобларни айтади!
Менинг тагим, асли зотим сеникидан тозароқ!
Мана, сени таги паст деб айтса бўлур, негаки,
Сенинг отанг турк ғуломи Себуктегин ашаддий
Қаллакесар, ўғри эди, ҳеч савоб иш қилмаган!
Хиёнатда ўтган бутун умри золим отангинг!
Сен ҳам жадал бормоқдасан ўз отангинг йўлидан!

Маҳмуд

Ундай эмас, янглишасан, мен шариат йўлига,
Дини ислом ишларига ҳаётимни тикканман.
Ғазавот деб қўлга қилич олган соҳибқиронман!

Беруний

Сўзларингнинг бари ёлғон! Сенга ниқоб — шариат!
Шариатни ниқоб қилиб ҳаё билмас юзинга,
Шариатни, адолатни оёқ ости қилгансан!
Дини ислом эмиш! Ёлғон! Дини ислом баҳона!
Сен худодан юз ўгирган имони йўқ султонсан!

Маҳмуд

Кўп ҳаддингдан ошаверма!

Беруний

Энди жаҳлинг чиқдими!
Модомики, сўз бердингми, тўхтатмагил сўзимдан!
Ҳақиқатни эшитиб ол, бир йўл ҳақгўй одамдан.
Онамдан ҳам азиз юртим Хоразм!
Не кунларни солдинг, жаллод, Хоразмнинг бошига!
Ана, қара, ўт ичида қоврилмоқда Хоразм.
Отларингнинг туёқлари гўдакларнинг бошини
Янчиб ўтди! Филларингнинг оёқлари остида
Қанча-қанча бегуноҳлар қолиб кетди!

Маҳмуд

Урушнинг

Қондаси шундай! Уруш шафқат нима билмайди.
Ўт қўйилур, қон тўкилур, ўлдирилур урушда.

Беруний

Нима учун Хоразмга қўшин тортдинг? Хоразм
Мусулмонлар ўлкаси-ку! Қани ўша шариат!
Дини ислом қайда қолди?!

Маҳмуд

Чунки, Маъмун саройи
Сенга ўхшаш даҳрийларга тўлиб кетди, уларга
Жазо бериш менинг эзгу бурчим эди!

Беруний

Баҳона!
Ҳеч мусулмон қилмайдиган ишни қилдинг, нобакор!
Қанча олим, қанча шоир, қанча-қанча аллома
Қиличингдан ҳалок бўлди!

Маҳмуд

Сен ҳам ҳалок бўласан!
Мен султонман! Бўйсунмаган менга ҳалок бўлади.

Беруний

Сен жаҳолат султонисан! Мен маърифат шоҳиман!

Маҳмуд

Сен гадосан! Китоблардан бошқа сенинг ниманг бор!

Беруний

Китобларим сенинг барча хазинангдан қимматроқ!
Менинг мулким фан-маърифат! Илму ҳикмат бойлигим!
Мен дунёни бойитишга, гуллатишга келганман.
Сен дунёни ёндиришга, кул қилишга келгансан!
Менинг йўлим равшан, ёруғ, қўлимда фан машъали.
Сенинг йўлинг харобазор, қадамингда қабрлар.
Сен вайрона истайдиган шум ниятли бойқушсан!

Маҳмуд

Вайронамиш!.. Ахир, менинг саройларим жаннат-ку!
Пештоқлари забаржаддан, остонаси тиллодан!

Беруний

Саройларнинг одамларнинг суягидан қурилган,
Ғарибларнинг қони билан қоригансан лойини!
Санойининг латифаси эсингдами?

Маҳмуд

Латифа?

Ҳеч қанақа латифани билмайман!

Беруний

Ҳа, бўлмаса,

Эшитмаган бўлсанг эшит, нима дейди Саной:

«Бир кун Султон билан вазир овга кета туриб, бир харобанинг ёнидан ўтибдилар. Харобада ўтирган иккита бойқуш бир-бири билан гаплашаётган экан. Вазир бойқушларнинг суҳбатига қулоқ солиб йиғлабди. Султон ҳайрон бўлиб, нега йиғлаётибсан, бойқушлар нима деяптилар, деб вазирдан сўрабди. Вазир, бойқушлар бир-бирлари билан қуда бўлмоқчи, бойқушларнинг бири иккинчисидан қизимнинг қалини учун ўн минг хароба берасан деб талаб қиляпти, иккинчиси эса шошма, сабр қил, агар султон Маҳмуд Ғазнавий яна бир йил ҳукм сурса, мен сенга ўн минг эмас, юз минг хароба бераман деяпти, деб жавоб берибди».

Маҳмуд

(бақиради)

Елғон!

Маймандий

Тухмат!

Маҳмуд

Бунақа гап бўлган эмас!

Маймандий

Бўлмаган!

Беруний

(кулиб)

Бу шоирнинг ҳамда халқнинг сенга берган баҳоси!

Маҳмуд

Сен ўласан, Абу Райҳон!

Беруний

Ҳаммамиз ҳам ўламиз!

Ҳеч шубҳасиз, бир ўлим бор ҳамманинг ҳам бошида.
Биров олдин ўладию биров кейин ўлади.
Бу табиат қонунидир, вақти келса дунёдан —
Мен кетаман.

Маҳмуд

Вақти келди!

Беруний

Шаксиз, сен ҳам кетасан.

Барча қилган ишимизга тарих гувоҳ бўлади.
Келажакда ҳаммамизни тилга олур авлодлар,
Биримизни яхшилабу биримизни ёмонлаб.
Биримизга раҳмат айтур, биримизни лаънатлар.
Қани, айт-чи, авлодларга сендан нима қолади?
Харобами? Вайронами? Юзинг қора! Қўлинг қон!
Мен дунёга келиб фақат хайрли иш қилдим, ҳа,
Сенга ўхшаб юрт бузмадим, қон тўкмадим, ёқмадим.
Авлодларга мерос бўлиб, бойлик бўлиб халқ учун,
Мендан яхши сўз қолади, мендан китоб қолади.
Фаннинг буюк денгизига ирмоқ бўлиб интиладим.
Фан дарёси азим дарё, у дарёга менинг ҳам
Қилган ишим ҳеч бўлмаса томчи бўлиб қўшилур!

Маҳмуд

Демак, сўзинг тамом бўлди. Жаллод!

Шу топда югурганча Масъуд, орқасидан Унсурий
киради.

М а с ь у д

Шошманг, отажон!

Берунийга қўл кўтармак гуноҳ эрур, султоним!
Агар уни қатл этсангиз тарих сизни кечирмас,
Авлодларнинг лаънатига, нафратига қолурсиз.
Маърифатнинг хазинаси тугар — агар у ўлса.
Берунийни менга беринг, ундан таълим олайин!
Илм ўрганай Абу Райҳон каби улуғ олимдан.
Менга беринг Берунийни! Менга керак Беруний!
Кўпдан бери шогирд бўлгим келар эди устозга.

У н с у р и й

Шаҳзоданинг сўзларига қулоқ осинг, султоним!
Берунийдай алломани кўрган эмас замона!

М а с ь у д

(Маҳмуднинг оёғига йиқилиб)

Берунийни ўлдирсангиз мени қўшиб ўлдиринг!

М а ҳ м у д

Тур ўрнингдан! Пирим, яна сиз тушдингиз орага...

Масъуд ўрнидан туради. Маҳмуд ўйчан, Берунийнинг ёнига боради,
унга узоқ тикилиб қарайди.

Абу Райҳон олимлигинг қандай, уни билмайман,
Аммо, лекин, мардлигингга, юрагингга қойилман...
Мард экансан, ҳеч ким менга айтолмаган гапларни
Тортинмасдан, ҳайиқмасдан ва ўлимдан қўрқмасдан
Айта олдинг. Майли, қани, кишанини ечинглар...

Қоратегин билан Сополтегин Берунийнинг кишанларини ечишади.

Мана, ўғлим, Берунийни сенга бердим, ола қол;
Нима қилсанг ихтиёринг... пишириб е, хоҳласанг...

Маҳмуд орқасидан Маймандий, Қоратегин, Сополтегинлар чиқиб кетишади. Масъуд, Унсурий Беруний билан йиғлаб, қучоқлашиб кўришади.

М а с ъ у д

Азиз устоз, сизни кўрдим, бахтиёрман!

Б е р у н и й

Ташаккур!

У н с у р и й

Салом сизга улуғ олим, алломаи замона!

Б е р у н и й

(қаддини ростлаб узоқларга тикилади. Нурда ҳайкалдай бўлиб кўринади. У мағрур, у ғолиб)

Салом, бахтли авлодларим! Салом, бахтли замонлар!
Мен сизларга минг йил оша қизгин салом йўллаймам!
Қабул этинг бобонгизнинг эзгу саломларини!
Мен умримни илму фанга бағишладим — агарда
Яна минг йил яшасам ҳам худди шундай қилардим.
Чунки, фанга боғлиқ эрур келажакнинг камоли.
Чунки фанда аён бўлув ҳақиқатнинг жамоли.
Фан инсоннинг ақлу идрок, заковати, меҳнати,
Истеъдоди, даҳосининг баҳоси йўқ меваси.
Разолатнинг, тубанликнинг кушандаси эрур фан.
Олов бўлиб ёндирув фан жаҳолатни, зулматни,
Машъал бўлиб ёритув фан инсонларнинг йўлини!
Фан бобида яратганим илмий жавоҳирларни
Замонанинг ва тарихнинг қўлларига топширдим,
Улар сизга меросимни ҳеч шубҳасиз етказгай.
Келажакнинг умидлари нур бермакда кўзимга...
Авлодларим, дунёда сиз бор экансиз умримнинг
Ниҳояси йўққа ўхшаб кўринади ўзимга!..

П а р д а

Январь—19 апрель, 1973 йил

МУНДАРИЖА

ПОЭМА ВА БАЛЛАДАЛАР

Мирза Ҳамдам	7
Шоир ҳақида баллада	16
Фашистнинг ўлиги	20
Қасос	23
Елғончининг жазоси	29
Вафо	32
Чилдухтарон	45
Иш ахтариш жуда оғир иш	48
Баҳс	52
Ҳасёллар	60

ШЕЪРИЙ ПЬЕСАЛАР

Алишер Навоий	75
Асрлар	161
Олтин кўл	231
Лақма*	357
Абу Райҳон Беруний*	423

*© Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 й.

На узбекском языке

УЙГУН

СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ В 6-ТИ ТОМАХ, ТОМ III

ПОЭМЫ, БАЛЛАДЫ И ПЬЕСЫ

Редактор *Ж. Насриддинова*
Расомлар *Г. Аксенов, А. Кива*
Расмлар редактори *Н. Холиқов*
Техн. редактор *В. Барсукова*
Корректор *М. Аҳмедова*

Босмахонага берилди 3/ХП-1975 й. Босишга рухсат этилди 21/IV-1976 й. Формати 84×108^{1/32}. Босма л. 17,25. Шартли босма л. 28,98. Нашр л. 23,58+0,14 (5 вклейка). Тиражи 25000. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 129—75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 1-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1976 йил. Заказ № 319. Баҳоси 2 с. 28 т.